

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

М.Т.ЯХШИЕВА

ХОЗИРГИ ЗАМОН РАҶОБАТ
НАЗАРИЯСИ

ТОШКЕНТ – 2019

УДК: 339.137(575.1)

Яхшиева М.Т. Ҳозирги заман рақобат назарияси: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2019. – 280 бет.

Ушбу ўқув қўлланма кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ҳамда шу фан бўйича намунавий ва ишчи ўқув дастурлари асосида магистрантлар учун тайёрланган. Унда ҳозирги замон рақобат назариялари, Ўзбекистон иқтисодиётида рақобат мухитини шакллантиришнинг стратегик мақсадлари ва жаҳон бозоридаги рақобат усусларидан фойдаланиш механизмлари ўз аксини топган.

Ўқув қўлланмада рақобатга оид турли назариялар, концепциялар, стратегиялар ва моделларни таҳлил ва синтез қилиниб, улардан зарур ғоялар келтириб чиқарилган.

Ўқув қўлланмани тайёрлашда рақобат соҳасида Ўзбекистон республикаси Президенти асарларидан, маъruzаларидан, янги қонунлар, фармонлар ва қарорлардан, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича амалий ва статистик материаллардан фойдаланилган.

Шу билан бирга Кейнс, А.Смит, Ф.Перрү, А.Маршалл, Дж.Кейнс, В.Леонтьев, Й.Шумпетер, П.Сраффа, М.Портер, Ф.Котлер каби таниқли иқтисодчи олимлар асарларидан ҳам кенг фойдаланилган.

Ушбу ўқув қўлланма янги педагогик ва информацион технологияларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланган. Қўлланма биринчи навбатда магистрантлар учун мўлжалланган бўлиб, ундан мустакил изланувчилар, талабалар, малака ошириш институти тингловчилари ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш муаммолари билан қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Масъул мухаррир: проф. Б.Ю.Ходиев

Тақризчилар: и.ф.д. проф. Т.Т.Жўраев

и.ф.н., доц. Р.А.Юсупов

Яхшиева М.Т. Теория современной конкуренции: Учебное пособие. – Т.: ТГЭУ, 2019 г. 280 с.

Подготовленное учебное пособие составлено на основе требований Национальной программы по подготовке кадров, образовательного Госстандарта Республики Узбекистан, типовой и рабочей программы по данному магистерскому предмету. Он отражает современные конкурентные теории, стратегические цели создания конкурентной среды в экономике Узбекистана и механизмы использования конкурентных методов на мировом рынке.

Учебное пособие анализирует и обобщает различные теории, концепции, стратегии и модели конкуренции, а также предоставляет необходимые идеи.

При подготовке учебного пособия использованы труды Президента Республики Узбекистан, новые законы и постановления в области экономических реформ, фактические и статистические материалы по реализации экономической реформы. Использованы также труды таких видных экономистов, как А.Смит, Ф.Перрь, А.Маршалл, Дж.Кейнс, В.Леонтьев, Й.Шумпетер, П.Сраффа, М.Портер, Ф.Котлер и др.

Вместе с этим при подготовке данного учебного пособия использованы новые педагогические и информационные технологии. Пособие рассчитано в первую очередь для магистрантов и может использоваться независимыми исследователями, студентами, стажерами и теми, кто заинтересован в повышении конкурентоспособности национальной экономики.

Ответственный редактор: проф. Б.Ю.Ходиев

Рецензенты:

и.ф.д. проф. Т.Т.Жўраев

и.ф.н., доц.Р.А.Юсупов

Yakhshiyeva M.T. Theory of Modern Competition: A Training Manual. –T : TSUE, 2019 280 p.

The prepared textbook is compiled on the basis of the requirements of the National Program for Personnel Training, the educational State Standard of the Republic of Uzbekistan, the standard and work program for this master's subject. It reflects modern competitive theories, the strategic goals of creating a competitive environment in the economy of Uzbekistan and the mechanisms for using competitive methods in the world market.

The manual analyzes and summarizes various theories, concepts, strategies and models of competition, as well as provides the necessary ideas.

In preparing the manual, the works of the President of the Republic of Uzbekistan, new laws and regulations in the field of economic reforms, actual and statistical materials on the implementation of economic reform were used. The works of such prominent economists as A. Smith, F. Perru, A. Marshall, J. Keynes, V. Leontiev, J. Schumpeter, P. Sraffa, M. Porter, F. Kotler and others were also used.

Along with this, in the preparation of this textbook, new pedagogical and information technologies were used. The manual is designed primarily for undergraduates and can be used by independent researchers, students, interns and those who are interested in improving the competitiveness of the national economy.

Editor in chief:

prof. Khodiev B.YU.

Reviewers:

prof. Dgurayev T.T.

docent. Yusupov R.A.

Мундарижа

КИРИШ.	7
1-МАВЗУ. РАҚОБАТ НАЗАРИЯСИ ЭВОЛЮЦИЯСИ	11
1.1.Рақобатнинг иқтисодий мазмуни ва шакланишининг асосий тамойиллари	11
1.2. Рақобатнинг босқичлари ва вазифалари	15
1.3. Рақобат турлари ва усуллари	18
2-МАВЗУ. МУКАММАЛ ВА НОМУКАММАЛ РАҚОБАТ НАЗАРИЯЛАРИ	25
2.1. Мукаммал ракобат тушунчаси мазмуни. Мукаммал рақобатдаги бозор модели шартлари	25
2.2. Номукаммал ракобат турлари, амалга ошиш сабаблари	26
2.3. Монополияларнинг иқтисодий асоси ва уларнинг турлари	30
3-МАВЗУ. Рақобат кучлари назарияси	38
3.1. М.Портернинг рақобатнинг беш кучи назарияси	38
3.2. Корхона (фирмада) рақобат таҳлилида SWOT анализини қўллаш	42
3.3. Корхона (фирмада) рақобат таҳлилида “McKinsey 7S” таҳлил моделини қўллаш	47
4-МАВЗУ. РАҚОБАТБАРДОШЛИК ВА УНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ	56
4.1. Рақобатбардошлик тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари	56
4.2. Рақобатбардошликини тавсифловчи муҳим қўрсаткичлар	59
4.3. Макроиктисодий, мезоиктисодий ва микроиктисодий даражадаги рақобатбардошликини баҳолаш	62
5-МАВЗУ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШГА НИСБАТАН УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР	64
5.1. Рақобатбардошлик даражалари	64
5.2. Товар рақобатбардошлигини баҳолаш босқичлари	70
5.3. Рақобатбардошликини шакллантириш ва ривожлантиришнинг М. Портер модели (миллий ромб)	73
6-МАВЗУ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАРИ	77
6.1. Инсон капитали ривожланишининг назарий асослари	77
6.2. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда инсон	80

тараққиёти концепциясининг роли	
6.3. Таълим миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг омилли сифатида.	86
7-МАВЗУ. РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ОШИРИШДА НАРХ СИЁСАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА НАРХ ШАКЛЛАНИШИНГ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ	92
7.1. Рақобатнинг турли кўринишлари шароитида рақобатбардошликни оширишда нарх омилидан фойдаланиш	92
7.2. Рақобатлик нархлар шаклланишида давлат нарх сиёсатининг ўрни	98
7.3. Нрах шалкланишининг макро ва микроиқтисодий шарт-шароитлари	102
7.4. Монопол бозорларида нарх шаклланишини бошқариш усуллари	106
8- МАВЗУ. РАҚОБАТ УСТУНЛИГИ ВА УНГА ЭРИШИШ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ	109
8.1.“Барқарор стратегия, тузилма ва рақобатчилик” сифатида белгиланган рақобат жиҳатдан устунлигини шакллантиришнинг энг муҳим омили	109
8.2. Иқтисодиёт рақобатбардошлигини белгилаб берувчи омиллар таъсирига кўра босқичларга бўлиниши	111
8.3. Рақобат салоҳияти ва рақобатдошлиқ даражасининг умумий концепцияси	114
9- МАВЗУ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РАҚОБАТ УСТУНЛИКЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	119
9.1. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини давлат томонидан тартибга солиш сабаблари	119
9.2.Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги даражасини аниқлаш кўрсаткичлари	123
9.3.Кластерларни шакллантириш – иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили	128
10-МАВЗУ.РАҚОБАТНИНГ ИННОВАЦИЯЛАРНИ ТАДБИҚ ЭТИШ СТРАТЕГИЯСИ	136
10.1.Инновацион инвестицияларнинг миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишдаги роли	136
10.2.Иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида рақобат муҳитини шаллантиришнинг инновацион омиллари	144
10.3.Рақобатнинг кучайиши шароитида минтақаларни ривожлантиришнинг инвестициявий-инновацион стратегияси	133
11-МАВЗУ. РАҚОБАТНИНГ ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАШ СТРАТЕГИЯСИ	136

11.1. Дифференциаллашнинг иқтисодий мазмуни ва хусусиятлари	136
11.2. Фирманинг бозордаги ҳукмронлигини ошиши	166
11.3. Товарни дифференциаллашда рақобат устунлигига эришиш манбалари	169
12-МАВЗУ.РАҚОБАТНИНГ БОЗОРНИ СЕГМЕНТЛАШ СТРАТЕГИЯСИ	172
12.1. Рақобатнинг бозор тахмонлари стратегияси, фаолиятни истеъмолчиларнинг алоҳида гурухига ихтисослашуви	172
12.2. Мақсадли бозор талабарини қондириш имкониятлари	174
12.3. Истеъмолчилар талабининг хилма-хиллиги	177
13 - МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚОБАТЧИЛИК МУҲИТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ҚОНУНЧИЛИК	181
13.1. Рақобатчилик муҳитининг вужудга келиши ва уни сақлашда давлатнинг роли	181
13.2.. Республикаизда соғлом рақобат муҳитини яратишга оид Ўзбекистон Республикасининг маҳсус қонунлари	183
13.3. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг иқтисодиётни барқарор ривожланишидаги роли	186
14 -МАВЗУ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ	189
14.1. Иқтисодий институтлар миллий иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш сифатида	189
14.2. Кичик бизнесни ривожлантириш рақобат муҳитини шакллантиришнинг асоси сифатида	191
14.3. Ўзбекистонда рақобатбардош қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш муаммолари	193
15-МАВЗУ.РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	196
15.1. Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишда модернизация жараёнларининг ўрни	196
15.2. Иқтисодиётдаги интеграция жараёнларининг мマルакат иқтисодиёти рақобатбардошлигига таъсири	198
15.3. Глобаллашув ва Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувининг боғлиқлиги	201
15.4. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги замон ёндашувлари	206
Глоссарий	216

Кириш

Рақобатбардошликка эришишнинг замонавий моделлари иқтисодиётни ривожлантиришнинг умумий тусга эга ва рақобат мухитини шакллантириш хусусиятларидан иборат. Бу омиллар қуйидагилар: ишлаб чиқаришнинг сифат нуқтаи назаридан аҳволи ва унинг самарадорлиги; ходимларнинг илмий салоҳияти, малакаси, илмий-техник ютуқлари; асосий рақобатбардош тармоқларда турдош ва хизмат кўрсатувчи кичик тармоқлар аҳволи; талаб шартлари; корхона стратегияси ва таркиби.

Рақобат мухитини шакллантириш учун маҳаллий маҳсулотларнинг ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам юқори рақобатбардошлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда ишлаб чиқарилган, қайта ишланган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорлардаги улуши салмоғи сезиларли бўлсада, уни янада ошириш имкони мавжуд. Бу эса ички бозорни тўйинтириш ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга эътибор қаратишни долзарб қилиб қўяди. Барқарор ривожланишга эришиш ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш илғор инновацион иқтисодиётга эга бўлишни талаб этади. Бунга эришиш учун эса барча товар ишлаб чиқарувчилар учун ички бозорда teng рақобат имкониятларини, яъни қулай макроиктисодий мухит яратиш, миллий ишлаб чиқарувчиларни ташқи бозорларда қўллаб-қувватлаш, иқтисодий тараққиётнинг бугунги босқичида давлат миллий манфаатлардан келиб чиқадиган ва жаҳондаги вазиятни ҳисобга оладиган узоқ муддатли рақобат сиёсатини ишлаб чиқиши лозим.

Қулай макроиктисодий мухит билан маҳсулотни рақобатбардошлиги ўртасида барқарор ўзаро боғлиқликнинг мавжудлиги замонавий иқтисодий назарияни асосий қоидаларига мос келади ва кўп сонли амалий тадқиқотлар томонидан исботланган. Мамлакат рақобатбардошлигининг муҳим

кўрсаткичларидан бири – барқарор иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий мувозанатликни таъминланишидир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, таркибий ва институционал ўзгартиришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланмоқда.

“2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар Стратегиясида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда минерал хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича умумий қиймати қарийб 40 млрд. долларга teng бўлган 649 та инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутувчи тармоқ дастурларини ўз вақтида амалга ошириш белгиланмоқда”¹

Демак, ҳозирги кунда республикамиз саноат корхоналарини технологик янгилаш билан бир қаторда, инновацион жараёнларни стратегик бошқариш, рақобат муҳитини шакллантиришни давом эттирилишини тақозо этмоқда. Бу эса, ҳозирги иқтисодиётнинг барча соҳаларида глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви, мамлакатлар иқтисодиётининг интеграциялашуви ҳамда товарлар бозорида рақобатнинг кескинлашуви шароитида янада долзарб масалага айланмоқда. Замонавий ривожланиш ва унинг яқин келажакдаги истиқболининг ўзига хос хусусияти шундаки, инновацион жараёнларни стратегик бошқариш тобора зарурий воситага айланиб бормоқда. Бу тенденция иқтисодий ривожланган мамлакатларда ҳам, бозор ислоҳотлари яқинда амалга оширилаётган мамлакатларда ҳам кенг намоён бўлмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш кўп жиҳатдан иқтисодиётда амал қилувчи эркин рақобат мухитини яратилиши ва монополияга қарши сиёсатнинг такомиллашув даражасига узвий боғлиқдир. Бу эса, иқтисодиётда вужудга келадиган айрим номутаносибликларни ўз вақтида ва муваффақиятли бартараф этишда, ҳамда мамлакатда ракобат мухитини ривожлантишда тўсиқ бўла оладиган мавжуд муаммоларнинг аниқланиши ва ҳал қилинишини тақозо этади. Ҳозирги жадал иқтисодий ислоҳотлар даврида миллий хўжаликнинг самарали фаолият юритиши учун эркин рақобат мухити ва монополияга қарши сиёсат орқали макроиктисодий баркарорликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шу сабабли “Ҳозирги замон рақобат назарияси” фани бўйича ушбу ўқув қўлланма миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва эркин рақобат мухитини яратиш негизини ташкил этувчи ҳозирги замон рақобат назариялари, Ўзбекистон иқтисодиётида рақобат мухитини шакллантиришнинг стратегик мақсадлари ва жаҳон бозоридаги рақобат усусларидан фойдаланиш механизmlарига бағишлиланган долзарб ўқув қўлланма ҳисобланади.

Ушбу ўқув қўлланмада рақобат ва монополия соҳасидаги жараёнларнинг фақатгина юзаки, кўриниб турган томонларигагина эмас, балки уларнинг ички моҳияти, зиддиятлари ва боғланишларига, бу жараёнларнинг сабаб ва оқибатларига алоҳида эътибор берилди. Ушбу ўқув қўлланмада Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида рақобат ва монополия муносабатлари соҳасидаги муаммолар, айниқса, Президентимиз асарларида, маъруза ва нутқларида, қабул қилинган қонунлар ва қарорларда баён этилган тамойиллар, хусусиятлар ҳам қамраб олинди ҳамда назарияни амалиётга яқинлаштириш мақсадида рақобат ва монополия муносабатлари соҳасининг кўпгина умумий қонун-қоидалари бевосита Ўзбекистон ҳаёти мисолида ёритилди.

Асосий иқтисодий тушунчаларни соддароқ қилиб, оддий тилда, мисоллар, жадваллар, графиклар асосида тушунтиришга ҳаракат қилинди.

Ушбу ўқув қўлланма янги стандарт талаблари бўйича тузилган дастур асосида ёзилди. Ўқув қўлланмада дастурдаги асосий ва зарурий мавзулар қамраб олинган. Лекин ҳажм чекланган бўлганлиги учун кўпгина материаллар иложи борича қисқартириб берилди. Шунинг учун ўқув қўлланмада камчилик ва мунозарали жиҳатлар ҳам бўлиши мумкин.

“Хозирги замон рақобат назарияси” бўйича мазкур ўқув қўлланма янги педагогик ва информацион технологияларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланган. Кўлланма биринчи навбатда магистрантлар учун мўлжалланган бўлиб, ундан мустақил изланувчилар, талabalар, малака ошириш институти тингловчилари ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш муаммолари билан қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.


Муаллифлар ўқув қўлланманинг тузилиши, мазмуни, муаммоларнинг баён қилиниш тартиби ва услуги бўйича билдирилган ҳар қандай таклиф-мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қиласи ва кейинги ўқув қўлланма, дарсликлар тайёрлашда ҳисобга олади.

1 – МАВЗУ. РАҚОБАТ НАЗАРИЯСИ ЭВОЛЮЦИЯСИ

1.1. РАҚОБАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ ВА ШАКЛЛАНИШИННИГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Рақобат-иқтисодий категория сифатида бозор иқтисодиётининг ва умуман товар хўжалигининг энг муҳим белгиси, уни ривожлантириш воситаси, бозор механизмининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти ўзининг етуклик даражаси ва ривожланиш хусусиятларидан қатъий назар рақобатнинг мавжуд бўлишини тақозо этади. Шу билан бирга, бозор иқтисодиёти ривожланиб бориши билан рақобатчилик муносабатлари ҳам такомиллашиб, ўз шаклларини ўзгартириб боради.

Рақобат тушунчаси шу қадар серқирраки, уни қандайдир ягона умумий таъриф билан қамраб олиш мумкин эмас. «Рақобат» тушунчасини



аниқлаштиришнинг баъзи бир нуктаи назарларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Рақобат тушунчаси турли изоҳли лугат ва маълумотномаларда турлича таърифланади. Жумладан, «Язық бизнеса» номли луғатда: «Рақобат (лотинча concurregere – тўқнашув; инглизча

competition, rivalry) – бозорда иштирок этаётган корхоналар ўртасидаги ўз маҳсулотларини сотишнинг энг қулай имкониятларини таъминлаш, харидорларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондириш мақсадидаги ўзаро таъсир, ўзаро алоқа ва кураш иқтисодий жараёнидир. Рақобат ва монополия диалектик бирликни ташкил этиб, доимо бозорда бир-бирларига қарама-қарши турадилар»², деб ифодаланган. Бундан кўринадики, рақобатни нафақат кураш, балки ўзаро таъсир ва алоқа жараёни сифатида ҳам талқин этилган.

Рақобат кураши ва уни ҳаракатлантирувчи кучлар, монополияга қарши бошқарув механизmlари ҳақида дастлабки тўлақонли назарий қоидалар

² Язык бизнеса. Термины. Под ред. В.А.Чжена. Т.: ИПК «Шарк», 1995, с.216.

фақат XVIII асрнинг ўрталариға келиб пайдо бўлган. Бунда классик сиёсий иқтисод вакиллари саналган А.Смит ва Д.Рикардонинг хизматлари каттадир. Кейинги даврларда Ф.Перру, А.Маршалл, Дж.Кейнс, В.Леонтьев, Й.Шумпетер, П.Сраффа, М.Портер, Ф.Котлер ва бошқаларнинг меҳнатлари туфайли рақобат назарияси янада ривож топди. Рақобат моҳиятига тўхталар эканмиз, уни асосан уч хил ёндашувга бўлиш мумкин. Жумладан, хулқ-атвор ёндашуви, структурали ёндашув ва функционал ёндашув.

Рақобатнинг хулқ-атвор ёндашувига А.Смитнинг қарашларини киритиш мумкин. У рақобатни бозор субъектлари ўртасида товарлар харид қилиш ва сотиш борасида қулайроқ шароитлар учун олиб бориладиган, тўғри, ҳалол, тил бириктиришларсиз кураш, мусобақа билан боғлаган. У рақобат курашининг асосий усули деб нарх ўзгаришларини билган. Бунда у жамоа иродаси (ихтиёри) билан бошқарилмайдиган, умумий мўлжалларга эга бўлмаган бозорда қатъий хулқ-атвор қоидаларига амал қилишини қайд этган. Демак, рақобат–бозор қатнашчилари фаолиятини мувофиқлаштирувчи айнан ўша «кўринмас кўл»дир.

Ф.Перру рақобатни доимий таҳдидли ҳаракат сифатида тушунтиради. Инсон ўз манфаатини кўзлаб қимматроқ сотиб, арzon харид қилишга интилади. Шунинг учун рақобат билан доимий тўқашишга тўғри келади. Структурали ёндашувда асосий эътибор рақобатчиларнинг ўзаро курашидан бозор структураси, унда ҳукмронлик қилувчи шарт-шароитлар таҳлилига кўчиб ўтади. Масалан, К.Р. Макконнелл ва С.Л. Брюнинг асарларида айтиб ўтилишича, рақобат бозорда кўп сонли мустақил харидор ва сотувчилар мавжудлиги, харидор ва сотувчилар учун бозорга эркин кириш ва ундан чиқиши имкониятидир.

Рақобат моҳиятини аниқлашга учинчи ёндашувни функционал ёндашув сифатида тавсифлаш мумкин. У рақобатнинг иқтисодиётда ўйнайдиган ролини кўриб чиқади. Хусусан, Й.Шумпетер иқтисодий ривожланиш назарияси доирасида рақобатни эскиликнинг янгилик билан рақиблик кураши сифатида таърифлаган. Янгиликлар киритиш бозор томонидан шубҳа

билин қабул қилинади, бироқ агар новатор уларни амалга оширишнинг уддасидан чиқса, рақобат механизми эскирган технологиялардан фойдаланувчи корхоналарни бозордан сиқиб чиқаради.


Бугунги кунда рақобат тушунчасининг кўплаб таърифлари мавжуд. Жумладан, Ш.Шодмонов, У.Фауровлар томонидан тайёрланган «Иқтисодиёт назарияси» дарслигига рақобатга берилган таърифда асосан икки жиҳат: 1) унинг иқтисодий манфаатлар тўқнашувидан иборат эканлиги; 2) юкори фойда ва нафликка эга бўлиш учун кураш илгари сурилади, яъни:

Рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юкори фойда ва кўпроқ нафлийкка эга бўлиш учун курашни англатади.

Бунда ишлаб чиқарувчилар ўртасида сарфланган харажатларининг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ фойда олиш учун кураш боради. Мана шу фойда орқасидан қувиш натижасида товарларни сотиш доиралари, яъни қулай бозорлар учун, арzon хом ашё, энергия ва арzon ишчи кучи манбалари учун улар орасида кураш боради.³

Умумий тарзда, рақобатнинг моҳиятини очиб беришда муҳим аҳамият касб этувчи жиҳатларни қуйидаги чизма ёрдамида тасвирлаш мумкин . (1.1.-расм).

Рақобатнинг моҳиятини белгилаб берувчи асосий жиҳатлар



1.1 - расм.

³ Шодмонов Ш.Ш., Фауров У.В. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2005, 159-б.

Ҳар бир бозор ўзининг хусусиятларига эга бўлишига қарамай, рақобатнинг моҳияти унинг табиати ва интенсивлигини очиб бериш ва баҳолаш имконини берувчи ягона концепция орқали ифодаланиши мумкин. Таниқли америкалик олим М.Е.Портернинг тадқиқотларига кўра, алоҳида бозордаги рақобатнинг ҳолатини бешта рақобат кучи орқали тавсифлаш мумкин:

1. Рақобатлашувчи сотувчилар ўртасидаги беллашув (ҳар бир фирма рақобат афзалликларидан фойда олиш ва қулай мавқега эга бўлиш учун ўзининг шахсий рақобат стратегиясига амал килади).
2. Бир-бирини ўрнини босувчи ва нарх нуқтаи назаридан рақобатбардош бўлган товарлар ўртасидаги рақобат (ўрнини босувчи товарлар томонидан юзага келган хавф туфайли вужудга келган рақобат кучлари).
3. Янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиш хавфи (янги рақобатчилар пайдо бўлиши хавфи туфайли вужудга келган рақобат кучлари).
4. Мол етказиб берувчиларнинг иқтисодий имкониятлари ва савдо қобилияtlари (мол етказиб берувчиларнинг имкониятлари ва савдо қобилияtlари туфайли вужудга келган рақобат кучлари).
5. Харидорларнинг иқтисодий имкониятлари ва савдо қобилияtlари (харидорларнинг иқтисодий имкониятлари ва савдо қобилияtlари туфайли вужудга келган рақобат кучлари).⁴

Шундай қилиб, рақобат кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди ва бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлийкка эга бўлиш учун курашни англатади.

⁴ Портер М. Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран. М.: /пер. с анг. – Международные отношения, 1993, с.224.

1.2. РАҚОБАТНИНГ БОСҚИЧЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Бозор иктисодиётининг илк белгилари пайдо булиши билан унга хос ракобат хам юзага келади. Иктисодиёт ривожига мос холда ракобатчилик муносабатлари хам такомиллашиб боради. Бозор ракобати тарихан 4 боскичдан ўтади.

Биринчи боскич - бу натурал хўжалиқдан бозор иктисодиётининг дастлабки шаклларига ўтиш булиб, бу даврда ракобат майда товар ишлаб чикарувчилар уртасида боради. Бу боскичда ракобат маҳаллий бозорлар доирасида борасида, у бир турдаги товар ишлаб чикарувчилар уртасида булади. Ракобатда голиб чикиш воситаси тажриба тўплаб, меҳнат маҳоратини ошириш хисобланади.

Иккинчи боскич - бу капиталистик эркин ракобат боскичидир. Бу боскич товар хужалигининг оммавий тус олиши билан, майда товар ишлаб чикариш урнига йирик машиналар тизимиға ва ёлланган меҳнатга таянган товар ишлаб чикаришнинг келиши билан характерланади. Ракобатни чеклашлар булмайди, у эркин курашга айланади, бу кураш маҳаллий бозорлар доирасидан чикиб, миллий бозор микёсида юз беради. Ракобат шиддатли боради, унинг иштирокчилари купчиликдан иборат булади. Ракобатда голиб чикишнинг шарти янги техникани жорий этиб, меҳнат унумдорлигини устириш, янги товарларни ишлаб чикариш булади.

Учинчи боскич - бу монопол ракобат боскичи булиб, у якка хокимликка интилевчи йирик корхоналарнинг курашидир. Ракобат иктисадни монополлашган ва монополлашмаган соҳаларида алоҳида боради, аммо бу соҳалар уртасида хам кураш кетади. Ракобатда енгиб чикиш шартлари иккинчи боскичдагидек булади, аммо узаро курашда бозорни эгаллаб олиш, сиёсий хокимиятдан фойдаланиш кабилар кенг кулланади. бу боскичда монопол ракобат етакчи булса-да, эркин ракобат йуколиб кетмайди, у иккинчи каторга сурилади. Иктисадиётда монопол ракобат соҳаси ва эркин ракобат соҳаларига ажралиш булади.


Туртинчи боскич - янгича эркин ракобат боскичи булиб, у аралаш иктисодиётга хосдир. бу боскичда ракобатчилар гоят купчилик булиб, улар иирик корпорациялар, уртача, майда ва ута майда корхоналардан иборат булади. Ракобат доираси кенгайиб, у ишлаб чикиришдан ташкари, хизмат курсатиш соҳасида хам фаоллашади, у молия бозорига шиддат билан кириб боради, хатто саёхат бизнеси, шоу (томуша) бизнес, спорт бизнеси, ҳарбий бизнес кабиларни хам уз дамига тортади. Ракобатлашув байнамиллашиб, ҳалкаро бозор доирасида хам юз беради. Энг янги техника-технологияни куллаш, бошқаришни компьютерлаштириш, товар таркибини зудлик билан янгилаш, энг малакали иш кучига эга булиш, информациядан фойдаланиш ва, нихоят, замонавий маркетинг хизматини уюштириш ракобатда енгиб чикиш шартига айланади.

Ракобатни унинг характеристига караб хам баҳолаш мумкин. Кайси боскичда юз беришдан катъий назар ракобат 2 типда бўлади, яъни у тартибсиз ёввойи ракобатдан ва конун-коидалар билан тартибга солинувчи цивилизациялашган ракобатдан иборат булади. Турли боскичларда хар иккала ракобат типининг нисбати хар хил булади. Цивилизациялашган ракобат аралаш иктисодиётга хос булади, аммо у бирдан эмас, балки секин-аста ракобатнинг асосий типига айланади. Бу бозор муносабатининг ривожланишидан келиб чикади. Аралаш иктисодиёт бозор ва нобозор муносабатининг яхлитлиги булганидан бу ерда ракобат билан биргаликда партнёрлик алокалари хам амал килади.

Ракобат иштирокчиларининг социал-иктисодий макоми бир хил эмас, шу сабабдан, уларнинг бевосита максади хам фаркланади. Тадбиркорнинг максади купрок фойда куриш, ишчиники яхши иш хаки олиш, ер эгасиники эмас, балки жамоанинг биргаликдаги манфаатини хам кузлайди. Айрим кишининг манфаати бир томондан алохидалашган, иккинчи томондан жамоа манфаатига бирлашган, шу оркали юзага чикади. Ишловчилардан хар бири яхши иш жойи учун курашади, улар жамоа доирасида эса унинг манфаати йулида ва биргаликда бошка жамоалар билан ракобатлашади. Ракобат ҳужаликнинг хамма соҳасида боради, унда иктисодий фаол кишилар

катнашади Бозор хужалигидаги ракобат ким булишидан катъий назар яхши ишлаганларни ютиб чикишини билдиради. Шу жихатдан у бозор иқтисодиётини харакатлантирувчи кучи хисобланади, иқтисодий ресурсларни тежамли ишлатишга, товар ва хизматларни куплаб ва сифатли ишлаб чикаришга ундейди. У хужалик юритишнинг энг самарали усулларини юзага келтиради, иқтисодий алокаларнинг энг маъкулини топишга мажбур килади.

Рақобатнинг мазмуни унинг вазифаларини кўриб чиқиши орқали янада кенгроқ намоён бўлади. Ҳозирги бозор иқтисодиётида рақобатнинг қўйидаги асосий вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин: (2.1-расм)



2.1-расм. Рақобатнинг вазифалари.

Рақобатнинг **тартибга солиш вазифаси** ишлаб чиқаришни талаб (истеъмол)га мувофиқлаштириш мақсадида таклифга таъсир ўтказишдан иборат. Айнан шу вазифа ёрдамида иқтисодиётда таклифнинг талаб орқали, ишлаб чиқариш таркиби ва ҳажмининг якка тартибдаги ва ижтимоий эҳтиёжлар орқали белгиланишига эришилади, яъни иқтисодиёт бозор қонунлари асосида тартибга солинади.

Рақобатнинг **ресурсларни жойлаштириш вазифаси** ишлаб чиқариш омилларини улар энг кўп самара берадиган корхона, худуд ва минтақаларга оқилона жойлаштириш имконини беради.

Рақобатнинг **инновацион вазифаси** фан-техника тараққиёти ютуқларига асосланувчи ҳамда бозор иқтисодиёти субъектларининг ривожланишини

тақозо этувчи турли кўринишдаги янгиликларнинг жорий этилишини англатади.

Рақобатнинг **мослаштириш вазифаси** корхона (фирма)ларнинг ички ва ташқи муҳит шароитларига рационал тарзда мослашишига йўналтирилган бўлиб, уларнинг шунчаки ўзини-ўзи сақлаб, иқтисодий жиҳатдан яшаб қолишидан хўжалик фаолияти соҳаларининг экспансияси (кенгайиши)га ўтишини билдиради.

Рақобатнинг **тақсимлаш вазифаси** ишлаб чиқарилган неъматлар ялпи ҳажми (ялпи ички маҳсулот)нинг истеъмолчилар ўртасида тақсимланишига бевосита ва билвосита таъсир ўтказади.

Нихоят, рақобатнинг **назорат қилиш вазифаси** бозордаги баъзи иштирокчиларнинг бошқа бир иштирокчилар устидан монополистик хукмронлик ўрнатишига йўл қўймасликка йўналтирилади.

1.3. РАҚОБАТ ТУРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Рақобат курашининг мазмuni тўғрисида тўлароқ тушунчага эга бўлиш учун унинг асосий шакллари ва белгиларини кўриб чиқиш зарур. **Ўз миқёсига кўра** рақобат икки турга – тармоқ ичидаи ва тармоқлараро рақобатга бўлинади.

Тармоқ ичидаи рақобат товар ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулайроқ шароитига эга бўлиш, қўшимча фойда олиш учун бир тармоқ корхоналари ўртасида боради. Ҳар бир тармоқдаги мавжуд корхоналарнинг техника билан таъминланиш ва меҳнат унумдорлиги даражалари турлича бўлганлиги сабабли, ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилган товарларнинг индивидуал (алоҳида) қиймати бир хил бўлмайди.

Тармоқ ичидаи рақобат товарларнинг ижтимоий қийматини, бошқача айтганда, бозор қийматини аниқлайди ва белгилайди. Бу қиймат, одатда, ўртacha шароитда ишлаб чиқарилган ва муайян тармоқ товарларининг аҳамиятли қисмини ташкил этадиган товарларнинг қийматига мос келади.

Тармоқ ичидағи рақобат натижасыда техника даражаси ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлган корхоналар қўшимча фойда оладилар ва аксинча, техника жиҳатдан ночор корхоналар эса ишлаб чиқарилган товар қийматининг бир қисмини йўқотадилар ва зарап кўрадилар.

Тармоқлараро рақобат турли тармоқлар корхоналари ўртасида энг юқори фойда нормаси олиш учун олиб бориладиган курашдан иборат. Бундай рақобат капиталларнинг фойда нормаси кам бўлган тармоқлардан фойда нормаси юқори тармоқларга оқиб ўтишига сабаб бўлади. Янги капиталлар кўпроқ фойда келтирувчи соҳаларга интилиб, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, таклиф кўпайишига олиб келади. Шу асосда, нархлар пасая бошлайди. Шунингдек, фойда нормаси ҳам пасаяди. Кам фойда келтирувчи тармоқлардан капиталнинг чиқиб кетиши тескари натижага олиб келади: бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаради, товарларга бўлган талаб улар таклиф қилишидан ошиб кетади, бунинг оқибатида нархлар кўтарилади, шу билан бирга фойда нормаси ошади. Натижада тармоқлараро рақобат объектив равишда қандайдир динамик мувозанатни келтириб чиқаради. Бу мувозанат капитал қаерга сарфланганлигидан қатъий назар, teng капитал учун teng фойда олинишига интилишни таъминлайди. Демак, тармоқлараро рақобат капитал қайси тармоққа киритилмасин, худди шу тармоқ фойда нормаларини ўртacha фойда нормасига «бараварлаштиради».

Иқтисодий адабиётларда **бир тармоқ ичидағи рақобатнинг** тўртта шакли алоҳида ажратиб кўрсатилади. Булар соф рақобат, соф монополия, монополистик рақобат ва олигополиядир.

Соф рақобат шароитида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқда жуда кўп сонли корхоналар мавжуд бўлади. Юқори даражада ташкил қилинган бозорда кўплаб сотувчилар ўзларининг маҳсулотларини таклиф қиладилар. Айни пайтда, ушбу маҳсулот харидор ва истеъмолчиларининг сони ҳам жуда кўп бўлади. Соф рақобатли бозорда алоҳида корхоналар маҳсулот нархи устидан назорат ўрната олмайди ёки назорат сезиларсиз

даражада бўлади. Чунки ҳар бир корхонада умумий ишлаб чиқариш ҳажми унча катта бўлмайди. Шу сабабли алоҳида корхонада ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ёки камайиши умумий таклифга, демак маҳсулот нархига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Соф рақобат шароитида янги корхоналар тармоққа эркин кириши, тармоқда мавжуд бўлган корхоналар эса уни эркин ташлаб чиқиши мумкин. Хусусан, янги корхоналарнинг пайдо бўлиши ва уларнинг рақобатли бозорда маҳсулотларини сотишга хуқукий, технологик, молиявий ва бошқа жиддий иқтисодий тўсиқлар бўлмайди.

Соф монополияда тармоқ битта фирмадан иборат бўлганлиги сабабли, у мавжуд маҳсулот (хизмат)нинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва яккахукронлик шаклланади. Монополия шароитида фирма нарх устидан сезиларли назоратни амалга оширади. Бунинг сабаби оддий бўлиб, у маҳсулот (хизмат)нинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва демак, таклифнинг умумий ҳажми устидан назорат қиласди.

Монополистик рақобат ўз ичига ҳам монополия, ҳам рақобат унсурларини олади. Бунда тармоқдаги бир турдаги маҳсулотнинг ўнлаб ишлаб чиқарувчилари бир-бирлари билан қулай нарх ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмига эришиш борасида рақобатлашадилар. Бироқ, айни пайтда, ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини табақалаштириш, яъни шу турдаги бошқа маҳсулотлардан қайси бир жиҳати (сифат даражаси, шакли, қадоқланиши, сотиш шароитлари ва х.к.) бўйича фарқлантириш орқали унинг монопол ишлаб чиқарувчисига айланади.

Олигополия – тармоқда у қадар кўп бўлмаган корхоналарнинг мавжуд бўлиши ва хукронлик қилишидир. Бу олигополиянинг энг муҳим белгиси бўлиб, қайси товарлар ва хизматлар бозорида нисбатан кам сонли ишлаб чиқарувчилар хукронлик қиласа, шу тармоқ олигополистик тармоқ ҳисобланади.

Олигополистик тармоқ бир хил ёки табақалашган маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Кўпчилик саноат маҳсулотлари – пўлат, мис, алюминий,

кўрғошин, темир ва шу кабилар физик маънода бир турдаги маҳсулотлар ҳисобланади ва олигополия шароитида ишлаб чиқарилади. Истеъмол товарлари – автомобиллар, кир ювиш воситалари, сигаретлар, майший электр буюмлари ва шу кабиларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар табақалашаган олигополия ҳисобланади.

Олигополия шароитида корхоналар ўртасидаги рақобат ўзаро боғлиқ бўлади. Олигополистик тармоқда ҳеч қайси фирма ўзининг нарх сиёсатини мустақил ўзгартиришга ботина олмайди.

Биз қараб чиқсан рақобатнинг тўртта шаклининг ҳар бири миллий иқтисодиётда алоҳида-алоҳида, яъни соф ҳолда учрамайди. Иқтисодиёт соҳаларини батафсил ўрганиш, чексиз кўп ҳар хил рақобатли вазиятлар мавжудлиги шароитида, иккита бир хил тармоқни топиш қийинлигини кўрсатади. Ҳозирда турли даражадаги монополистик тузилмалар ривожланиб бориши билан улар ўртасидаги рақобатнинг шакллари ҳам турли кўринишларда намоён бўлиб бормоқда. Жумладан, **турли монополлашув даражасидаги тузилмалар ўртасида мавжуд бўлишига кўра** қуйидаги рақобат турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) монополлашмаган корхоналар ўртасидаги рақобат;
- 2) монополиялар ҳамда монополистик бирлашмаларга кирмаган ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат;
- 3) турли монополиялар ўртасидаги рақобат;
- 4) монополистик бирлашмалар ичидаги рақобат.

Шунингдек, иқтисодий адабиётларда **фирмом ва ҳалол рақобатлашув усуллари** ҳам ажратиб кўрсатилади. **Рақобатлашувнинг ноанъанавий, жамият томонидан эътироф этилмаган, ижтимоий аҳлоқ қоидалари доирасидан четга чиқувчи, ноиқтисодий (яъни, жисмоний қуч ишлатиш, мажбурлаш, рақибларнинг обрўсига путур етказиш ва ҳ.к.) усулларидан фойдаланиш фирмом рақобат деб юритилади.** Фирром рақобат орқали фирмалар ўз рақибларининг тармоқقا кириб келишини тажовузкорона ва шафқатсиз бартараф қилиши мумкин. Банкларни, моддий ресурс

таъминотчиларини кредит ва материаллар етказиб беришдан воз кечишга мажбурлаш, етакчи мутахассисларни оғдириб олиш, нархни кескин пасайтириш фирмом рақобатнинг оддий усуллариридир.

Ҳалол рақобат – рақобат курашида жамият томонидан тан олинган иқтисодий усулларни қўллаш, ўзининг мақсад ва манфаатларига эришишда умумжамият манфаатларига зид келувчи ҳолатларни қўлламаслик каби қоидаларга асосланади. Шу ўринда ҳалол рақобатнинг куйидаги белгиларини ҳам кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- қалбаки беллашув, мажбурий сафарбарликни тан олмайди;
- боқимандалик, бефарқлик, юзакичилик, кўзбўямачилик каби салбий ҳолатларга барҳам беради;
- қариндош-уруғчиликни, ошна-оғайнигарчиликни, танишибилишликни, маъмурий-буйруқбозликни тан олмайди⁵.

Рақобат курашининг икки усули фарқланади: нарх воситасидаги рақобат ва нархсиз рақобат.

Нарх воситасида рақобатлашувда курашнинг асосий усули бўлиб ишлаб чиқарувчиларнинг ўз товарлари нархини бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг шундай маҳсулотлари нархига нисбатан пасайтириши ҳисобланади. Унинг асосий ва энг кўп қўлланиладиган кўриниши – «нархлар жанги» деб аталадики, бунда йирик ишлаб чиқарувчилар рақибларини тармоқдан сиқиб чиқариш учун нархни вақти-вақти билан ёки узоқ муддат пасайтириб туради. Бу усулни қўллаш учун ишлаб чиқарувчи бошқа рақибларига қараганда унумлироқ технологияни киритиши, малакалироқ ишчиларни ёллаши ва ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил қилиши керак бўлади. Фақат шундагина унинг товарининг индивидуал қиймати бозор қийматидан паст бўлиб, мазкур товар нархини пасайтириш имконини беради.

Нарх воситасида рақобатлашиш усулларидан бири – **демпинг нархларни қўллашдир.** Бунда миллий ишлаб чиқарувчилар ўзларининг

⁵ Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. – Т.: «Мехнат», 1997, 58-59-б.

товарларини бошқа мамлакатларга ички бозордаги нархлардан, айрим ҳолларда таннархидан ҳам паст бўлган нархларда сотади. Шу орқали улар ички бозорда нархларнинг барқарорлигига эришиш мамлакатдаги ортиқча маҳсулотни йўқотиш, янги бозорларга кириб олиш ва унда ўзларининг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қиласди.

Айрим ҳолларда нарх ёрдамида рақобатлашишнинг белгиланган нархлардан чегирма қилиш, асосий харид қилинган товарларга бошқа товарларини қўшиб бериш, муайян ҳолларда имтиёзли нархларни белгилаш каби усулларидан ҳам фойдаланилади.

Хозирги даврда бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда нарх ёрдамида рақобат қилиш ўз ўрнига эга эмас, чунки ишлаб чиқарувчилардан бирининг ўз маҳсулоти нархини пасайтириши унинг рақобатчиларининг ҳам шундай ҳаракат қилишига олиб келади. Натижада фирмаларнинг бозордаги мавқеи ўзгармай, фақат тармоқ бўйича фойда хажмини камайтиради.

Нархсиз рақобат шу билан тавсифланадики, бунда рақобат курашининг асосий омили товарларнинг нархи эмас, балки унинг сифати, сервис хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқарувчи фирманинг обрў-эътибори ҳисобланади.

Нархсиз рақобат билан бир вақтда **яширин нарх ёрдамидаги рақобат** ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда янги товарлар сифатининг ошиши ва истеъмол хусусиятларининг яхшиланиши улар нархларининг ошишига қараганда тез рўй беради. Хозирги даврда бир турдаги маҳсулотларнинг кўпайиши уларни сотишни рағбатлантирувчи реклама, товар белгилари ва фабрика муҳрларидан фойдаланишни келтириб чиқармоқда. Истеъмол бозорларида қўшимча хизмат кўрсатиш орқали харидорларни ўзига жалб қилиш кенг тарқалмоқда.

Нархсиз рақобатнинг товар сифатини табақалаштириш каби усули ҳам мавжудки, бунда товарлар бир хилдаги эҳтиёжни қондириши ва бир турга мансуб бўлиши, лекин турли-туман истеъмол хоссаларига эга бўлиши мумкин.

Товарлар талабга нисбатан ортиқча бўлган шароитда ишлаб чиқарувчилар товарларини кредитга сотиш усулидан фойдаланиб рақибларидан устун келишлари мумкин. Бунда дастлаб, товар нархининг фақат бир қисми тўланади, унинг қолган қисми эса шартномада келишилган аниқ муддатларда тўланади.

Фан-техника тараққиёти авж олган ҳозирги шароитда, **техника ва технологиянинг энг янги ютуқлари устидан назорат қилиш** учун кураш рақобатнинг асосий усулларидан бирига айланиб бормоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи корхоналар харидорларни жалб қилиш мақсадида узок муддат фойдаланиладиган истеъмол товарларига кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат кўрсатишни амалга оширмоқдалар. Масалан, компьютер ишлаб чиқарувчи фирма ўз маҳсулотини шунчаки сотиш билан чекланмасдан, балки уни ўрнатиб бериш, корхона ходимларини компьютердан фойдаланишга ўргатиш, кафолатланган муддатда ва ундан кейинги даврда таъмир ишларини бажариш, техникавий хизмат кўрсатиш кабиларни ҳам амалга оширади; маҳсулот хосса ва ўлчамларини буюртмачи эҳтиёжларига яқинлаштиради.

Нархсиз рақобат усуллари ичида **маркетинг** муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини талабга мослаштирувчи тадбирлар тизимидан иборат. Бозор иқтисодиёти шароитида талабни яхши ўргангандан истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлароқ қондира оладиган корхоналар ҳар доим рақобат курашида ютиб чиқади.

Йирик ишлаб чиқарувчилар бозордаги вазиятни ўзгартириш учун ўзларининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни камайтириб товар таклифини қисқартирадилар. Шу сабабли иқтисодий бекарорлик даврларида ҳам нарх барқарорлигича қолаверади. Шундай қилиб, монополиялар хукмрон бўлган шароитда нархсиз рақобат муҳим ўрин тутади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, монополиялар товар сифатини ошириш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш йўли билан сотиладиган товар ҳажмини кўпайтириши мумкин. Иккинчидан, улар молиявий жиҳатдан

кучли бўлганлиги сабабли маҳсулотини янгилаш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва рекламага зарур бўлган маблағни сарфлай оладилар.

2-МАВЗУ. МУКАММАЛ ВА НОМУКАММАЛ РАҶОБАТ НАЗАРИЯЛАРИ

2.1. Мукаммал ракобат тушунчаси мазмуни. Мукаммал ракобатдаги бозор модели шартлари.

Раҷобатни, унинг вужудга келиши ва амал қилишидаги табиийлик, бу жараёнларга ташқи кучларнинг таъсир қилиш даражасидан келиб чиқкан ҳолда икки асосий гурухга – мукаммал ва номукаммал ракобатга ажратиш мумкин.

Мукаммал ракобатни тавсифловчи бир қатор белгилар мавжуд бўлиб, улардан асосийлари сифатида қуидагиларни келтириш мумкин:

- бозор иштирокчилари (ҳам сотувчилар, ҳам харидорлар) сонининг аҳамиятли даражада кўп бўлиши;
- иқтисодий ресурсларнинг ҳаракатчанлиги, улардан фойдаланишда ҳеч қандай чеклов ёки тўсиқларнинг мавжуд бўлмаслиги;
- бозорга кириш ва ундан чиқишининг эркинлиги;
- сотувчиларнинг ўзаро мустақиллиги, улар хатти-харакатининг бир-бирига боғлиқ бўлмаслиги;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир хил кўринишда эканлиги;
- ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот ҳажмида ишлаб чиқарувчилар улушининг аҳамиятли жиҳатдан фарқ қиласлиги;
- хўжалик юритишда қўл келувчи ахборотлар (масалан, товарлар нархи, уларнинг ўзгариш эҳтимоли, ҳажми, сифати ва бошқалар) тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш имконияти.

Мукаммал ракобатнинг ягона кўриниши – соф ёки эркин раҷобатdir. Соф раҷобат гомоген маҳсулотнинг савдо-сотиғи билан шуғулланувчи кўплаб сотувчи ва харидорларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Юқори

даражада ташкил қилинган бозорда кўплаб сотувчилар ўзларининг маҳсулотларини таклиф қиласидилар. Бундай шароитда бозорда маҳсулот табақалашуви мавжуд бўлмай, кўп сонли сотувчи ва харидорлар, эркин ҳолда ҳаракат қилиб, бозор нархининг шаклланишига таъсир кўрсата олмайдилар.

Соф рақобатли бозорда алоҳида корхоналар маҳсулот нархи устидан сезиларсиз назоратни амалга оширади. Чунки ҳар бир корхонада умумий ишлаб чиқариш ҳажми унча катта бўлмайди. Шу сабабли алоҳида корхонада ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ёки камайиши умумий таклифга, демак маҳсулот баҳосига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Соф рақобат шароитида янги корхоналар тармоққа эркин кириши, тармоқда мавжуд бўлган корхоналар эса уни эркин ташлаб чиқиши мумкин. Хусусан янги корхоналарнинг пайдо бўлиши ва уларнинг рақобатли бозорда маҳсулотларини сотишга ҳуқуқий, технологик, молиявий ва бошқа жиддий иқтисодий тўсиқлар бўлмайди.

Шунингдек, иқтисодий адабиётларда «самарали рақобат» тушунчаси ҳам қўлланилади. Самарали (реал) рақобат бозорда соф рақобат ёки мукаммал рақобат шароити мавжуд бўлмаган ҳолда ҳам ундаги сотувчи ва харидорлар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаракат қилган чоғда вужудга келади.

Соф рақобат, умуман олганда, рақобатнинг ҳар бир шакли ҳам миллий иқтисодиётда алоҳида-алоҳида, яъни соф ҳолда учрамайди. Иқтисодиёт соҳаларини батафсил ўрганиш, чексиз кўп ҳар хил рақобатли вазиятлар мавжудлиги шароитида, иккита бир хил тармоқни топиш қийинлигини кўрсатади.

2.2. Номукаммал ракобат турлари, амалга ошиш сабаблари

Номукаммал рақобат XIX асрнинг охирларида ишлаб чиқариш ва капиталнинг концентрацияси жараёнининг кучайиши натижасида монопол тузилмаларнинг таркиб топиши билан вужудга келди. «Монополия» атамаси (грекча monos – ягона, poleo - сотаман) тармоқнинг ягона ишлаб чиқарувчидан иборат бўлишини англатиб, у ишлаб чиқариш ҳажми ва нарх

устидан назорат ўрнатиш имкониятига эга бўлади. Монополистнинг асосий белгилари сифатида ишлаб чиқаришнинг юқори даражадаги концентрациялашуви; унинг муайян товар бозоридаги устун мавқега эгалиги; ишлаб чиқариш ҳажмига бевосита таъсир ўтказиш орқали монопол нархни белгилаши ва, тегишли равишда, монопол фойда олиш имконияти.

Монополиялар тармоққа киришдаги иқтисодий, техник, ҳукуқий ва бошқа кўринишдаги тўсиқларнинг мавжуд бўлиши натижасида пайдо бўлиб, уларнинг асосийлари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- а) ишлаб чиқариш миқёси келтириб чиқарадиган тўсиқлар;
- б) табиий монополиялар тавсифидаги тўсиқлар;
- в) патент ва лицензиялар;
- г) иқтисодий ресурсларнинг муҳим турларига хусусий мулкчилик ва
х.к.

Олигополия тушунчаси (грекча oligos – озчилик, poleo – сотаман) ишлаб чиқариш ва бозорда унча қўп бўлмаган йирик ишлаб чиқарувчиларнинг ҳукмрон мавқеини англатади. Шунга қўра, олигополистик рақобат тармоқдаги товар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини тўлиқ эгаллаб олган бир неча йирик фирмалар ўртасидаги иқтисодий курашни ифодалайди. Олигополистик тармоқда бир хил (пўлат, мис, алюминий, қўрғошин, темир ва бошқалар) ёки табақалашган (автомобиллар, кир ювиш воситалари, тамаки маҳсулотлари, майший электр буюмлари ва бошқалар) маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Олигополия шароитидаги рақобат ўзаро боғлиқ бўлиб, бундай тармоқдаги ҳеч бир фирма ўзининг нарх сиёсатини мустақил ўзгартиришга ботина олмайди. Чунки, олигополия бозорида нарх воситасидаги рақобатлашув унинг иштирокчиларига наф келтирмайди. Агар рақиблардан бири, бошқаларни бозордан сиқиб чиқариш мақсадида, нархни пасайтирса, қолган ишлаб чиқарувчилар ҳам ўз харидорларини йўқотмаслик учун ўз товарлари нархларини пасайтирадилар. Натижада мазкур товарнинг умумий нархи пасайиб, олигополистларнинг фойдаси камаяди, бозордаги улушлар

эса аввалги ҳолатида сақланиб қолади. Бошқа фирмалар товарларининг нархи ўзгармагани ҳолда, бирон-бир фирманинг ўз товарлари нархини ошириши эса, унинг бозордаги сотиш ҳажмининг қисқаришига ёки бозордан сиқиб чиқарилишига олиб келади.

Шунга кўра, олигополистик рақобат шароитида фирмалар нарх сиёсатини ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борадилар. Бунда нисбатан йирик фирма нарх белгилаш бўйича етакчилик қилиб, қолган фирмалар эса унинг хатти-ҳаракатига эргашадилар.

Бироқ, олигополистик тармоқда фирмалар сонининг кўп бўлмаслиги яширинча келишув, яъни нархларнинг мақбул даражасини белгилаш, сотиш бозорларини бўлиб олиш ва бошқа йўллар орқали рақобатни чеклаш учун имконият яратади.

Шунингдек, олигополия шароитида нархсиз рақобатга асосий ўрин берилади. Чунки, бир томондан, рақобатчилар учун ўз маҳсулотлари сифати ва рекламасини ўзгартириш анча мураккаб жараён ҳисобланса, бошқа томондан, камдан-кам ҳолда нархсиз рақобатни таъминлаш учун етарли молиявий ресурсларга эга бўладилар.

Монополистик рақобат монополия ва рақобат унсурларининг уйғунлашуви орқали рўй беради. Баъзи бир манбаларда уни «маҳсулотларнинг табақаланиши» деб ҳам аталади.⁶ Чунки, монополистик рақобатнинг хусусиятли томонларидан бири – бу мазкур маҳсулотнинг табақаланиши, яъни бошқа ўхшаш маҳсулотлардан фарқ қилувчи жиҳатлари (масалан, сифати, таркиби, қадоқланиши, дизайнни ва бошқалар)нинг мавжудлиги ҳисобланади. Натижада, мазкур маҳсулот эгаси, у қадар аҳамиятли бўлмасада, ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг нархини белгилашда маълум даражада монопол мавқега эга бўлади. Бироқ, бу каби маҳсулот ишлаб чиқарувчилар сонининг кўплиги айни пайтда ушбу ишлаб чиқарувчини рақобатлашишга ҳам мажбур қиласди.

⁶ Қаралсин: Экономическая теория: Учебник. – Изд. испр. и доп./ Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина и др. – М.: ИНФРА-М, 2005, с.120; Шишkin А.Ф. Экономическая теория: Учебное пособие для вузов. 2-е изд. Кн.1. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1996, с.608.

Шунингдек, баъзи адабиётларда номукаммал рақобатнинг монопсония, олигопсония, дуополия, билатерал монополия сингари шаклларининг мавжудлиги ҳам таъкидланади.

Жумладан, «Монопсония – муайян товарнинг ягона харидори монополияси мавжуд бўлган бозор тузилмаси тури. Ўз харид ҳажмини чеклаш орқали харидор сотувчи даромадининг бир қисмини йўқотиш ҳисобига монопол фойда олиш имконига эга бўлади.

Олигопсония – муайян товарнинг бир гурӯҳ харидорлари мавжуд бўлган бозор тузилмаси тури.

Дуополия – муайян товарнинг фақат икки нафар етказиб берувчиси мавжуд бўлган ва улар ўртасида нарх, сотиш бозорлари, ишлаб чиқариш квотаси бўйича монополистик келишувлар бўлмаган шароитдаги бозор тузилмаси тури.

Билатерал (икки томонлама) монополия – ягона мол етказиб берувчи ва ягона (бирлашган) истеъмолчининг қарама-қарши кураши вужудга келувчи бозор тузилмаси тури».⁷

Бундан кўринадики, рақобат шаклларининг бозордаги айрим, хусусий ҳолатлардан ҳамда унинг иштирокчилари сони ва мавқеидан келиб чиқсан ҳолда маҳсус ҳолларда қўлланилувчи бошқа атамаларини ҳам келтириб чиқариш мумкин бўлиб, бундай ҳолат хориж адабиётларида қўплаб кузатилади. Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларга асосланган ҳолда, рақобатнинг турларини 2-иловада маҳсус тизимга солинган чизма шаклида ифодалашни мақсадгага мувофик, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, рақобат турларининг бундай шаклда туркумланиши ўзининг мантиқий якунини топган, деб бўлмайди. Мазкур жараённинг турли қирраларини таҳлил қилиш даражасини янада кенгайтириб бориш билан унинг ўзига хос хусусиятларини очиб берувчи янги турларининг келиб чиқиши шубҳасизdir.

⁷ Экономическая теория: Учебник для вузов // Колл. авт.: К.Абдурахманов и др./ Т.: «Шарқ», 1999, с.110-111.

2.3. Монополияларнинг иқтисодий асоси ва уларнинг турлари.

XX аср бошларида эркин (мукаммал) рақобатга асосланга иқтисодиёт тобора монополлашиб борди, бу айниқса Европа ва АҚШда яққол кўзга ташланди. Иқтисодий либерализм принциплари (эркин савдо-фритредолик, давлатнинг иқтисодга аралашмаслиги ва б.) реал ҳаёт талабларига жавоб бермай қўйди. Монополлашувнинг ёрқин оқибати сифатида 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирозининг келтириш мумкин.

Деярли юз йил давомида Ж.Б.Сэйнинг «бозорлар қонуни» ҳамма ерда тан олинган ва унга суюниб иш юритилган бўлса, бу даврда унинг аҳамияти пасайиб борди. Номукаммал рақобат аввал институционализм, кейин неокласиклар томонидан тадқиқот объеккти қилиб олинди.

Бу муаммолар билан деярли бир вақтда Гарвард университети профессори Э.Чемберлин ва Кембриж университети профессори Ж.Робинсонлар шуғулланди.

1933 йили америкалик Э.Чемберлин ўзининг «Монополистик рақобат назарияси», инглиз Ж.Робинсон хоним эса «Номукаммал рақобатнинг иқтисодий назарияси» асарларини чоп этдилар. Бу асарларда эркин рақобат шароитини инкор этадиган шароитда бозор механизмларининг ҳаракати масалалари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилади. Хусусан, иккала муаллиф фикрича, бозор баҳоси бозор иштирокчиларининг коллектив фаолияти туфайли юзага келмайди, чунки товар маҳсулотларининг турли-туманлиги (дифференцияси) ҳаридорларни бу товарлар баҳоси тўғрисида тўлиқ информациидан, фирма-ишлаб чиқарувчиларни танлашда рақобатдан маҳрум этади. Улар иқтисодиётда мувозанатнинг бўзилиш сабабларини илгаригидек иқтисодий муҳитдаги «категория» ва «қонун» лардан излайдилар. Институтционал йўналиш тарафдорларига эса, номукаммал рақобат иқтисодий ўсишга аввало «кинсон омили»нинг таъсири оқибатидир. Бу эса жамият ривожланиши, шу билан бирга иқтисодиёт соҳаларида юзага келадиган ижтимоий-психологик, ҳуқуқий ва бошқа муаммолардир



Эдвард Хейтинг Чемберлин (1899-1967) ўз асарида монополиянинг моҳияти, монопол баҳо ва монопол фойданинг юзага келишининг чуқур таҳлилини бепради. Унинг фикрича, монополиянинг моҳияти - бу таклиф устидан назорат, бунда баҳо устидан ҳам назорат бўлади.

Дифференциация кучайиб борган сари ҳар бир сотувчи абсолют (мўтлоқ) монополияга эга бўлади, аммо шу билан бирга, ўрнини боса оладиган бошқа маҳсулот ишлаб чиқарувчининг номукаммал рақобатига учрайди. Шундан келиб чиқиб, барчасотувчилар «рақобатчи монополистлар» бўлиб, «монополистик рақобат» кучлари таъсири шароитида иш юритадилар.

Чемберлин фикрича, бозорлар ўзаро боғланган, чунки бир-бирига боғлик бўлмаган сотувчилар вазифаси бир-бирига яқин бўлган маҳсулотларни реализация қилишда ҳамоҳангдирлар. Реал ҳаётда бозорлар у ёки бу даражада номукаммалдирлар, шу сабабли мувозанатга интилиш тўғрисида гапириш ўта соддаликдир. Натижада ҳар бир сотувчи монополист деб ҳисобланади, унинг ўз ҳаридорлари, «ноёб» маҳсулотини олувчилар бўлади. Бозордаги монополистик сифатида баҳоларни тартибга солади. Бу эса товарлар ва хизматларнинг реал таклиф ҳажми «соф» рақобат шароитидагидан кам, баҳоси эса юқорироқ бўлади. Бу ерда маҳсулот дифференцияси энг муҳим шартди. Бу категориянинг моҳияти шундаки, сотувчиларнинг товари (ёки хизмати) да бошқаларнидан кескин фарқ қилувчи белгиси бўлиши кераклигидир. Бу белги ҳаридор учун реал ёки хаёлий бўлиши, аслида эса худди шу маҳсулотга афзаллик берилишига олиб келиши шарт. Бундай дифференциация бўлган шароитда ҳаридорлар ва сотувчилар тасодифий ёки тартибсиз жуфтликка (бу соф рақобатда бўлади) бирлашмайдилар, бу ерда афзаллика асосланган танлов ҳал қилувчиdir.

Сотувчи -монополист қўшимча харажарлар қилиш йўли билан сотилаётган маҳсулот ҳажмини ошириши (бунда товар баҳоси пасайиши)

мумкин. Бошқа худди шундай товар сотувчилар эса бу шуни дархол амалга ошира олмайди деб рақобатдош товар маркаси баҳосини пасайтириш ёки янгисини и.ч. давомида, худди шундай чоралар бошқа рақобатчи томонидан қўлланилиши мумкинлигидан беҳавотир бўлади.

Рақобатнинг баҳоланмайдиган омиллари қаторига товарлар сифати ва реклама киради ва улар индивидуал ёки алоҳида хусусиятларга эгадир. Дифференциация маҳсулотнинг ўз маълум хусусиятлари асоида шаклланиши, маслан, *алоҳида хусусиятлар* - фабрика маркаси, фирма номи, қадоқлаш ёки тара (агар улар бўлса) бўйича ёки сифат, шакл, ранг, стиль асосида *индивидуал хусусиятлари* билан белгиланади.

Соф рақобат шароитида алоҳида сотувчи бозори умумий бозор билан кўшилиб, фақат амалдаги баҳо бўйича исталганча товарни реализация қиласди. Иккинчи ҳолатда товарни сотиш чекланади ва янги учта омил: 1) баҳо; 2) маҳсулот хусусияти ва 3)рекламага ҳаражатлар билан белгиланади. Мана шу омиллар ёрдамида ҳаридорларнинг истеъмол қарорларига таъсир этилади. Бунда баҳоларни пасайтириш омили алоҳида аҳамият касб этади, чунки товарга баҳо пасайиши маҳсулот сифати пасайиши тарзида қилиниш эҳтимоли бўлади.

Монополистик рақобатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, бунда боҳолар рақобати йўқотилади, оқибатда «қувватлар ортиқчалиги феномени» доимий ва одатдаги ҳодисага айланади. Бу ортиқчалик «жазосиз» ўзоқ вақт давомида кўпайиб боради, чунки у доим ҳаражатлардан катароқ бўлган боҳолар ҳисобига қопланиб туради. Бутун бозорнинг маълум қисмини эгаллаш даражасини кўрсатувчи бу кўрсаткич (феномен) фақат алоҳида патентлар ва фабрика маркалари билангина қўлланмасдан, бошқа, яни обрў, усталик, алоҳида маҳорат каби ҳодисалар билан ҳам қўллаб-куватланади. Бу ҳодисалар эркин касб эга (рассом, мўзика) фаолият соҳасининг бир қисми бўлиб, улар ҳам « монопол даромадлар назарияси» предметидир.

Дифференциациялашган маҳсулот баҳо муаммоси рақобатли талаб ва ҳаражат эгри чизиқлари доирасига киритилиши мумкин эмас, бу аввалдан хулосалардаги хатоларга олиб келади; баҳо ҳаддан ташқари паст, ишлаб чиқариш масштаби - жуда катта, корхоналар сони - жуда кичик бўлиб чиқади. Бундан ташқари рақобатнинг яна иккита жихати: дифференциация ва сотиш ҳаражатлари бўтунлай тушиб қолади. Шу сабабли баҳоларни тўла билмаслик маҳсулотга талаб эластиклиги (қайшиқоқлик)ни пасайтиради, бу эса реклама талабнинг эластиклигини ошириши, баҳолар рақобатини эса анча кенг қилишига ўхшайди ва баҳолар ёрдамида талаб этиладиган қўшимча ҳаражатларни қоплайди.

Рақобат кураши эволюцияси товар сифатини оширади (буни патент, муаллифлик ҳуқуқлари, фирма химоя белгилари, фирма алоҳида қадоклаш усули, маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида, фирманинг қулай жойлашуви). Реклама эса, эркин рақобат шароитидан фарқли равишда, бозорлар қўшилиб кетишигайўл қўймайди.

Баҳоланмаган рақобат омиллари фирмани ҳаридорлар талабини қондириш учун янги имкониятлар қидиришга ундайди, уларга «ҳаваснинг пуллик қоидалари» ни сингдириб боради.

Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари концепциясида ҳаражатлар фабрика доирасида товарларни ишлаб чиқаришга кетган сарфлардангина (биринчи) эмас деб қаралади. Транспорт (ташиш), сартировка (ажратиш), сақлаш, уйларга етказиш ҳаражатлари (иккинчи) мавжуд бўлиб, улар талабларни қондириш учун янада яхши қулайликлар яратади. Икки хил кўринишдаги ҳаражат ўртасида чегара ўтказиш (ишлаб чиқариш ҳаражатлари, сотиш ҳаражатлари) таклиф ва талаб ўртасидаги фарқ каби қиймат назариясида фундаментал аҳамият касб этади. Сотиш ҳаражатлари маскур маҳсулотга талабни оширади, ишлаб чиқариш ҳаражатлари унинг таклифини оширади.

«Классик» ва «неоклассик» лар фикрича соф рақобат иқтисодий ўсишнинг хал қилувчи шарти деб ҳисоблаган бўлса, Э.Чемберлин



таълимотига кўра, рақобат - монополистлар орасида ҳам рақобат доимо мавжуд, бу баҳоли ва баҳоланмаган рақобат ривожи орқали намоён бўлади (маҳсулот ва реклама сифатини такомиллаштириш билан боғлиқ).

Биринчи марта иқтисодий либерализм ғоясида реал ҳаётда соф рақобат ҳам, соф монополия ҳам мавжуд эмас деган фикр пайдо бўлди, ўз моҳиятига кўра монополистик рақобат кўп сонли сотувчилар ўртасида кўзатилади, бу рақобат даражаси бир-бирини қоплайдиган рақобатлашаётган товарлар сони ортиши билан кучайиб боради.

Бундан шундай муҳим хulosса чиқариладики, монополистик рақобат шароитида ҳаридор рақобатлашаётган бир товарни бошқасидан, бир сотувчини (мўтлақ ноэвивалент бир хил товарни) бошқа сотувчидан афзал қуриши мумкин. Э.Чемберлин мантиқи бўйича, кичик ёки ўртача сотувчи ва ишлаб чиқарувчи ҳам монополист бўлиши ва йирик корхона субъекти билан бўладиган мусобақада bemalol иштирок этиши мумкин. Чунки (марксча танқидларга қарамай) монополия капитал ва ишлаб чиқариш концепцияси, капитал марказлашувининг зарурӣ оқибати эмасдир, бозор иқтисодиёти кучайиб бораётган тенденциялар рақобати хосдир. Амалда монополия ва монопол бўлмаган (номонопол) корхоналар ўртасидаги фарқ минемаллаштирилади.

Олим 1937 йил ўз китобига қўшимча сифатида (китоб 8 марта қайта нашр этилган) «Номукаммал рақобат» ва «Монополистик рақобат» категориялари тўғрисидаги тушунтиришларда бир томонлилик мавжудлигини таъкидлайди, бирдан-бир ҳодисанинг икки номи сифатида қарашларда ўзаро ўҳшашлик етарли баҳоланади, аммо уларнинг фарқи деярли сезилмайди, деб ҳисоблайди у. Кўпчилик бу фарқнинг аҳамиятини тушунмасдан, масала факат терминология билан боғлиқ деб ўйлашлари мумкин.

Э.Чемберлин ўз тадқиқотлари хулосасида рақобат шароитида монополия табиий моҳиятига мустахкам ишонч билдиради; тадбиркорлик кўп ҳолларда ўз монополиясини барпо қилиш учун, имкони борича бошқа тадбиркорлар ўз монополиясини кенгайтиришига қарши чораларни кенгайтириш ва қучайтириш ҳаракатини қиласи. Олимнинг фикри бўйича, асосий вазифа шундаки, иқтисодиёт фани «маҳсулот доим деффенциациялашган бўлиши шароитини тўла англаши шарт» дир; бундан буён соф рақобатни барча соҳаларда фаровонлик иқтисодиёти «идеал» (бекаму-кўст) деб қараш мумкин эмас.

Кейинчалик Э.Чемберлин ва унинг монополистик рақобат назарияси тарафдорлари томонидан «гурухий монополия» шароитида ҳам рақобат сақланиши тўғрисидаги қоидани илгари суроишган. Бунда гап шерик-рақобатчилар ўртасида бозорда уларнинг таъсир доираларини бўлиб олиш тўғрисида боради. Асосий мақсад турлича (дифференциациялашган) товар маҳсулоти баҳосини энг юқори ҳаражатлар даражасидан паст бўлмаган ҳолда реализация қилишдир.

Ҳозирги даврда маҳсулотнинг истисно сифати билан бирга, қўшимча баҳоланмаган монополистик рақобат шартлари кучайиб бормоқда, булар



алоҳида товар яратувчи томонидан яратилган техник такомиллашув, фирмага обрў-эътибор келтирадиган шароитнинг таъминловчи ҳаридорларга маҳсус ҳизмат ва бошқалар.

Жоан Вайолет Робинсон (1903-1983) Кембриж университетини битирган ва А.Маршалл мактабининг таниқли вакили ва давомчисидир. 1965-1971 йиллар шу университетда профессор ловозимида дарс берган. Унинг дастлабки асари «Номукаммал рақобатнинг иқтисодий назарияси» 1933 йили, яъни муаллиф 30 ёшлигига ёзилган ва унга машҳурлик келтирди. Асадаги бош ғоя монополиялар фаолиятида бозорлар жиҳатини аниқлашдир. Бу шароитдаги

рақобат иқтисодиётдаги мувозанатни бўзади ва номукаммалdir (Чемберлинда-монополистик). Дастребки вазифа: ўз маҳсулотига эга бўлган ишлаб чиқарувчи-монополистик баҳолар белгиланишининг механизмини аниқлаш. Баҳонинг миқдори, сотувчи ўрнатган шу баҳода ҳаридорнинг маҳсулотни сотиб олиш ва монопол фойда табиати ўрнатилади. Аммо Робинсон хонимнинг мантиқий фикрлаши Чемберлинницидан фарқ қиласи. Робинсон фикрича номукаммал рақобат туфайли, аввало рақобатли хўжалик тизими нормал мувозанат ҳолатининг бўтунлай бўзулиши ва йўналиши, хатто ёлланма меҳнатнинг «эксплуатация» сидир. Чемберлин эса бу масалани бозорнинг табиий мувозанати билан чамбарчас боғлиқдир деб қараган.

Робинсон монополияга салбий муносабат билдириб, уни бозор шароитдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни издан чиқарувчи омил сифатида қарайди.

Асаддаги асосий ғоялар қуйидагилардан иборат.

Тадбиркорлар номукаммал рақобат шароитига нисбатан мукаммал (соф) рақобат шароитда ишлаб чиқаришни монполлаштиришдан камроқ манфаатдор бўладилар. Чунки номукаммал рақобат шароитида айrim фирмалар оптималь кўрсатгичларга эриша олмайдилар, самарасиз (кам самара билан) фаолият кўрсатадилар, шу сабабли монополист маҳсулот чиқаришни чеклаш билан ўз маҳсулоти нархини ошириш имкониятигагина эга бўлмасдан, балки соҳадаги ишлаб чиқаришни ташкил этишни мукаммаллаштириш йўли билан ишлаб чиқариш ҳаражатларини пасайтириши мумкин.

Монополия ишлаб чиқариш маҳсулотининг худди шунга ўхшаш бошқа маҳсулотдан сезиларли ажralиб туришини талаб этади ёки бошқача айтганда, дифференциация рўй беради; бошқа қўшимча шароит ҳам зарур унга кўра фирма -монополист оптималь ҳажмдан ортиқроқ бўлган кўрсатгичлар билан ҳарактерланиши керак.

Номукаммал рақобатли монополистик бозорда аниқлашни талаб этувчи бир қанча шароитлар юзага келади. Агар бозор бир-бири билан рақобат қилувчи чексиз кўп ҳаридолардан эмас, балки айрим яккаю-ягона ҳаридорлар бирлашмасидан иборат бўлган ҳолатда сотиб олинадиган маҳсулот қанча бўлиши мумкиндир. Бу шароит талаб концентрацияси бўлиб бозорда кўп сонли майда сотувчилар ва яккаю-ягона ҳаридор фаолият кўрсатади. Бу ҳолатни *монопсония*, яъни *ҳаридор монополияси* дейилади.

Юқорида барча ғоялар жамланиб, реал ҳаётда номукаммал рақобат шароитида ишлаб чиқариш омиллари эксплуатацияси тенденцияси пайдо бўлишига ёрдам беради. Бу ҳолат аввал ўзаро рақобатлашган қўпгина фирмаларни ютиб юровучи йирик бирлашманиг пайдо бўлиши билан янада кучаяди. Бошқарув бирлиги ҳажми (кўрсаткичи) нинг йириклишуви(якка бошқарув) бойликни тақсимлашдаги адолатсизликни янада кучайишини зарурӣ равишда келтириб чиқаради. Бу анча инқилобий ғоя бўлиб, Чемберлиннинг монополия истиқболи тўғрисидаги оптимистик фикрича қаршидир. Ишлаб чиқаришнинг монополизацияси муаммоси билан «самарадорлик ёки адолат» деган дилеммани (яъни униси ёки буниси) ечиш зарурати илгари сурилади.

Монополизацияга у ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради, деб устунворлик бериш етарли эмас, яъни адолат масаласи ҳам қўйилиши керак. Иқтисодиёт тарихида «самарадорлик» ва «адолат» ни қандайдир йўл билан ажратишга интилиш катта хомхаёлликдир.


Ж.В.Робинсон ўзининг тадқиқотлари натижасида ҳаётий чоратадбирларни ҳам ишлаб чиқса бўлар эди масалан, номукаммал рақобат туфайли аниқланган қарама-қаршиликларни бартараф этиш учун давлатнинг иқтисодиётга аралашуви нималардан иборат бўлмоғи керак эди.

Бундай саволга жавобни уч йил ўтгач бошқа қембриж мактаби вакили Ж.М.Кейнс берди.

3- Мавзу. Рақобат кучлари назарияси

3.1. М.Портернинг рақобатнинг беш кучи назарияси

Рақобат муаммоси бугунги кунда энг қўп муҳокама қилинадиган мавзулардан бирига айланиб бормоқда. Чунки ички ва ташқи бозорларда рақобат муҳити кундан-кунга кучайиб, рақобатлашиш чегараси фирмалараро рақобатдан тармоқ, мамлакатлар ва ҳудудлар доирасигача кенгайиб кетди.



Кейинги йилларда рақобат назарияси билан жаҳоннинг кўпгина таниқли олимлари шуғулланиб келмоқда, уларнинг ичидаги америкалик иқтисодчи Майкл Портернинг (1947) рақобат назариясига қўшган ҳиссаси энг бекиёсдир ва у бу соҳада энг йирик олим саналади.

Таъсирчан ва рағбатлантирувчи, эркин иқтисодий рақобатни ривожлантириш эвазига ишлаб чиқарувчи ва сотувчилар устидан харидорларнинг хукмронлиги ўрнатилиб, бу бозор муносабатларининг моҳиятини белгиловчи шароит ҳисобланади.⁸

Рақобатнинг фақат эркин бозор иқтисодиёти шароитида тўлақонли амал қилиши ҳамда ўз моҳиятини тўлиқ намоён эта олишини қўйидаги жадвал орқали кузатиш мумкин (1.1.1-жадвал).

«Рақобат»нинг турли иқтисодиёти шароитларидағи қиёсий тавсифномаси

Маъмурий-буйруқбозлиқ иқтисодиёти шароитида	Эркин бозор иқтисодиёти шароитида
<ul style="list-style-type: none"> Рақобат «социалистик мусобақа» билан алмаштирилиб келинди. «Рақобат» сўзини ишлатиш тақиқланар эди. Мусобақа ким ўзиш, ким яхши натижаларга эришиш учун бўлган қалбаки беллашув эди. Чунки эришилмаган ютуқ ва бажарилмаган кўрсаткичларга эришилиши «ракамлар»да 	<ul style="list-style-type: none"> Рақобат рағбатлантирувчи иқтисодиётни ҳаракатга солувчи кучdir. Шу сабабли у бозор иқтисодиёти механизмида асосий ўрин олади. Рақобат режалаштирилмайди ва қаттиқ назорат остига олинмайди. Рақобатчиликни бозордаги: <ul style="list-style-type: none"> - талаб ва таклиф; - нарх-наво;

⁸ Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. – Т.: «Мехнат», 1997, 57-58-б.

<p>таъминланарди.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Социалистик мусобақадаги мажбурий сафарбарлик усули: <ul style="list-style-type: none"> - ташаббускорлик рухини сўндиради; - сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш имконини бермас эди; - «ялпи маҳсулот» мафкураси хукумронлигига мусобақа кўрсаткичлари кўпинча микдорий кўрсаткичларга қараб бажарилар эди. 	<ul style="list-style-type: none"> - олигополия ва монополия даражаси; - давлатнинг антимонополсиёсати белгилайди. <ul style="list-style-type: none"> • Рақобатда мажбурий сафарбарлик бўлмайди. Бу ерда ҳалол ва эркин иқтисодий рақобатни ривожлантириш эвазига ишлаб чиқарувчилар устидан харидорларнинг хукмронлиги ўрнатилади.
--	--

Таникли америкалик олим М.Е.Портернинг тадқиқотларига кўра, алоҳида бозордаги рақобатнинг ҳолатини бешта рақобат кучи орқали тавсифлаш мумкин:

1. Сотувчиларнинг бозордаги хукмронлиги. Рақобатлашувчи сотувчилар ўртасидаги беллашув (ҳар бир фирма рақобат афзаликларидан фойда олиш ва қулай мавқега эга бўлиш учун ўзининг шахсий рақобат стратегиясига амал килади).



Таъминотчилар товарнинг бозордаги рақобатбардошлигига хом ашё етказиб берувчи сифатида таъсир кўрсатади. Хом ашё нархларининг кўтарилиши ишлаб чиқариш харажатларининг кўпайишига ва шу асосда тайёр маҳсулот таннархининг ошишига олиб келади.

Агар товарларнинг чакана нархларини кўтариш имкони бўлмаса, хом ашё нархларининг кўтарилиши ҳисобидан тармоқда товар ва хизматларни сотишдан келадиган фойда хажми камайиб кетади.

2. Бир-бирини ўрнини босувчи ва нарх нуқтаи назаридан рақобатбардош бўлган товарлар ўртасидаги рақобат (ўрнини босувчи товарлар томонидан юзага келган хавф туфайли вужудга келган рақобат кучлари).

Тармоқдаги рақобатнинг структураси тармоқдаги консолидация (жипслашув) даражасига боғлиқдир. Фрагментланган (бўлинган) тармоқда потенциал хатарлар кўпроқ бўлади, чунки бундай тармоқларга кириб келиш нисбатан енгилдир. Консолидацияланган тармоқларда одатда катта ва мустақил компаниялар фаолият кўрсатади. Компанияларнинг нарх уруши олиб бориш имконияти рақобатнинг асосий хатарли кучидир. Бундай холларда компаниялар сифатдаги устунликлар бўйича рақобатлашишга интиладилар, яъни рақобатчилик уруши савдо маркасига содиқлик ва нарх уруши эҳтимолини камайтириш позицияларидан олиб борилади. Бундай тактиканинг муваффақияти тармоқда маҳсулотни дифференциаллаш имкониятларига боғлиқдир.

Тармоқда талабнинг ўсиб бориши рақобатнинг сусайишига ва экспансия учун катта имкониятларнинг вужудга келишига олиб келади. компанияларда инвестицияларга талаб кучаяди. Аксинча, талаб ўсишининг секинлашиши рақобатни кучайтириб юборади, компаниялар бозорларни фақат бошқа компаниялардан тортиб олиш хисобигагина қўлга киритишлари мумкин бўлади. Шундай қилиб, талабнинг камайиши - рақобатнинг кучайишига олиб келадиган асосий хатардир.

3. Янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиш хавфи (янги рақобатчилар пайдо бўлиши хавфи туфайли вужудга келган рақобат кучлари).

Потенциал рақобатчиларнинг кириш хавфи компаниянинг даромадларига таҳдид солиши мумкин. Агар бу хавф кичик бўлса, компания нархларни ошириб, ўз даромадларини кўпайтириши мумкин. Бу омилнинг рақобатчилик кучи кириш тўсиқларининг баландлигига боғлиқдир. Бундай тўсиқларнинг учта асосий манбаи бор:

- **Харидорларнинг савдо маркасига содиқлиги** (кириб келаётган компаниялар буни катта инвестициялар эвазига бартараф қилишлари мумкин)

- **Харажатлар бўйича мутлақ устунликлар** (ишлаб чиқариш харажатларининг янада камлиги мавжуд компаниялар учун янги компаниялар эришиши қийин бўлган катта устунлик-лар беради)
- **Кўламдан тежаш** - махсулотни ишлаб чиқаришда харажатларнинг камайтирилиши, хом ашё ва таркибий қисмларни кат-та миқдорда сотиб олиш-даги чегирмалар, рекла-мага сарфланадиган харажатларни камайтириш. Булар ишлаб чиқаришни энди бошлиётган компаниялар учун катта қийинчиликлар туғдиради.

4. Харидорларнинг бозордаги хукмронлиги (харидорларнинг иқтисодий имкониятлари ва савдо қобилияtlари туфайли вужудга келган рақобат кучлари).⁹

Бу куйидаги ҳолатларда амалга ошади:

- етказиб берувчи соҳа бир неча кичик компаниялардан таркиб топган бўлиб, харидорлар кам бўлганда;
- харидорлар товарларни катта миқдорда сотиб олганда;
- тармоқ ўз фаолият туридан келиб чиқсан холда харидорларга кучли даражада боғлиқ бўлганда;
- харидорлар бир неча етказиб берувчи тармоқлар ичидан энг паст нарх таклиф қилаётганини танлаш имко-ниятига эга бўлганда (бу ушбу тармоқда нарх рақобати-ни кучайтиради) ;
- харидорлар талабининг товар сифатига, нархига ва сервис даражасига нисбатан нозиклашиб ва чуқурлашиб боришида.

5. Тармоқ ичидаги рақобат. Бу ерда ҳам учта омилнинг таъсирини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- тармоқдаги рақобатнинг структураси (тармоқдаги консолидация (жипслашув) ва фрагментланган (бўлинган) даражасига боғлиқдир.;
- талабининг шарт шароитлари;
- тармоқка кириш тўсиқларнинг баландлиги.

⁹ Портер М. Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран. М.: /пер. с анг. – Международные отношения, 2008, 782c.

Портер назариясига кўра тармоқ рақобатини таҳлил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

1. Тармоқда рақобат кучларининг аниқлиги ва самарадорлигини аниқлашга;
2. Компаниянинг рақобат кучлари таъсиридан максимал ҳимояланиш позициясига эга бўлишга;
3. Рақобат кучларига қарши таъсир кўрсатишга ёрдам беради.

Рақобат беш кучи назариясининг олтин қоидаси - рақобат кучларининг таъсири нақадар заиф бўлса, тармоқда компания кўпроқ фойда олиш имкониятига эга бўлади, ва аксинча, рақобат кучларининг таъсири нақадар кучли бўлса, тармоқда компания камроқ фойда олиш имкониятига эга бўлади.

Ривожланган Ғарб мамлакатларида, хусусан, Жаҳон иқтисодий форумида муентазам марказий ўрин эгаллайдиган Рақобат устунлиги назарияси бугунги қунда Ўзбекистон мисолида қайта-қайта ўз тасдигини топмоқда. Рақобат устунлиги назариясига кўра (М.Портер, Дж.Сакс, П.Кругман) халқаро бозорда компаниянинг рақобатбардошлиги мамлакатнинг ишлаб чиқариш омиллари билан устунроқ таъминланганлиги эмас, балки ушбу компания учун давлат қандай иқтисодий институтлар ва механизmlар орқали имконият яратадиганлиги билан баҳоланади.

3.2. Корхона (фирмада) рақобат таҳлилида SWOT анализини қўллаш

5 куч модели кўпроқ стратегик бошқаришда ва маркетингда қўйидаги йўналишларида қўлланилади:

- Компанияда SWOT таҳлили ўтказишида;
- Кенгайтирилган рақобат таҳлили ва бозор таҳлилини тузишда ишлатилади.

(SWOT- таҳлил). Номланиши инглиз сўзлари абревиатурасидан ташкил топиб куч, заифлик, имконият ва хавфни билдиради. Таҳлил компаниянинг кучли ва кучсиз томонлари, потенциал бозор имкониятлари ва хавфларни таққослашга асосланади. (2-расм)

SWOT анализ қўллаш схемаси



2-расм. Корхона (фирмада) SWOT анализини қўллаш схемаси

Рақобат ҳолати таққослама жадвалининг тузилиши шундай кўрсаткичлар тизими ёки унинг қисмларига асосланиши керакки, улар компания ички таҳлили натижасини ўзида акс эттиради. Агар ҳар бир кўрсаткич рақобатчилар билан таққосланиб, беш баллик шкала бўйича баҳоланса ва жадвалга кўчирилса унда компаниянинг таққослама профилини қуриш мумкин, бунда компаниянинг рақобатчиларга нисбатан у ёки бу йўналишдаги устунлиги ёки камчиликлари яққол намоён бўлади. 2- расмда асосий омилларнинг наъмунавий рўйхати таққослама таҳлил учун келтирилган. Стратегик гуруҳлар таҳлили. Стратегик гуруҳлар деганда муҳим стратегик кўрсаткичларга бир хил стратегик муносабатларга эга бўлган тармоқ компаниялари йиғиндиси тушунилади. Стратегик гуруҳларнинг таҳлилида асосий эътибор тавсифга, ўзига хослиги ва рақобатчи компаниялар стратегиясига қаратилган. Асосий таҳлил қилинадиган саволлардан бири - компаниянинг маълум стратегик гурухга ўзининг фойдалилик даражаси билан тегишли бўлишидир. Умуман стратегик гуруҳлар таҳлили тармоқдаги табақалашган ҳолатни олишни таъминлайди ва компаниянинг гуруҳдаги ўрнини белгилайди.

SWOT анализи босқичлари

SWOT анализ 1- босқичи вазифалари куйидагилардан иборат:

- Товарлар патентбардошлиги;
- Товарлар нархи;
- Технологиянинг прогрессивлиги;
- Кадрлар малакаси;
- Ресурслар нархи;
- Асосий фондлар ёши (янги, эскилиги);
- Фирманинг географик жойлашуви;
- Инфраструктура;
- Маркетинг ва менежмент тизими;
- Тизимга кириш ва чикишда рақобат кучи даражаси кабилар ўрганилади.

SWOT анализ 2- босқичи вазифалари куйидагилардан иборат:

Фирманинг кучсиз томонлари ўрганилади. Ишлаб чиқарилаётган товарларнинг рақобатбардошлиги барча бозорлар бўйича ўрганилади. Конкрет товарлар рақобатбардошлигининг комплекс кўрсаткичлари, фойдали эффект (интеграл сифат кўрсаткичи), жами харажатлар, товардан фойдаланиш шартлари, фирманинг рақобат устунлиги бўйича 1 босқичдаги кўрсаткичлар заифлиги аниқланади.

SWOT анализ 3- босқичи вазифалари куйидагилардан иборат:

Фирмага стратегик ва тактик таҳдидиларни прогнозлаш ва ўз вақтида харажатларни камайтириш мақсадида фирманинг макро мухит омиллари ўрганилади. (сиёсий, иқтисодий, технологик, бозор ва бошқалар).

SWOT анализ 4- босқичи вазифалари куйидагилардан иборат:

Фирманинг таҳдидни бартараф этиш, кучларни ўсиши ва заифликни пасайтириш учун зарур бўлган стратегик ва тактик имкониятлари (капитал актив ва бошқалар) ўрганилади.

SWOT анализ 5- б осқичи вазифалари куйидагилардан иборат:

Фирма стратегиясининг алохида бўлимлари проектини шакллантириш мақсадида кучлар ва имкониятлар мувофиқлаштирилади.

Таъминотчилар товарнинг бозордаги рақобатбардошлигига хом ашё етказиб берувчи сифатида таъсир кўрсатади. Хом ашё нархларининг кўтарилиши ишлаб чиқариш харажатларининг қўпайишига ва шу асосда тайёр маҳсулот таннархининг ошишига олиб келади. Агар товарларнинг чакана нархларини кўтариш имкони бўлмаса, хом ашё нархларининг кўтарилиши ҳисобидан тармоқда товар ва хизматларни сотишдан келадиган фойда хажми камайиб кетади.

Дифференциация кучайиб борган сари ҳар бир сотувчи абсолют (мутлоқ) монополияга эга бўлади, аммо шу билан бирга, ўрнини боса оладиган бошқа маҳсулот ишлаб чиқарувчининг номукаммал рақобатига учрайди. Шундан келиб чиқиб, барчасотувчилар «рақобатчи монополистлар» бўлиб, «монополистик рақобат» кучлари таъсири шароитида иш юритадилар.

Сотувчи-монополист қўшимча ҳаражатлар қилиш йўли билан сотилаётган маҳсулот ҳажмини ошириши (бунда товар баҳоси пасайиши) мумкин. Бошқа худди шундай товар сотувчилар эса бу шуни дарҳол амалга ошира олмайди деб рақобатдош товар маркаси баҳосини пасайтириш ёки янгисини и.ч. давомида, худди шундай чоралар бошқа рақобатчи томонидан қўлланилиши мумкинлигидан беҳавотир бўлади.

Корхона (фирманинг) маълум бир давр мобайнида стратегик ҳолатини баҳолаш қўйидаги кўрсаткичларга асосланади:

1. **Корхона (фирманинг)** нисбий ўлчами;
2. **Корхона (фирманинг)** ўсиши;
3. Бозордаги товар ва хизматларни сотишдаги улуши;
4. Бозордаги позицияи;
5. **Корхона (фирманинг)** солиштирма рентабеллиги;
6. Соф даромади;
7. **Корхона (фирманинг)** технологик ҳолат;
8. Ташқи кўриниши;

9. Раҳбарият ва перонал (кадрлар).

Рақобатнинг баҳоланмайдиган омиллари қаторига товарлар сифати ва реклама киради ва улар индивидуал ёки алоҳида хусусиятларга эгадир. Дифференциация маҳсулотнинг ўз маълум хусусиятлари асоида шаклланиши, масалан, *алоҳида хусусиятлар* - фирма маркаси, фирма номи, қадоқлаш ёки тара (агар улар бўлса) бўйича ёки сифат, шакл, ранг, стиль асосида *индивидуал хусусиятлари* билан белгиланади.

Дифференциялашган маҳсулот баҳо муаммоси рақобатли талаб ва ҳаражат эгри чизиқлари доирасига киритилиши мумкин эмас, бу аввалдан хуносалардаги хатоларга олиб келади; баҳо ҳаддан ташқари паст, ишлаб чиқариш масштаби - жуда катта, корхоналар сони - жуда кичик бўлиб чиқади. Бундан ташқари рақобатнинг яна иккита жихати: дифференциация ва сотиш ҳаражатлари бўтунлай тушиб қолади. Шу сабабли баҳоларни тўла билмаслик маҳсулотга талаб эластиклиги (қайшиқоқлик)ни пасайтиради, бу эса реклама талабнинг эластиклигини ошириши, баҳолар рақобатини эса анча кенг қилишига ўхшайди ва баҳолар ёрдамида талаб этиладиган қўшимча ҳаражатларни қоплайди.

Рақобат кураши эволюцияси товар сифатини оширади (буни патент, муаллифлик ҳуқуқлари, фирма ҳимоя белгилари, фирма алоҳида қадоқлаш усули, маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида, фирманинг қулай жойлашуви). Реклама эса, эркин рақобат шароитидан фарқли равишда, бозорлар қўшилиб кетишигайўл қўймайди.

Баҳоланмаган рақобат омиллари фирмани ҳаридорлар талабини қондириш учун янги имкониятлар қидиришга ундейди, уларга «ҳаваснинг пуллик қоидалари» ни сингдириб боради.

Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари концепциясида ҳаражатлар фабрика доирасида товарларни ишлаб чиқаришга кетган сарфлардангина (биринчи) эмас деб қаралади. Транспорт (ташиш), сартировка (ажратиш), сақлаш, уйларга етказиш ҳаражатлари (иккинчи) мавжуд бўлиб, улар талабларни қондириш учун янада яхши қулайликлар яратади. Икки хил

кўринишдаги ҳаражат ўртасида чегара ўтказиш (ишлаб чиқариш ҳаражатлари, сотиш ҳаражатлари) таклиф ва талаб ўртасидаги фарқ каби қиймат назариясида фундаментал аҳамият касб этади. Сотиш ҳаражатлари маскур махсулотга талабни оширади, ишлаб чиқариш ҳаражатлари унинг таклифини оширади.

3.3. Корхона (фирмада) рақобат таҳлилида “McKinsey 7S” таҳлил моделини қўллаш

Ўтган асрнинг 80-йилларида АҚШнинг “McKinsey” консалтинг компанияси маслаҳатчилари гурухи томонидан ишлаб чиқилган “McKinsey 7S” моделини қўллаш иқтисодиётимизнинг ривожланишига яқиндан ёрдам беради. Моделнинг асосий муаллифлари Том Петерс ва Роберт Ватерманлар ҳисобланиб, улар томонидан моделнинг асосий тамойиллари кўрсатиб ўтилган ва мазкур тамойил асосида корхона бошқарув фаолиятини такомиллаштириш имкониятлари мавжуд бўлади. Бугунги кунга келиб, модел бутун дунёда амалиётда қабул қилинган ҳамда корхона тасарруфида омилкор бизнес жараёнларини яратишга ва оптималлаштириш учун фойдаланадиган стратегик менежмент ва маркетинг бўйича кўплаб корхона раҳбарлари ва мутахассисларининг ишончини қозонган. “McKinsey 7S” модели компаниянинг ички ташкилий тузилмасини ва фаолият кўрсатиш тамойилларини таҳлил қилишнинг қулай воситаси ҳисобланади. Ушбу модель асосида ташкилот микро иқтисодиётининг еттига асосий элементи таҳлил қилинади ва қуйидаги хulosани беришга имкон беради, яъни, корхона тасарруфидаги бизнес жараёнлар қандай даражада яхши ташкил этилган ва мавжуд ресурслар қанчалик самарали тарзда йўналтирилган[.

“McKinsey 7S” модели ҳар қандай корхонанинг ички бизнес жараёнларини такомиллаштиришга, корхона самарадорлигини оширишга ёрдам беради ҳамда ташкилий тузилмада режалаштирилган ўзгаришларнинг мумкин бўлган натижаларини таҳлил қилиш, бўлинмаларни бирлаштириш ва бирлашувни амалга ошириш, корхонанинг ривожланиш стратегиясини

амалга оширишнинг энг яхши усулини аниқлаш учун ҳизмат қиласи. Бу корхонани ривожлантиришда инсон омили ёки мавжуд техника билан эмас, балки факат корхонанинг тузилмасини тадқиқ этади, бу эса корхонанинг истиқболини баҳолашда ва таҳлил қилишда асосий вазифани бажаради.¹⁰

Таҳлил ва натижалар


“McKinsey 7S” модели қўйидаги еттита тамойилни ўзида жамлайди:

- корхона стратегияси;
- корхонанинг таркибий қисми;
- бошқарув тизими;
- корхона тасарруфидаги муносабатлар услуби;
- ходимлар фаолияти таркиби;
- кўникма ва қадриятлар миқдори;
- ходимларнинг малакаси.

Модел ташкилот мұхитининг еттита асосий тамойилини таҳлил қилиш асосида қурилган. Моделдаги барча тамойиллар ўзаро бир-бирига боғлик. Бу шуни англатадики, юқорида кўрсатилган соҳаларнинг ҳеч бўлмагандан биттаси ўзгарса, дарҳол бошқа ўзгаришларни талаб қилинади. Қўйидаги 1-расмда “McKinsey 7S” моделининг намуна сифатида бир кўриниши келтирилган. Чизмада барча тамойиллар бир-бирига боғланган ҳамда “юмшоқ” ва “қаттиқ” икки йирик бўлинмаларга бўлинган.

Корхонанинг тузилиши, стратегияси ва бошқарув тизими-бу бўлинмалар корхонанинг “қаттиқ тамойиллар”нинг уч қисмини ўз ичига олади ва бу тамойиллар мос равишда корхонани бошқаришни осонлаштириш ва истиқболини баҳолашда қулайликлар туғдиради. Моделнинг барча бошқа қисмларини ўз ичига олган “юмшоқ тамойиллар” эса бошқариш ва баҳолашни мураккаблаштиради, бироқ кўп ҳолларда корхонанинг асосий таркибий қисмларини шакллантиради ва улар узоқ муддатли рақобатбардошлиқ тамойилларини яратиши мумкин.

¹⁰ Лобзов А.В. Без чего не работает корпоративная система управления проектами // Российское предпринимательство. – 2015. – Том 16. – № 13. – С. 2045- 2052.



(1-расм).

1-расм. “McKinsey 7S” моделинг тузилиши¹¹

Корхона кўникмалар ва қадриятлар тизими бежизга “McKinsey 7S” моделининг марказида жойлашган эмас. Модел муаллифлари корхона фаолиятининг асосий тамойиллари ва ваколатларини ички муҳитнинг қолган барча тамойилларига таъсирига ва аҳамиятига алоҳида урғу беришни таъкидлаб ўтганлар. Юқорида айтиб ўтилганидек, “McKinsey 7S” модели корхона ички муҳитининг еттита асосий тамойилига асосланган. Қуйида моделдаги ҳар бир элементни батафсил кўриб чиқамиз.

Корхона стратегияси. Корхона стратегияси узоқ муддатли ривожланиш режасини белгилайди, бу бизнеснинг рақобатбардошлигини оширишга ва барқарор рақобатбардош устунликларни яратишга ёрдам беради. Тўғри танланган стратегиянинг мезонлари қуидагилардир, яъни: мақсадларнинг аниқ шакллантирилиши, узоқ муддатли мақсадларга эга бўлиши, рақобатбардош устунликка эришишга йўналтирилган бўлиши, корхонанинг умумий фаолиятининг билан ўзаро боғлиқлиги.

Корхонанинг тузилиши. Моделдаги тузилмага кўра, ҳар бир бўлимнинг боғлиқлик тамойиллари, устуворлиги ва жавобгарлик соҳаси кўрсатилган корхона таркибидаги турли бўлимлар ўртасидаги ўзаро

¹¹ www.iqtisodiyot.uz

муносабатларни ташкил этиш усуллари тушунилади. Моделнинг бу тамойили мос равишда ва осон ўзгариши мумкин.

Бошқарув тизими. Бошқарув тизими корхонанинг мунтазам операцион (амалий) тартибларини таърифлайди. “McKinsey 7S” моделининг ушбу тамойили бошқарув қарорлари қандай қабул қилинганлиги, корхонада кундалик ишлар қандай амалга оширилаётгани, бизнеснинг қандай усуллари ривожланаётганлиги учун жавоб беради.

Қадриятлар тизими. Қадриятлар тизими корхонада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг касбий қобилияти ва ваколатлар доираси миқёсини ифодалайди.

Ходимлар таркиби. Ходимларни ишга қабул қилиш, уларни мутахасисликларга ажратиш, уларга кўрсатма ва тавсиялар бериш ва рағбатлантириш. Бу тамойил корхонада ходимларнинг амалда қай даражада фаолият юритаётганини таҳлил этади.

Корхона тасарруфидаги муносабатлар услуби. Бу тамойил корхона томонидан қабул қилинган бошқарув услубини ифодалайди. Корхонада раҳбарлар фаолияти натижаси ва бизнесни ривожлантириш учун муҳим қарорлар қабул қилишда уларнинг ролини ифодалайди.

Ходимларнинг малакаси. Бу тамойил корхона ҳодимларни қайта таёrlаш ва малакасини ошириш, уларнинг етук даражада фаолият юритиши учун етарли даржада малакага эга бўлишларини таъминлайди.

“McKinsey 7S” моделини амалиётда қўллаш жараёнида олиб бориладиган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

Бу ерда олтига тамойиллар кўриб чиқилади, яъни:

- модел элементлари таърифи;
- қарама - қаршиликлар таҳлили;
- мукаммал моделни яратиш усули;
- асосий ўзгаришларни аниқлаш;
- ўзгаришларни киритиш;
- моделни қайта таҳлил қилиш.

1. Модель элементлари таърифи. Биринчи босқичда 2-жадвалда келтирилган назорат рўйхатидан (анкетадан) фойдаланиб, моделнинг ҳар бир тамойилини тавсифланади. Моделнинг ҳар бир тамойилини monosyllables (мураккаб) усулда ифодаланган маълумотлардан фойдаланиб, мумкин қадар батафсил тушунтиришга ҳаракат қилиш лозим.

2. Қарама-қаршиликларни таҳлил қилиш. Иккинчи босқич – бу барча тамойилларни ўзаро таҳлил қилиш ва улар ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликлар мавжудлигини аниқлаш, улар бир-бирлари билан қанчалик боғлиқ ва бир-бирини қўллаб-қувватлашини ўрганади.

Қадриятлар тизимини таҳлил қилиш қўйидаги амаллар орқали бажарилади: стратегия, тузилма ва бошқарув тизимиға нисбатан қанчалик мукаммаллиги таҳлили. Сўнгра “қаттиқ” тамойиллар таҳлили олиб борилади, яъни, улар бир-бири билан қандай алоқадалар ва улар ўртасида бир-бириларга нисбатан зиддиятларнинг мавжуд эмаслиги ўрганилади. Сўнгра “юмшоқ” тамойилларнинг қайси элементлари “қаттиқ” элементларга мослиги таҳлил этилади ва “юмшоқ” тамойилларнинг ўзаро зид келмаслиги таҳлил қилинади.

3. Мукаммал модельни яратиш усули. Учинчи босқич – корҳонанинг мукаммал моделини яратишдан иборат, унда барча еттига тамойил бирлаштирилади. Модельни қўллашнинг бу босқичи энг узоқ муддатлидир ва кўплаб муқобил усулларни қўллашни талаб қиласди. Сўнгра қўлланиладиган мукаммал модельни яратиш учун корҳонанинг мавжуд тузилмаси ва қадриятларини инобатга олган ҳолда энг кам қаршилик кўрсатиш йўли танланади. Биринчидан, “юмшоқ” тамойилларда қандай холатлар рўй бериши мумкинлиги ўрганилади, сўнгра бу тамойилларнинг корҳона “қаттиқ” тамойилларига мос келиши ўрганилади. Иккинчидан ҳар бир “қаттиқ” тамойиларни ўзгартириш амалга оширилади. Учинчи босқичда корҳонанинг асосий қадриятларини кўтариш вазифалари амалга оширилади.

4. Ўзгаришлар режаси. Тўртинчи босқич – корҳонани қайта ташкил этиш зарурияти аниқланади ва ривожланиш жараёнига тўсқинлик қилувчи қарама-

қаршиликларни бартараф этиш ва корхонанинг самарадорлигини кўтариш учун моделларнинг барча тамойилларини бир-бирини тўлдириши ва таъминлаши учун қандай муҳим ўзгаришлар қилиш зарурлиги белгиланади. Бу амалдаги ва такомиллаштирилган (мукаммал) моделларни бир-бири билан солиштириш имконини яратади.

5. Ўзгаришларни киритиш. Бешинчи босқич – корхонани такомиллаштиришга мўлжалланган режаларни амалга оширишдан иборат. Ҳар қандай холатда лойиҳани амалга ошириш энг муҳим ва мураккаб босқич ҳисобланади. Корхонада қабул қилинган қарорлар ижобий натижа бермаса, корхонани иқтисодий ўсиши ҳам рўй бермайди. Шунинг учун, ўзгаришларни амалга оширувчи ва тахлил қилувчи алоҳида гурухини шакллантириш мақсадга мувофиқдир ва бу гуруҳ таркибига холис ходимлар жалб этилади.

6. Мониторинг(Назорат). Сўнгги олтинчи босқич, амалга оширилган ишларни кузатиб бориш ва ушбу модели еттига тамойилининг ҳар бирини тахлил қилиш асосида қайта қуришни амалга оширади. Ҳар бир тамойилни ўзгариши, бошқа тамойилларни қисман ўзгаришига олиб келади, шунинг учун корхона микроиқтисодиётини барча еттига тамойиллари фаолиятини муайян тартибли назаротини тамиnlайди. “McKinsey 7S” модели бўйича корхона микроиқтисодиётини барча қисмларини тахлил қилиш учун кичик назорат варақасини яратиш ва уни мунтазам тўлдириб бориш таклиф этилади. Натижада корхона фаолияти мазкур модел асосида қандай ютуқ ёки камчиликларга эга бўлиши кузатиб борилади. Варақада корхонанинг асосий қадриятларини қайси тамойиллар ташкил этадилар, корхонанинг корпоратив маданияти қандай шаклланади, қабул қилинган қарорларнинг қай бири қанчалик самара бериши ҳақида ахборотлар тўпланади.

Моделнинг фаолият кўрсатиши намунаси. Биз қуйида “McKinsey 7S” моделининг корхона амалиётда фаолият кўрсатиши бўйича намунасини кўриб чиқамиз. Бизнинг мисолимизда биз тахлил қилаётган корхонада рўй берадётган микроиқтисодий ўзгаришларни кўриб чиқамиз ва модел корхона бизнесининг ташкилий вазифаларини ҳал қилишда қандай ёрдам бериш

амаллари ўрганилади. 1-қисм. Интернет орқали корхона муайян хизматларни таклиф килсин. Корхонанинг асосий стратегияси уни бозордаги улушкини оширишдан иборат. Корхонанинг ўз фаолияти янги ташкил этилганлиги сабабли, корхона бошқарув иерархиясининг юқори бўғинидаги бир неча раҳбарларга бўйсунади ва бўғиннинг қуи қисми бир нечта ходимлардан иборат бўлади. Корхонанинг кичиклиги туфайли ходимларнинг ҳаракатини мувофиқлаштириш учун мураккаб расмий тизимлар яратиш шарт эмас. Мазкур корхона учун “McKinsey 7S” модели қуидаги кўринишига эга:

1- жадвал

Корхона учун “McKinsey 7S” моделининг кўриниши¹²

<i>7S модели тамойиллари</i>	<i>Тамойиллар тавсифи</i>	<i>Зиддият</i>
<i>Корхона стратегияси</i>	<i>Ҳозирги ассортиментнинг аста-секин қамраб олиниши</i>	<i>йўқ</i>
<i>Корхонанинг тузулмаси</i>	<i>Маъмурӣ буйруқбозлик тизими</i>	<i>йўқ</i>
<i>Бошқарув тизими</i>	<i>Буюртмаларни қайта ишлаш тизими ва мижозлар билан ишлаш, бўлимларнинг ишини назорат қилиш, ходимларни бошқариш.</i>	<i>йўқ</i>
<i>Ходимлар малакаси</i>	<i>Хизматларни сотиш билан боғлиқ бўлган ишланмалар корхонада яхши ифодаланган.</i>	<i>йўқ</i>
<i>Ходимлар таркиби</i>	<i>Бошқарув ва аналитик кўникмаларнинг йўқлиги</i> <i>Ходимларнинг энг кўп миқдори ва уларнинг мотивацион мураккаб тизимлари.</i>	<i>йўқ</i>
<i>Корхона тасарруфидаги муносабатлар услуби</i>	<i>Демократик, қисман нотўғри бошқарув услуби.</i>	<i>йўқ</i>
<i>Кўникма ва қадриятлар миқдори</i>	<i>Фоиз ва энг юксак маҳорат</i>	<i>йўқ</i>

Активация WiFi
Насобати

Натижалар: Корхонанинг барча қисмлари бир-бирига мукаммал даражада боғлиқ ва уларнинг фаолияти бир-бирига зид келмайди. Бу ҳолатда корхона самарали фаолият кўрсатади ва кенгаяди.

2-қисм. Корхона анча кенгайган, унинг таркибида 500дан ортиқ ходимлар фаолият кўрсатади ва унинг бозордаги маҳсулот тури бўйича улуши 50%дан ошади. Корхона тузулмаси аста секинлик билан бюрократик машинага айланади ҳамда ходимларни рағбатлантиришнинг янги тизимлари пайдо бўлади. Корхонанинг қадриятлари тизими ҳам ривожлана бориб, ходимлар юқори малакаси ва фаолликлари ҳам қадрли ва аҳамиятли шаклга эга бўлади.

¹² “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнал. №2. 2018 й.

Анвалги қадриятлар (ишонч ва гурухда фаолият кўрсатиш) янги ходимларнинг кўпайиши ҳисобига долзарблик мақомини йўқотади. Корхонининг ушбу ҳолатини тахлил қилган ҳолда модел қуидаги кўринишга эга бўлиши мумкин:

2- жадвал

Корхона учун “McKinsey 7S” моделининг кўриниши¹³

7S Элементи	Элементлар тавсифи	Зиддият
Корхона стратегияси	Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот орқали бозорни эгаллаб олиш	ҳа
Корхонанинг тузулмаси Бошқарув тизими	Бюрократик машина Буюртмаларни қайта ишлаш тизими ва мижозлар билан ишлаш, бўлимлар фаолияти назорати, ходимларни бошқариш	йўқ ҳа
Ходимлар маҳорати Йиғиндиси	Корхонада аниқ номоён бўлган маҳсулотларни сотиши асосида шаклланган маҳорат	ҳа
Ходимлар таркиби	Ходимларнинг катта миқдори ва уларни рағбатлантиришнинг мураккаб тизимлари	йўқ
Корхона ичидағи муносабатлар услуби	Бошқарувнинг демократик, қисман хаотик усули	ҳа
Қадриятлар миқдори:	Юқори маҳорат ва фаоллик	ҳа

Кўплаб муқобил варианtlар тахлили шуни кўрсатадики, корхона фаолиятига иккита микроиктисодиёт элементларни мослаштириш мақсадга мувофиқдир, яъни: бўйн сунуш ва жавобгарлик тизимиги қўмаклашувчи бюрократик тузулма белгиланган мақсадларга юқори даражада эришиш имконини берувчи ходимлар таркиби. Бироқ, микроиктисодиётнинг қолган бешта элементлари корхонанинг кескин ривожланиши шароитида ўз-аро қарама-қаршилик шароитида бўладилар. Бундай тахлил корхона ҳаёт фаолияти кенгайиши қобилияти мавжуд эмаслигини кўрсатади. Бозорнинг катта қисмини эгаллангандан сўнг уни тўлиқ қамраб олиш мураккаблашади. Ушбу ҳолатда, бозорга янги маҳсулотларни киритиш ва географик экспансия(кенгайиш) амали яхши стратегия бўлиб ҳисобланади. Шу билан биргаликда корхона фаолиятида стратегик режалаштириш ҳамда ахборотларни тўплаш ва тахлил қилиш тизимларининг етишмовчилиги ҳолатлари ҳам кузатилади. Мазкур тизимлар корхонанинг бозордаги улушкини сақлаб қолиш ва хусусий бизнес амалларини тартибга солиш учун

¹³“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнал. №2. 2018 й.

зарур ҳисобланадилар. Бошқарувнинг турли усули корхона учун янги муаммони яратади, раҳбарият катта ташкилотни бошқариш кўникмаларига эга бўлмаган ҳолда корхона ўсишига салбий таъсир кўрсатувчи бошқарувнинг демократик усулларини қўллаб-қувватлаш усулига ўтади. Бунда бошқарувнинг янги қўникмалари зудлик билан корхона тизимиға тадбиқ этилишлари зарур.

Биз юқорида “McKinsey 7S” модели билан ишлаш усулини кўриб чиқдик. Модел оддий бўлгани билан бирга амалиётда моделда мавжуд бўлган еттига элементни мос равища тўплаш мураккаб вазифа ҳисобланади. Бундай мослиқ корхона тасарруфидаги қарама-қаршиликларни олдини олиш ва бизнес жараёнларни такомиллаштириш бўйича амалларни тартибга солиш имконини яратади.

Ўзбекистон республикаси давлат тасарафудан чиқарилган корхоналар олдида турган вазифалардан бири чуқур рақобат шароитида фаолият кўрсатиш ҳамда кенг ассортиментга эга бўлган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Бундай мураккаб масалаларни ижобий хал этишда корхоналарнинг бошқарув тизимларини қўп тпмойиллик ва бозор инфраструктурасига мос равища ташкил этиш корхоналарнинг ривожланиши гаровидир. Мазкур тамойиллар билан бирга корхонанинг ташкилий тузилмасини “McKinsey 7S” модели асосида тахлил этиш ҳамда “юмшоқ” ва “қаттиқ” тамойилларини аниқ тарзда белгиланиши ва улар ўртасидаги боғликларни мукаммал даражада ўрнатиш корхона олдида турган вазифаларни юқори даражада хал этиш имконини беради.

Татбиқ қилишга мўлжалланган модел асосида белгиланган тамойиллардан “қаттиқ” тамойиллар ўртасидаги алоқаларни тадқиқ этишда математиканинг “қаттиқ”, яъни аниқ хисоблашларини тадбиқ этилиши, “юмшоқ” тамойиллар ўртасидаги алоқаларни тадқиқ этишда эса “юмшоқ” хисоблашларни тадбиқ этилиши тамойиллар ўртасидаги алоқаларни мукаммал тарзда ўрнатиш имконини яратади.

4-МАВЗУ. РАҚОБАТБАРДОШЛИК ВА УНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ

4.1. Рақобатбардошлик тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари.

Мамлакат ва минтақалар иқтисодиётини ривожланишини тартибга солишнинг муҳим йўналишларидан бири уларнинг рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан қабул қилинган —Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидағи Фармонининг 3.2-банди “Таркибий ўзгартиришларни чукурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш”¹⁴ деб номланиб, унда —иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош мухитни шакллантириш ҳамда маҳсулотлар ва хизматлар кўрсатиш бозорларида монополияни босқичма босқич камайтириш; принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технологиялар турларини чиқаришни ўзлаштириш, бунга асосан ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш вазифалари белгилаб берилган. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида албатта таркибий ўзгартиришларни чукурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи туради.

Рақобатбардошлик тушунчаси XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида хорижий давлатларда минтақавий сиёsatни белгилаб берувчи асосий тамойилга айланмоқда. Иқтисодчи олимлар томонидан минтақавий рақобатбардошликка бағишланган бир қатор монографиялар, мақолалар чоп этилмоқда ва маҳсус илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

¹⁴ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

Жаҳон мамлакатлари иқтисодий тараққиётнинг қайси моделини танламасин мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалигидаги мавқеи ва ўрни унинг рақобатбардошлиқ даражаси билан белгиланади. Иқтисодий адабиётларда —рақобатбардошлиқ тушунчаси билан бир қаторда —рақобатдошлиқ тушунчаси ҳам қўлланилади. Бу иккита тушунча амалда бир хил мазмунни ифодалайди. Рақобатбардошлиқ – бу одатда товар ишлаб чиқарувчиларнинг минимал фойдалиликни таъминловчи нархда ташки бозорда сотиш учун ишлаб чиқаришга бўлган қобилияти ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, рақобатбардошлиқ товарлар бозори билан чекланиб қолмай, макроиктисодий тавсифга эга ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганлариdek, —ўз-ўзидан аёнки, рақобатдош иқтисодиётни шакллантирмасдан, пировард натижада эса рақобатдош мамлакатни барпо этмасдан туриб, биз қабул килган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган мақсадли вазифаларни амалга оширасдан туриб, бу ҳақда жиддий сўз юритиш мумкин эмас.

Тарихга назар соладиган бўлсак, мамлакатларнинг рақобатдошлиги концепцияси миллий иқтисодиётнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрнини белгилаб берувчи қиёсий афзалликлари назариясига асосланади. Бу ерда қиёсий афзалликлар деганда мамлакатда арzon ишчи кучи, бой табиий ресурслар, қулай географик жойлашув, иқлим, инфратузилма ва бошқа омиллар тушунилади. Ўзбекистон қуйидаги қиёсий афзалликларга эга: қишлоқ хўжалиги ривожланиши учун қулай табиий-иқлим– шароитларининг мавжудлиги; бой табиий ресурслар ва рекреация ресурсларига эгалиги;— бой маданий-тарихий меросга эгалиги;— мамлакатнинг қулай географик жойлашуви;— Ўзбекистон аҳолисининг меҳнатсеварлиги ва тадбиркорлик– қобилиятига эга бўлган меҳнат ресурсларининг мавжудлиги.

Ўзбекистоннинг рақобат жиҳатдан афзалликларини таҳлил қиласиган бўлсак, қуйидагиларни ажратиш мумкин: мамлакат сиёсий ва хукуқий

тизимининг барқарорлиги;— инсонни ривожлантиришга, яъни, таълим, соғлиқни сақлаш,— ижтимоий эҳтиёжларга катта қўйилмаларнинг йўналтирилганлиги; аҳоли ўртacha яшаш ёшининг узунлиги;— меҳнат ресурсларининг рақобатдошлиги;— мамлакат аҳолиси таълим даражасининг юқорилиги.— Киёсий афзалликларга эга бўлиш билан бирга республика миллий иқтисодиётининг рақобат афзалликларини хам ривожлантириш зарур. Мазкур ҳолатда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида қўйидаги омилларга асосий эътиборни қаратиш лозим, хусусан: мамлакат сиёсий ва ҳуқуқий тизимининг барқарорлиги, меҳнат ресурсларининг рақобатдошлиги ва мамлакат аҳолиси таълим даражасининг юқорилиги .

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланиш суръатларини таъминлаш, халқаро рақобатни вужудга келтиришнинг муҳим шарти дунё мамлакатлари иқтисодиётининг очиқлиги билан белгиланади. Ўзбекистон иқтисодиёти эркинлашуви чуқурлашиб, очиқлик даражаси ортиб жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кучайиб бормоқда. Баъзи иқтисодчиларнинг фикрича, иқтисодиётнинг очиқлик даражаси миллий ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркибига боғлиқдир. Ишлаб чиқариш ҳажмининг умумий таркибида базавий тармоқлар улуши қанчалик юқори бўлса, иқтисодиётнинг очиқлик даражаси шунчалик паст бўлади. Ушбу ҳолат базавий тармоқларнинг халқаро ихтисослашув жараёнiga кам даражада жалб этилганлиги ва асосан ички бозорга йўналтирилганлиги билан изоҳланади.

Қайд этиб ўтилганидек, иқтисодиётнинг очиқлиги халқаро иқтисодий рақобатнинг муҳим шарти ҳисобланади. Мамлакатларнинг рақобатдошлиги қандай аниқланади ва у нималарга боғлиқ? Нима сабабдан баъзи мамлакатлар рақобатдошлиги жиҳатидан бошқа мамлакатларга нисбатан илгарилаб кетган? Рақобатдошлик тушунчасига иқтисодий адабиётда фирмаларнинг мавжуд шароитда рақобатчиларига нисбатан баҳо ва баҳосиз

тавсифига кўра товарларни лойихалаштириш, тайёrlаш ва сотиш борасидаги реал ва потенциал имкониятларидир дея таъриф берилади.

АҚШнинг Гарвард университети профессори М. Портер фикрича, мамлакатнинг рақобатдошлиги даражасини унинг миллий компаниялари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, фирмалар, тармоқлар рақобатдошлиги таъминлаб беради. Шунинг учун дастлаб мамлакат рақобатдошлигини эмас, балки миллий компаниялар рақобатдошлигини таҳлил этиш лозим. У мамлакат компанияларининг муваффақиятини таъминлаб берадиган қулай мухитни яратиш қуйидаги тўртта мухим кўrsatkiчга боғлиқлигини таъкидлайди : ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик;— талаб кўrsatkiчлари;— яқин ва хизмат кўrsatuvchi тармоқлар;— рақобат мухити ва фирма стратегияси.— Ушбу мухит доирасидаги миллий компанияларнинг самарали фаолияти мамлакатнинг рақобатдошлик рейтингини белгилаб беради.

4.2. Рақобатбардошликни тавсифловчи мухим кўrsatkiчлар

“Жаҳон амалиётида мутахассислар миллий иқтисодиётни рақобатдошлигини аниқлаш учун 340 дан ортиқ кўrsatkiчлар ва 100 дан ортиқ усуллардан фойдаланишади. Мамлакатнинг рақобатдошлигини аниқлашда қуйидагилар асосий омиллар сифатида хизмат қиласи: иқтисодий салоҳият ва иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари; саноат ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги; илмий-техник тараққиётнинг ривожланиш даражаси ва уни ўзлаштириш суръатлари; халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиш; ички бозор ҳажми ва динамикаси; иқтисодиётда давлатнинг роли; молия тизимининг эгилувчанлиги; меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ва малака даражаси; ички сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ҳолат; иқтисодиётнинг жаҳон бозори конъюнктураси талабига мослашиш даражаси ва қобилияти”¹⁵.

¹⁵ Портер М. Конкуренция. /Пер. с англ. - М.: Издательский дом "Вильямс", 2002.

Швейцариянинг Лозанна шаҳрида жойлашган Менежментни ривожлантириш халқаро институти ҳар йили дунёнинг етакчи 47 мамлакатига рақобатдошлиқ нуқтаи назаридан баҳо беради. Таҳлиллар 287 мезон бўйича гурухланган 8 та омил бўйича амалга оширилади: миллий иқтисодиёт тавсифи – ЯИМ ҳажми, инвестициялар ва жамғармалар ҳажми, пировард истеъмол даражаси, аҳоли турмуш даражаси, иқтисодиётнинг амал қилиш самарадорлиги даражаси; иқтисодиётнинг байналмилаллашув даражаси; сиёсий тизимнинг барқарорлиги; молия тизими; инфратузилма; бошқарувнинг самарадорлиги; фан ва технологияларнинг ривожланиш даражаси; меҳнат ресурсларининг тавсифи. Мамлакатлар рақобатдошлигини таҳлил этувчи халқаро тадқиқотлардан бири – бу Жаҳон иқтисодий форумининг методикаси ҳисобланади. Тадқиқот жараённан мамлакатнинг иқтисодий ўсишини баҳолашда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш динамикасини тавсифловчи муҳим макро ва микроиктисодий кўрсаткичлар асосида рақобатдошлиknинг агрегат индекслари ҳисобланади. Ушбу методика 30 йилдан буён қўлланилади ва унинг натижалари Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал рақобатдошлиқ тўғрисидаги маърузасида чоп этилади.

Минтақалар рақобатбардошлиги назарияси эндиғина шакланаётганлиги сабабли унинг мазмуни, тушунчаси бўйича олимлар ўртасида турли қарашлар ва таърифлар мавжуд. Фикримизча минтақа рақобатбардошлиги - унинг рақобатбардошлиқ афзаликларидан самарали фойдаланган ҳолда рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш асосида аҳоли турмуш даражасини оширишдан иборат. Минтақалар ўртасидаги рақобатбардошлиқ жараёни мамлакатлар, тармоқлар ва корхоналар ўртасидаги аниқ бир кўринишга эга бўлмайди. Ушбу жараён етарлича узоқ ва мураккаб бўлиб, минтақаларнинг рақобатбардошлиги, биринчи навбатда инвестицияларни жалб қилган ҳолда ҳар бир ҳудуднинг рақобат афзаликларидан самарали фойдаланишга қаратилгандир.

Минтақавий рақобатбардошликини ошириш уларнинг узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясининг асосини ташкил қиласди.

Халқаро тажриба ва олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича минтақанинг рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан унинг табиий-иктисодий салоҳиятининг мавжудлиги ва даражаси билан аниқланади. Салоҳиятни баҳолашга асосланган ёндашув минтақанинг рақобат афзаликларини аниқ кўрсатиб беради. Бунда минтақанинг рақобатбардошлигини шакллантирувчи асосий салоҳият турларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Минтақа рақобатбардошлик даражасига таъсир кўрсатувчи асосий салоҳиятлар куйидагилар ҳисобланади: табиий ресурслар салоҳияти, инсон омили, молиявий, экологик ва институционал ўзгаришлар.

Рақобатбардошлик даражасини оширишнинг дастлабки босқичида транспорт-географик жойлашув, агроиқлим шароитлари, ер-сув, минерал-хом ашё ва маҳаллий ресурсларни ўзида жамловчи табиий ресурслар салоҳияти асосий ўрин эгаллади.

Минтақа рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан нисбий афзаликларга, биринчидан табиий бойликларга, иккинчидан минтақани ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солишнинг самарадорлигига, учинчидан инновацион лойиҳалардан унумли фойдаланишга боғлиқдир.

Умуман олганда, худудий омилнинг роли нафақат муҳим, балки универсал ҳамдир. Шу муносабат билан М.Портернинг нуқтаи назари ғоят муҳим бўлиб, унинг қатъий таъкидлашига кўра, минтақанинг географик ўрни рақобатчилик учун фундаментал аҳамият касб этади, “...жаҳон иқтисодиёти шароитида рақобатдаги барқарор устунликлар кўпроқ ҳолларда ва кўпроқ даражада маҳаллий кўринишга эга бўлиб, юқори даражада ихтисослашган касбий малакалар ва билимлар, институтлар, рақиблар, ўзаро боғланган иқтисодий фаолият турлари, шунингдек муайян мамлакат ёки минтақадаги кўпни кўрган ва тажрибали истеъмолчиларнинг бир ерда тўпланишидан юзага келади. Географик, маданий ва ташкилий жиҳатдан яқинлик ахборотдан маҳсус фойдаланиш имконияти, алоҳида муносабатлар,

ахборотга тўлиқ эга бўлиш, қудратли рағбатлантирувчи омилларнинг юзага келиши, шунингдек масофадан туриб эга бўлиш қийинчилик туғдирадиган ишлаб чиқаришдаги бошқа афзалликларни таъминлаб беради... . Географик ҳолат, аввалги ўн йилликлардагидан бошқачароқ маънода бўлса-да, XXI аср чегарасида ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда”¹⁶.

Бунда муайян худудга аниқ “боғланган” “хаёт сифати” деб аталувчи синтетик тушунча рақобатбардошликинг энг муҳим жиҳати бўлиб қоладики, бу тушунча ҳар хил кўламдаги турли-туман ҳодисаларни ўз ичига олади: бандлик масштаблари ва характеристи ҳамда меҳнат шароити, таълим ва саводхонлик даражаси, уй-жой билан таъминланганлик ва унинг қулайлиги, ижтимоий таъминот тизими, экологик яшаш шароитлари ва ҳ.к.

Буларнинг ҳаммаси эса ҳудудий жиҳатдан локал (турғун) жойлашган бозор потенциалини, инновацион ва инвестицион иқлимини, ўз ихтиёридаги барқарор иқтисодий такрор ишлаб чиқаришнинг ҳам, истеъмолчилик стандартлари, технологиялар, товарлар, хизматлар ва капиталларни бошқа минртақаларга “олға силжитиш”нинг ҳам имкониятларини аввалдан белгилаб беради.

4.3. Макроиқтисодий, мезоиқтисодий ва микроиқтисодий даражадаги рақобатбардошликини баҳолаш

Мезоиқтисодиётнинг муайян худудга “боғланган”лиги мамлакатлар масштабида ҳам, геоиқтисодий масштабда ҳам унинг етакчи (доминанта) функциялари ўртасидаги ўзаро муносабатларни сақлаб қолади.

Минтақанинг функционал йўналганлиги, бир томондан, умумий ижтимоий-иқтисодий потенциалини белгилаб берса, иккинчи томондан, у ёки бу функция доирасида рақобатчиликдаги устунликларни реализация қилиш учун шарт-шароитларни шакллантиради. Функционал типологиянинг классик моделида (ҳар қандай анча соддалаштирилган назарий моделда бўлганидек) у ёки бу минтақа ҳар хил турларга мансуб бўлади, масалан, аграр, аграр-индустриал, индустрисиал, рекреацион ва б. Бундай

¹⁶ Портер М. Международная конкуренция. – Москва: Международные отношения, 2005. – 859 с.

соддалаштирилган тасниф минтақавий иқтисодиётнинг айрим етакчи функцияларини ажратиб кўрсатиш имконини беради. Бу тасниф асосини аввалам бор функционал-соҳавий ёндошув ташкил қилиши мумкинки, бунда иқтисодий фаолиятнинг нафақат устунлик қилувчи йўналишлари, балки минтақа учун ихтисослашган (унинг ихтисослигини белгилайдиган) йўналишлари ҳам минтақа таснифининг асоси бўлади.

Минтақалар бир-биридан ажralган ҳолда эмас, балки ўзаро муносабатда, ягона иқтисодий фазода ривожланар экан, уларни таснифлашда (айниқса рақобатбардошликни параметризациялаш маъносида) айрим ғарб олимларининг (А. Фишер, Д. Белл ва б.) тадқиқотларида ўз ривожини топаётган иқтисодиётни бир қатор секторларга ажратишга қаратилган йўналиш алоҳида аҳамият касб этмоқда деса ҳам бўлади. Булар: бирламчи сектор (қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон иши, балиқчилик), иккиласмчи сектор (ишлаб чиқарадиган саноат), учламчи сектор (транспорт, коммунал хўжалик), тўртламчи сектор (савдо, молия хизматлари, сугурта, кўчмас мулк устида ўtkазиладиган операциялар), бешламчи сектор (соғлиқни сақлаш, таълим, илмий тадқиқотлар, давлат бошқаруви соҳаси, дам олиш ва кўнгил очиш индустрияси).

Бу ҳолда худуд (минтақа, шаҳар ва х.к.)нинг рақобатбардошлиги минтақавий шарт-шароитлар ва ижтимоий ишлаб чиқариш омилларининг (шу жумладан, ҳудудий-локализацион омилнинг, яъни глобал иқтисодиётга минтақа эгаллаган жой) йиғиндисини ҳам, бошқа мезоиқтисодиётлар билан солиштирганда, улардан самарали фойдаланишни ҳам ўз ичига сифдирадиган синтетик ҳодиса сифатида намоён бўлади. Бунда ушбу омиллардан фойдаланиш деганда, фақат хусусий ва корпоратив мақсадларда эмас, балки кўпроқ бутун ҳудудий умумлашманинг манбаатларини хисобга олган ҳолда фойдаланиш кўзда тутилади.

Бу билан боғлиқ ҳолда минтақавий иқтисодиёт рақобатбардошлигини тадқиқ этишда тегишли кўрсаткичлар (индикаторлар)нинг бир бутун йиғиндиси билан иш кўришга тўғри келади. Рақобатбардошлик

муаммосининг ушбу жиҳатига диққатни қаратар эканмиз, унга баҳо беришда ҳозирги замон иқтисодиётида анчайин диверсификацион ёндошув юзага келганини таъкидлаб ўтмай бўлмайди.

М.Портер ҳам минтақа рақобатдардошлилигини баҳолашда (бу масала унда мамлакат рақобатбардошлиги концепциясининг ўзига хос проекциясини ташкил этади) умуман олганда худди шунга ўхшаш ёндошувдан келиб чиқади¹⁷. Ушбу муаллифга кўра, минтақа рақобатдардошлилиги – бу минтақавий ресурслардан, биринчи навбатда, ишчи кучи ва капиталдан фойдаланишининг бошқа минтақаларга нисбатан унумдорлиги (маҳсулдорлиги). Унумдорлик эса ялпи минтақавий маҳсулот (ЯРМ)нинг аҳоли жон бошига миқдори билан, шунингдек унинг динамикасида белгиланади.

Рақобатбардошликнинг ривожланиши қуйидаги тўртта босқичда амалга оширилади:

- ишлаб чиқариш омиллари асосидаги рақобатчилик;
- инвестициялар асосидаги рақобатчилик;
- ноу-хаулар асосидаги рақобатчилик ва;
- бойлик асосидаги рақобатчилик.

Дастлабки учта босқич иқтисодий ўсишни таъминлайди, охиргиси эса турғунлик ва инқирозни келтириб чиқаради.

5- МАВЗУ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШГА НИСБАТАН УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР

5.1. Рақобатбардошлик даражалари

Ҳар қандай мамлакатда ички бозорда рақобатнинг мавжудлиги бозор хўжалиги муваффақиятли фаолият кўрсатишининг асосий кўрсаткичи хисобланади, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида, шу жумладан, ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда рақобат тўғрисида қонунларнинг

¹⁷ Портер М. Международная конкуренция. – Москва: Международные отношения, 2005. – 859 с.

қабул қилинганилиги ва мазкур масалалар билан шуғулланувчи миллий ташкилотларнинг ташкил этилганлиги ушбу ҳолатни тасдиқлаб турибди. Хусусан Ўзбекистонда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Монополияга қарши қўмита) ташкил этилган бўлиб, унинг фаолияти республика иқтисодиётида рақобат муҳитини яратиш, мулкчиликнинг турли шаклларидағи корхоналар ва фирмалар, шу жумладан, мулкчиликнинг турли шаклларидағи корхоналар ва фирмалар хўжалик фаолиятини юритиш учун тенг рақобат имкониятларини барпо этишга йўналтирилган.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги – бу иқтисодиётнинг муҳим кўрсаткичлари ҳолатини ташки параметрларга нисбатан ялии баҳолашни ўзида мужассам этган қиёсий тавсиф ҳисобланади, шу сабабли миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги халқаро рақобатда намоён бўлади.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги намоён бўлишнинг кўп даражали шаклларига эга:

- товарнинг рақобатбардошлиги;
- ходимнинг рақобатбардошлиги;
- товар ишлаб чиқарувчисининг рақобатбардошлиги;
- тармоқнинг рақобатбардошлиги;
- мамлакатнинг рақобатбардошлиги (ёки миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги).

Бунда рақобатбардошликнинг барча даражалари ўртасида жипс ички ва ташки ўзаро боғлиқлик мавжуд. Мамлакат ва тармоқнинг рақобатбардошлиги пировардида муайян товар ишлаб чиқарувчининг рақобатбардош товар ишлаб чиқариш қобилиятига боғлиқ. Миллий

иқтисодиётнинг "Барқарор стратегия, тузилма ва рақобатчилик" сифатида белгиланган рақобат жиҳатдан устунлигини шакллантиришнинг энг мухим омилини кўриб чиқамиз. Демак, мамлакатда компанияни ташкил этиш ва бошқариш тенденцияларига таъсир қўрсатувчи маълум шароитларнинг мавжудлиги ҳам ички рақобатнинг хусусиятини белгилаб беради.

Таъкидлаш жоизки, рақобат жиҳатдан устунликларни шакллантириш учун меҳнатга ва ходимларнинг касбий қўнималарини оширишга шахсий қизиқтириш ҳам мухим рол ўйнайди. Сўнгги ўн йилликлар иқтисодий амалиёти шуни исботламоқдаки, буюк иқтидор ва қобилият соҳиблари миллат учун энг катта ва аҳамиятли ресурс ҳисобланади, чунки мамлакат эришаётган ютуқлар қўп жиҳатдан ушбу иқтидор соҳиблари танлайдиган таълимнинг даражаси ва хилига, қаерда ишлашни афзал кўришига, уларнинг ишлашига ва ҳаракат қилишига боғлиқ. Шунинг учун мамлакатлар инсонлар нуқтаи назаридан нуфузли ёки ундан миллий қаҳрамонлар етишиб чиқадиган иқтисодий фаолиятни рақобатбардош қилишга интилади.

Ташки бозорга чикиш хамиша ракобат курашига тортилиш демақдир. Товар бозорлари гоят тўйинган, таклиф талабдан устун бўлган шароитларда хар бир товар ва унинг ортида турган товар ишлаб чиқарувчи истеъмолчининг назарига тушиш учун кураш олиб боришга мажбур. Харидорнинг айрим бир эҳтиёжлари teng ёки ўзгарадиган шароитларда бир хил ёки хар хил усуллар билан кондиришга мўлжалланган хилма-хил товарлар айни бир пайтда таклиф этилади. Бундай шароитда истеъмолчи ўзининг киймат бирлиги бўйича ракобатчилар товарларига караганда эҳтиёжни қўпроқ ва юкори даражада кондирадиган товарни танлайди. Мабодо товар сотилмаган бўлса ва харидор бошка компания маҳсулотини танлаган ва мазкур товарни рад этган бўлса, унда бу компанияни паст харажатлар ҳам, юксак меҳнат унумдорлиги ҳам жонига оро кирмайди. Касодга учраш хавфи аник хакикатга айланади.

Ракобатбардошлиқ даражасини аниглаш аксарият факт тараблар билан чегараланиб колмай, балки корхоналар, компаниялар, ватто мамлакатга нисбатан хам татбик этилади. Ракобатбардошлиқ серкирра ту- шунча булиб, унга жуда куп омиллар таъсир курсатади. Тадкигот максадларига караб асосий омиллар ва уларнинг микдорларини хисоблаш усуллари танлаб олинади. Масалан, фирманинг ракобатбардошлиги даражасини баҳолашда тармонд бозорида ракобат кураши жадаллигини белгилайдиган омиллар тахлил учун асос сифатида хизмат килади.

Бундай омилларга куйидагилар киради:

1. Ракобатчи фирмалар сони ва уларнинг киёсий куввати.

Бу омил ракобат кураши даражасига хал килувчи таъсир курсатади. Бозорда куввати тахминан teng булга н фирмалар иштирок этган полларда ракобат жадаллиги кучли намоён булади. Агар боз орда бир канча йорик компаниялар мавжуд булса кичикрок фирма танг ахволда колади.

2. Ракиблар харакатларининг диверсификациялашуви даражаси компанияларнинг сони ва кулами асосидаги ракобат тавсифини тулдиради. Бу омил ракобатчи фирмаларнинг мустакил ёки шериклар жалб этган холда иш ва хизматларнинг кенг комплексини амалга ошириш, тармонд маҳсулотларининг хар хил турларини ишлаб чик ариш кобилиятини акс эттиради. Бозорда бундай ракобатчиларнинг куп булиши маҳсулотнинг муайян тури ёки бозор сегментида ихтисослашган фирмаларнинг улар билан тукнашуви мукаррар эканлигидан далолат беради.

3. Бозордаги талаб хажмини урганиш. Бу омил юкоридаги икки омилнинг таъсирини кучайтиради ёки сусайтиради. Талаб кенгайган колларда ракобат микёси пасаяди; аксийча, талабнинг кискариши ракобатни, ватто дастлаб унинг даражаси паст булган холда кам, кучайтиради.

4. Махсулотнинг табакалашуви даражаси. Умумий маркетинг назариясидан маълумки, максулотнинг табакаланиш даражаси нак адар юкори булса, бошка колатлар teng булган шароитларда боз орда рак обат дара жаси шу кадар суст булади. Хар бир ишлаб чикарувчи уз максулотини айрим алокида бир сегментга таклиф этганида ракобат энг паст даражага тушади. Аксинча, барча ишлаб чикарувчилар жами харидорлар учун бир - хил даражада мулжалланган ухшаш махсулотлар ишлаб чикарса, улар уртасидаги ракрабат гоят кучаяди.

5. Истеъмолчиларнинг бир ишлаб чикарувчидан бошкасига кучиши харажатлари. Бир фирма хизматидан фойдаланиб келган истеъмолчи вот утиши билан муайян сабабларга кура бошка фирма хизматидан фойдаланишини ихтиёр килиб колиши мумкин. Бундай холларда кучишда куп чикимдорлик ракобат даражасини пасайтиришга олив келиши мумкин. Аксинча, паст кучиш харажатлари турли компаниялар иш ва хизматлари технологиясининг юксак даражада бир хиллашганлиги туфайли ракобат курашини авж олдиради. Шу сабабли гарчи бу борада истеъмолчи талабининг узига хослигига эътибор берилса-да, ракобатни тахлил этишда бу омил албатта хисобга олиниши зарур. Чунки купгина холларда харидорлар мук аммалрок махсулот ва хизмат турларини олиш учун кушимча харажатларга борадилар.

б. Бозордан чикиб кетиш тусиглари ва уларнинг даражаси. Маълумки, компанияларнинг бошка тармонд бозорларига кучи ши ёки бизнеснинг шу соҳ асидан чикиши катта харажатлар билак boglik тармокларда ракобат кучли. Бундай харажатларга, масалан, асосий активларни тугатиш ёки сотиш билан boglik харажатлар, савдо-сотик тармогидан мах рум булиш, товар етказиб берувчилар ва бошка шерикларни алмаштириш билак boglik харажатлар, ишлаб чикиришни карта ташкил этиш буйича чикимлар ва бошкалар киради. Тармок бозоридан кетиш тусиклари куп булмаган

тармокларда, шунингдек кенг профилдаги компаниялар бир бозордан бошкасига эркин ута оладиган полларда хам ракобат жуда паст булади.

7. Бозорга кириб келиш ва унинг даражаси. Бу омил юкоридаги омил билан чамбарчас болганган, аммо унга зид тарзда амал килади. Тусикларнинг купайиши ракобатни пасайтиради ёки аксинча. Юкорида куриб утганимиздек, бу уринда капитал сарфларга эхтиеж, янги субпурдатчилар, жихоз-ускуналар етказиб берувчиларни топиш, буюртмачи ва шериклар билак янги алокаларни барпо этиш омиллари мухим ахамиятга эга. Технология ва ишлаб чикаришни ташкил этиш соҳасида патентлар ва "ноу-хай" сотиб олиш мухим ахамият касб этади. Технология турлари, фойдаланиш хусусиятлари ва бошка омиллар буйича табакалашув канча юкори булса, бозорга кириб келиш тусиклари хам шу кадар куп булади. Умумий омиллардан ташкари тармонда, боши мамлакатларнинг айrim бозорларига кириб бориш тусиклари кушимча шароитларга хам боғлик. Масалан, конун буйича чеклашлар, чет эл фирмаларининг савдо ишларига ушбу мамлакатда белгиланган соликлар шундай шароитларга киради. Ракибларнинг махаллий фирмалар киёфасидаги шерикларининг йуклиги, ушбу мамлакатдаги буюртмачилар билан алока урнатишнинг кийинлиги каби омиллар хам бозорга кириб келиш имкониятларини чеклаши мумкин.

8. Ёндош тармонд бозорларидаги вазият. Ёндош тармок бозорларидаги конъюнктура ва ракобатни урганиш айrim бир тармок бозоридаги ракобат даражасини белгилайди. Купгина полларда тармонд бозоридаги ракобат даражасини тахлил килишни умуман жаргон товар бозоридаги ракобат даражасини тахлил килипшан бошлайдилар. Умумий ракобат даражасининг кучайиши, ёндош бозорлардаги юқ ори ракобат дара жаси, когда тарикасида, ушбу тармок бозоридаги ракобат даражасини кутаради.

9. Ракиблар стратегиясидаги фарклар. Ракиблар стратегиясини таджик этиш ракибларнинг стратегик махсулотларидаги умумийлик ёки тафовутларни аниклаш максадларида утказилади. Агар қупчилик ракобатчи фирмалар бир

хил стратегияга амал килаётган булса, ракобат даражаси кучайтирилади. Аксинча, купчилик етакчи фирмалар турли стратегияни куллаган шароитларда ракобат даражаси нисбатан пасаяди.

10. Ушбу бозорда ракобат учун алохида сабабларнинг булиши, ракобат даражаси бозорнинг алохида бир жалб этувчилик ёки аксинча бездирувчилик хусусиятлари билан хам белгиланади. Махсулот нархларининг бирданига узгариб кетиши, жаргон хом ашё нархларининг узгариши, янги хом ашё манбаларининг топилиши, лойихаларни молиялаш учун маблагларни купайтириш, харбин харажатлар, гражданлар урушларининг бошла ниши, давлат тунтаришлари бозорнинг бундай хусусиятларига сабаб булади. Ёрдамчи сабабларни тахлил этиш ракобат дара жаси кайси омил хисобига кутарилганини аниклашга хизмат килади. Маркетологлар тармонд бозоридаги ракобат омилларини хulosавий тахлил этишда улардан хар бирининг таъсир йуналишини киёслайдилар ва турли омилларнинг нисбий ахамиятини хисобга оладилар. Айрим бир фирманинг ракобатбардошлиги даражасини, унинг тармонд бозоридаги урнини аниклапща сунгти хulosаларга келиши учун тупланган маълумотни мамлакатдаги ракобат даражаси хамда мамлакатнинг умуман жахон иктисадиётида ракобатбардошлиги даражаси тахлили билан тулдирмок зарур.

5.2. Товар рақобатбардошлигини баҳолаш боскичлари

Харидорнинг харажатлари икки кисмдан ташкил топади, унинг бир кисмини харид харажатлари (товар нархи), иккинчи кисмини уни истеъмол этиш билан бодлик харажатлар ташкил этади. Агар товар техникий жихатдан мураккаб буюм булса, харидор бу буюмдан фойдаланишда яна харажатлар килишига тугри келади, айтайлик, ёнилги, сурков мойлари, эҳтиёт кисмлар ва бошкалар сотиб олишига мажбур бўлади. Мабодо товар ишлаб чиқариш максадларида кўлланиладиган бўлса, унга хизмат кўрсатадиган ходимлар межнатига хак тўлаш, уларни ўқитишга, сугурта

килишга ва бошкаларга маблаг сарфлаш лозим. Аксарият холларда товар сотилганидан кейин уни харидорга етказиб бериш, ўрнатиш, текшириш зарур.

Товар истеъмоли билан боглик бўлган жами харажатлар "истеъмол нархи" деб аталади. Одатда истеъмол нархи харид нархидан юкори юради. Шу сабабли бозорда энг паст нарх кўйилган товар эмас балки харидорга хизмат килишнинг бутун даври давомида истеъмол нархи энг паст бўлган товар энг ракобатбардош хисобланади.

Товар рақобатбардошлигини баҳолаш асосан уч боскичдан иборат. Булар куйидагилардан иборат:



Биринчи боскич — бозорни тахлил этиш ва киёс тарзида фойдаланиш учун энг рақобатбардош намуна-товарни танлаш. Намунани танлаш рақобатбардошликни тахлил килишнинг энг масъулиятли вазифаларидан бири хисобланади. Бу боскичда хатоларга йўл кўйиш жами иш натижаларини йўкка чикириши мумкин. Намуна тахлил килинадиган товар мансуб бўлган товарлар гурухидан, шу бозорга хос, кенг доирада харидорлар хурматини козонган бўлиши лозим.

Иккинчи босқич - иккала товарда киёсланадиган томонлар мажмуини белгилаш. Шуни таъкидлаш лозимки, бозорга чикириш мўлжалланаётган (лойихаланаётган) товар билан бозорда бўлган товарнинг параметрлари шунчаки оддий киёсланадиган бўлса, рақобатчи товарлар харидорлар эҳтиёжларини кай даражада кондира олиши хамда харидорларнинг келажақдаги талабларига кай даражада жавоб бера олиши масаласи эътибордан четда колади. Шу сабабли хар кандай лойиха энг мукаммал маънода истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини аник-равшан ифодалашдан бошланмоғи лозим. Шу асосда ягона параметрик курсаткич аникланади:

Умуман—ракобатбардошликини тавсифлайдиган параметрлар куидаги гурухларга булинади:

- техникавий (улар "катъий" деб аталади) . Бу гурум уз навбатида буюмни маҳсулотларнинг аник тур (синф) га мансублигини белгилайдиган тавсифий-максадли параметрлар (масалан, двигатели куввати 60 от кучидан 90 от кучигача булган автомобиллар, пассажир синими 55 дан 70 кишигача булган самолётлар ва хоказо каби) хамда маҳсулотга хос булган техникавий-конструкторлик ечимларини акс эттирадиган конструкция параметрлари (масалан, биоплан хамда моноплан самолётлар, енгил ва юк автомобиллари каби);
- норматив тартибдаги параметрлар. Бу параметрлар буюмнинг давлат, калкаро, минтака ёки бошқа даражада талаб чегараларни тартибга солиб турадиган меъёрлар, стандартлар, коидаларга мувофик келиш-кељмаслигини кўрсатади (ушбу параметрнинг шу чегаралардан четлашуви мумкин эмас). Бу талабларга жавоб бермайдиган товарлар умуман фойдаланишга берилиши мумкин эмас.
- патент-хукукий масалалар хам меъёрий параметрларга киради. Патент соғлиги курсаткичи маҳсулотнинг экспорт килиш эҳтимоли булган мамлакатдаги патентлар таъсирига тушадиган, импортер мамлакатида саноат намунаси ва товар бел гисининг руйхатга олинган техник ечимларга бойлиги даража- сини ифода этади;
- "юмшок" ("узгарувчан") техникавий параметрларга эргономик (гигиеник, антропометрик, физиологик, психологик ва бошқа) курсаткичлар киради. Бу параметрлар товарнинг инсон организм хусусиятларига мувофик келишини, кулайлик, иш сифати, толикиш тезлиги ва бошкаларни курсатади. Эстетик параметрлар предметнинг шакли ва мазмуни бирлиги, курими даражасини акс эттиради, ижобий ёки салбий хиссиётларни пайдо этади, бу хиссиётлар говинда харидорнинг товарни баҳолашида асосий ахамият касб этади.
- экологик параметрлар атроф мухитни муҳофаза килиш бўйича талабларнинг бажарилишини акс эттиради. Буларга заарарли аралашмалар

микдори, махсулотни ишлатиш ёки истеъмол килиш чогида нурланиш ёки зарралар, газ кабиларнинг чикишини мисол килиб келтириш мумкин.

Хозирги бозор хилма-хил, жумладан "катьйи" параметрлари хам жуда ўхшаш бўлган товарлар билан тўлган даврда товарларга ўзига хослик ва жозиба берадиган "юмшок" параметрларнинг ахамияти ортиб бормокда. Чет элларда бундай тенденция кенг истеъмол моллари билан бир каторда ишлаб чиқариш максадларидағи товарлар бозорларида хам кузатилади.

Учинчи босқич - ташкилий параметрлар- етказиб бериш шартлари, етказиб беришнинг бутлиги, кафолат муддатлари, шартлари ва бошкалар.

Товарнинг истеъмол параметрлари мажмуини аниклаш — унинг рақобатбардошлигини тахлил килишдаги энг мухим иш хисобланади. Шундан кейин бу параметрларнинг иерархияси белгиланади, бунда истемолчи учун энг мухим бўлган томонлар биринчи ўринга кўйилади.

Хар бир параметрнинг "салмогини" аниклаш корхонада ташкил этилган, ишончли бозор ахборотига эга булган эксперtlар гурухига топширилади. Улар ишлаб чиккан нуктаи назарни янада ойдинлаштириш учун бозорни таджик этишнинг "майдон" усулида кушимча маълумотлар тупланади.

Рақобатбардошлик нуктаи назаридан энг "салмокли", етакчи булган параметрлар биринчи навбатда синчковлик билан таджик этилади. Албатта, бундай ёндашув иккинчи даражали параметрларни тахлил этишни истисно килмайди, чунки баъзан товарнинг бозор муваффакиятини таъминлашда худди шундай параметрлар гоят мухим роль ўйнаши мумкин.

5.3. Рақобатбардошликини шакллантириш ва ривожлантиришнинг М. Портер модели (миллий ромб)

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлилиги – ҳалол рақобат шароитида жаҳон бозори талабларини қондирувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товарларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилиятидир. Миллий иқтисодиётнинг

рақобатдошлиги масаласи доимо иқтисодчи олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Ушбу масаладаги замонавий назарияларнинг кўпига асос бўлган фикрлар М.Портернинг изланишларида ёритилган. М. Портер мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлиги унинг ресурслар билан яхши тамилангангагина боғлиқ эмаслигини, рақобат устунлигини шакллантириш, таъминлаб туриш мумкинлигини кўрсатиб берди ва унга мамлакат фирмаларининг рақобатдошлигини таъминлаш орқали эришилади, деган фикрни илгари сурди. Рақобатдошликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг М.Портер концепциясига кўра, мамлакатнинг рақобат жихатдан устунликлари “миллий ромб”ни ташкил этувчи тўртта унсурдан иборат. Қуйида “миллий ромб” ни ташкил этувчи унсурларга қисқача тўхталиб ўтамиз. . (2-расм.)



2-расм. М.Портернинг рақобат устунликлари ромби¹⁸

М.Портер концепциясига кўра, мамлакатнинг рақобат жихатдан устунликлари “миллий ромб”ни ташкил этувчи тўртта унсурдан иборат. Улар қуидагилар:

1. Омиллар билан таъминланганлик
2. Талаб параметрлари

¹⁸ Портер М. Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран. М.: /пер. с анг. – Международные отношения, 2008, 782с.

3. Ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи тармоқлар

4. Фирмалар стратегияси таркиби ва рақобатчилик мухити

Мамлакатнинг рақобат жиҳатдан устунликлари “миллий ромб”ни ташкил этувчи тўртта унсурларни алоҳида кўриб ўтамиш.

1. Омиллар билан таъминланганлик. Ишлаб чиқариш омиллари назарияси бўйича товар айланишининг оқими ишлаб чиқаришнинг меҳнат, ер, табиий ресурслар, сармоя, инфратузилма каби омилларини белгилаб беради. Мамлакатда ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун ҳал қилувчи роль ўйнамайди. Ишлаб чиқариш омилларини шакллантириш ва янгилашнинг тезлиги ва самарадорлиги ҳамда иқтисодиётнинг маълум тармоқларида қўллаш муҳимдир. ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида кишилар билан табиат ўртасидаги боғланишни амалга оширувчи шахсий ва техник-буомлашган элементлар тизимидан иборат.

Меҳнат, материал, билим, пул, инфратузилма ресурслари билан таъминланиш мамлакатнинг рақобатдошлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ресурсларнинг баъзилари олдиндан мавжуд бўлса, айримлари яратилади ва ривожлантирилади.

2. Талаб параметрлари. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорлардаги талабнинг ҳажми, таркиби ва уларнинг ўзгариши миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу маҳсулотларга талаб ҳажмининг ошиши миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини оширади ва аксинча

3. Ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи тармоқлар Рақобатдош ҳамкор тармоқларнинг мавжудлиги мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қиммат ресурсларни мамлакат ичидан топиш, маҳсулот етказиб берувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, янгиликларни жорий қилишга кўмаклашиш имконини беради. Минглаб бутловчи қисмларни талаб этувчи автомобилларни ишлаб чиқаришда рақобатбардош бўлиш шу қисмларнинг аксариятининг мамлакатда ишлаб чиқарилишини

йўлга қўймасдан мумкин бўлмаганидек, кимёвий толалар, тугмалар ва сифатли бўёқлар ишлаб чиқарувчи корхоналар мамлакатда мавжуд бўлмаса, биргина пахта хомашёсининг мўл-кўллиги қўйлак ишлаб чиқаришда рақобатдошликни таъминлаш учун етарли бўлмайди.

Турдош ва қўллаб-қувватловчи тармоқлар детерминанти куйидаги кўрсаткичлар орқали ифодаланади:

- Мамлакат сиёсий ва хуқуқий тизимининг барқарорлиги;
- Инсонни ривожлантиришга (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий эҳтиёжларга) катта қўйилмалар;
- Ахоли ҳаёт кечиришининг узоқлиги;
- Ишчи кучи ресурсларининг рақобатбардошлиги;
- Мамлакат ахолиси таълим даражасининг юқорилиги.

4. Фирмалар стратегияси таркиби ва рақобатчилик муҳити. Фирмани бошқаришда рақобатнинг хусусиятлари эътиборга олинади. Бунда турлича стратегия ва мақсадлар ишлаб чиқлади. Ички бозорда кескин рақобатнинг мавжудлиги фирмаларни ўз фаолиятини такомиллаштиришга, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ташқи бозорларга чиқишга ундаиди. Кучли ички рақобат муҳитида тобланган фирмалар ташқи бозорларда ҳам осонроқ муваффақиятга эришади.

М. Портер концепциясига асосланган замонавий модель мамлакатнинг умумий хусусиятга эга бўлган ва унда ишлаб чиқарувчилар рақобатлашадиган рақобат муҳитини шакллантирувчи 4 та хусусиятдан иборат. Ушбу муҳит рақобат устунликларини шакллантиришга кўмаклашиши ҳам ёки унга тўсқинлик қилиши ҳам мумкин.

“Шу сабабли ҳукуматнинг мамлакат ичида эркин рақобат муҳитини яратиш, монополлашувга қарши курашиш каби чора-тадбирлари муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тўрт унсурга ҳукуматнинг фаолияти ва тасодифий ҳолатлар таъсир кўрсатади. Тасодифлар жумласига мамлакатни ривожлантиришнинг умумий шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлмаган,

юзага келишига фирма ҳам, давлат ҳам таъсир кўрсата олмайдиган ҳодисалар киради. Уларга ихтирочилик, йирик технологик ютуқлар, ресурслар нархининг кескин кўтарилиши, жаҳон молиявий бозорлари конъюктураси ва алмашинув курсларининг, ташқи талабнинг кескин ўзгариши, чет эл ҳукуматларининг сиёсий қарорлари, урушлар ва табиий оғатларни киритиш мумкин”¹⁹.

Ҳукумат миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ҳар тўрт унсурга таъсир кўрсатиш орқали шакллантиради ва ўзгартиради. Демак, миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашуви ва диверсификациялашуви, бизнес юритиш учун яратилганшарт-шароитларнинг қулайлиги, мамлакат корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган талаб ҳажми, ўзаро боғлиқ ва бир- бирини тўлдирувчи тармоқлар фирмалар стратегияси, таркиби ва рақобатчилик муҳити, омиллар билан таъминланганлик, талаб параметрлари давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислоҳотлар стратегияси қай даражада илмий асослангани ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олгани ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ, деб хулоса қилиш мумкин.

6 - МАВЗУ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАРИ.

6.1. Инсон капитали ривожланишининг назарий асослари

Инсон капитали концепцияси XVII асрда пайдо бўлган деб ҳисобланади. Уни биринчилардан бўлиб 1676 йилда Вильям Петти²⁰ урушда қуролларни

¹⁹ Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт / Муаллифлар жамоаси: Р.О. Алимов, А.Ф. Расулов, А.М. Қодиров ва бошқалар // С.С. Гуломов таҳрири остида. –Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006.

²⁰ **Вильям Петти** (*William Petty*, 1623—1687) — инглиз иқтисодчisi, Англияда классик сиёсий иқтисод асосчиларидан бири. Асосий асари: “Соликлар ва йигимлар тўғрисида трактат” (“Treatise of taxes and contributions”, 1662)..

йўқотиши инсон ҳаётини йўқотиш билан таққослаш асосида қўллади. У Англия учун урушда инсон

В. Петти бойлик ва унинг манбалари таркибига ер ва у келтирадиган рента, капитал ва ундан олинадиган фойда (фоиз) билан бир қаторда одамларнинг меҳнати, малакаси ва соғлиғига боғлик равища, у ёки бу турдаги даромад келтиришини кўрсатган. Олимнинг фикрига кўра, инсон капиталининг микдори ходимнинг бутун умри давомидаги иш хақи капиталлашиши билан баҳоланади²¹.

Яна бир аср ўтгандан сўнг Адам Смит ва классик иқтисодий назариянинг бошқа вакиллар ҳам инсон капитали концепциясини эътироф этдилар. Адам Смит 1776 йилда ўзининг “Халқлар бойлигининг моҳияти ва сабаблари хусусидаги тадқиқотлар” асарида халқларнинг бойлиги асосан ишчилар сони ва улар кўниумасининг сифати билан белгиланишини кўрсатган.

Бундан яна юз йил ўтгандан сўнг Альфред Маршалл ҳам инсон капиталига узоқ муддатли инвестициялар самараси ва бу жараёнда инсоннинг ролини таҳлил этди.

Хақиқатдан ҳам жаҳоннинг тарақкий этган давлатлари иқтисодиёти ўсиши тўғрисидаги статистика маълумотлари ўсишнинг классик омилларига асосланган ҳисоб-китоблардаги кўрсаткичлардан анча юқори эканлигини кўрсатди. Иқтисодиёт ривожланиши ва ўсиши жараёнларини таҳлил этиш инсон капиталини замонавий иқтисодиёт ва жамиятни ривожлантирадиган асосий ишлаб чиқариш ва ижтимоий омилга айланганидан далолат берди.

Давлат сиёсати ижтимоий соҳанинг ҳам асосий йўналишларини, хусусан, меҳнатнинг рағбатлантирувчи омиллари, меҳнатга хақ тўлашни бошқариш тизими, меҳнат самарадорлигини ошириш ва бошқаларни бел-гилайди. Шу боис меҳнат иқтисодиёти масалаларини, унинг назарий жиҳатларини тадқиқ этиш зарурати мавжуддир. У ўтиш иқтисодиёти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда меҳнатнинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш тоифаси сифатидаги

²¹ Петти В. Экономические и статистические работы / Петти В. Том 1. – М.: Соцэkgиз, 1940. - С.156.

моҳиятини тушунтириб берувчи масалаларни акс эттириши лозим. Фикримизча, бу - инсон капиталини такрор барпо қилиш назарияси, яъни моҳиятан иқтисодий ва ўзининг шакл-шамойи-лига кўра ижтимоий назариядир.

Инсоний капитални такрор барпо қилишнинг замонавий концепциялари эркин рақобат механизмини идеаллаштиришни тадқид қилиш ва маълум маънода А.Маршаллнинг хўжалик юритувчи субъектларни субъектив баҳолашдан, яъни микроиқтисодий даражадаги тадқиқотлардан келиб чиқадиган танлаш эркинлиги концепциясига асосланади.¹ Бу танқиддан сиёсий иқтисодда янги йўналиш пайдо бўлди ва "неоклассик" номини олди. Унинг энг "ҳосилдор" вакиллари - М.Фридмен ("Капитализм и свобода", (1962), "Свобода вмбора", 1979) ва бошқалар. Ж.Мут, Р.Лукас, Т.Саржент ва Н.Уоллес ягона микроиқтисодий асосни макроиқтисодий муаммолар тахлилига келтиришга, яъни "синтез" назариясини яратишга харакат қилдилар. Мазкур назариянинг марказий бўғини ахборотдан оқилона фойдаланиш ҳисобига ўзгариб турувчи бозор шароитларига тез мослаша оладиган бозор агентлари дидир. Буни бугун тадбиркорлик деб ҳам атайдилар. Агар ҳар бир тадбиркор бозорнинг ўзгаришига мослаша олса, у холда микродараражада давлат томонидан бошқарилшн зарурати кескин йўқолади ва шу тариқа танлаш эркинлиги таъминланади. Мазкур назариянинг заиф томони шундан иборатки, у бозор агентлари қобилиятларининг ва рационал ахборотдан фойдаланиш имкониятларининг бир хил эмаслигини хисобга олмайди.

Шу муносабат билан институционал-социологик йўналиш пайдо бўлиб, мустақил йўналиш сифатида жадал ривожланмоқда. Ж.Р.Коммонс, У.К.Митчелл, Ж.К.Гэлбрейт ишларида "институтлар" тушунчасига корпорациялар, касаба уюшмалари, давлат ва шунингдек иқтисодий назария ва унинг предмети чегараларини кескин оширувчи психологик, хукукий, ахлоқий, техник ва бошқа ҳодисалар хам киритилган. Бу йўналиш XX аср

¹ Маршалл А. Принципы экономической науки. - М.: Прогресс, 1993, Т. 2. С. 310.

охирида "постиндустрисал", "информацион", "сервис" жамият назариялари таъсирида, турли ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг конвергенцияси асосида оммавийлашди.

Институционалистларнинг фикрича, тадқиқотнинг бош обьекти ҳар томонлама камол топган шахс бўлиши керак.

Уни тушуниш, жамият ривожланиши тенденциясини баҳолаш фақат кенг илм-фан бўйича тахлил асосида амалга оширилиши мумкин, бундай тахлил (иқтисодиётдан ташқари) ижтимоий психология, социология, ҳукуқ, сиёsatшунослик ва бошқа ижтимоий фанларни ўз ичига олиши лозим.

XX асрнинг 60-йиллари ўртасида Г.Беккер инсон хулқ-авторига шугисодий ёндашган ҳолда "инсоний капитал" назарияси аппаратини яратди. Иқтисодий ёндашув деганда индивидларнинг оқилона, энг мақбул хатти-харакати тамойили назарда тутилади. Бундай ёндашув негизида оқилона умидлар гипотезаси ётади, унга кўра инсон қарорлар қабул қилишда иқтисодий мақсадга мувофиқлик тамойилидан келиб чиқади, яъни энг кўп фойда, наф келтирадиган қарорларни қабул қиласди. Г.Беккерга асосан, "инсоний капитал" - бу туғма қобилиятлар ва орттирилган билимлар, кўникумалар ва асослар йифиндиси бўлиб, улардан мақсадли фойдаланиш даромаднинг ошишига олиб келади (индивид, корхона ёки жамият даражасида).

6.2. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда инсон тараққиёти концепциясининг роли

Жамиятнинг ривожланиш стратегияси – бу бош мақсад ва устуворликларни ҳамда сиёсий ислоҳотлар, иқтисодий ва ижтимоий дастурларни амалга оширишнинг изчиллиги, бирин-кетинлигини аниқ белгилашdir. Яққол ифодаланган стратегиясиз барқарор ижтимоий тараққиёт, ҳокимиятнинг турли тармоқлари ва даражаларида хатти-харакатларни мувофиқлаштириш, ресурслар ва кучларнинг оптимал тақсимланишига эришиш мумкин эмас. Бу мақсад тўла-тўқис ҳолда БМТ

томонидан илгари сурилган Инсон тараққиёти концепцияси (ИТК) билан уйғунлашгандир.

ИТКни англаш жараёнида туғиладиган биринчи савол табиийки, “инсон тараққиёти” деганда нима тушунилади? БМТнинг Тараққиёт дастури (БМТТД) томонидан тайёрланган 2010 йил Инсон тараққиёти ҳақидаги маъruzada унга қуйидагича таъриф берилади:

“Инсон тараққиёти ўз моҳиятига кўра инсон эркинликлари қаторига одамларнинг узоқ, соғлом ва ижодкор ҳаётга бўлган ҳуқуқларини ҳамда бошқа, уларнинг фикри бўйича қадрлашга арзигулик мақсадларга эришиш; бизнинг муштарак сайёрамизда адолат ва ривожланишни барқарорлигини таъминлашда фаол иштирок этишни киритишдан иборат. Одамлар – алоҳидами ёки гурухларми – бир вақтда инсон ривожланишининг ҳам сайимақсади, ҳам ҳаракатлантирувчи кучидирлар.”²².

Бу таърифни тушуниб етиш қуйидаги хulosани чиқаришга имкон беради: инсон тараққиёти – комплекс характерга эга бўлиб, ўз ичига инсоннинг ҳам моддий, ҳам маънавий эҳтиёжларини қондиришни, унинг соғлиққа, таълим олишга, ўзини ифода қилиш эркинлигига, бугунги ва келгуси авлодлар хавфсизлигига бўлган ҳуқуқларини таъминлашни қамраб олади.

Инсон тараққиёти концепцияси қачон ва қай тарзда вужудга келган? Узоқ вақт давомида дунёда иқтисодий ривожланиш концепцияси якка ҳукмрон бўлиб келган. Қисқача айтганда, ушбу концепциянинг моҳияти ниҳоятда содда ва тушунарли: иқтисодиёт ва меҳнат самарадорлигининг ўсиш суръати юқори бўлган, ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ва аҳоли жон бошига ўртacha даромади юқори бўлган мамлакат фаровон ҳисобланади. Турли сиёсий, иқтисодий тизимларга эга давлатлар айнан иқтисодий ривожланиш суръатларига кўра ўзаро рақобатлашар эдилар. Бу концепция содда ва тушунарли бўлгани туфайли ҳамон одамлар тафаккурига ўз

²² Доклад о развитии человека 2010 – Реальное богатство народов: пути к развитию человека. – ПРООН, 2010. – С. 22.

таъсирини ўтказиб келмоқда.

Аммо XXI аср бўсағасида иқтисодий ўсишнинг ўзи асосий мақсад эмаслиги аён бўлиб қолди. Жамиятнинг даромадлари фақат восита холос: улар кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларига ҳам, қуролланишга ҳам, маорифни ривожлантиришга ҳам, дабдабали, аммо ҳалқ фаровонлигига таъсир кўрсатмайдиган лойиҳаларни амалга оширишга ҳам сарфланиши мумкин. Шу сабабли турли мамлакатлардаги турмуш сифати ҳар доим ҳам ўртача даромад даражасига мос келавермайди.

Бундан ташқари, ЯИМ нотекис тақсимланиши мумкин. Зеро, ҳукуматларнинг ижтимоий сиёсати фаол, кучли ёки суст, лоқайд бўлиши мумкин. Демак, ЯИМ даражаси ҳам, ўсиш суръати ҳам тараққиёт ва муваффақиятнинг асосий мезони бўла олмайди. Бу ҳақиқатни англаш янгича ёндашувни – Инсон тараққиёти концепциясини шакллантириш имконини берди.

Ушбу концепцияни вужудга келишига ҳинд иқтисодчиси, 1998 йил Нобель мукофоти лауреати Амартья Кумар Сеннинг илмий асарлари ва покистонлик машхур иқтисодчи Маҳбуб ул-Ҳақнинг фаолияти катта ҳисса бўлиб қўшилди. Маҳбуб ул-Ҳақ БМТТД томонидан 1990 йилда тайёрланган биринчи “Инсон тараққиёти тўғрисида”ги маъruzанинг ташаббускори ва муаллифларидан бири бўлди. Шундан буён ушбу нашр ҳар йили чоп этилади.²³.

Шунингдек, дунёнинг деярли барча давлатлари ҳар йили ИТКга асосланган ўз Миллий маъruzаларини тайёрлайди.

1995 йилдан буён Ўзбекистонда Инсон тараққиёти тўғрисида тўққизта маъруза эълон қилинган бўлиб, улар ижтимоий сиёsat, иқтисодий ўсиш, ислоҳотларни ўтказиша давлатнинг роли, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, давлат бошқарувини марказлаштиришни чеклаш, соғлиқни

²³ Ушбу нашрлар билан рус тилида www.undp.org сайти орқали танишиш мумкин.


сақлаш, таълим тизимиға бағишенгандан.²⁴

Инсон тараққиёти ҳақидаги маъруза фақатгина қизиқарли статистик маълумотларни қамраб олган оммабоп материал эмас. Бу, энг аввало, инсон тараққиёти борасидаги мамлакат стратегияси амалга оширилиши жараёнини акс эттиради, сиёsat устуворликларини ифодалайди ва келгуси ҳаракат дастурини белгилаб беради.²⁵

1 Ушбу нашрлар билан рус тилида www.undp.org сайти орқали танишиш мумкин. 2 *Measuring human development*. New York. 2007. - Р. 2. 3 Ушбу ҳужжатлар билан ўзбек ва рус тилларида www.undp.uz веб-сайти орқали танишиш мумкин. 4 Инсон тараққиёти бўйича БМТТД маърузалари билан VII бобда батафсил танишиш мумкин. 8 Шундай қилиб, йигирма йилдан кам муддатда Инсон тараққиёти концепцияси ижтимоий жараённинг умум тан олинган парадигмасига айланди. Бошқача айтганда, у нафақат назарий қурилма, балки жамият ривожланишнинг комплекс моделидир. Инсон тарққиёти нуқтаи назаридан ютуқлар бугун барча жойларда мамлакат фаровонлиги ва у танлаган йўлнинг тўғрилигини тасдиқловчи бош мезон сифатида тан олинади. 2000 йилнинг сентябрь ойида БМТнинг Минг йиллик Саммити бўлиб ўтди ва унда БМТнинг Минг йиллик Декларацияси, яъни халқаро ҳамжамиятнинг инсон тараққиёти ва инсон хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳаракат дастури бир овоздан қабул қилинди. Бу ҳужжатга биноан Минг йиллик ривожланиш мақсадлари, яъни 192 давлат ва 23 халқаро ташкилотлар томонидан 2015 йилга келиб қашшоқликни бартараф қилиш, одамларнинг билим даражасини кўтариш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тенглигини таъминлаш, касалликларга қарши курашиш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида эришиш керак бўлган вазифаларга оид мажбуриятлар белгиланди. МРМга эришиш билан боғлиқ ҳолатлар 8 та мақсад, 21 та вазифа ва 60 кўрсаткичларга асосланган ҳолда баҳоланади . (1-расм)

²⁴ Ушбу ҳужжатлар билан ўзбек ва рус тилларида www.undp.uz веб-сайти орқали танишиш мумкин.

²⁵ Инсон тараққиёти бўйича БМТТД маърузалари билан VII бобда батафсил танишиш мумкин.



1- расм. Глобал Мингийиллик ривожланиш мақсадлари

МРМ кўпчилик ҳолларда инсон тараққиёти концепциясининг асосий қоидалари билан мос келади ва умумий қадриятларга эга. Инсон тараққиёти одамлар манфаатини унинг ҳаётий фаолиятини қадр-қиммат ва эркинликларига риоя қилган ҳолда амалга оширишда танлов хуқуқини кенгайтириш мақсадида ифодалайди. Бир вақтнинг ўзида МРМ инсон тараққиётининг барча асосий йўналишларини қамраб олмайди. (2-расм)

Мақсад	Миллий вазифалар
1. Кам таъминланганликни камайтириш, овқатланиш сифати ва маданиятини ошириш	2015 йилга бориб кам таъминланганлар даражасини икки баробар камайтириш

2. Бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш	2015 йилга бориб бошланғич ва асосий ўрта таълим сифатини ошириш ва шу билан бирга, таълимдан умумий баҳраманд бўлиш даражасини сақлаб туриш
3.Гендер тенглигини рағбатлантириш ва хотин-қизларга ваколат бериш	2015 йилга бориб бошланғич, умумий, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимида гендер тенгликка эришиш 2015 йилга бориб олий таълим тизимида гендер балансини яхшилаш.
4. Болалар ўлимини янада камайтириш	2015 йилга бориб болалар ўлимини учдан икки қисмга камайтириш
5. Оналар соғлиғини янада яхшилаш	2015 йилга бориб оналар ўлимини учдан бир қисмга камайтириш
6.ОИТС/ОИВ(СПИД), безгак ва бошқа касалликларга қарши курашиш	ОИТС/ОИВ(СПИД) ОИТС/ОИВ касалликлари тарқалишини камайтириш ва 2015 йилга бориб унинг тарқалишини бутунлай тўхтатиш Сил Силнинг тарқалишини камайтириш ва 2015 йилга бориб унинг тарқалишини бутунлай тўхтатиш
7.Экологик барқарорликни таъминлаш	Барқарор ривожланиш принципларини давлат сиёсати доирасига ва мамлакатда қабул қилинган дастурларига киритиш ҳамда нобуд бўлган атроф муҳит захираларини тиклаш 2015 йилга қадар яхшиланган сув манбаларидан ва санитария хизматларидан баҳраманд бўладиган шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг улушини кўпайтириш
8.Ривожланиш мақсадларида глобал ҳамкорликни кучайтириш	Дастлабки ва жорий вазифалар Минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, савдони, шу жумладан, минтақавий ва чегаралараро савдо ҳамда транспорт алоқаларини кенгайтириш, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳамда сув ва энергетика захираларидан фойдаланишини оқилона йўлга кўйиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш йўли билан минтақадаги қўшни мамлакатлар ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликни таъминлаш

2- расм. Ўзбекистонда Миллий Минг йиллик ривожланиш мақсадлари ва миллий вазифалар.

Ўзбекистондаги инсон тараққиётiga бўлган устувор эътибор, мамлакат тараққиётининг янги сифати ва аҳоли фаровонлиги тубдан ортганлигидан далолат берувчи аниқ маълумотлар орқали кўрсатилди. Хусусан, оналар

ўлими даражаси икки баравардан кўпроқ, болалар ўлими эса уч баравар камайди. 20 йил мобайнида ўртача умр кўриш 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди.²⁶

Шу билан бирга, барча даражадаги давлат ҳокимият органларининг инсон тараққиёти борасида белгиланган мэрраларга сўзсиз эришишни таъминлаш бўйича фаолиятини янада жадаллаштиришга қаратилган ишлар давом этмоқда. 2011 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “БМТ Минг йиллик мақсадларини Ўзбекистонда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” маҳсус қарор қабул қилди. Унда Ўзбекистонда БМТ Минг йиллик ривожланиш мақсадларига мувофиқ ахоли турмуш даражаси ва сифатини изчиллик билан кўтариш учун зарур бўлган қўшимча чораларни амалга ошириш мақсадида вазирликлар, идоралар, ҳокимиятнинг марказий ва маҳаллий органларининг мамлакатда инсон салоҳиятини муттасил ривожланишини таъминлашга қаратилган комплекс ҳаракат дастури белгиланган²⁷.

ИТКга кўра, жамият ривожланиши марказида фақатгина оддий иқтисодий кўрсаткичлар эмас, балки аввало инсон туриши керак. Тараққиётнинг пировард мақсади ва унинг самарасининг бош мезони – одамларнинг имкониятларини кенгайтириш, уларнинг табиий, жамиятда умум эътироф этилган қадриятларга мос келадиган маънавий ва моддий эҳтиёжларини сифатлироқ қондириш, янада юқори турмуш даражасига эришиш демакдир.

6.3. Таълим миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг омилли сифатида.

Таълим хизматларининг шакллантирилиши бозор иқтисодиёти

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Бош ассамблеясининг Минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисдаги нутқи. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 10-б.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январдаги 21-сон “Ўзбекистонда БМТнинг Минг йиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги карори. // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2011 йил. 4-5-сон. 35-модда.

мамлакатларидағи мухим соҳалардан биридир.

Таълим тизимидағи таълим хизматлари бозорини ўзгартириш зарурати муассасалар ва ташкилотларга сифатли сервис хизматларини кўрсатишга қодир бўлган турли мутахассисларга бўлган талаб ва таклифнинг қарор топганлиги билан изоҳланади. Ўз касбини чуқур биладиган, кенг, ҳар томонлама гуманитар тайёргарликка эга бўлган, ривожланган ижодий қобилиятли, муқобил тафаккурли, мустақил қарор қабул қила оладиган рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш зарурати туғилди.

Инсонни ривожлантириш концепциясида таълим унинг асосий таркибий қисмлардан бири эканлиги тасодифий эмас. Соддалаштирилган статистика таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда инсон ривожланиши индексининг қарийб 40,0 % республика таълим даражаси кўрсаткичига боғлиқ. Ўз навбатида, бунинг учдан икки қисми қисми мамлакат катта ёшли аҳолисининг саводхонлик даражаси, учдан бир қисми ўқув юртларига ўқишига кираётганларнинг жами коэффиценти, яъни 6–24 ёшдаги ўқиётганлар улуши билан белгиланади.

Ўзбекистон таълим даражаси бўйича дунёning ривожланган мамлакатлари қаторида туради. Ўзбекистонда таълим кўрсаткичи 0,998 ни ташкил этгани ҳолда жаҳон бўйича ушбу ўртача кўрсаткич 0,77 га тенгdir. Республика таълим кўрсаткичи бўйича Европа Иттифоқи таркибига кирадиган Мальта (0,86), Руминия (0,90), Хорватия (0,90), Марказий Американинг саноати энг ривожланган мамлакати - Коста-Рика (0,87) ва Хитой Гонконгидан (0,88) олдинда. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон нефть хисобидан бойиб кетган Бахрайн ва Бруней (0,88), Қувайт (0,87), Қатар (0,86), Бирлашган Араб Амирликлари (0,71), шунингдек, иқтисодий ривожланиш соҳасида катта муваффақиятга эришган Мексика (0,86) ва Малайзиядан (0,84) олдинда. Ўзбекистон катта ёшдаги аҳоли саводхонлиги даражаси бўйича (99,3%) Италия (98,4 %), Испания, Жанубий Корея (98,0 %) ва Исроил (97,1 %) каби иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларни ортда қолдирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик шароитида эски таълим тизимидан воз кечиб, узлуксиз таълимни ривожлантиришнинг ўз стратегиясини - Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқди. Унинг моҳияти, таълимнинг замонавий мақсадларига мувофиқ, шахснинг ижтимоий зарур фаолликка қўшилиши учун ўзига ва жамиятга керак бўладиган қобилиятларини ривожлантириш, таълим тизимидан ташқарида билимини ошириш самарадорлигини таъминлашдир.

Узлуксиз таълим Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси бўлиб, таълимнинг қуидаги турларини ўз ичига олади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта маҳсус, касбий таълим;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Тамомила янги ўрта маҳсус ўқув юртлари - касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ташкил қилинди..

Болония декларацияси (1999 йил июн), Сорбонна Декларацияси (1998 йил май) қарорларини бажариш асносида Европада олий таълим бўшлигини ташкил этиш заруратини белгилайди. 40 та мамлакат ўзининг олий таълим тизимлари тузилмаларини ислоҳ қилишдаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг Болония жараёнига интеграциялашуви қуидагиларга ёрдам беради:

Биринчидан, Болония жараёнининг мақсадлари - рақобатбардошлик, мосланувчанлик, сифат - Кадрлар тайёрлаш миллий дастури манфаатларига жавоб беради.

Иккинчидан, Болония жараёни олий таълим сифати маданиятининг такомиллашувига таъсир кўрсатади. Сифатни аттестациялаш ва назорат

қилишнинг янада мукаммал тизимини яратиш зарурати туғилди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси олий таълимни тизими ўз таркибиға кўра ташкил қилинаётган Европа тизимига ўхшаш. Аммо ўқиш муддатларида фарқ мавжуд. Ўзбекистонда икки босқичли олий таълим $4 + 2$ формуласига мувофиқ амал қиласди, Болония декларациясида эса таълимнинг қатор йўналишлари учун $3 + 2$ формула кўзда тутилган (бакалавриатда ижтимоий-иктисодий фанлар блокини камайтириш ва уларни факультатив фанлар турига ўтказиш ҳисобига ўқиш-нинг меъёрий муддатлари қисқаради).

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасида талабалар билимини баҳолаш тизими ЕСТ5 да амал қиласидан тизимга осонликча ўзгартирилиши мумкин.


Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш стратегиясининг негизида сифатни таъминлашнинг учта асосий циклларига комплекс ёндашув ётади.

Ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикасининг таълим стандартлари халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилиши керак, бу мутахассисларни тайёрлаш сифатига эришиш ва уни баҳолашга ягона ёндашувни таъминлайди. Бу рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ва интеллектуал соҳада яқин ҳамкорликни ташкил қилишда халқаро тажрибадан фойдаланишга ёрдам беради.

Билимларга асосланган иқтисодиёт – билимлардан ўзининг ўсиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун фойдаланаётган иқтисодиётдир. Бундай иқтисодиётда билимлар иқтисодиёт барча тармоқларини, иқтисодий жараёнларнинг барча қатнашчиларини бойитиб боради. Билимларга асосланган иқтисодиёт улкан ижтимоий аҳамитяга эга, у турмуш сифатини яхшилаш принципларига асосланган.

Мехнатни билимлар билан алмаштириш билан боғлик туб ўзгаришларнинг моҳияти шундан иборатки, билимлар ресурсларни қайта ишлашга жалб қилинар экан, мехнат эмас, балки бевосита билимлар қиймат манбаи сифатида намоён бўлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мутахассислари томонидан билимга асосланган иқтисодиётга батафсилроқ таъриф берилган, яъни у “билимлар барча тармоқлар, барча секторлар, иқтисодий жараёнларнинг барча қатнашчиларини бойитадиган иқтисодиётдир. Айни пайтда бундай иқтисодиёт турли шакллардаги билимлардан фойдаланибина қолмасдан, балки мазкур билимларни юқори технологияли маҳсулотлар, юқори малакали хизматлар, илмий маҳсулот ва таълим сифатида яратади”²⁸ (10.2–расм).



3-расм. Жаҳон банки эксперлари фикрича, билимларга асосланган иқтисодиётнинг таркибий қисмлари

Билимга асосланган иқтисодиёт “моддий иқтисодиёт”дан “интеллектуал иқтисодиёт”га ўтишни назарда тутади. Бунинг моҳияти шундан иборатки, билимлар ва маҳсус ноёб кўнималар барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий манбай ва ҳал қилувчи омилига айланади. Буюк Британиянинг сабиқ Бош вазири Тони Блэр: “Билимга асосланган иқтисодиёт – амалда бутун иқтисодиётдир. “Янги иқтисодиёт” деган нарсанинг ўзи йўқ,

²⁸ БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси // <http://www.undp.uz>.

гап шундаки, бутун иқтисодиёт ахборот технологиялари асосида ўзгаради – бу иқтисодий инқилобдир”²⁹ деб кўрсатган.

Академик В.Л. Макаровнинг фикрича, “Билимга асосланган иқтисодиётда, бир томондан, олимлар томонидан қанчалик кўп билим яратилса, иккинчи томондан, одамлар бу билимларни қанчалик кўп истеъмол қиласалар, шунчалик кўп маҳсулот ҳажми ортади.... Яъни билимларни пировард истеъмолчиларга етказадиган олимларнинг ҳам, уни истеъмол қиласадиган одамларнинг ҳам иши муҳимдир”³⁰.

Билимга асосланган иқтисодиёт инфратузилмасига иқтисодий ўсишни таъминлайдиган қўйидаги омиллар киради:

- юксак турмуш сифатини амалга оширадиган самарали давлат институтлари;
- юқори сифатли таълим;
- самарали илм-фан;
- самарали илмий-техникавий венчур бизнеси;
- юқори сифатли инсон капитали;
- билимлар ва юқори технологияларнинг яратилиши;
- ахборот жамияти ёки билимлар жамияти.

Ҳозирги вақтда факат АҚШ ҳамда Евropa Иттифоқига аъзо айrim давлатларининг иқтисодиётини билимларига асосланган иқтисодиёт деб аташ мумкин. Жаҳоннинг ушбу тарақкий этган давлатлари олимлар гояларини товарлар ва маҳсулотларга тез ва самарали айлантириш учун энг мақбул шарт-шароитларни яратдилар. Бевосита илмий тадқиқотлар, инсон капиталига инвестициялрнинг ортиши ва бунинг натижасида энг янги технологияларнинг ўзлаштирилиши жаҳоннинг етакчи мамлакатларига иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш имкониятини бермоқда.

²⁹ Buckman R.H. Building a Knowledge – Driven Organization. – McGraw – Hill, 2004.-P.132.

³⁰ Макаров В.Л. Экономика знаний: уроки для России // Вестник Российской академии науки, 2003, №5.- С.73.

7 - МАВЗУ. РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ОШИРИШДА НАРХ СИЁСАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА НАРХ ШАКЛЛАНИШИННИГ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ.

7.1. Рақобатнинг турли кўринишлари шароитида рақобатбардошликини оширишда нарх омилидан фойдаланиш.

Глобаллашув иқтисодиётнинг ривожланиши учун ҳам ижобий, ҳам салбий аҳамиятга эга. Агар мамлакатда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун шароитлар мавжуд бўлса, бу ҳолатда мамлакат учун глобаллашув жараёни фойдали ҳисобланади. Агар маҳаллий корхоналар



кўшимча (устама) қийматнинг юқори улушига эга юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарса, вазият, айниқса, ижобий таъсир кўрсатади. Бунда ишчиларнинг бандлиги ортади, бюджет даромади кўпаяди, хом ашёдан оқилона фойдаланилади. Агар иқтисодиётда узок

вакт давомида ишлаб чиқаришнинг хом ашёга йўналтирилганлиги бартараф этилмаса, демак, иқтисодиётни тартибга солиш механизмлари кам самарали ҳисоблана-ди. Бундай ҳолатда жамият чекланган ресурсларни оддий тарзда сарфлаб, келгуси ривожланиш тўғрисида қайғурмайди. Ишлаб чиқариладиган товарлар сифатини ошириш - жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маҳсулот сифатини ошириш кўплаб омилларга боғлик. Биринчидан, юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш учун юқори малакали ишчи кучлари зарур бўлади. Иккинчидан, корхона яхши, замонавий жиҳозларга эга бўлиши керак. Учинчидан, рақобатбардош маҳсулотларнинг маълум микдорига эга савдо бозорларига кира олиш учун етарли даражада тажрибага эга бўлиш керак.

Нархнинг шаклланишига бозорнинг ҳолати бевосита таъсир кўрсатади, чунки нархнинг шаклланишида бозордаги талаб ва таклиф нисбати асосий

омиллардан бири ҳисобланади. Шунга кўра, талаб ва таклиф миқдорига таъсир кўрсата олиш имкониятига кўра бозордаги рақобатнинг турли кўринишлари фарқланади. **Муқаммал рақобат шароитида** ишлаб чиқарувчи (ёки сотувчи) ҳамда истеъмолчи (ёки харидор)ларнинг сони жуда кўп бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартириш орқали нарх шаклланишига таъсири умуман сезилмайди. **Номуқаммал рақобат шароитида** эса ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар) ёки истеъмолчилар (харидорлар)дан бирининг сони чекланган бўлиши уларнинг бозордаги ишлаб чиқариш ҳажмига ва, пировардида, бозордаги нархнинг шаклланишига сунъий таъсир кўрсатиш имконини беради. Бундай рақобат турли даражаларидаги нархларнинг шаклланиш хусусиятлари бир-биридан фарқ қиласи.

Шу сабабли, биз қўйида муқаммал рақобат, соф монополия, олигополия ва монопсония шароитида нархларнинг шаклланиш хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Муқаммал рақобат шароитида нархнинг шаклланиши. Эркин рақобат кураши шароитида нархнинг ташкил топиш хусусиятларини тадқиқ этган дастлабки иқтисодчилардан бири А.Маршалл ҳисобланади. Унинг фикрича, товарнинг олди-сотди жараёнига қадар икки хил, яъни **сотувчи ва харидор нархлари** мавжуд бўлади. Назарий жиҳатдан ҳар икки нархнинг юқори ва қўйи даражалари мавжуд. Сотувчи ўз товари нархининг имкон қадар юқори бўлишидан манфаатдор, чунки бундай нарх унинг фойдаси ҳажмини оширади. Бироқ, эркин рақобат шароитида нархни бошқалардан юқори даражада белгилашга интилиш мазкур сотувчининг бозордан сиқиб чиқарилишига олиб келиши мумкин. Сотувчи нархининг энг паст даражаси шу товарни ишлаб чиқариш учун кетган харажатларни қоплаши керак. Харидор товарни энг паст нархда сотиб олишдан манфаатдор, бироқ эркин рақобатли бозор шароитида унинг ҳам товар сотиб ололмай қолиш хавфи мавжуд бўлади. Харидор нархининг юқори даражаси эса, Маршалл таъбирича, сўнгги қўшилган миқдор нафлиилигига teng бўлиши керак.

Сотувчи ва харидор ўртасидаги қулай нархга эришиш борасидаги кураш ҳар икки нархнинг мослиги таъминлангунга, яъни бозор нархи пайдо бўлгунга қадар давом этади. Шундай қилиб, сотувчининг нархи томонидан ишлаб чиқариш харажатлари, харидор нархи томонидан эса сўнгги қўшилган миқдор нафлиилиги майдонга тушиб, уларнинг нисбати асосида бозор нархи пайдо бўлади. Бу ҳолатни Маршалл шундай ифодалайди: «...«ишлаб чиқариш харажатлари» принципи ҳамда «сўнгги қўшилган нафлилик» принципи, шубҳасиз, ягона талаб ва таклиф умумий қонунининг таркибий қисми ҳисобланиб, улардан ҳар бирини қайчининг битта кесувчи томонига қиёслаш мумкин»³¹.

Монополия шароитида нархнинг шаклланиши. Монополия шароитида нарх шаклланишининг ўзига хос жиҳати шундаки, агар майда товар ишлаб чиқарувчилар фақат ўзларининг индивидуал нархларини ўзgartира олсалар, улардан фарқли ўлароқ бозор иштирокчилари сифатидаги монополиялар бозор нархларини ўzlари белгилай оладилар. Бунда монополиялар оммавий талабнинг ошиши билан нархнинг ошиши ҳамда оммавий таклифнинг ошиши билан нархнинг пасайиб боришидан ўзига хос тарзда фойдаланадилар.

Оммавий тартибда товарларни сотувчи монополиялар ўз манфаатлари йўлида таклиф кам бўлганда нархнинг ошиши тенденциясидан фойдаланадилар.

Оммавий таклиф бўйича нарх ўзгариши

Монополистлар маҳсулотларнинг сунъий тақчиллигини вужудга келтириш мақсадида ўз товарлари сотиш ҳажмини атайлаб қисқартирадилар. Бозорда товарларнинг етишмаслиги монопол юқори нархларнинг ўсишига олиб келади.

Монополиялар нархни оширишнинг ҳар бир янги жараёнида товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини қисқартиришдан кўрилган зарарни ҳисобга олади. Даромаддан бундай йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида

³¹ Маршалл А. Принципы экономической науки. В 3 т. М., 1993. Т.III. С.282.

улар янги нархларни янада юқори даражада белгилайдилар. Шу билан бир вақтда монополиялар маҳсулотларнинг қисқарган ҳажмини сотишдан олинган тушум йўл қўйилган йўқотишни қоплаши ҳамда даромад миқдорининг ўсишини таъминлашини назорат қилиб турадилар.

Монопсония шароитида нархнинг шаклланиши. Монопсония майда товар ишлаб чиқарувчилардан товарларнинг катта ҳажмини сотиб олиб, талаб бўйича нарх қонунидан ўзига хос тарзда фойдаланади.

Оммавий талаб бўйича нархнинг ўзгариши қўйидаги миқдорий боғлиқликни акс эттиради: таклифга нисбатан харидорларнинг оммавий талаби қанчалик катта бўлса, бозор нархи даражаси шунчалик юқори бўлади ва аксинча, талабнинг камайиши билан бозор нархи пасайиб боради. Бу боғлиқлик 9.5-чизмада яққолроқ акс эттирилган.

Монопсонист ўзи учун зарур бўлган товарни, масалан қишлоқ хўжалиги хомашёсини олдиндан паст нархларда сотиб олиб, унинг катта миқдордаги захирасини тайёрлаб қўяди. Бу эса унга янги ҳосилнинг йифим-терими даврида ўзи сотиб олаётган хомашёга монопол паст нархларни ўрнатиш имконини беради. Бундай паст нархларда монопсонист жуда катта фойда олади. Сунъий равишда сотилаётган маҳсулот ортиқчалиги ҳудудининг вужудга келтирилиши харид нархларининг навбатдаги пасайишига олиб келиб, натижада монопсонистнинг фойдаси ошиб боради. Бунга ғарб мамлакатлари монопсониялари томонидан анча вақтдан буён Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари тадбиркорлари ва майда товар ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинаётган арzon хомашёни мисол тариқасида келтириш мумкин. Африкадан анъанавий тарзда экспорт қилинувчи бир қатор товарлар (чой, кофе, какао ва х.к.)га ҳам азалдан ўта паст нархлар ўрнатиб келинади.

Бир вақтнинг ўзида монополия ва монопсония ҳисобланувчи фирма ўзининг даромадини «нархлар қайчиси» усули орқали аҳамиятли даражада оширади. Бунда монопол юқори ва монопол паст нархлардан фойдаланилиб, улар ўртасидаги фарқ худди қайчининг иккита кесувчи томони бир-биридан

узоқлашгандаги сингари катталашып боради. Нархларнинг бундай ҳаракати товарлар ортиқчалиги ва тақчиллиги ҳудудларининг кенгайишига асосланади. У саноатнинг кўплаб қайта ишловчи корхоналари учун хосдир. Бу корхоналар ўзларининг тайёр маҳсулотларига ундирма саноат тармоқларида ўрнатилган нархларга нисбатан бир неча марта юқори нарх ўрнатадилар.

XX асрнинг иккинчи ярмида АҚШ, Франция, Буюк Британия ва бошқа ғарб мамлакатларида агробизнес соҳасининг кенгайиши билан нархлар қайчиси асосий усуллардан бирига айланиб, унинг ёрдамида йирик фирмалар ўрта ва майда фермерларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан сиқиб чиқардилар.

Олигополия шароитида нархнинг шаклланиши. Олигополия шароитида нархнинг шаклланиши тармоқдаги товар ишлаб чиқарувчилар томонидан қўлланилувчи «эргашиш» ҳамда «инкор этиш» хатти-ҳаракатлари орқали изоҳланади.

«Эргашиш» ҳолатида бир олигополист томонидан нарх бўйича қилинган ўзгариш (нархнинг пасайиши ёки оширилиши)га қолган олигополистлар томонидан ҳам эргашиш, яъни шундай ўзгаришлар қилиш кузатилади. Одатда, бозорда ўз товарларига нархни пасайтириш орқали истеъмолчилари сони ҳамда сотиш ҳажмини оширишга қарор қилган олигополист хатти-ҳаркатига жавобан қолган олигополистлар ҳам нархларни пасайтирадилар. Натижада нархнинг умумий пасайиши рўй бериб, бозордаги улуш олдинги ҳолда қолади, яъни олигополистнинг хатти-ҳаракати самара бермайди.

«Инкор этиш» ҳолатида бир олигополист томонидан нарх бўйича қилинган ўзгариш (нархнинг пасайиши ёки оширилиши)га қолган олигополистлар томонидан инкор этиш, яъни ҳеч қандай жавоб ўзгаришлари қилмаслик кузатилади. Кўпинча бундай ҳолат олигополист томонидан ўз товарига нархни оширган чоғида рўй беради, яъни қолган олигополистлар

товарлари нархларини оширмайдилар. Натижада, нархни оширган олигополист ўз истеъмолчиларини йўқотиб, бозордан сиқиб чиқарилади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, олигополия шароитида ишлаб чиқарувчилар нархни кўпроқ ўзаро келишиш орқали белгилашга ҳаракат қиласидилар.

Ўз маҳсулотларига бозор нархини ўрнатишда олигополистлар томонидан **«нарх бўйича етакчилик»** хатти-ҳаракати кенг қўлланилади. Бу хатти-ҳаракат нарх воситасида рақобатлашувни инкор этиб, мазкур тармоқка кирувчи барча олигополист-фирмаларнинг нархни шакллантириш ва уни ўзгартиришда етакчи олигополист-фирмага эргашишларини тақозо этади. Одатда тармоқдаги энг йирик фирма етакчи сифатида майдонга тушади. Нарх бўйича етакчи фирма бошқаларга қараганда иқтисодий жихатдан анча устун бўлсада, у ўзининг хатти-ҳаракатини фақат нарх жихатдан тазиик ўтказиш асосида амалга ошира олмайди. Нархни шакллантиришда етакчи-фирма бошқа эргашувчи-фирмаларнинг ҳам манфаатларини эътиборга олмоғи лозим. Бу манфаатлар уларнинг харажатларини қоплаш, меъёрдаги фойдани таъминлаш, маҳсулотларини сотишга шароит яратиш каби ҳолатлар орқали намоён бўлади. Агар талаб ёки ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариши натижасида бозор нархи олигополистик келишув доирасидаги фирмаларнинг манфаатларига мувофиқ келмай қолса, етакчи фирма дарҳол нархларни ўзгартириши лозим бўлади.

Интеграция жараёнлари кучайган шароитларда, ҳатто, нисбатан юқори рақобатбардош ресурслар устунликларига эга давлатлар иқтисодиёти ҳам нарх рақобати таъсири остида жуда заифлашиб қолади.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар чиқараётган товарларининг нарх бўйича рақобатбардошлигида қўп жихатдан меҳнатга кам ҳақ тўлаш оқибатида катта муваффақиятларга эришдилар.

Оффшор IT-аутсорсингининг жадал ривожланишига боғлиқ равища АҚШ ва Европада юқори даражада ҳақ тўланадиган иш жойларининг қисқариши кучайди. Бу мамлакатлар компаниялари иш жойларини Ҳиндис-

тон, Бразилия, Филиппин ва Малайзия ва бошқа ривожланаётган мамлакатларга кўчириб, меҳнатга ҳақ тўлашда катта маблағларни тежамовдалар.

Нарх рақобатбардошлигининг бошқа муҳим омили моддий ресурсларнинг, шу жумладан, энергия манбаларининг баҳоси ҳисобланади. Энергия манбалари нархининг ўсиши жаҳон нархларини оширган ҳолда кўпгина мамлакатлар саноатига кучли таъсир кўрсатади. Бу, айниқса, жуда кўп электр энергияси талаб этадиган рангли металлар олиш ва қайта ишлаш соҳасида яққол кўзга ташланади. Алюминий ишлаб чиқаришда истеъмол қилинадиган электр энергияси баҳоси умумий харажатларнинг 1/3 қисмини ташкил этади. Шу сабабли, алюминий бозоридаги рақобатбардошликка турли мамлакатларда нафақат хом ашёнинг мавжудлиги, балки электр энергиясининг арzonлиги хам ўз таъсирини кўрсатади.

Халқаро савдони фаоллаштириш шароитларида бошқа мамлакатлар бозорларига чиқиш учун ишлаб чиқарувчилар томонидан нарх омилидан фойдаланиш стратегияси жуда кўп миқдордаги савдо тортишувларини келтириб чиқарди, нисбатан кенг тарқалган кўриниши - демпинг уларнинг энг муҳим объектиdir.

7.2. Рақобатлик нархлар шаклланишида давлат нарх сиёсатининг ўрни.

Бозор иқтисодиётида нарх шаклланиши қоидаларини белгиловчи энг муҳим воситалардан бири, нархни шакл-лантириш мезанизми ҳисобланади. ЖСТ (Жаҳон савдо ташкилоти)га кириш жараёнида Ўзбекистон олдида мураккаб вазифа турибди - ишлаб чиқаришни максимал самарадорлигига ва рақобат афзалликларига эришиш мақсадларида чиқим ва нархларни шаклланишга давлатнинг таъсир кўрсатишни сақлаган ҳолда, бозор нархларига тўлиқ равища ўтиш масаласи.

Нарх шаклланишини тартибга солишнинг самарали модели маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам кўрсатиши керак.

Бунда корхонанинг соф даромади кўламлари "олиб сотарлик омиллари" (нархларни ошириш ўйини)га эмас, балки ресурслардан самарали фойдаланишга боғлиқ бўлиши керак. Табиий-иклим, географик ва бошқа хўжалик субъектиning фаолиятига боғлиқ бўлмаган омилларнинг ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархига таъсирини нарх шакллантириш механизми (рента ва бошқа тўловлар) ёрдамида турли чегараларда "текислаб юбориш" зарур. Давлат бошқарувининг яна бир мухим вазифаси, ижтимоий товар ишлаб чиқарувчиларини импорт маҳсулотлар билан бир қаторда, махаллий корхоналар товарларига ҳам қўйилиши мумкин бўлган демпинг (асосиз равища пасайтирилган) нархлардан ҳимоя қилишдан иборат. Бу нарсани импорт маҳсулотлари бўйича асосланган равища "келтириладиган молларга устама нарх" (акциз ёки бож) жорий этиш, махаллий товарлар бўйича эса - харажатлар таркибини шакллантириш қоидалари ва алоҳида харажатларнинг меъёрий кўрсаткичларини ўрнатиш, таннархни калькуляция қилиш тизимини яхшилаш, барча корхоналар учун қонун томонидан тасдиқланган ҳамма учун мажбурий бўлган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам ва энг юқори ставкаларини тасдиқлаш орқали амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари, нархлар шаклланишининг давлат томонидан тартибга солиб туришда кончилик саноати маҳсулотлари, ёнилғи-энергетика мажмуаси, металлургия, шунингдек, монополистлар товарлари (хизматлари) нарх (тариф)ларининг белгиланиши устидан назорат қилиш ҳам кўзда тутилади. Умуман олганда, нарх шаклланишининг давлат томонидан бошқариш тизими давлатнинг нарх бўйича сиёсати йўналишлари асосида шаклланган бўлиши лозим.

Нархларни эркинлаштириш – иқтисодий ислоҳотларнинг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб, ислоҳотларнинг ижтимоий-иктисодий оқибатлари кўп жиҳатдан шу муаммонинг ҳал этилишига боғлиқ бўлади. Нархларни эркинлаштириш хомашё билан маҳсулот айrim турларининг нархлари, нарх билан аҳоли ва корхоналар даромадлари ўртасида мутаносибликка эришишга қандай ёндашилиши билан фарқланади. Шу

ёндашувларга асосланиб, нархлар қуидаги йўллар билан эркинлаштирилади:

- нархларни бирданига, ёки «эсанкиратадиган» тарзда қўйиб юбориш;
- нархларнинг ўсишини сунъий равишда тўхтатиб қўйиш;
- нархни давлат томонидан бошқариш ва назорат қилишни маълум даражада сақлаб қолиш.

Бозор муносабатларига ўтаётган ҳар бир мамлакат, шу йўллардан бирини танлашда улардан ҳар бирининг мавжуд реал шарт-шароитларга



канчалик мос келиши, аҳоли асосий қисмининг моддий аҳволига қандай даражада таъсир кўрсатиши, ислоҳ қилишнинг танлаб олинган йўлига канчалик даражада жавоб бериши ва кутиладиган салбий оқибатларини ҳисобга олиши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Собиқ иттифоқ мамлакатлари негизида вужудга келган бир қанча мустақил давлатлар нархларни эркинлаштиришнинг «эсанкиратувчи» йўлини танлаб олди. Барча турдаги хомашё ресурслари, истеъмол моллари ҳамда хизматлар нархлари бир йўла эркин қўйиб юборилиши натижасида нархлар кескин ошди. Бу аҳоли кенг қатламишнинг бирданига қашшоқлашувига, ижтимоий аҳволининг кескинлашувига олиб келди. Ишлаб чиқаришнинг пасайишига, миллий саноат ва қишлоқ хўжалигининг издан чиқишига сабаб бўлди.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ўзига хос тамойиллари, мамлакатдаги вазият ва аҳолининг турмуш даражаси ҳисобга олиниб, нархларни аста-секинлик билан ва босқичма-босқич эркинлаштириш йўли танлаб олинди. Шу йўл билан нархларни эркинлаштиришнинг дастлабки босқичида (**1992 йилнинг бошида**) кенг доирадаги ишлаб чиқариш-техника воситаси бўлган маҳсулотлар, айрим турдаги ҳалқ истеъмоли моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг эркин нархлари ва тарифларига ўтилди.

Аҳолини ҳимоялаш мақсадида чекланган доирадаги озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегараси белгилаб қўйилди, айrim турдаги хизматларнинг энг юқори тарифлари жорий қилинди.

Нархларни эркинлаштиришнинг кейинги босқичида (1993 йил) келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тортибга солиш тўхтатилди. Қатъий белгиланган ва давлат томонидан тартибга солиб туриладиган нархларда сотиладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг сони анча қисқарди.

Нархларни эркинлаштиришнинг навбатдаги босқичида (1994 йил) ҳалқ истеъмол моллари асосий турларининг нархлари эркин қўйиб юборилди, транспорт ва коммунал хизматларнинг тарифлари оширилди. Шундай қилиб, республикада иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи нархларни босқичма-босқич (уч босқичда) тўлиқ эркинлаштириш билан тугади. Нархларни эркинлаштириш аҳолини ишончли иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари билан бирга олиб борилди. Давлат томонидан турли компенсациялар мақсадидаги жамғармалар тузилди, иш ҳақи, пенсия ва стипендияларнинг энг кам миқдори мунтазам суратда ошириб борилди, болалар учун нафақалар жорий этилди. Аҳолининг муҳтож қисмига ёрдам кўрсатилди, имтиёзли солиқ ставкалари жорий этилди.

Айнан самарали ва оқилона нарх сиёсати воситасида мамлакатимизда бирламчи эҳтиёжга эга бўлган товарларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу эса, биринчидан, аҳолининг мазкур товарларга бўлган эҳтиёжларини миллий ишлаб чиқариш томонидан тўла ва сифатли таъминлаш имконини берди. Икинчидан эса, озиқ-овқат ва бошқа стратегик аҳамиятга эга бўлган товарларнинг ўзимизда етарли ҳажмда ишлаб чиқариш имкониятининг қўлга киритилиши, республикамизнинг бошқа мамлакатлардан қарамлигини бартараф этиб, иқтисодий хавфсизликни таъминлади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ҳамда барқарорлигини оширишда нархнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистонда қатъий тежамкорлик тизимини

рағбатлантириш орқали корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш кўп жиҳатдан маҳсулотлар таннархини пасайтиришга боғлиқдир.

Давлат томонидан белгиланган қоидаларга асосан, нархлар маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ва ялпи даромадни ҳисобга олган ҳолда шаклланади. Бир қатор бозорларда рақобатнинг етарли даражада эмаслиги, айниқса, саноат-техник аҳамиятдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳаларида, монополист, одатда, барча харажатларни таннарх таркибиغا, солиқ ва тўловларни эса давр харажатларига (электроэнергия, металлар, пахта толаси ва ҳ.к.) киритади. Агар нархлар рақобат ривожланган бозорларда шаклланса, у ҳолда нархлар талаб ва таклиф асосида юзага келади.

7.3. Нрах шалкланишининг макро ва микроиқтисодий шарт-шароитлари.

Бозор иқтисодиётининг муҳим талабларидан бири ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга эркин нарх шаклла-нишидир. Бозор шароитида корхона талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб мустақил нарх белгилаш им-конига эга бўлади. Шу билан бирга, кейинги йилларда нархлар ишлаб чиқариш харажатларини ҳам ўз ичига олиши зарурлиги тобора кўпроқ тушунилмоқда. Бундай тенденция ўтиш иқтисодиётили мамлакатларда ҳам, ривожланган бозор иқтисодиётли давлатларда ҳам кузатилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг аксарият тармокларида нархни шакллантириш асосан бозор тамойиллари асосида амалга оширилмоқда.

Иқтисодий назария нуқтаи назаридан, сотувчи томонидан муайян даражада рентабелликка эришишни кўзда тутувчи нарх даражасини асосланган тарзда шакллантириш сотув ҳажмлари ва битта бирлик буюмни ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар ўртасидаги бевосита алоқани тушуниб етишни тақозо этади. Маҳсулот нархи уни ишлаб чиқаришга кетган тўлиқ харажатлар (таннархи)дан юқори бўлиши керак. Деярли ҳар қандай товарнинг таннархига ҳисобга олиниши керак бўлган ўзгарувчан ва доимий

харажатлар киради.

Шундай қилиб, микродарражада амал қилувчи нарх белгилаш механизми рақобат курашининг самарали воситасидир. Ишлаб чиқариш чиқимлари динамикасини тушуниб етиш чекланган сондаги истеъмолчилар учун товарлар ишлаб чиқарадиган корхоналар учун аҳамиятли бўлиб, улар сифат даражаси ва хизмат кўрсатишга турлича талаб қўйишлари билан ажralиб туради. Ишлаб чиқариш чиқимларини ўрганиш асосида ҳар бир корхона микродарражада тегишли нарх стратегиясини амалга оширишга интилади.

Нарх белгилаш ва рақобатбардошлик ўртасидаги боғлиқликни назарий жиҳатдан кўриб чиқиб, ўтиш иқтисодиёти шароитида юзага келадиган хусусиятларни таҳлил қилиб чиқиши мақсадга мувофиқ. Маълумки, маъмурий-буйруқбозликдан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишлаб чиқариш секторининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи алоҳида элементлар сақланиб қолади. Ўтиш иқтисодиётининг илк босқичида саноат корхоналарининг юқори даражада ихтисослашуви ва кооперацияланиши кўпинча бозорларнинг монополлашуви олиб келади. Табиий монополиялар ва монополист-корхоналар аксарият ҳолларда харажатларни қоплаш муаммосини ўз маҳсулоти (хизматлари) нархи ва тарифларини ошириш йўли билан ҳал қилишга уринади. Бозорнинг монополлашуви даражаси қанчалик юқори бўлса, харажатлар ва нархларни ошириш ҳолатлари ҳам шунчалик кўпдир. Хом ашё тармоқлари корхоналари (ТЭК, пахта тозалаш, металлургия ва ҳоказо) учун, айниқса, қулай вазият юзага келади. Уларнинг маҳсулоти, одатда, ҳар қандай нархларда ҳам ўз харидорини топади. Технологик занжирнинг ҳар қайси кейинги бўғинида сотиш муаммоси тобора кучайиб бораверади. Охирги маҳсулот (ишлаб чиқариш ускуналари, технологиялар, ҳалқ истеъмоли товарлари) ишлаб чиқарувчилар айниқса, мураккаб ахволда қолади. Мазкур маҳсулотнинг юқори нархлари уни сотиш имкониятларини сезиларли пасайтиради. Бундан ташқари, бундай товарларни ишлаб чиқарувчилар импорт қилинаётган товарлар билан доим

ҳам рақобатлаша олмайдилар. Сифатни ошириш учун бозор конъюнктурасини ўрганиш учун сарф-харажатларни оширишни, маҳсулотнинг истеъмол кўрсаткичларини яхшилашни талаб қиласди. Шунинг учун, товар ишлаб чиқарувчи асосан нарх бўйича рақобатни енгишга кўпроқ ҳаракат қиласди.

Рақобат курашининг икки усули фарқланади: нарх воситасидаги рақобат ва нархсиз рақобат.

Нарх воситасида рақобатлашувда курашнинг асосий усули бўлиб ишлаб чиқарувчиларнинг ўз товарлари нархини бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг шундай маҳсулотлари нархига нисбатан пасайтириши хисобланади.

Унинг асосий ва энг кўп қўлланиладиган қўриниши – «нархлар жанги» деб аталадики, бунда йирик ишлаб чиқарувчилар рақибларини тармоқдан сиқиб чиқариш учун нархни вақти-вақти билан ёки узок муддат пасайтириб туради. Бу усулни қўллаш учун ишлаб чиқарувчи бошқа рақибларига қараганда унумлироқ технологияни киритиши, малакалироқ ишчиларни ёллаши ва ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил қилиши керак бўлади. Фақат шундагина унинг товарининг индивидуал қиймати бозор қийматидан паст бўлиб, мазкур товар нархини пасайтириш имконини беради.

Нарх воситасида рақобатлашиш усулларидан бири – **демпинг нархларни қўллашдир**. Бунда миллий ишлаб чиқарувчилар ўзларининг товарларини бошқа мамлакатларга ички бозордаги нархлардан, айrim ҳолларда таннархидан ҳам паст бўлган нархларда сотади. Шу орқали улар ички бозорда нархларнинг барқарорлигига эришиш мамлакатдаги ортиқча маҳсулотни йўқотиш, янги бозорларга кириб олиш ва унда ўзларининг иқтисодий мавқенини мустаҳкамлашга ҳаракат қиласди.

Айrim ҳолларда нарх ёрдамида рақобатлашишнинг белгиланган нархлардан чегирма қилиш, асосий харид қилинган товарларга бошқа товарларини қўшиб бериш, муайян ҳолларда имтиёзли нархларни белгилаш каби усулларидан ҳам фойдаланилади.

Хозирги даврда бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда нарх ёрдамида рақобат қилиш ўз ўрнига эга эмас, чунки ишлаб чиқарувчилардан бирини ўз маҳсулотининг нархини пасайтириши унинг рақобатчиларининг ҳам шундай харакат қилишига олиб келади. Натижада фирмаларнинг бозордаги мавқеи ўзгармай, фақат тармоқ бўйича фойда ҳажмини камайтиради.

Нархсиз рақобат шу билан тавсифланадики, бунда рақобат курашининг асосий омили товарларнинг нархи эмас, балки унинг сифати, сервис хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқарувчи фирманинг обрў-эътибори ҳисобланади.

Нархсиз рақобат билан бир вақтда **яширин нарх ёрдамидаги рақобат** ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда янги товарлар сифатининг ошиши ва истеъмол хусусиятларининг яхшиланиши улар нархларининг ошишига қараганда тез рўй беради. Хозирги даврда бир турдаги маҳсулотларнинг кўпайиши уларнинг сотишни рағбатлантирувчи реклама, товар белгилари ва фабрика муҳрларидан фойдаланишни келтириб чиқармоқда. Истеъмол бозорларида қўшимча хизмат кўрсатиш орқали харидорларни ўзига жалб қилиш кенг тарқалмоқда.

Нархсиз рақобатнинг товар сифатини табақалаштириш каби усули ҳам мавжудки, бунда товарлар бир хилдаги эҳтиёжни қондириши ва бир турга мансуб бўлиши, лекин турли-туман истеъмол хоссаларига эга бўлиши мумкин.

Товарлар талабга нисбатан ортиқча бўлган шароитда ишлаб чиқарувчилар товарларини кредитга сотиш усулидан фойдаланиб рақибларидан устун келишлари мумкин. Бунда дастлаб товар нархининг фақат бир қисми тўланади, унинг қолган қисми эса шартномада келишилган аниқ муддатларда тўланади.

Фан-техника тараққиёти авж олган ҳозирги шароитда, техника ва технологиянинг энг янги ютуқлари устидан назорат қилиш учун кураш рақобатнинг асосий усулларидан бирига айланиб бормоқда. Бундан ташқари,

ишлиб чиқарувчи корхоналар харидорларни жалб қилиш мақсадида узок муддат фойдаланиладиган истеъмол товарларига кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат кўрсатишни амалга оширмоқдалар. Масалан, компьютер ишлиб чиқарувчи фирма ўз маҳсулотини шунчаки сотиш билан чекланмасдан, балки уни ўрнатиб бериш, корхона ходимларини компьютердан фойдаланишга ўргатиш, кафолатланган муддатда ва ундан кейинги даврда таъмир ишларини бажариш, техникавий хизмат кўрсатиш кабиларни ҳам амалга оширади; маҳсулот хосса ва ўлчамларини буюртмачи эҳтиёжларига яқинлаштиради.

Нархсиз рақобат усуллари ичида **маркетинг** муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у маҳсулот ишлиб чиқариш ва сотиш жараёнини талабга мослаштирувчи тадбирлар тизимидан иборат. Бозор иқтисодиёти шароитида талабни яхши ўргангандан ишларини тўлароқ қондира оладиган корхоналар ҳар доим рақобат курашида ютиб чиқади.

Йирик ишлиб чиқарувчилар бозордаги вазиятни ўзгартириш учун ўзларининг ишлиб чиқариш қувватларидан фойдаланишни камайтириб товар таклифини қисқартирадилар. Шу сабабли иқтисодий бекарорлик даврларида ҳам нарх барқарорлигича қолаверади.

7.4. Монопол бозорларида нарх шаклланишини бошқариш усуллари.

Давлат мустақиллиги йилларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётда ва нархни шакллантиришда меъёрий-хуқуқий асосни қарор топтириш борасида катта ишлар қилинди. Монополияга қарши тартибга солиш турли қонун ва қонуности хужжатлари асосида амалга оширилади.

Нархларнинг асосланганлигини баҳолаш учун молиявий идоралар томонидан қўлланиладиган асосий мезонлар ишлиб чиқариш таннархи ва рентабеллик даражасининг асосланганлигидир. Ишлиб чиқариш таннархининг асосланганлигини объектив аниқлаш мақсадида унинг таркиби қисмларга ажратилиб ўрганилади, у ёки бу харажатларнинг ишлиб чиқариш тан-нархига тўғри ёки нотўғри киритилгани аниқланади.

Бироқ, ҳар қандай шароитларда жамият мақсадларини бекаму-күст таъминлай оладиган шакл - энг кам чиқимлар билан зарур ҳажмларда маҳсулот ишлаб чиқариш шакли мавжуд эмас. Одатда, хусусий мулк ва давлат назоратини уйғунлаштирган ҳолда самарали нарх ҳосил қилиш қоидаларини ўз ичига оловчи чоралар энг оқилона ҳисобланади.

Шу муносабат билан, антимонопол бошқарув самарадорлигини ошириш мақсадида давлат нарх шаклланиши бўлиши жараёнига таъсир кўрсатиш механизмини яхшилаши лозим. Бунинг учун қуйидаги тамо-йилларнинг амалга оширилидга талаб этилади;

- меъёрий-мақсадли, тизимли ёндашув асосида монопол маҳсулот харажатлари ва рентабеллихи даражасини тартибга солишининг самарали механизмини ишлаб чиқиш;
- иқтисодиётнинг устувор тармокларида монополиядан чиқариш, хусусийлаштириш ва рақобат мухитини яратиш жараёнларини чуқурлаштириш;
- бозорлар ахволининг доимий мониторинги юритишнинг қимматта тушадиган тизимини яратиш ва сақлаб туришдан бозор иштирокчиларининг ўзини аксилрақобат ҳаракатлар бўйича мурожаат этишлари-ни рағбатлантиришга ўтиш.

Монополистлар фаолиятини давлат томонидан хукуқий тартибга солинишининг мақсади монополиялар ва истеъмолчилар манфаатлари балансини мувофиқлаштиришдан иборат эканини ҳисобга олиш лозим. Монополиянинг юқори иқтисодий самараси уларнинг бўлиниб кетишига йўл қўймайди, аммо бошқа томондан уларнинг назоратсиз фаолияти катта зарар келтириши мумкин, шу боис давлат монополистлар фаолиятини тартибга солишдан чекина олмайди.

Давлатнинг ҳам монополистлар, ҳам бошқа хўжалик субъектлари маҳсулотларига нархларнинг шакл-ланиши жараёнига таъсири чораларини ишлаб чиқиша қуйидаги услубий ёндашувларни хисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

1. Қишлоқ хўжалиги ва саноат, шунингдек, моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳалари маҳсулотларининг савдони шакллантириш мақсадида паритет (хўжалик ҳисоби) нархлари асосида нарх шаклланиши қоидаларини бошқариш.

2. Иқтисодиётнинг реал тармоғидаги барча хўжалик юритувчи субъектлар учун бир хил даражада энг мақбул солик юкини белгилаш ва солик имтиёzlари берилишини тўхтатиш. Корхона табиий хомашё, электр энергияси, шунингдек, қатор бошқа ресурслардан фойдаланганда белгиланган меъёрлардан ошиб кетгандагина ундиришларнинг мазкур даражасини кўтариш мумкин.

3. Жисмоний шахслар даромади солиғининг ягона оптимал ставкасини белгилаш.

4. "Истеъмол халтаси"нинг ҳақиқий қийматидан келиб чиқиб иш хақининг минимал соатбай ставкасини тасдиқлаш. Шундай қоида қабул қилиш керакки, унга кўра корхона банд хизматчиларнинг бир соатлик меҳнатига минимал соатбай ставкадан паст ҳақ тўлай олмайди.

5. Маъмурий-бошқарув ходимлар ва асосий ишлаб чиқаришдаги ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича корхона харажатлари суммаси ўртасидаги чегаравий нисбатни белгилаш.

6. Қазиб олувчи ва хом ашё корхоналари, табиий монополиялар, монополист-корхоналар ва бошқа айrim ижтимоий муҳим фаолият соҳалари маҳсулотлари нархлари устидан назоратни кучайтириш (нарх-ларнинг асоссиз ошишига йўл қўймаслик мақсадида).

7. Рента тўловларининг ўсиши асосида солик юкини босқичма-босқич ошириш (ер ости бойликлари, сув, ер, инсоний капиталдан фойдаланганлик учун), шунингдек, соф фискал тўловлар миқдорини камайтириш баробарида атроф-муҳитни ифлослайдиган моддаларни ташлаш учун тўловларни кўпайтириш (ККС, акцизлар, бож тўловлари, даромаддан чегирмалар ва ҳоказо).

Монополияларни тартибга солиш чоралари ҳамда рақобатбардошликни

оширишга йўналтирилган бошқа механизмларни ишлаб чиқиши давлат нарх сиёсати талаблари ва йўналишларига таянган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

8 - МАВЗУ. РАҚОБАТ УСТУНЛИГИ ВА УНГА ЭРИШИШ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

8.1. “Барқарор стратегия, тузилма ва рақобатчилик” сифатида белгиланган рақобат жихатдан устунлигини шакллантиришнинг энг муҳим омили

Рақобатбардошликни барпо этиш ва ривожлантиришнинг М.Портер концепциясига асосланган замонавий модели мамлакатнинг умумий хусусиятга эга бўлган ва унда ишлаб чиқарувчilar рақобатлашадиган рақобат муҳитини шакллантирувчи тўртта хусусия-тидан иборат. Ушбу муҳит рақобат устунликларини шакллантиришга кўмаклашиши ҳам ёки унга тўсқинлик қилиши ҳам мумкин.

Мамлакат рақобат устунликларига эришиши учун барча ушбу детерминантлар ўзаро ҳамкорлик қилиши лозим (М.Портернинг таърифлашича - миллий ромб)³². Фақатгина ўзаро ҳамкорлик қилувчи ва бир-бирини кучайтирувчи детерминантларнинг бутун тизими бўйича устунлик миллий иқтисодиётда миллий ишлаб чиқарувчilarнинг муваффақияти учун замин ҳисобланган ва ундан хорижий рақобатчilar нусха кўчириши ёки уни йўқ қилиши қийин бўлган (ёхуд ҳатто мумкин бўлмаган) муҳитни шакллантиради.



Мамлакат факат ишлаб чиқариш омилларини шакллантириш учун фойдали бўлган ишлаб чиқариш тармоқларида муваффақиятга эришиши мумкин. Бироқ ишлаб

³² Портер М. Коякуренция.: Пер. с англ. - М.: Издательский дом "Вильямс", 2002. С. 176.

чиқаришнинг ортиқча ҳажмли омилиниң мавжуд бўлиши инновация учун кўлга киритилган рақобат жиҳатдан устунликни шакллантириш учун асос бўлиши мумкин, чунки ресурсларнинг етишмаслиги улар қийматининг юқори бўлишига олиб келади. Айнан ушбу ҳолат ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш мақсадида техника янгиликлари ва инновацияларни жорий этиш учун асос бўлиши мумкин, бунинг натижасида компаниялар, тармоқлар ва умуман миллий иқтисодиётнинг юқори даражадаги рақобатбардошлигига эришилади.

Миллий иқтисодиётнинг "Барқарор стратегия, тузилма ва рақобатчилик" сифатида белгиланган рақобат жиҳатдан устунлигини шакллантиришнинг энг муҳим омилини кўриб чиқамиз. Демак, мамлакатда компанияни ташкил этиш ва бошқариш тенденцияларига таъсир кўрсатувчи маълум шароитларнинг мавжудлиги ҳам ички рақобатнинг хусусиятини белгилаб беради.

Таъкидлаш жоизки, рақобат жиҳатдан устунликларни шакллантириш учун меҳнатга ва ходимларнинг касбий қўнималарини оширишга шахсий қизиқтириш ҳам муҳим рол ўйнайди. Сўнгги ўн йилликлар иқтисодий амалиёти шуни исботламоқдаки, буюк иқтидор ва қобилият соҳиблари миллат учун энг катта ва аҳамиятли ресурс ҳисобланади, чунки мамлакат эришаётган ютуқлар қўп жиҳатдан ушбу иқтидор соҳиблари танлайдиган таълимнинг даражаси ва хилига, қаерда ишлашни афзал кўришига, уларнинг ишлашига ва ҳаракат қилишига боғлиқ. Шунинг учун мамлакатлар инсонлар нуқтаи назаридан нуфузли ёки ундан миллий қаҳрамонлар етишиб чиқадиган иқтисодий фаолиятни рақобатбардош қилишга интилади.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши турли босқичларда иқтисодиёт рақобатбардошлигининг турли омилларини дастлабки ўринга чиқаради. Иқтисодиётнинг у ёки бу тарихий даврда рақобатбардошлигини белгилаб берувчи у ёки бу омилларнинг таъсирига кўра қуйидаги босқичларни ажратиш мумкин:

- омиллар босқичи;

- инвестициялар босқичи;
- инновациялар босқичи.

Омиллар босқичида мамлакатнинг барча рақобатбардош тармоқлари ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари: табиий ресурслар, арzon ишчи кучи ва мамлакатнинг мавқеи ва ҳудуди билан белгиланадиган фойдалар ҳисобидан ўз мавқеларига эришади.

Рақобат жиҳатдан устунликлар омилларнинг қиймати билан белгиланади, бунда технологик ривожланиш кўпинча чет элдан харид қилиш йўли билан келтирилган технологияларга асосланади.

Рақобатбардошликтининг янада юқори босқичи - бу инвестициялар асосидаги рақобатбардошлик. Ушбу босқичда мамлакатларнинг рақобат жиҳатдан устунликлари фаол инвестиция сиёсатига асосланади. Бунда ҳам технологик ривожланиш четдан келтирилган технологияларга асосланади, бироқ бу ўзлаштириш биринчи босқичдаги каби пассив ҳисобланмайди. Фирмалар энг яхши технологиялар, лицензия, ноу-хауга инвестиция қилишади, бунда технологиялар мамлакат ичida доимий равишда такомиллашиб боради.

8.2. Иқтисодиёт рақобатбардошлигини белгилаб берувчи омиллар таъсирига кўра босқичларга бўлиниши

Инновациялар босқичи иқтисодиёт рақобатбардошлигининг ички салоҳияти тўлиқ ишга тушиши билан тавсифланади. Мазкур босқичда фирмалар нафақат хорижий технологияларни қўллашади ва такомиллаширади, балки ўз технологияларини барпо этишади. Даромадларнинг юқори бўлиши, таълим даражасининг ошиши ва жадал ички рақобат туфайли ички бозор сиғимли ва талабчан бўлади. Ушбу босқичда фирмалар глобал стратегияларни ишлаб чиқишади ва чет элда кенг кўламли инвестицияларни амалга оширади.

Ўзбекистон ҳақида тўхталарадиган бўлсақ, миллий иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги босқичида биз республикамиз экспорт

салоҳиятининг асосини ташкил этувчи қиёсий устунликларга эгамиз.

Шу ўринда Ўзбекистон эга бўлган қуидаги қиёсий устунликларни ажратиш мумкин;

1. Кам харажатлар эвазига қимматбаҳо қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришни ривожлантириш им-конини берувчи қулай табиий-иклимий шароитлар. Ўзбекистонда ҳар йили тахминан 4,5 тонна пахта хом ашёси тайёрланади, ундан 1,3 тонна пахта толаси иш-лаб чиқилади. 30 минг тоннага яқин ипак қурти пилласи, 1,5 млн. тонна юқори сифатли қоракўл териси ва 18 минг тоннадан ортиқ қўй пол қўй юнги тайёрланади. Ҳар йили 2,7-3 млн. тонна турли хилдаги сабзавот экин-лари етиштирилади.

II. Ўзбекистоннинг табиий ресурслари, хусусай:

а) бой маъданли хом ашё базаси. Ўзбекистонда ҳозирги вақтгача 2,7 мингдан ортиқ фойдали қазилмалар ва минераллар кони аниқланган бўлиб, улар Менделеевнинг бутун жадвалини ташкил қиласи. Фойдали қазилмалар конларининг умумий хом ашё салоҳияти 3,3 триллион АҚШ доллари қийматида баҳоланмоқда. Ҳар йили мамлакат конларидан тахминан 5,5 млрд. АҚШ доллари қийматидаги фойдали қазилмалар қазиб олинади;

б) Ўзбекистоннинг энергетика тармоғини ривожлантиришнинг асосини ташкил этувчи сув-энергетика ресурслари, хусусан, энг йирик энергетика иншоотлари Чирчик-Бўзсув ўзанида қурилган бўлиб, у станциялар сони бўйича (19 та) жаҳонда дастлабки ўринлар-дан бирини эгаллайди. Ўзбекистон гидроэлектр станцияларида электр энергиясининг қувватини ишлаб чиқиши мамлакатда бошқа электр станцияларида ишлаб чиқиладиган электр энергияси бутун қувватининг 14,5 фоизини ташкил қиласи;

в) рекреация ресурслари. Ўзбекистон табиати, айниқса, тоғ массивларининг даволовчи ҳавоси тўлақонли дам олиш имкониятини беради. Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида Чимён, Шоҳимардон, Нанай, Ғовасой, Чорток, Ситораи-Мози Хоса каби саломатлик ва дам олиш масканларимиз мавжуд бўлиб, улар ландшафт ёки "яшил" туризмни ривожлантириш имконини беради;

III. Бой маданий-тарихий мерос. Хива, Бухоро, Термиз ва Самарқанд шаҳарларида 4 мингдан ортиқ тарихий, маданий ва диний ёдгорликлар маданий ва диний туризмни ривожлантиришнинг асоси хисобланади.

IV. Ўзбекистоннинг қулай географик ҳолати. Республика Марказий Осиёнинг цоц марказида жойлашган бўлиб, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Афғонистон билан чегарадош. Осиё қитъасининг марказидаги бундай қулай географик ҳолат мавжуд ресурс салоҳиятини самарали амалга ошириш имконини бериш билан бирга юклар ва энергия ташувчиларнинг халқаро транзитида фаол ишти-рок этиш учун кенг имкониятларни очади.

V. Ўзбекистон аҳолининг туғма меҳнатсеварлик ва тадбиркорлик қобилияtlари, мутахассислар таълим даражаси ва малакасининг юқорилиги, шунингдек, ёшлар ва меҳнатта яроқли инсонлар кўпчиликни ташкил этган ва қариялар салмоғи кам бўлган аҳолининг ёш таркибини ўз ичига оловчи катта меҳнат ресурсларига эга. Ўзбекистон аҳолисининг сони 26386,7 минг кишини ташкил қиласди.

Мамлакатнинг рақобат жихатдан устунликлари қўйидагилар бўлиши мумкин:

- 1) давлат бюджетидан ИТТКИ (илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари) учун катта харажатлар;
- 2) инсонни ривожлантиришга (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий эҳтиёжларга) катта қўйилмалар;
- 3) мамлакат сиёсий ва хуқуқий тизимининг барқарорлиги;
- 4) аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ улуши;
- 5) аҳоли ҳаёт кечиришининг узоқлиги;
- 6) ресурслардан фойдаланишнинг юқори самарадорлиги;
- 7) оптимал экспорт;
- 8) паст инфляция;
- 9) рақобатбардош фирмаларнинг катта улуши;
- 10) меҳнат ресурсларининг рақобатбардошлиги;

- 11) молиявий тизимнинг қайишқоқлиги;
- 12) ички бозорнинг ўзгарувчанлиги;
- 13) меъёрдан ортиқ давлат қарзларининг мавжуд эмаслиги;
- 14) мамлакат аҳолиси таълим даражасининг юқорилиги;
- 15) фаолиятнинг барча соҳаларида билимлар асосидаги кучли рақобат;
- 16) мамлакатнинг очиқлиги, халқаро интеграция ва кооперациялашнинг юқори даражаси;
- 17) бозорлар ва минтақалар инфратузилмасининг юқори сифати;
- 18) паст солиқ ва божхона ставкалари;
- 19) мамлакатда бизнеснинг юқори маданияти. Агар Ўзбекистоннинг рақобат жиҳатдан устунликларини таҳлил қиласиган бўлсак, қуидагиларни алоҳида ажратиш мумкин: 1) мамлакат сиёсий ва ҳукуқий тизимининг барқарорлиги; 2) инсонни ривожлантиришга (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий эҳтиёжларга) катта қўйилмалар; 3) аҳоли ҳаёт кечиришининг узоқлиги; 4) меҳнат ресурсларининг рақобатбардошлиги; 5) мамлакат аҳолиси таълим даражасининг юқорилиги.

Бир мамлакатда қиёсий ва рақобат жиҳатдан устунликларнинг интеграциялашуви унинг глобал иқтисодий кенглиқдага рақобатбардошлигини кучайтиради.

8.3. Рақобат салоҳияти ва рақобатдошлик даражасининг умумий концепцияси

Рақобат салоҳияти ва рақобатдошлик даражасининг умумий концепцияси қуидаги тамойилларини ҳисобга олиш лозим:

1. Комплекслилик тамойили. Маълум замон ва маконда ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқариш, ишлаб чиқаришнинг ресурс асосларини таъминлаш, корхонанинг мўлжалланаётган даромад ёки фойда олишини амалга оширишни қўзда тутмоғи лозим.
2. Мутаносиблик. Яъни корхона ва унинг маҳсулоти рақобатдошлиги рақобат салоҳиятидан юқори бўла олмайди. Уларга максимал даражада

эришиш салоҳият захираларидан мумкин қадар тўлиқ фойдаланиш орқали таъминланади.

3. Рақобатдошлик маҳсулот рақобатдошлиги даражаси ва корхона рақобатдошлигини ўз ичига олади. Бир томондан маҳсулот рақобатдошлиги корхона фаолиятининг натижаси бўлса, иккинчи томондан – корхона рақобатдошлигининг таркибий қисми ҳисобланади.

4. Стратегик даражада корхонанинг рақобатбардошлик салоҳияти таъминланади, унинг мезони бўлиб эса корхона фаолиятини таъминлаш учун етарли бўлган ресурслар (моддий, молиявий, инсон ресурслари) мавжудлиги хизмат қилади. Тактик даражада эса корхона ва маҳсулотнинг жорий рақобатбардошлиги таъминланади ҳамда унга рақобат устунликларини шакллантириш асосида эришилади.

5. Мазкур концепция корхона ва унинг маҳсулоти рақобатдошлиги даражасини баҳолаш, ҳолатини мониторинг қилиш ва истиқболда прогнозлаш имкониятини бериши лозим.

Рақобат салоҳияти бу комплекс тушунча экан, ўз навбатида, қатор элементлар мажмуини ҳам олиши табиийdir.

Замонавий амалиётда рақобат салоҳиятини бир неча маҳаллий (локал) салоҳиятларга ажратиб тадқиқ этишни таклиф этилади:

- ишлаб чиқариш салоҳияти, бу ерда асосий мезон бўлиб, қувватдан фойдаланиш даражаси ҳисобланади;
- истеъмол салоҳияти – истеъмолчиларнинг маҳсулотга тўловга қобил талаблари;
- ресурс-хом ашё салоҳияти – турли кўринишдаги моддий ва номоддий ресурслар билан таъминланганлик;
- меҳнат салоҳияти – меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ва ходимларнинг малака даражаси;
- инфратузилмавий салоҳият – корхонанинг иқтисодий географик ўрни ва инфратузилма тармоқлари билан таъминланганлик даражаси;

- инновацион салоҳият – ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларини жорий этилганлиги;
- молиявий салоҳият – ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва инвестициявий жараёнларни таъминлаш учун етарли молиявий ресурс таъминоти.

Албатта, рақобат салоҳиятини бундай элементларга ажратилиши бирмунча универсал характерга эга бўлиб, барча хўжалик юритувчи субъектларда рақобат салоҳиятини баҳолашда ҳам бирдай қўлланилиши мумкин.

Корхонанинг рақобатдошлик салоҳиятини баҳолаш тўғрисида фикр юритилар экан, унинг рақобатдошлиги – рақобат қураши шароитида ўзининг бозордаги улушкини сақлаб қолиш ва уни кенгайтира олиш салоҳиятини ифодалайди.

Ташкилот рақобатдошлигини шакллантириш жараёнида бошқарув тизимининг мақсади салоҳиятдан фойдаланишни мумкин қадар оширишдан иборатдир.

Биринчидан, бошқарув тизими корхона салоҳиятини шакллантириш, ундан оқилона фойдаланиш ва тўлдириб туришни амалга оширади. Иккинчидан, корхона салоҳияти – ўзаро динамик алоқадор маҳаллий салоҳиятлар, яъни корхонанинг муваффақиятли фаолияти ва ривожланишини таъминловчи тузилмалар имкониятларининг йиғиндисидир.

Корхонанинг умумий салоҳияти, маҳсулот ва хизматлар тақдим этилишининг мавжуд даражаси рақобатдошлигини намоён этади. Ресурслардан янада оқилона фойдаланиш учун салоҳиятни бозор муҳитининг ўзгаришига мувофиқ бошқаришни талаб этади.

Маҳаллий салоҳиятларни мутаносиблигини таъминлаш стратегик ривожлантиришга йўналтирилган инновацион тадбирларни жорий қилиш, хизмат кўрсатиш рақобатдошликни таъминлаш жараёнини бошқаришнинг муҳим вазифасига айланади.

Шундай қилиб, «рақобат салоҳияти» корхонанинг нафакт рақобатга дош берса олиш имкониятларини, балки унинг мавжуд ресурсларни оқилона

ишлатиш орқали истеъмолчилар эҳтиёжини максимал даражада қондириш қобилиятини ҳам тавсифлаши керак.

Юқорида зикр этилган фикр ва мулоҳазаларга таянган ҳолда корхона рақобат салоҳиятининг таркибини очиб берувчи муаллифлик ёндашуви тавсия этилади.

Бундай ёндашув рақобат салоҳиятининг юқорида келтирилган тавсифларига асосланган бўлиб, рақобат салоҳияти ва унинг асосида рақобатдошлиқ даражасини баҳолашда ёрдам берувчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш қобилиятини аниқлашда маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳажми кўрсаткичларидан фойдаланилади (2-расм).

Иқтисодий ресурслардан фойдаланиш салоҳиятни аниқлашда жалб қилинган ресурслар йигиндисини ўзида акс эттирувчи интеграл кўрсаткичлардан бири бўлган ресурс сифими мухим аҳамият касб этади. Бунда маҳсулот бирлигига тўғри келувчи моддий ашёлар сифими, фонд сифими, фонд қайтими, меҳнат унумдорлиги, иш ҳақи сифими, асосий капиталга инвестициялар миқдори каби кўрсаткичларни аниқлаш назарда тутилади.

Корхона фаолиятининг натижавий кўрсаткичи сифатида у томонидан яратилган ялпи қўшилган қиймат миқдорига баҳо берилади.

Корхонанинг рақобат салоҳиятини белгиловчи жиҳатлардан бири – бу унинг максимал маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш имконияти бўлиб, уни аниқланишда корхонанинг мавжуд қуввати ва маҳсулотга бозордаги талабдан келиб чиқиб прогнозлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Корхонанинг рақобат салоҳиятидан самарали фойдаланиш бир томондан мавжуд ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланиш имкониятини яратиш билан бирга, унинг рақобатдошлиқ салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қиласи. Рақобатдошлиқ салоҳиятини баҳолаш ва ошириш ўз

навбатида уни белгиловчи рақобат салоҳияти моҳияти ва тасниfinи аниқлаштиришни тақазо этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, корхона рақобатбардошлиқ даражаси биринчи навбатда рақобат салоҳиятига нисбатан таққослама, яъни нисбий баҳодир. Агарда рақобат салоҳияти тўғрисида етарли маълумотга эга бўлинмаса, корхона рақобатбардошлиги тўғрисида сўз юритиш мушкулдир.

Корхона рақобатбардошлиги даражасини баҳолаш, корхона рақобат салоҳияти тўғрисидаги қатор кўрсаткичлардан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради ва ушбу кўрсаткичларнинг қай даражада руёбга чиққанлигини ифодалайди.

Уларни баҳолаш жараёнида корхонанинг муайян вақт мобайнидаги кўрсаткичларни таққослаш маҳсулот ишлаб чиқаришни тезкор назорат қилиш имкониятини беради. Бу эса, корхона ва унинг маҳсулоти рақобатбардошлигини баҳолашнинг мезонларини тўғри танлай олиш зарурий масалалардан бири эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Корхона рақобатдошлигининг мажмуавий баҳоси кўрсаткичи сифатида мазкур корхонанинг рақобат салоҳиятидан қай даражада фойдаланиш ҳолатини тавсифловчи – рақобат салоҳиятидан фойдаланиш индекси таклиф этилади.

Корхона рақобат салоҳиятидан фойдаланиш индексини аниқлашнинг бу усули ёрдамида корхонанинг рақобатдошлиқ имкониятларини, кучли ва заиф томонларини аниқлаш, унинг фаолиятини такомиллаштириш йўлларини топиш, корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятларини таҳлил қилиш ва шу билан бир пайтда рақобатчи корхоналарнинг тегишли кўрсаткичларини ҳам таққослаб баҳолаш мумкин.

Рақобат салоҳияти ва ундан фойдаланиш даражасини баҳолашнинг самарали услубларини қўллаш, корхонанинг узоқ муддатли стратегияси, унинг жорий сиёсатига бевосита таъсир этади ҳамда молиявий, меҳнат ва моддий-техник ресурсларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, уни ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш ҳамда рақобатдошлигини ошириш билан боғлиқ

қарорлар самарадорлигини оширишга асос бўлади. Шу муносабат билан корхона рақобат салоҳиятини шакллантириш механизми ва унинг натижавийлигини баҳолашни жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

9 - МАВЗУ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РАҚОБАТ УСТУНЛИКЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

9.1. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини давлат томонидан тартибга солиш сабаблари

Давлатнинг асосий вазифаси - ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига, шунингдек, давлат бошқа-рувининг самарадорлигига эришишдан иборат. Шунинг учун иқтисодиёт фани доирасида ушбу муҳим ва кўп қиррали муаммога бағишлиланган тадқиқотлар доимий равища олиб борилади.

Соғлом рақобат мухитини шакллантиришнинг давлат томонидан тартибга солиниши республика бозорларида рақобатни ривожлантириш учун зарур ташкилий-хуқуқий ва иқтисодий шароитларни яратиш, бозорларнинг монополлаштиришга уринишларга йўл қўймаслик, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи монополияга қарши тартибга солиш механизmlарини такомиллаштириш, шунингдек, истеъмолчилар хуқуқларини химоялаш чора-тадбирларини ўз ичига олади.

Давлатнинг иқтисодиётдаги роли "унинг функцияларида муайянлашади. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсади иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мавжуд тузумни мамлакат ичida ва халқaro майдонда мустаҳкамлаш ва уни ўзгариб турувчи шароитга мослаштириш ҳисобланади. Бу асосий мақсаддан бир қатор аниқ мақсадлар келиб чиқади. Улар жумласига иқтисодий циклни барқарорлаштириш; миллий хўжаликларнинг тармоқ ва минтақавий тузилишини такомиллаштириш, атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш кабиларни киритиш мумкин. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг

мақсади унинг вазифаларида аниқ намоён бўлади. Бозор хўжалиги шароитида давлатнинг иқтисодий вазифалари асосан бозор тизимининг амал қилишини енгиллаштириш ва ҳимоя қилиш мақсадига эга бўлади. Бу соҳадаги давлатнинг иқтисодий вазифаларидан қуйидаги икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) бозор тизимининг самарали амал қилишига имкон туғдирувчи ҳуқуқий асос ва ижтимоий муҳитни таъминлаш;
- 2) рақобатни ҳимоя қилиш.

Давлатнинг бошқа вазифалари иқтисодиётни тартибга солишининг умумий тамойилларидан келиб чиқади. Давлатнинг ўтиш иқтисодиётидаги барча функциялари бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ. Ушбу боғлиқликнинг хусусиятига қараб давлатнинг тартибга солувчи функцияларининг иккита гурухини ажратиш мумкин. Биринчидан, бу бозорнинг самарали фаолият кўрсатиши учун шартшароитлар яратиш функцияси. Иккинчидан, бу бозорнинг ўз тартибга солувчилирини таъсирини тўлдириш ва унга тузатишлар киритиш.

Биринчи гурухга бозор хўжалиги фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий базасини таъминлаш функцияси ҳамда бозор муҳитида асосий ҳаракатлантирувчи куч сифатида рақобатни рағбатлантириш ва ҳимоялаш функцияси киради.

Иккинчи гурухга эса даромадларни қайта тақсимлаш, ресурсларни тақсимлашга тузатишлар киритиш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш функциялари киради.

Ҳозирги замонда давлат - миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш сиёсати билан шуғулланиши мумкин ва лозим бўлган ягона институтдир. Рақобат бозор иқтисодиётида асосий тартибга солувчи механизм бўлиб хизмат қиласи. Бу шундай кучки, у харидорлар ёки истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига ишлаб чиқарувчи ва ресурс етказиб берувчиларни бўйсундиради. Рақобат шароитида кўплаб харидорлар томонидан билдирилган талаб ва сотувчиларнинг таклифи бозор нархларини

белгилайди. Бу шуни билдирадики, ишлаб чиқарувчилар ва ресурс етказиб берувчилар истеъмолчиларнинг фақат бозор орқали ҳисобга олинадиган хоҳишларига мослашиши мумкин. Бозор тизими ning иродасига бўйсунувчи, рақобатлашувчи ишлаб чиқарувчилар фойда олишни ва ўз мавқеларининг мустаҳкамланишини кутади, ким бозор қонунларини бузса, зарап кўради ва охир-оқибатда синади. Рақобат шароитида харидор – бу хўжайин, бозор уларнинг гумаштаси, корхона эса уларнинг хизматкори ҳисобланади.



Иқтисодиётда сотувчилар ўртасидаги рақобат ўрнини монополиялар эгаллагандаги, уларнинг бозорга таъсир кўрсатиш ёки ундаги нархларни ўз манфаатларини кўзлаб ўзгартириш имконияти пайдо бўлади.

Монополиялар ўзларининг таклифлари умумий ҳажмини тартибга солиш лаёқатидан фойдаланиб, маҳсулот ҳажмини сунъий чеклаш орқали уларга анча юқори нарх белгилаш ва шу орқали анча барқарор фойда олиши мумкин.

Бозор муносабатлари ривожланган шароитда монополиялар устидан икки усулда назорат ўрнатилади. Биринчи усулда, технология ва иқтисодий шароитлар рақобатли бозор мавжуд бўлиш имкониятини йўққа чиқарадиган табиий монополиялар деб номладиган тармоқларда давлат нархларини тартибга солади ва кўрсатиладиган хизматларга стандартларни ўрнатади. Транспорт, алоқа, электр энергияси ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий фойдаланишдаги корхоналар маълум даражада шундай тартибга солинади. Иккинчи усулда, самарали ишлаб чиқариш жуда кўпчилик бозорларда рақобат ривожининг жуда юқори даражасида таъминланиши сабабли давлат рақобатини кучайтириш ва ҳимоя қилиш мақсадида монополияларга қарши қонунлар қабул қиласи.

Республикамизда ҳам монопол фаолиятни чеклаш, товарлар бозорида рақобатни ривожлантириш, истеъмолчилар ва тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинган.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг маълум чегаралари ҳам мавжуд бўлиб, улар давлатнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсиридан келиб чиқади. Иқтисодиётга давлатнинг ҳар қандай аралашуви маълум харажатларни тақозо этади. Уларга энг аввало тартибга солишни ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича харажатларни киритиш мумкин. Шунингдек, тартибга солишнинг у ёки бу шакли бозор мувозанати, ишлаб чиқариш ҳажми, ресурсларнинг қайта тақсимланишига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири ҳам ҳисобга олиш лозим. Бунда тартибга солишни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатларнинг миқдори давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиши натижасида олинадиган самарадан кам бўлиши лозим. Уларнинг нисбати давлатнинг иқтисодиётга аралашуви чегараларини белгилаб беради.

Ҳар йиллик Жаҳон иқтисодий форуми (Давос) томонидан 161 та асосий кўрсаткич бўйича рақобатбардошликтининг интеграл индекси иятлаб чиқилган бўлиб, қуйидаги саккизта блок бўйича гурӯхланган: очик-лик, давлат (давлат сиёсатининг самарадорлиги), молия, инфратузилма, технология, бошқарув, меҳнат ва институтлар.

Жаҳон иқтисодий форумининг маълумотларига асосланган ҳисобкитоблар шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлик мухитининг омиллари умуман мамлакатлар бўйича иқтисодий ўсиш динамикасига энг катта таъсир кўрсатди (60 фоиз)¹.

Тадбиркорлик мухити томонидан рақобатбардошликтининг энг мухим омиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: ички бозорда рақобатнинг жадаллиги, ахборот инфратузилмасининг ривожланиши, талаб хусусиятларининг мураккаблашуви ва ички таклифнинг миқдор ва сифат бўйича талабга мослиги.

Рақобатбардошлик кўрсаткичлари ва бозор институтларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш жараёнлари бўйича орқада қолиш Ўзбекистонда ҳам кузатилмоқда. Бунга барҳам беришда инновацион тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантиришга давлат томонидан

кўрсатиладиган кўмак асосий ролни ўйнаши мумкин.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш вазифаларини ҳал этиш учун узоқ муддатли режада, жаҳон тажрибаси кўрсатиб турганидек, кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишга, би-лимларни баҳам кўриш ва ИТТКИни қўллаб-қувватлашга ҳамда инфратузилмани ривожлантиришга инвестициялар давлат томонидан тартибга солишнинг энг самарали чоралари ҳисобланади.

9.2. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ДАРАЖАСИННИ АНИҚЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Глобализация жараёнида миллий товар ва хизматларнинг рақобатдошлигини таъминловчи ташқи омиллар миқёси ва таркибида салмоқли ўзгаришлар юз беради. Рақобатдошликнинг ташқи омилларига макроиқтисодий муҳит, ривожланишнинг инновацион йўлини танлаш, миллий институтлар ва инфратузилмаларнинг ҳолати, инсон капиталининг сифати, миллий иқтисодиётнинг ҳудудий ва тармоқ жихатдан баланслашганлик даражаси киритилиб, улар ички омилларга ўзгарувчан таъсир ўтказади. Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини амалга оширишнинг барча босқичларида ички ва ташқи рақобатдошликни ошириш таркибий ўзgartiriшларнинг устувор вазифаси эди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ушбу масалани ҳал этишнинг долзарблиги янада ортди ва у иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда модернизация қилишнинг давомий стратегик йўналиши сифатида қаралмоқда.

Мамлакат рақобатдошлигининг муҳим кўрсаткичларидан бири барқарор иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий баланслашувнинг таъминланишидир. Бизнинг мамлакатимизни глобал инқирознинг тўғридан-тўғри таъсиридан ҳимоя қилган макроиқтисодий мувозанатлашувининг асосий омиллари қаторига 2005 йилдан бошлаб кузатилаётган бюджет профицитининг таъминланиши, олтин-валюта расмий захираларининг юқорилиги ва давлатнинг ташқи қарзлари паст даражаси, барқарор банк тизими ва халқаро

молия бозорларидаги эҳтиёткорона алоқалар кабиларни киритишимиз мумкин. Инқизотга қарши чоралар дастури доирасида миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш бўйича тизимли тадбирлар белгиланган бўлиб, унда дастлаб реал сектордаги товар ва маҳсулотларни экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларни ташқи бозорлардаги рақобатдошлигини таъминлаш, қатъий тежамкорликни қўллаш, маҳсулот таннархи ва харажатларини пасайтиришни рағбатлантириш, шу жумладан, энергия тежамкорлигининг самарали тизимини қўллаш ва энергия сифимини қисқартириш бўйича чоралар, ички бозорда ялпи талабни рағбатлантириш ва бошқалар белгиланган эди. Реал секторда юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш, рақобатдош тармоқларни ривожлантириш мақсадида хомашёни чуқур қайта ишловчи тармоқлар улушкини оширишга қаратилган иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар Ўзбекистон корхоналарининг ташқи бозордаги барқарор ҳолатини таъминлайди.

Мамлакат миқёсида рақобатдошликини аниқлашда асосий эътибор яратилган макроиктисодий муҳитга (инфляциянинг белгиланган меъёри, солиқ оғирлиги, кредит ресурсларини олиш имконияти, миллий валюта курсининг динамикасини билиш ва унинг экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар манфаатларига мос келиши), давлат институтларининг сифати, инфратузилманинг ривожланиш даражаси, инсон капитали ва таълим тизимининг сифати, тадбиркорлик муҳити, товар, молия ва меҳнат бозорларининг ривожланишига қаратилади. Қулай макроиктисодий муҳит билан маҳсулотни рақобатдошлиги ўртасида барқарор ўзаро боғлиқликнинг мавжудлиги замонавий иқтисодий назарияни асосий қоидаларига мос келади ва кўп сонли амалий тадқиқотлар томонидан исботланган.

Масалан, инфляциянинг юқори даражаси иқтисодиётни инвестициялашнинг мавжуд манбаларини сўндиради, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш суръатларини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг

сифатига салбий таъсир кўрсатган ҳолда чеклайди, ишлаб чиқарувчилар харажатларини кўпайтиради ва баҳо рақобатдошлигини пасайтиради. Товарларнинг рақобатдошлигига юқори бюджет дефицити ва солиқ юки, валюта курсининг беқарорлиги, ишлаб чиқаришнинг юқори материал сифимкорлиги ва иқтисодий ўсишнинг капитал сифимкорлиги даражаси ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистоннинг рақобатбардошлиги устунлиги инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган бўлиб, унда темир йўл тизимининг ривожланганлиги асосий ўрин тутса, яна бир устун жиҳати аҳолини бошланғич ва ўрта таълим билан қамраб олиш даражаси жаҳонда юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Иқтисодиёт рақобатдошлиги барча бўғинлари (макродаражада) бир-бири билан боғлиқ. Улардан бирининг ривожланмаганлиги бошқаларига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, инновацион салоҳиятни юқори технологияларни фойдаланишга мослаштирувчи яхши ривожланмаган олий таълим тизимисиз ва ҳамда ишланма ва тадқиқотларни молиялаштирувчи самарали амал қилувчи молия тизимисиз амалга ошириб бўлмайди. Адолатли рақобат шартшароитларининг мавжуд эмаслиги ва ривожланмаган товарлар бозори инновацион маҳсулотга бўлган барқарор талабни ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишга рағбатларни таъминламайди ҳамда миллий инновацион тизимлар ва инфратузилмаларини, илмий-техник ишланмаларнинг коммерциациялашувининг ривожланмаганлиги уларни пировард истеъмолчига етиб боришига имкон бермайди.

“Миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлиги ошиб бораётганлигининг исботи тариқасида мамлакатимизда ўтган 2017 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 5,3 фоизга ўстанлиги, саноат маҳсулоти ҳажмлари 7 фоизга, курилиш-пудрат ишлари 5,6 фоизга, чакана савдо айланмаси 2,4 фоизга, хизматлар 8,9 фоизга ўстанлиги, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилганлиги, ташқи савдо айланмаси 11,3 фоиз ўсиб, унинг ижобий сальдоси

таъминланганигини санаб ўтишимиз мумкин. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш хисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш йўналишида корхоналарнинг маблағлари, ЎзТТЖ, тижорат банклари кредити, хорижий инвестиция ва кредитлар хисобига 2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурлари амалга оширилади. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурида 2017-2021 йилларда аҳолининг энергия таъминотини яхшилаш учун кўмир қазиб олиш соҳасида замонавий технологияларни жорий этиш хисобига кўмир қазиб олишни йилига 7,8 млн. тоннага ошириш имконини берувчи инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ва саноат тармоқларининг рақобатдошлигини ошириш бўйича комплекс чоратадбирларнинг амалга оширилиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 7 фоизга ўсишини таъминлади. Юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган саноат тармоқларида динамик ривожланиш таъминланди. 2016 йилда маҳаллий хомашё ресурсларини босқичма-босқич чуқур қайта ишлаш ва тайёр истеъмол маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш тармоқлари эвазига саноат маҳсулотларининг юқори ўсиш суръатларига

эришилди”³³.

Ўзбекистон иқтисодиётини узоқ муддатли истиқболда рақобатдошлигини ошириш учун қуийдаги йўналишларга кучларни ва ресурсларни қаратиш лозим:

- иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, иқтисодий ўсишнинг инновацион омилларини ошириш, ЯИМда моддий ва энергия сифимини 2 баробар пасайтириш ҳисобига мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиши орқали иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори даражасини таъминлаш (8 фоиз);
- модернизация қилишнинг биринчи навбатдаги обьекти инновацион маҳсулотга бўлган талабни таъминлашга қодир таркиблар, давлат таълим стандартларига риоя қилиш, инновация инфратузилмаси ривожланиши учун зарур бўлган қулай инвестицион муҳит ва бошқа барқарор иқтисодий ўсиш элементлари бўлиши лозим;
- ўта янги маҳсулот турлари ва юқори технологияларни ишлаб чиқиши ўзлаштириш асосида ташқи бозорда маҳаллий товарларнинг рақобатдошлигини ошириш;
- саноат ишлаб чиқариши, биотехнология, информатика ва нанотехнологиядаги янги кашфиётларни қўллашга асосланган ҳамда миллий иқтисодиётнинг кўпгина тармоқлари ва соҳаларида катта салоҳиятга эга бўлган энергия ва сув тежайдиган технологияни жорий этиш;
- миллий иқтисодиётни жаҳон молиявий-иктисодий тизимиға интеграциялашувини чуқурлаштириш, уни ташқи иқтисодий бозор конъюнктурасига боғлиқлигини пасайтириш учун ташқи бозорда рақобатдош тайёр маҳсулотлар улушини ошириш ҳисобига экспорт таркибини диверсификациялаш; -мамлакатнинг ёқилғи-энергетик балансини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, иқтисодиётни энергия таъминотида табиий газнинг улуси меъёрдан анча юқори кўрсаткичга эга бўлгани учун истиқболли энергия тежовчи технологияларни фаол ишлаб чиқиш ва халқаро

³³ www.wc.tseu.uz 6 www.tseu.uz

айирбошлаш, энергиянинг муқобил манбаларидан кенг фойдаланиш зарур.

9.3. Кластерларни шакллантириш – иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини кўриб чиқиш миллий иқтисодий сиёсатнинг иқтисодиётда рўй бераётган жараёнларга таъсири остида бўлди. Агар ҳозирги вақтда жаҳон иқтисодиёти ривожланаётган шартшароитлар - глобаллашув жараёнлари, трансмиллий компаниялар сонининг ўсиши ва улар фаолияти соҳаларининг кенгайиши ҳисобга олинса, жойлашган жой омилини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ривожлантириш масалалари дастлабки ўринга чиқади.

М.Портернинг миллий, давлат ва маҳаллий рақобатбардошлик назарияси кластерларга асосий ўринни беради.

Кластерлар - бу географик белги бўйича жамланган, ўзаро рақобат қилувчи, лекин биргаликда фаолият юритувчи маълум тармоқлардаги ўзаро боғлиқ компаниялар, ихтисослашган етказиб берувчилар, хизмат кўрсатувчилар, тегишли тармоқлардаги фирмалар ҳамда улар фаолияти билан боғлиқ ташкилотлар (масалан, стандартлаштириш бўйича университетлар, агентликлар ҳамда савдо бирлашмалари) групхи¹.

Юқорида таъкидланганидек, рақобат курашида кластерларга асосий берилади, чунки улар бозор иқтисодиётининг бошқа институтлари, хусусан ҳукумат, университетлар, компаниялар самарадорлигани ошириш имконини беради. "Кластерлар давлат сиёсатини тушунишнинг янги ва қўшимча усулини ўзида намоён этади. Айрим минтақада кластерлар ҳолатини тушуниш кластерлар йқтисодиёй ишплаб чиқариш салоҳиятининг ички хусусиятларини ҳамда уларнинг келажақдаги ривожланиши учун мавжуд бўлган чекловларни кўришни таъминлайди"³⁴.

Шундай қилиб, кластелар қиёсий устунликлардан фойдаланиш ва

¹ Портер М.Э. Конкуренция.: Пер. с англ. - М: Издат. дом "Виль-ямс", 2002. С. 207.

³⁴ Ўша ерда. 275-бет.

рақобат жиҳатдан устунликларни оширишга асосланган ҳодда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашади. Мамлакат иқтисодиёти клатер томонидан турли даражада, яъни минтақавий, пойтахт, миллий иқтисодиёт даражасида қамраб олиниши мумкин.

Миллий иқтисодиётда кластерларнинг, яъни асосий тармоқ маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича ўзаро боғланган тармоқларнинг мавжудлиги рақобат хусусиятини вамамлакатнинг рақобат жиҳатдан устунликларини шакллантиришда географик жойлашувнинг ролини акс эттиради.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда тармоқлар кластерлари ривожланмаган. Рақобатбардош тармоқларда кластерларнинг мавжуд бўйламаслиги республиканинг миллий устунлиги учун заифлик аломати ҳисобланади. Қўллаб-қувватловчи ишлаб чиқаришларнинг мавжуд эмаслиги Ўзбекистон корхоналарига ҳатто улар жаҳондаги технологик янгиланиш билан биргаликда харакатланишига умид қилиш имконини ҳам бермайди.

Кластерларни шакллантириш - бу бир-бирининг рақобатбардошлигини оширишга ўзаро кўмаклашувчи узвий боғланган фирмалар, тармоқлар бирлашмаларини шакллантириш жараёни. Давлатнинг бутун иқтисодиёти учун кластерлар йчки бозорнинг ўсиш нуқталари ва халқаро иқтисодиёт базаси ролини бажаради.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ташкил этишининг Кластер шакли)кўзланган мақсадларни амалга оширкшга тармоқлар ўртасидаги мухим ўзаро боғлиқликларни аниқлаш имконини берган бўлар эди. Бу миллий иқтисодиётни таркиблаш масаласига нисбатан мутлақо янгича ёндашув бўлиб, (янги ғояларни тузишга қодир бўлган кадрларни тайерлаш, сифатли бутловчи қисмлар ва хомашёни тайёрлаш ёки харид қилишдан тортиб то якуний маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишгача) рақобатбардош маҳсулотни барпо этиш бўйича тизимли бошқарувни амалга ошириш имконини беради.

Жаҳон давлатларининг ўз иқтисодиётини ривожлантиришдаги асосий мақсади миллий иқтисодиётининг жойларида рақобатбардошлигини ошириш ва унинг глобал бозор улушини янада орттиришдан иборат. Инвестицион кластер – хусусий корхоналар гуруҳи кичик, ўрта ва йирик фирмалар, шунингдек илмий-тадқиқот ташкилотлари имкониятларидан фойдаланиш ва интенсив таъсир ўтказиш йўли билан инновацион фаолиятни рағбатлантиришдан иборат. Компания ва ташкилотлар гуруҳи муайян бир соҳада аниқ ваколатлари, хизматлари, ресурслар ва қўникмаларини ривожлантириш учун етарли даражада жойлашиши инновацион кластернинг асосий кўриниши сифатида қаралади.

Инновацион кластерларнинг ривожланиши учун Хитой тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. “Инновацион кластерлар: Пекиндаги Цинъхуа ёки Шанхайдаги Фудонь, университетлар атрофида, шунингдек маҳаллий ҳокимиятлар томонидан бизнес-инкубатор сифатида яратилган маҳсус илмий-текшириш ва илмий-техник парклар атрофида пайдо бўлишади. Бу кластерлар ҳукумат грантларини, хитой венчур капиталини, хитойлик ва чет эллик (асосан Европа ва АҚШда таълим олган хитойликлар) энг яхши мутахассисларни ўзига жалб қиласади”³⁵.

Глобаллашув ва ўсиб бораётган халқаро рақобат шароитларида кластерлаштиришни Ҳиндистон, Индонезия, Малайзия, Мексика, Нигерия, Чили ва бошқа давлатларда, шунингдек, араб мамлакатларида (Марокаш, Иордания, Сурия, Ливан, Миср, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқалар) кузатишимиз мумкин.

Ҳиндистонда 2000 дан ортиқ, шундан 388 та саноат ва 1657 та ҳунармандчилик корхоналарини бирлаштирган кластерлар фаолият кўрсатади. Кластерлар мамлакат экспорт маҳсулотининг 60 фоизни, баъзи бир йирик кластерлар эса Ҳиндистонда ишлаб чиқариладиган баъзи бир

³⁵ Бараболина А.И. Формирование автомобильного кластера в Китае [Электронный ресурс]. //Проблемы современной экономики. 2014 №4 (24).

маҳсулотларнинг (кийим-кечак, заргарлик ва тери маҳсулотлари) 90 фоизни етказиб берадилар. Ҳиндистоннинг кичик корхоналари катта истеъмол бозори ва ривожланган саноат ва ижтимоий инфротузилма билан биргалиқдаги меҳнат ресурслари бор метропол ва катта шаҳарлар, йирик саноат компаниялари атрофида тўпланишга интиладилар. Турли хил кластерлар таркибида фаолият қўрсатаётган кичик корхоналар сони 40-50 дан тортиб 1700 тагача (Дехлидаги техник ускуналар ишлаб чиқарувчи кластерда) бўлиши мумкин. Ҳиндистон ҳукуматининг юқори технологиялари ишлаб чиқариш ва хизматлар (коммуникацион технологиялар, дастурий таъминот, фармацевтика ва бошқалар)ни ривожлантиришда кластерларнинг эксперт имкониятларини оширишни қўллаб-қувватлашга бўлган муносабати айниқса самаралидир.

Бунга катта, ўрта ва қўпгина кичик корхоналарнинг ўзаро муносабатлари асосида иқтисодиётнинг тез ривожланишидаги манфаатдор бўлган вилоятлар ва маҳаллий ҳокимиятлар билан марказий ҳукумат органларининг яқиндан ҳамкорлик қилиши билан биргаликда давлатнинг техниковий сиёсати ёрдам беради.

Шундай қилиб, мамлакатларнинг ўтиш давридаги тажрибаси шуни тасдиқлайдики, кластерларни ривожлантириш ғояси давлатнинг иқтисодиётга аралashiши кўринишида, кластерларни ташкил қилиш бўйича давлат дастури сифатида қабул қилинмаслиги лозим. Акс ҳолда кластерларни сиёсий йўллар ёрдамида мақсадли яратиш мумкин деган нотўғри фикр пайдо бўлади.


Саноатни бошқаришга кластерли ёндашиш давлат саноат сиёсати тамойилларини умуман ўзгартириб юборади. Бу, айниқса, аввалги социалистик давлатларга тааллуқли бўлиб, давлат бошқарув аппаратининг бутунлай қайта қуришни, маҳаллий ҳокимият дунёқараши ўзгаришига олиб келади. Иқтисодиётда ривожланиш тўғрисидаги ахборотни бошқа юзада кўришни – соҳалар бўйича эмас, алоҳида бозор ва компаниялар даражасида кўришни талаб қиласида .

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, кластерлар камдан-кам ҳолда маблағ ёрдамида ва сунъий равишда пайдо бўлади, улар соҳалар орасидаги ишлаб чиқариш алоқалари сифати кўринишидаги шарт-шароитлар бўлгач табиий равишда пайдо бўлади ва ривожланади.

Сиёсатнинг бу холатдаги роли тадбиркорликни ривожлантиришга шароитлар яратиш, яъни фирмаларни очиш, инновацияларни рағбатлантириш, инвестицион муҳитни яхшилаш ва бошқалардан иборатdir.

Инновацион кластерларни ташкил этиш, биринчидан, ахборот харитасини тузиш билан белгиланади. Инновацион кластерларда барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йигиши мақсадга мувофиқдир.

Инновацион кластерларни тузиш тартиби қуидаги чизмада келтирилган.



1-чизма. Кластерни тузиш қоидалари.

Ўзбекистон иқтисодиёти структурасида кластерли ёндашиш биринчи марта 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар Стратегияси Дастури [4] доирасида мамлакат ишлаб чиқариш сиёсатини такомиллаштириш йўлларини белгилаб бериш воситаси сифатида қайд қилинди. Кластерларнинг ривожланиши тўғрисидаги муҳокамалар аввалдан бошланган бўлиб, турли хил назарияларга асосланган эди. М.Портернинг

1990 йилда чоп этилган “Мамлакатларнинг рақобатдаги афзаликлари” китобида қайд этилган мазкур назария асосида кўпгина давлатларда мазкур мамлакатлар иқтисодиётини ўрганиш бўйича кенг қамровли изланишлар олиб борилган.

Бундан ташқари, бу лойиха доирасида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, қизиқиши билдириган вазирлик ва муассасалар билан биргаликда фан, маориф ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси учун йўналишлар ишлаб чиқди ва улар асосида мамлакатнинг йирик университетларида ўқув-илмий комплексларни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди .

Келажаги порлоқ тармоқлар таҳлил қилинди. Асосий мезон сифатида экспортнинг барқарорлиги ва чет эл инвестицияларининг кириб келиши олинди. Тайёрланиши учун катта меҳнат талаб қилган “интеграция рамкаси” аниқлаб олинди. Қишлоқ хўжалиги, рангли металлургия, энергетика, телекоммуникация, экология, соғлиқни сақлаш, транспорт, кимё, курилиш, озиқ-овқат бўйича интеграцион хариталари тузилди .

Етакчи корхоналар қаторига “НТМК”, “ОТМК”, “Автосаноат АК”, Ўзбекистон темир йўллари каби йирик компанияларнинг ишлаб чиқариш бўлимлари киради. Ўзбекистоннинг йирик корхоналари томонидан ишлаб чиқариш ва изланиш марказларининг яратилиши нафақат истеъмолчиларга яқинлашиш мақсадларини кўзлайди, улар кўпчилик ҳолатларда тажрибали ишчи кучидан фойдаланиш афзаликларини ва миллий инновацион тизимнинг имкониятларини кўзда тутади.

Ҳозирги пайтда саноат, қишлоқ хўжалиги, автомобилсозлик (кластерлари) Ўзбекистон иқтисодиёти учун муҳим ҳисобланади, улар асосий экспорт ҳажмини таъминлаб, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг кўпгина қисмини ташкил қиласди.

Келгусида Ўзбекистон ахборот ва телекоммуникация технологиялари кластерини ривожлантириш лозим (10 йил ичида “нисбий кластер” категориясидан “кучли кластер” категориясига ривожланиш лозим), бу билан “етук” бозорда ишлаётган қишлоқ хўжалик кластерига муқобил сифатида

ресурс яратилиши лозим. Ҳозирда мавжуд маҳсус иқтисодий ҳудудларда илмий-коммуникацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, мана шу сектор учун таълим тизимини, инновацион тизимни бир-бирига боғлиқ ишлаб чиқариш ва хизматлар тармоғини яратиш, улар мустақил қийматга эга бўлишлари ва рақобатда барқарор афзалликларга эга бўлишни ривожлантиришга шароитлар яратишлари лозим. Бунга мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги “Мирзо Улуғбек инновацион марказини ташкил қилиш” тўғрисидаги фармонини келтиришимиз мумкин. Бу барча ташқи бозорда ишловчи дастурчиларни дастурий маҳсулоти билан бирлаштиради.

Металлургия кластерининг якуний маҳсулоти сифатида турли хил metall маҳсулотларидан машинасозлик учун юқори технологик қолилларни тайёрлашни олишимиз мумкин. Машинасозлик кластери кластерларнинг бир-бирига киришувчанлигининг ёрқин мисоли сифатида намоён бўлади. Унинг асосий ихтисосланиши қишлоқ хўжалиги, энергетика, металлургия ва қурилиш тармоқлари учун ускуналар ишлаб чиқаради. Аммо ихтисослашган машинасозликнинг жадал ривожланиши уни мустақил кластерга, кўплаб ихтисослашган етказиб берувчилари, сервис ва инжиниринг компаниялари, тадқиқот ва инновацион марказлари бор кластерга айланишига олиб келиши мумкин. Ҳолбуки, ускуналар ишлаб чиқарувчиларининг рақобатбардошлиги ва ривожланиши етакчи кучнинг муҳим омили сифатида талабчан ички сўров бўлса ҳам, машинасозлик компаниялари ҳали жаҳон бозорида рақобат қила олмайдилар .

Энергетика кластери ўз ичига нефть ва газ кимёси, электроэнергияси, инжиниринг компанияларини, анъанавий равища юқори энергия самарадорлиги ва экологик технологиялардан фойдаланувчи компанияларни ўз ичига олиб, тахминларга кўра юқори суръатлар билан ривожланади. Озиқовқат ва қурилиш кластерлари, шунингдек, соғлиқни сақлаш кластери ички бозорга хизмат қилишга мўлжалланган бўлиб, бандлик нуқтаси назаридан муҳим аҳамиятга эга, лекин яқин 10-15 йил ичида иқтисодиётнинг умумий

ўсишидан секинроқ ўсади. Нисбатан янги бўлган бизнес-хизмат кластери эса аксинча Ўзбекистон иқтисодиётида ўз ўрнини аста-секин мустаҳкамлаб боради.

Барча ҳолатларда кластерлар рақобатбардошлилигининг асосий далили сифатида бир-бири билан боғлиқ институтлар ҳамда тармоқлар тизимининг бозор муносабатлари ва самарали рақобатнинг натижасида юқори даражадаги ривожланиши ҳисобланади. Миллий инновацион тизимни шакллантириш ва малакали кадрларнинг юзага келиши давлат сиёсатининг меъёрлари билан ўлчанади.

Инновацион кластерни ишлаб чиқишининг асосини маҳсулот ҳаётий цикли назарияси, фирманинг бозордаги ҳолати ва у ўтказаётган илмий-техникавий сиёсат ташкил этади.

Инновацион кластер стратегияси қўйидаги турларга ажратилади:

1. Ҳужум стратегияси – бу стратегия тадбиркорлик рақобатчилиги принципларига эга бўлган фирмалар учун мўлжалланган. У кўпинча кичик инновацион фирмалар учун тааллуқли.

2. Ҳимоя стратегияси – фирманинг рақобат принципларини сақлаб қолиш. Бундай стратегия жадал илмий-тадқиқот ишларини талаб этади.

3. Иммитацион стратегияси – (иммитация – ҳаётда бўладиган воқеаларни символлар орқали ифодалаш). Бу стратегия кучли бозор ва технологик ҳолатларга эга бўлган фирмаларга тааллуқли. У ёки бу янгиликларни биринчи марта ўзлаштирмаётган фирмалар томонидан қўлланилади.

Якуний истеъмол усули орқали ЯИМ таркиби тўғрисидаги маълумот якуний истеъмол талабини қондириш ва мамлакат миллий бойлигининг ўсиши учун истеъмол қилинган товар ва хизматлар қиймати улушини аниқлаш, ЯИМнинг якуний истеъмол йўналишлари бўйича асосий пропорцияларини таҳлил қилиш имконини беради.

10- МАВЗУ. РАҚОБАТНИНГ ИННОВАЦИЯЛАРНИ ТАДБИҚ

ЭТИШ СТРАТЕГИЯСИ

10.1. Инновацион инвестицияларнинг миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишдаги роли.

Инновацион инвестициялар такрор ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш сифатининг молиявий манбаи, ишлаб чиқарувчи кучлар ва иқтисодий муносабатлар тизими ривожланишини белгиловчи омилидир. Инновацион инвестициялар фан ва техника тараққиёти, ютуқларини амалиётга жорий қилишни ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнини таъминлайди. У аҳоли турмуш даражаси ва сифатини тўхтовсиз ошириб боришнинг ҳам зарурий шарти ҳисобланади. Шу жиҳатдан ёндашилганда инновацион инвестицияларнинг зарурлигини икки муҳим омил тақозо қиласди: ижтимоий эҳтиёжлар сифат даражасининг ўсиши ва аҳоли сонининг кўпайиши. Иқтисодий ўсиш сифати жараёнини таҳлил қилиш нуқтаи назаридан ёндашилганда инновацион инвестицияларга янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга кетадиган маблағлар деб таъриф бериш мақсадга мувофиқроқдир.

Шу муносабат билан Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни модернизациялаш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш кувватлари ва асосий фондларни яратиш, амалда фаолият юритаётган техника ва технологияларни янгилаш, уларни қўллаб-куватлаш инвестицион жараёнларни нечоғли тўғри ва самарали амалга оширишга боғлиқ эканлиги таъкидлаб ўтилган. Иқтисодиётда бошқарув тизими эскиргани, инновацион ғояларни қўллаб-куватлаш бўйича самарали механизмлар ўз вақтида жорий қилинмагани ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Шунингдек, технологик қолоқлик, ресурс ва энергияни тежайдиган технологиялар, муқобил энергия манбаларини татбиқ этишнинг суstлиги ҳам иқтисодий тараққиёт йўлида тўсиқ бўлмоқда. Энг ёмони, истиқболли йирик лойиҳаларни белгилаш ва амалга оширишда жиддий хатоликларга йўл қўйилгани, хорижий кредитлар

самарасиз ишларга сарфлангани иқтисодиёт ривожига халақит бермоқда³⁶. Инновацион инвестициялар макроиқтисодий даражада икки хил ҳусусиятга эга бўлади. Биринчидан, инновацион инвестициялар ўзгарувчан ҳаражатлар тури бўлиб, у кескин ортиши ёки камайиши мумкин. Бундай ўзгаришлар ЯИМ ҳажмига тўғридан-тўғри таъсир этади. Бошқача айтганда, инновацион инвестициялар иқтисодий ўсиш сифатига нисбатан кўпроқ даражада ўзгарувчан ҳисобланади. Иккинчидан, инновацион инвестициялар асосий капиталнинг жамғарилишига олиб келади. Ишлаб чиқариш воситалари, бинолар, асбоб-ускуналар шаклидаги асосий капитал ҳажмининг ўсиши миллий иқтисодиётда иқтисодий ўсишга ва ўз навбатида ЯИМ ҳажмининг ортишига олиб келади.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар инвестициялар тармок таркибининг ўзгаришида ўз аксини топади. Чунки янги тармоқларнинг пайдо бўлиши, ёқилғи-энергетика мустақиллигига эришиш, ишлаб чиқаришни тубдан янгилаш инвестициялар таркиби ўзгаришини тақозо этади. Таххилил қилинган барча йилларда инвестицияларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш мақсадларига ишлатилган. Бироқ бу ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилган инвестициялар ва ижтимоий тармоқларга йўналтирилган инвестициялар ўртасидаги нисбатан ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва унинг ўсиши даврида ҳам ўзгариб турган. Жумладан, 2005-2010 йилларда ишлаб чиқариш мақсадларидаги инвестицияларнинг улуши бирор ўсан, бироқ 2010-2017 йилларда уларнинг улуши 73,7 %дан 66,7 %гача пасайган. Бу, асосан, транспорт ва алоқага йўналтирилган инвестицияларнинг динамикаси учун ҳарактерлидир. Мазкур тармоқнинг инвестициялардаги улуши 2005-2010 йилларда -24,1 % дан 29,7% гача ортган, 2010-2017 йилларда унинг улуши 29,7 %дан 17,1 %га пасайган, саноатда ишлаб чиқариш мақсадларига йўналтирилган инвестицияларнинг барқарор 35,9 % улушкини ташкил этмоқда.

³⁶ . Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.// Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

**1- жадвал Ўзбекистон Республикасида инвестицияларнинг
тармоқлар бўйича таркиби ўзгариши (амалдаги нархларда, %да)**

	2005	2010	2017
Барча инвестициялар, шу жумладан:	100	100	100
1. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган, улардан:	68,2	73,7	66,7
а) саноатта	32,5	30,4	35,9
б) қишлоқ хўжалигига	4,4	3,5	3,3
в) курилишга	0,9	1,4	4,4
г) транспорт ва алоқага	24,1	29,7	17,1
д) савдо, умумий овқатланиш ва бошқа тармоқларга	6,3	8,7	6,0
2. Ижтимоий соҳа тармоқлари, улардан:	31,8	26,3	33,3
а) уй-жой курилишига	11,5	12,4	17,9
б) коммунал хўжалигига	2,8	1,5	2,0
в) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминотта	2,4	1,7	2,3
г) халқ таълимига	5,0	2,1	2,7
д) фан, маданият, санъатта	10,1	8,4	8,4
—	—	—	—

Инвестициялар тармоқ таркибida қишлоқ хўжалиги улушининг кескин камайиши дикқат-эътиборни тортади. Республикада 2000 йилда унинг улуси 5,1%ни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда 3,5 %ни ва 2017 йилда унинг улуси атиги 3,3 %ни ташкил этди, яъни бу 2000 йилга нисбатан 1,8 пунктга камдир. Шу билан бирга, бугунги кунда қишлоқ хўжалигига, яратилган ЯИМнинг 19,2 % дан кўпроғи тўғри келади. Табиий-иқлим шароитлари, ерларнинг ва ирригация тизимининг ҳолати, умумий инвестицияларда қишлоқ хўжалигининг улушкини кескин оширишни талаб қилади. Иқтисодий ўсиш даврида хизмат кўрсатиш соҳаси, уй-жой хўжалиги, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, фан ва маданиятга йўналтирилган инвестицияларнинг улуси ортди. Бу ерда шу нарса муҳимки, инвестицияларнинг қайд қилинган тармоқларда ортиши, инвестициялар реал ҳажмининг кўпайиши шароитида содир бўлди. Транспорт ва алоқага инвестицион сарфларининг анчагина кўпайиши мазкур тармоқларни реконструкция қилиш, транспорт коммуникацияларини кенгайтириш билан бирга борди. Жумладан, бу даврда Қамчиқ довони орқали Тошкент-Қўқон автомобиль ва темир йўл қурилиши, Навоий-Конимех- Мискин темир йўл линиясини электрлаштириш сабаб бўлди. Иқтисодий ўсиш даврида инвестицияларда саноат ва қишлоқ хўжалиги

сингари тармоқлар улушининг камайиши ҳамда ижтимоий соҳа тармоқлари улушининг ортиб бориши капитал талаб тармоқлардан бундай талаб бўлмаган тармоқларга инвестициялар оқиб ўтиши жараёни ўз ўрнига эга эканлигини англатади.

2005-2017 йилларда инвестициялар ҳажми барча тармоқларда барқарор ўсган, бироқ унинг ҳажми турли тармоқларда турли хил даражада ўсган. Энг юқори ўсиш 1197,4 % қурилишга тўғри келади. Иккинчи ўринда саноат билан 563,4 % туради. 2005-2017 йилларда ижтимоий соҳа тармоқларга йўналтирилган инвестицияларнинг улуси 1990 йилдаги 41,7 %дан 1995 йилда 33,1 %га ва 2000 йилда 42,5 %га ўсиб, ундан кейинги даврда барқарор ялпи инвестицияларнинг 3/1 қисмини ташкил этган. Ижтимоий соҳа тармоқларга йўналтирилган инвестицияларнинг таркибида тадқиқ этилаётган даврда энг юқори ўсиш 843,3 % билан, уй-жой қурилишига тўғри келади. Ижтимоий соҳа тармоқларга йўналалтирилган инвестициялар ўсишида энг паст даражада ўсиш фан, маданият ва санъатга тўғри келмоқда. Унда тадқиқ этилаётган биринчи даврда 1990-2000 йилларда 29,4 %ни ва иккинчи 2005-2017 йилларда 128,2 %ни ташкил қилмоқда. Бугунги инновацион иқтисодиётга ўтиш даврида инновацияни яратувчи тармоқ бўлган фан, маданият ва санъатга катта ҳажмдаги инвестицияларни йўналтириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳаракатлар стратегиясида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фаол инвестиция сиёсати орқали юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомаше ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтилмоқда. Корхоналар асосий манбаи фойда ва амортизация ажратмалари бўлган жамғармалар ҳисобидан инвестицияларни амалга


ошириб келаётганлигига ва тадқиқ этилаётган давр мобайнида мазкур кўрсаткичларнинг ўсиш суръатига эга бўлганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. 2010-2017 йилларга келиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсири натижасида ялпи инвестицияларда корхоналар улуши 2000 йилдаги 27,1 %дан, 2010 йилда 33,0 %гача ўсди ва 2017 йилга келиб, 29,4 %гача пасайди. Инвестицион жараёнларда ўз навбатида аҳолининг иштироки ҳам тобора кенгайиб бораётганлигини қайд этиш лозим. Инвестициялар таркибидаги аҳоли маблағларининг улуши 2005–2009 йиллардаги 10–11 фоиздан 2017 йилга келиб, 14,5 %гача ўсан. Аҳоли турмуш даражаси ва реал даромадларининг ўсиши эвазига аҳоли инвестицион фаолиятининг фаоллашуви аҳоли жамғармаларининг кўпайишига замин яратиб берди.

“Иқтисодиётда бошқарув тизими эскиргани, инновацион ғояларни қўллаб- қувватлаш бўйича самарали механизмлар ўз вақтида жорий қилинмагани ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Шунингдек, технологик қолоқлик, ресурс ва энергияни тежайдиган технологиялар, муқобил энергия манбаларини татбиқ этишининг суслиги ҳам иқтисодий тараққиёт йўлида тўсиқ бўлмоқда. Энг ёмони, истиқболли йирик лойиҳаларни белгилаш ва амалга оширишда жиддий хатоликларга йўл қўйилгани, хорижий кредитлар самарасиз ишларга сарфлангани иқтисодиёт ривожига ҳалақит бермоқда”³⁷ – дейди Президентимиз Ш.М.Мирзиёев. Саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш лойиҳалари, шунингдек, 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чоратадбирлари дастурининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши натижасида республика ЯИМга энергия сарфини 7,4 фоизга, ҳамда йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини эса ўтган йилга нисбатан ўртacha 10,6 фоиз камайтиришга, 4400 дан ортиқ корхоналарнинг рентабеллик даражасини ошириш ва молиявий соғломлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш

³⁷ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т:// Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

кувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш асосида ишчилар сонини кўпайтиришга эришиш режалаштирилган.

Сўнгги йилларда олиб борилган инвестиция сиёсати мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ва стратегик мақсадларини белгилаш, Ўзбекистоннинг халқаро иктисодий ҳамжамиятдаги роли ва ўрнини аниqlаш имконини берди.



1-расм. 2018 йилда иктисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, айни пайтдаги инвестиция сиёсатининг макродаражадаги бош мақсади қайта ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, мамлакат моддий-техникавий базасини мустахкамлаш, унинг иктисодий салоҳиятини юқ-салтириш, умумиқтисодий тараққиётга эришиш (ялпи ички маҳсулот, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг усиши, янги иш жойлари сонини кўпайтириш, киритилган маблағлар самарадорлигини ошириш)га қаратилган инвестиция жараёнларини давлат томонидан тартибга солиниши ва қўллаб-қувватланишининг таъсирчан тизимини яратишдир. Микродаражада у хўжалик субъектлари томонидан фойда (даромад) олиниши мақсадига бўйсундирилади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги тизимиға интеграциялашуви шароитида мамлакатимизда экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожланиш сиёсатини амалга ошириш ва экспортбоп “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2017 йил № 4, 2017 www.iqtisodiyot.uz 2 маҳсулотларни ишлаб чиқариб, хорижга экспорт қилиш, шунингдек, импорт ўрнини босувчи юқори технологиияларга асосланган ишлаб чиқаришни жорий қилишда эркин иқтисодий худудлардан фойдаланиш, шунингдек, мамлакатимизда “очик эшиклар сиёсатини” амалга ошириш ҳамда хорижий сармоядорларни жалб қилиш борасида ривожланган давлатларнинг, айниқса, жаҳон хўжалигида тезкор суръатларда ривожланган мамлакатларнинг, жумладан, Хитой, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Сингапур каби мамлакатларнинг ташқи савдо-сотиқ сиёсати тажрибаларидан унумли фойдаланиш миллий иқтисодиётимизнинг тараққиётига ижобий самара беради. Шунга қўра, миллий иқтисодиётни шакллантиришда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш орқали мамлакатнинг ташқи савдо-сотиқ жараёнини ва экспорт салоҳиятини юксалтириш масаласи, мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олишни, айниқса, жаҳон иқтисодиёти амалиётида тўпланган тажрибалар ва халқаро қонун-қоидалар асосида мамлакатимизда эркин иқтисодий худудларни ташкил қилиш борасида ва уларни тартибга солиш усулларини янада такомиллаштириш зарурлигини талаб этади. Эркин иқтисодий худудларни ташкил этишда ва ундаги фаолиятларни самарали олиб боришда хориж мамлакатларининг тажриба ва усулларидан унумли фойдаланиш ҳозирги куннинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги фармонининг учинчи йўналишида, яъни “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган йўналишда кўрсатилганидек миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини

таъминлаш, рақобатбардош маҳсулотларни, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий етиш, транспорт-логистика инфратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни оширишнинг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий этиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш ЭИХларнинг фаолиятига ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қиласди

Иқтисодий ўзгаришлар йилларида электроэнергетика, нефть-газ мажмуаси, металлургия, кимё, нефтни қайта ишлаш тармоқлари, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта жихозлаш дастурлари босқичма-босқич амалга оширилди.

Микроиқтисодий даражада ишлаб чиқариш жараёнларининг фаоллашуви, корхоналар молиявий ахволининг барқарорлашуви кузатилди, натижада ушбу корхоналарнинг ўз маблағларини жамғариш имконияти пайдо бўлди. Бу, ўз навбатида, ички инвестиция фаолияти доирасининг кенгайишига, ҳам янги қурилиш обьектларига, ҳам амалдаги ишлаб чиқариш ти-зимини янгилашга, капитал қўйилмалар ҳажмларининг ортишига ёрдам берди.

Ҳозирги пайтда хорижий инвестициялар Ўзбекистон учун, биринчи навбатда, қайта ишловчи тармоқлардаги аксарият саноат корхоналарининг техник ва технологик қолоқлигини енгиш; саноат соҳасида моддий ва энергетик ресурслар сарфини қисқартириш мақсадида моддий-хомашё ресурсларидан комплекс ва тежамкорлик билан фойдаланишни таъминлаш; маҳсулотнинг юқори технологик турлари улушини сезиларли кўпайтириш ва саноат ишлаб чиқаришининг экспорт имкониятларини кенгайтириш учун зарур.

10.2. Иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида рақобат мухитини шаллантиришнинг инновацион омиллари.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш инновациявий жараёнларни фаоллаштириш билан узвий боғлик.

Рақобатбардошиликка эришишнинг замонавий моделлари иқтисодиётни ривожлантиришнинг умумий тусга эга ва рақобат мухитини шакллантириш хусусиятларидан иборат. Бу омиллар қуйидагилар: ишлаб чиқаришнинг сифат нуқтаи назаридан аҳволи ва унинг самарадорлиги; ходимларнинг илмий салоҳияти, малакаси, илмий-техник ютуқлари; асосий рақобатбардош тармоқларда турдош ва хизмат кўрсатувчи кичик тармоқлар аҳволи; талаб шартлари; корхона стратегияси ва таркиби.

Рақобат мухитини шакллантириш учун маҳаллий маҳсулотларнинг ички бозорда ҳам, ташки бозорда ҳам юқори рақобатбардошлигини сақлаш мақсадида қуйидаги вазифаларни ечиш мақсадга мувофиқ: барча товар ишлаб чиқарувчилар учун ички бозорда тенг рақобат имкониятларини яратиш ҳамда миллий ишлаб чиқарувчиларни ташки бозорларда қўллаб-куватлаш. Иқтисодий тараққиётнинг бугунги босқичида давлат миллий манфаатлардан келиб чиқадиган ва жаҳондаги вазиятни ҳисобга оладиган узоқ муддатли рақобат сиёсатини ишлаб чиқиши лозим.

Сўнгти йилларда Ўзбекистонда инновация циклини марказлаштирмасдан ташкил қилишнинг янги шакл ва усуслари пайдо бўймоқда. Янги бўғинлар юзага келишининг жадал жараёни кечмоқда, унинг асосий вазифаси инжинииринг ва жорий ишларини бажаришdir. Янгиликларни киритишга "тадбиркорларча" ёндашув тобора кенг тарқалиб бормоқдаки, бунда кашфиётчи янгиликларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича ишларнинг раҳбарига айланмоқда.

Охирги маҳсулотнинг рақобатбардошлигини янада кенгрок таъминлашнинг зарур шарти инновация фаолиятини бошқаришни, ақлий фаолият натижасини халқаро бозордаги кескин рақобатга дош бера оладиган

товар даражасигача олиб чиқиш механизмини та-комиллаштиришдан иборат.

Илмий-техникавий ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, илмий-саноат уюшмалари ва бошқа йирик марказларнинг Ўзбекистондаги фаолияти самарадорлиги улар қошида кичик илмий-ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш йўли билан оширилиши мумкин, уларнинг асосий вазифаси илмий ишланмалар ва ихтиrolарнинг кенг қўламлилигини таъминлашdir.

Ўзбекистон шароитида инновацион корхоналарнинг муваффакиятли фаолиятини таъминлаш ишида қўйидаги вазифаларни ҳал қилиш катта аҳамият касб этади:

- асосан маҳаллий менежерларнинг малакасига боғлиқ бўлган, янгиликларни излаш ва ўзлаштиришга мойил мухитни яратиш;
- бутун инновация фаолиятининг истеъмолчи эҳтиёжларига бўйсундирилиши;
- "тадқиқот - ишлаб чиқариш - сотиш" жараёнини тезлаштириш мақсадида бошқармада даражалар сонини қисқартириш;
- янгиликларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш муддатларини қисқартириш.

Инновация мухитининг бугунги ахволи қисқа муддатларда маҳаллий бизнеснинг инновацион йўналганлигининг юқори даражасига эришишга имкон бермайди. Шу боис, уни ривожлантириш давлатнинг турли йўналишлардаш саъйҳаракатини тақозо этади. Жамиятнинг инновацион ривожлантиришга ўтишни янги товарларни ўзлаштиришда стандартлаштириш ва сертификатлашнинг буйруқбозлик қонун-қоидалари, янги ишлаб чиқаришларни жорий этиш бўйича техник хизматларга идоравий монополия тўсқинлик қиласи.

Бир вақтнинг ўзида инновация фаолиятини фаоллаштириш илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари ва ушбу масалалар билан шуғулланувчи компаниялар фаолиятига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, инновацион вектор (нарх, солиқ, тузилмавий, минтақавий ва ҳоказо) давлат иқтисодий сиёсатининг ҳар бир йўналишида

хисобга олиниши керак. Иқтисодиётнинг инновацион ривожига тўсқинлик қиласидиган бошқа омил амалдаги стандартлаштириш ва сертификациялаш тизимиdir. Сўнгги йилларда давлат томонидан кўрилган чоралар мазкур жараённинг ошкоралигини таъминлади, норасмий тўловларга "эҳтиёж"ни камайтирди ва хужжатларни ўtkазиш муддатини қисқартирди. Шу билан бирга, мазкур чоралар ҳали кўпгина муаммоларни хал қилишга замин яратгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган №ПФ-5185-сонли «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонига асосан Республикасида интеллектуал ва технологик салоҳиятни оширишнинг узқ муддатли сценарийларида асосий йўналиш – инновацияларни ривожлантириш, корхоналарда инновацион фаолият билан фаол шуғулланишини рағбатлантириш кўрсатиб ўтилган. Бу иқтисодиётнинг устувор соҳа ва тармоқларини инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик миллый инновация тизимини яратиш билан боғлиқ.

Ҳақиқатан, миллый инновация тизими – илм-фан, саноат ва жамият ўртасида шундай узвий муносабатлар тизимини шакллантиради, унда инновациялар иқтисодиётни ривожлантиришнинг асоси бўлиб хизмат киласи, инновацион ривожланиш эҳтиёжлари эса илмий фаолиятнинг ривожланишини белгилаб беради ва рағбатлантиради. Бутун дунёда мамлакатлар миллый инновация тизимига таянган ҳолда миллый рақобатбардошликтининг юкори даражасига эришиш ва уни сақлаб туриш сиёсатини олиб боради.

Миллый инновация тизимининг биринчи концептуал асослари 1980 йилларда шаклланган. Лундвалл (1985), Фримен (1987) ва Нелсон (1987) миллый инновация тизимининг асосий мақсадларини таърифлаб ўтганлар. Уларнинг хуносалари қўйидаги ғоялардан иборат:

- * ҳозирги замон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омили бизнесни ривожлантириш манфаатларидағи инновациялар ва илмий тадқиқотлар эканлиги ҳақидаги ғоя;
- * институционаллик – инновацион фаолият мазмуни ва тузилмасига таъсир қилувчи омил эканлиги ҳақидаги ғоя;
- * илмий билим иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим роль ўйнаши ҳақидаги ғоя.

Бугун ҳар бир мамлакат илғор иқтисодиёт назариясига асосланган ўз миллий инновация тизимини яратишга интилмоқда. Биз бир нечта ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг муваффақиятли ва аксинча, кутилгандек натижа бермаган тажрибасини таҳлил қилдик. Хусусан:

- * инновация соҳасида етакчилар: АҚШ, Буюк Британия, Германия тажрибасини ва уларда нималар иш бергани ва ишлаётганини билиш;
- * иқтисодиёт ривожланганлиги, ҳажми ва тузилмасига кўра бизнинг иқтисодиётга яқин мамлакатлар: Белоруссия ва Қозоғистон тажрибасидаги амалга оширилган ислоҳотлар бўйича хулосаларни ўрганиш;
- * етакчилар рўйхатига нисбатан яқинда кирган мамлакатлар: Финляндия ва Истроил давлатларининг амалга оширган ишлари бугунги кунда ҳам долзарб ҳисобланганлигини англаш биз учун муҳимдир.

Бу давлатлар тажрибасини ўрганиш натижасида ҳар бир алоҳида мамлакатда миллий инновация тизимини ривожлантириш стратегияси амалдаги давлат макроиқтисодий сиёсати, меъёрий-хуқуқий қонунчилик, тўғридан-тўғри ва бевосита давлат бошқаруви шакллари, илмий-технологик ва саноат салоҳияти, ички товар ва меҳнат бозори ҳолати, шунингдек тарихий ва маданий ривожланиш даражаси билан уйғунлашган ҳолда белгиланганлигини аниқладик. Масалан, Истроил ҳақли равища бугунги кунда дунёning технологик энг ривожланган мамлакатларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир ғояни амалий ишлайдиган, доимий ва юқори даромад келтирадиган технологияга айлантириш – бу ердаги бизнес учун одатий циклга айланган. Истроил инновацияларнинг ривожланишига шароит яратиш

даражаси бўйича Global Innovation Index – 2017 рейтингида 17-ўринни эгаллайди. Бу давлат бир пайтлари парчаланаётган собиқ СССРдан малакали мутахассисларни кўплаб ўзига қабул қилиб, илмий-техник жиҳатдан жуда илгарила бетди. 1989-1990 йилларда Истроилга 200 мингдан ортиқ муҳандис ва олимлар кўчи лан боғлиқ;

- * аҳолисининг малакавий маълумоти дунёда АҚШ ва Канададан кейин учинчи ўринни эгаллайди;
- * илмий унвонга эга ходимлар барча ишловчиларнинг 25 фоизини ташкил этади;
- * олимлар сони – ҳар 1000 нафар аҳолига 145 киши тўғри келади, бу Япониядан 70 киши ва ҳатто АҚШдан 85 киши юқори кўрсаткичdir;
- * аҳоли жон бошига илмий ишлар ҳажми энг юқори – ҳар 1000 аҳолига 109 сахифа;
- * аҳоли жон бошига берилган патентлар сони бўйича дунёда биринчи ўринда туради;
- * аҳоли умумий сонига нисбатан дунёдаги энг кўп стартаплар ушбу давлат ҳисобига тўғри келади. Истроил юқори технологик ва инновацион компаниялар сони бўйича дунёда АҚШдан кейин етакчи ўринни эгаллайди – иилига 4000 дан ортиқ ёки ҳар куни 12 таси ташкил топади;
- * АҚШдаги Силикон Водийсини истисно этганда, Истроил дунёдаги юқори технологик компаниялар энг зич жойлашган мамлакатdir;
- * мамлакат АҚШдан кейин NASDAQ биржасида котировкаланадиган компанияларнинг энг кўп сонига эга;
- * бир инновацион корхонага давлат томонидан киритиладиган инвестициялар ҳажми бўйича жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди;
- * аҳоли жон бошига янги очилган биотехнологик компаниялар сони бўйича энг юқори фоизга эга;

- * тадбиркорликнинг ривожланганлик даражаси бўйича жаҳонда учинчи ўринда ва унда аёллар, 55 ёшдан ошганлар сони бўйича биринчи ўринни эгаллайди;
- * Истроил космик кемаларни Шарқдан Фарбга, яъни Ер шарининг айланишига қарама-қарши йўналишда учира оладиган ягона космик давлатдир. Бу ракеталар душман қўшни худудлар устидан учиб ўтишини истисно этиш имконини беради.

Умуман, инновацияларга асосланган иқтисодиёт Истроилга мінтақадаги энг юқори турмуш даражасини таъминлади: ахоли жон бошига ЯИМ 2014 йилда 28,4 минг АҚШ долларини ташкил этди. ти Истроилда турли соҳаларда технологияларни ишлаб чиқиши билан шуғулланадиган саноат компаниялари ва университетлар концорциумларини молиялаштириш учун бир нечта жамғармалар, давлат дастурлари, инфратузилмалар амал қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, Истроилдаги инновация тизими олим ва муҳандисларга ўз кашфиёти асосида янги кичик фирма ташкил қилишга ва кейинчалик ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари, яъни ўз инновацион маҳсулотларини бозорда тўғридан-тўғри сотиш учун енгиллаштирилган имкониятлар яратади.

Бошқа ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида қўйидаги асосий хulosаларга келдик:

1. Инновациялар иқтисодиётни ривожлантиришда жуда муҳим роль ўйнайди.
2. Узоқ муддатли иқтисодий ўсишни асосан меҳнат унумдорлигининг ўсиши таъминлайди. Ўз б келган.

Бугунги кунда Истроилнинг ривожланганлик даражасини қўйидаги фактлар билан тавсифласак бўлади:

- * мамлакатда ҳар йили 15-20 та янги нанотехнологиялар яратилади ва ўзлаштирилади, улар қаторида экологик хавфсизлари ҳам бор. Бу илм-фан ва инновацияларга харажатларнинг юқорилиги (мамлакат ЯИМнинг 4,4 фоизи атрофида)

3. Мамлакатда қулай тадбиркорлик мұхитини яратмасдан самарали инновацион ривожланиш мүмкін эмас.
4. Қулай тадбиркорлик мұхитини шакллантирмасдан инновация лойиҳаларини давлат томонидан молиялаштиришни кучайтириш паст самарадорлик коэффициентига ега бўлади.
5. Миллий инновация тизимининг яратилиши илмий тадқиқотларнинг тижоратлашуви учун қулай шароитлар шаклланишига олиб келади.
6. Инновация тизимларини ташкил қилиш ва амал қилиши принциплари хорижий мамлакатларда ривожланиш моделларига қараб фарқ қиласди. Мавжуд тизимларни ўзимизга кўр-кўrona кўчириш кутилган самарани бермайди. Шунинг учун ушбу давлатларда институтларнинг уйғун ишлашини ва ўзаро алоқалар ўрнатиш механизмини ўрганиш афзалроқ.
7. Муваффакиятли инновацион ривожланишнинг бош омили иқтисодиётга янги технологияларни сингдириш қобилияти (absorbtion ability) бўлиб, бу инновацияни ўзлаштириш ва қўллаш учун қулай мұхитнинг яратилишидан далолат беради.
8. Ўзбекистон миллий инновацион тизими билан жуда ўхшаш тузилмага ега Белоруссия миллий инновация тизими тажрибаси шуни кўrsатмоқдаки, ривожланаётган иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик секторига тадқиқотлар олиб боришлири учун бюджет маблағларини ажратиш инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда тез натижа беради.
9. Қозогистон тажрибаси шуни кўrsатадики, молиялаштиришнинг венчурли механизмини жорий этиш мураккаб вазифа бўлиб, жиддий ҳаракатларни, ўзгаришлар ва вақтни талаб этади.
10. АҚШнинг инновацион ривожланиш бўйича тажрибаси қуйидагича:
 - а) юқори ички рақобат иқтисодиётда ўз-ўзидан инновация корхоналарининг мустақил пайдо бўлишига сабаб бўлишини;
 - б) юқори малакали мутахассислар (яъни, университетлар) қулай маконда (лабораторияларда, илмий-тадқиқот институтларида) ва қулай мұхитда

(инновацион кластерларда) самарали ишлаши ва инновацияларни ривожлантиришини исботлаб берди.

1. Европа Иттифоқида шуни кўриш мумкинки, фаол молиялаштириш (ЯИМнинг камидаги 3 фоизи миқдорида) инновация салоҳиятини, унга аъзо мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишини кучайтириди.

2. Германия тажрибаси шуни кўрсатадики:

а) билвосита қўллаб-кувватлаш тўғридан-тўғри бошқаришдан самаралироқ;
б) илм-фан, ишлаб чиқариш ва бозорнинг интеграциялашуви – мамлакат инновация тизими элементлари ҳамкорлигининг энг самарали шакли.

3. Буюк Британия тажрибаси қўрсатишича, ҳозирги замон иқтисодиётида фанлараро тадқиқотлар ва ишланмаларнинг натижадорлиги тор йўналишли лойиҳаларга қараганда юқорироқ.

4. Финляндия тажрибасига асосланиб хуроса қилиш мумкинки, сиёсатни тубдан ўзгартириб, мамлакатни ривожлантиришнинг инновация йўлига бурилиши қисқа фурсатда мамлакатни дунёдаги етакчи иқтисодиётлардан бирига айлантириши мумкин.

5. Истроил инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш ва бозорга чиқариш учун энг қулай шароитлар яратган мамлакатdir.

Олинган хуросалар ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида иқтисодиётни инновацион йўл билан узоқ муддатли ривожлантириш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3-йўналиши «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари»да белгиланган чоратадбирларни самарали амалга ошириш, Маъмурий ислоҳотлар концепциясида тасдиқланган «Давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш»га қаратилган давлат сиёсатини қадамма-қадам изоҳлаб берадиган концепция ишлаб чиқилди.

2-жадвал. Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш концепцияси³⁸

Босқичлар	Йўналишлар	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар
1-поғона	Институтларнинг амал қилиши	<p>Республика иқтисодиётида базавий шарт-шароитларни яратиш мақсадида ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий институтларнинг самарали ишлаши. Уларга, масалан, куйидагиларни киритиш мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> ● ўзгармас солик ставкалари ва соддалаштирилган солиққа тортиш тартиби; ● корхоналар инновация фаолиятини имтиёзли солиққа тортиш; ● мулк хукуқини химоя қилиш; ● инвесторлар хукуқини химоя қилиш; ● интеллектуал мулкни химоя қилиш; ● экспортни қўллаб-кувватлаш; ● сифатли банк хизмати; ● ҳукуматнинг барқарор сиёсати ва ҳ.к.
2-поғона	Сифатли таълим	<p>Аҳоли интеллектуал даражасини ошириш учун сифатли таълим тизимини таъминлаш мухим бўлиб, бу куйидагилар орқали тадқиқотлар учун шароитлар яратади:</p> <ul style="list-style-type: none"> ● таълимга юқори ҳаражатлар; ● замонавий таълим стандартлари; ● ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш; ● малака ошириш ва хусусий таълим марказларини рағбатлантириш; ● техник мутахассислар ва муҳандисларни кўпроқ тайёрлаш.
3-поғона	Тадбиркорлик маданияти	<p>Аҳоли, олимлар ва тадқиқотчилар орасида куйидагилар орқали тадбиркорлик маданиятини ошириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> ● инноваторларнинг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишни қўллаб-кувватлаш; ● олимлар ва тадқиқотчиларнинг тадбиркорлик билан бандлигини таъминлаш; ● бизнесни юритишида ҳукуқбузарликлар учун қонунчилик жавобгарлигининг енгиллигини таъминлаш; ● аҳоли ўртасида тадбиркорлик ва инновация жараёнларини фаол тарғиб қилиш.
4-поғона	Ривожланган инфратузилма	<p>Тадбиркорлик фаолиятини юритиши енгиллаштириш учун ривожланган инфратузилмани яратиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> ● юқори тезликдаги Интернет ва алоқадан фойдаланиш; ● муҳандислик-коммуникация тармоқларини: электр, газ, техник ва ичимлик суви таъминотини узлуксиз таъминлаш; ● авто ва темир йўллардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш; ● сифатли логистика хизматлари.
5-поғона	Ривожланган бозорлар	<p>Куйидагилар ички рақобат ривожланган бозорнинг имкониятлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> ● кредитлар ва венчур молиясидан фойдаланиш; ● бозорда инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш; ● иқтисодиётда кластерларнинг ривожланганилиги; ● яхши ривожланган меҳнат бозори; ● кўчмас мулк ва тижорат биноларнинг ижараси ривожланганилиги; ● валюта ва фонд бозорининг ишлаши.
6-поғона	Илм-фаннинг давлат томонидан молиялаштирилиши	<p>Илмий-техник ютуқларимизни эришилган даражада сақлаб туриш ва янада ошириш мақсадида илм-фан ва фундаментал тадқиқотларни молиялаштириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> ● тадқиқотлар учун грантлар ажратиш; ● илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари илмий-техник базасини ривожлантириш мақсадида субсидиялар ажратиш; ● фанлардо тадқиқотларни фаол олиб бориш; ● олимлар ва тадқиқотчилар ўртасида ҳалқаро тажриба алмашинувини рағбатлантириш.
7-поғона	Инновация ишланмаларининг давлат томонидан молиялаштирилиши	<p>Умумий товарлар, ишлар в хизматлар ҳажмида инновацион маҳсулотлар улушини ошириш учун тажриба-конструкторлик фаолиятини ва инновацион корхоналар ишланмалари тижоратлашувини молиялаштириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> ● инновацион ишланмалар ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишининг давлат томонидан молиялаштирилиши; ● кредитларга гаров сифатида кафолатлар бериш; ● стратегик мухим лойиҳаларни амалга ошириш учун солик имтиёзларини бериш; ● инновацион янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичларида талабни сақлаб туриш учун уларнинг давлат харидини таъминлаш; ● давлат венчур фондларини ташкил қилиш ҳамда хусусий фондлар инвестицияларини рисқдан кафолатлаш фондини ташкил қилиш.
8-поғона	Инновацион фаоллик (эффект)	<p>Кудай мухитнинг шакллантирилиши ва инновацияларни фаол молиялаштириш натижасида:</p> <ul style="list-style-type: none"> ● Ўзбекистон иқтисодиётинин инновацион фаоллиги ошади; ● меҳнат унумдорлиги ошади; ● миллий ва ҳалқаро патентлар бериш кўпаяди; ● инновацион фаолият билан шуғулланадиган корхоналар сони ортади; ● тадқиқотлар ва ишланмалар билан бандлар сони ошади.
9-поғона	Сиёsat натижаси	<p>Ўзбекистонда олиб борилган инновация сиёсатининг натижасини куйидаги кўrsatkiчлар орқали ҳис этиш мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> ● берилган патентлар сони; ● венчурли инвестициялар ҳажми; ● юқори технологик экспортнинг умумий экспорт ҳажмидаги улуши; ● хорижий технологияларга боғлиқликнинг пастлиги; ● экология, соғлиқни сақлаш ва аҳоли турмуш даражасининг юқорилиги.
10-поғона	Иқтисодий оқибатлар	<p>Шу тариқа Ўзбекистон ҳалқаро юқори технологиялар бозоридаги етакчи давлатлардан бирига айланади ҳамда турли ҳалқаро рейтингларда мамлакат иқтисодиёти бўйича юқори кўrsatkiчларга эришамиз.</p>

³⁸ Finance.uz

Дастлабки бешта поғона иқтисодиётда инновациялар учун қулай мұхитни ривожлантириш зарурлигини изохлаб беради. Ушбу вазифалар таъминланганда инновацион ривожланиш учун қулай мұхит яратилиши мүмкін, шундагина Ўзбекистонда инновацияларни молиявий қўллаб-куватлаш самара бериши мүмкін.

Хорижий мамлакатлар ривожланиш тажрибасини ўрганиш асосида инновацияни – бугунги кунда фаровонлик ва рақобатбардошликтни таъминловчи асосий омил деб, инновацияларни ривожлантиришни – рақобат курашидаги афзаликларни қўшимча тарзда кучайтирувчи омил сифатида тавсифласак бўлади. Барча ривожланган мамлакатлар бу омилларни олдиндан ҳисобга олиб, ўз позицияларини халқаро майдонда кучайтириш учун фойдаланмоқда. Инновацион фаолликни бошқаларга қараганда олдинроқ ишга туширган давлат доим ютиб чиқишини билишимиз керак.

10.3. Рақобатнинг кучайиши шароитида минтақаларни ривожлантиришнинг инвестициявий-инновацион стратегияси.

Бугунги кун шароитларида технологиялар қанчалик минтақавий ривожланиш сиёсатини намоён этиши ва рақобатбардошликтни ошириш воситаси сифатида технологияларни рағбатлантиришнинг минтақавий инвестиция-инновация стратегиясини қандай қилиб шакллантириш кераклиги муаммоси долзарб илмий-амалий муаммо бўлиб қолмоқда. Халқаро ва маҳаллий тажриба шуни кўрсатадики, иқтисодий ўсиш суръатлари секинлашаётган минтақаларда моддий ишлаб чиқаришда жуда кўп иш ўринлари йўқолиб боради, шунингдек, хизматлар соҳаси ҳам нисбатан суст ривожланади. Демак, бундан мухим хulosага келиш мүмкін: моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши хизматлар соҳасининг ўсишига олиб келади, аммо бунинг тескариси эмас. Мазкур соҳалар ўртасидаги алоқалар уйғун эмас, яъни хизматлар соҳасини ривожлантириш моддий ишлаб чиқаришнинг пасайишини қоплай олмайди. Ўзбекистон учун бунинг маъноси - қишлоқ

хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ишчи кучининг бўшаши хизматлар соҳасидаги бандликнинг тегишича ортишига олиб келмайди.

Моддий-технологик инновациялар инвестициявий жараён воситасида жорий этилиши боис, минтақани ривожлантириш инвестициявий стратегиясининг қўйидаги турларини ажратиб қўрсатиш мумкин:

- тақлидий, технологик етакчилар ютуқларини уйғун такрор ишлаб чиқариш ва бозорнинг бўш бўғинларини самарали ўзлаштиришга йўналтирилган;
- инновацион, юқори кескинлик даражасига эга янгиликларни мустақил ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали технологик етакчиликни таъминлайди;
- асосий маҳсулоти инновация бўлган компаниялар, фирмалар ва бўлинмалар хизматларидан фойдаланишнинг венчур стратегияси.

Минтақанинг инвестиция-инновация стратегиясини амалга оширишда илмий тадқиқот фирмалари ва бўлинмаларининг хизматларидан фойдаланишнинг турли вариантлари, шунингдек, ташкилий алоқалар ва уларни молиялаш усуллари венчур стратегия деб аталади. Ушбу усулнинг ўзига хослиги шундан иборатки, у капиталнинг турли шакллари: акционерлик, ссуда, тадбиркорликнинг уйғунлигидан иборат.

Бундай таҳлил шуни кўрсатадики, алоҳида минтақалар ўртасида инновацион салоҳиятдан фойдаланиш жадаллигидаги фарқлар кўпинча муайян корхоналарнинг техникадан самарали фойдаланиш имкониятлари ўртасидаги тегишли фарқларга бориб тақалади. Шунинг учун марказда четга нисбатан жорий этиш суръатларининг юқорилигини қишлоқ жойларини кам-ситиш сифатида қараш нотўғри.

Узоқ муддатли истиқболда, мамлакат иқтисодиётидаги таркибий силжишларга, фойдадан ташқари, глобаллаштириш билан боғлиқ таваккалчиликлари ҳам таъсир кўрсатиши мумкин, улар қаторига қўйидагилар киради:

- Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ) қоидалари ва талабларида экспорт субсидияларини чеклаш, хорижий шахсларни инвестиция фаолиятида

камситишни таъкиқлаш, экспорт ва импортни мажбурий лицензияланишига, саноат моллари учун юқори импорт тарифларига йўл қўймаслиқ;

- халқаро ташкилотларнинг молиявий очиқликни талаб қилиши, шунингдек, хорижий капитал оқимининг салмогуш силжиши туфайли бекарорлик юзага келиши хавфининг ортиши, бу эса макроиқтисодий бошқарув сифатига ва мамлакатда барқарор ижтимоий-иқтисодий вазиятни таъминлашни талаб этади;

- тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун рақобатнинг кучайиши. Илғор хорижий технологиялардан нусха олиш имкониятининг пасайиши, ақлий мулкка оид халқаро ҳукулар ҳимоясининг кескинлашиши, мамлакатнинг ташқи қарзлари ошиши хавфи мавжудлиги туфайли жаҳон тараққиётидан четда қолиш хавфи.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, ҳукумат барча корхоналарда, жумладан йирик корхоналарда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаши



лозим. Инновацион гигантлар жаҳон бозорига чиқишида қўпроқ имкониятларга эга, бу эса, ўз навбатида, мамлакатга қўшимча валюта оқимини таъминлайди.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, рақобат ўз ҳолича глобал мақсад сифатида эмас, балки Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий вазифасини -мамлакатнинг барча фуқаролари фаровонлигини оши-риш вазифасини ҳал қилиш воситаси сифатида зарурдир. Бундан ташқари, рақобат мухитида ишлаб чиқарилган маҳсулот учун талаб бўлмаганлиги, яъни чекланган табиий ресурслардан оқилона фойдаланилма-ганлиги ҳолатлари ҳам учраб туради.

У ёки бу инвестиция-инновация стратегиясини ташлашдан олдин минтақавий ривожланиш даражаси-ни ва минтақа рақобатбардошлигини баҳолаш талаб этилади.

Минтақаларнинг иқтисодий ривожланиши йўналишларини энг юқори даражада асослаш ва унинг ўзига хос хусусиятларини тўлиқроқ ҳисобга олиш

учун, фикримизча, муайян вазифа ёки муаммолар йиғиндиси нұқтаи назаридан мінтақага ҳар томонлама чуқур таъриф берадиган ўзаро боғлиқ күрсаткічларнинг бутун тизимини эътиборга олиш лозим.

Мінтақавий салохият, жумладан, илмий салохияттың ҳозирги ахволига фақат талай омилларни тадқиқ қилиш йўли билан тўлиқ таъриф бериш мумкин. Аммо, омилларнинг сони кўпайганда аниқланган алоқаларнинг таърифи мураккаб вазифага айланиб қолади. Мінтақавий салохияттың ҳозирги ахволини умумлаштирилган омиллар ёки уларнинг ички, объектив мавжуд қонуниятларини акс эттирувчи асосий қисмлари ёрдамида таърифлаш зарурати туғилади.

11 - МАВЗУ. РАҶОБАТНИНГ ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАШ СТРАТЕГИЯСИ

11.1. Дифференциаллашнинг иқтисодий мазмуни ва хусусиятлари

Товар-мураккаб куп киррали тушунча, бирок бунда энг асосий нарса истеъмол хусусиятлари, яъни товарнинг уз вазифасини бажариш-унга эга булган истеъмолчининг эҳтиежларини кондириш хусусиятидир. Товарнинг истеъмол киймати унинг истеъмол хусусияти мажмуасидир. Товарнинг куйидаги хусусиятларига караб алоҳида эътибор берилади: -ранги, упаковкаси (ураш, бoggлаш), ташки куринишининг фасохати (дизайни), эргономик хусусиятлари (фойдаланиш, таъмирлаш ва бошқаларнинг кулайлиги ва бошқалар).

Раҷобат стратегияси асосий варианларнинг 3 ҳил тури (варианти) мавжуд: Раҷобатнинг асосий беш тамойилига қарши туриш ҳамда соҳанинг бошқа фирмаларига қараганда ижобий күрсаткічларга эришиш учун муваффақият келтириши муқаррар бўлган учта асосий стратегик ёндашувни ажратиб кўрсатмоқ зарур. Булар:

- Сарф-харажатлар борасида мутлақ етакчилик
- Дифференциация
- Диққатни жамлаш (Фокусирование)

Камдан кам юз берсада, аммо баъзи ҳолларда фирма биттадан кўп ёндашувни муваффақият билан амалга ошириши мумкин. Юқорида кўрсатилган стратегининг асосий варианtlардан ҳар қайсисини амалга ошириш учун, одатда кўпчиликнинг биргалиқдаги саъй-харажатлари ва аниқ мақсадга йўналтирилган ташкилий чоралар талаб этилади.

Стратегиянинг асосий варианtlари соҳанинг бошқа вакилларига нисбатан бирмунча юқори натижаларга эришишнинг асосий воситаси ҳисобланиб, бир соҳа доирасидаги барча фирмалар учун юқори даражадаги умумий даромадни англатиши мумкин. Бундай ҳолларда, бошқа соҳалардаги каби стратегияни амалга жорий этиш фақатгина мақбул даромадни қўлга киритишдагина зарур бўлади.

Сарф-харажатлар борасида мутлақ етакчилик

Тажриба эгри чизиги шарофати билан 1970 йилларда кенг тарқалган стратегиянинг биринчи варианти айнан сарф-харажатлар борасида соҳада етакчиликка эришишга қаратилган қатор иқтисодий чоралар асосида шу борада мутлақ етакчиликка эришишдан иборат. Сарф-харажатлар борасида етакчиликка эришиш учун иқтисодий эфектив қўламда ишлаб чиқариш кувватларини яратиш; тажриба тўплаш асосида сарф-харажатларни камайтиришга интилиш, ишлаб-чиқариш ва қўшимча харажатларни қатъий назорат қилиш, мижозлар билан майда операциялар ўтказишдан тийилиш, тадқиқот, илмий ишланмалар, хизмат кўрсатиш, маҳсулотни сотиш тизими реклама ва шунга ўхшаш бошқа соҳаларда чиқимларни камайтириш талаб этилади.

Бунинг ҳаммаси менежмент томонидан сарф-харажатлар устидан назорат кучайтирилишига алоҳида аҳамият қаратиш кераклигини кўрсатади. Рақибларга нисбатан камроқ харажат қилиш бутун стратегиянинг асосий гояси бўлиши мумкин, аммо маҳсулот сифати ва хизмат кўрсатиш савиясини ва бошқа соҳаларни ҳам кўздан қочирмаслик даркор.

Чиқим харажатларини камайтиришга эришиш кучли рақобат муҳитида ҳам фирмага шубҳасиз фойда олиб келади. Фирманинг ана шундай даражага

эришиши уни рақиб фирмалардан ҳимоя қилади, чунки рақиб компанияларга бундай даражага етишиш имкониятидан маҳрум бўлган шароитда ҳам унга даромад олиш учун қулай имконият яратилади.

Сарф-харажатларни камайтиришга эришган фирмалар йирик харидорлардан ҳам ҳимоялана олади, чунки бундай харидорлар нархларни фаолияти сустлашган рақиб фирмалар нархларига тенглаштиришга уринадилар. Шунингдек, камчиқимлилик киритилаётган ресурсларнинг нархини оширишда фирмага қўл келади ҳамда йирик етказиб берувчи ташкилотлардан ҳам ҳимоя қилади. Паст даражадаги сарф-харажатлар позициясини таъминловчи факторлар, шунингдек, масштабга оид иқтисодиёт ёки сарф-харажатларга оид устунликка билан боғлиқ юқори монеликни юзага келтириши мумкин. Натижада, паст даражадаги сарф-харажатлар позицияси фирма учун рақибларга қараганда субститутларга нисбатан қулай шартшароитни яратади.

Шундай аснода, сарф-харажатларнинг паст кўрсаткичи компанияни барча беш рақобат кучларидан сақлаб қолади, чунки бозорга оид факторлар даромадни пасайтиришда то рақибнинг даромади нолга teng бўлиб қолмагунга қадар харакат қилишда давом этадилар.

Паст сарф-харажатларга эришиш учун бозорда юқори улушга эга бўлиш ёки бошқа устунликка, масалан, хом-ашё материалларини тўғридан-тўғри олиш имкониятига эга бўлишни талаб этади.

Шунингдек, бундай вазият ишлаб чиқариш жараёнини енгиллаштириш учун маҳсулотни айнан ўзини ўзгартириш, чиқим харажатларини ёйиб ташлаш мақсадида ўхшаш турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, савдо-сотикни кенгайтиришда кенг исътемолчилар гуруҳига хизмат кўрсатишни тақазо қилиши мумкин. Паст сарф-харажатларга эришиш, ўз навбатида янги ускуналар учун олдиндан йирик хажмда маблағлар киритилишини, агрессив тарзда маҳсулотлар баҳосини белгилашни, бозорда ўз улушкига эга бўлиш учун бошланғич зиён ёки зарар кўришни ҳам талаб этиши мумкин.

Бозор улушининг юқорилиги таъминот соҳасида иқтисод қилиш ва шу билан бир қаторда сарф-харажатларнинг секин-аста пасайишига имкон туғдириши мумкин. Агар паст даражадаги сарф-харажатларга эришилган бўлса, у ҳолда у юқори соф даромад кўрсаткичини таъминлайди ва сарф-харажатларга оид устунликни ушлаб туриш учун янги замонавий ускуналарга нисбатан қайта инвестициялаш мумкинлигини кўрсатади. Қайта инвестициялаш паст даражадаги сарф-харажатлар позициясини сақлаб туришда қўл келиши мумкин.

Сарф-харажатларга оид устунликка эришиш стратегияси кам қувватли бензин двигателлари ишлаб чиқарувчи ва дунё бўйича ушбу соҳада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг 50 фоизини ташкил этувчи «Briggs and Stratton» ва электр пайванди учун ускуналар ишлаб чиқарувчи «Lincoln Electric» компаниялари учун ҳал қилувчи омил эканлиги аниқланди. Ушбу стратегияни муваффақиятли жорий этган компаниялар қаторига Emerson Electric, Texas Instruments, Black and Decker ва Du Pont компанияларини киритиш мумкин.

Баъзи ҳолларда сарф-харажатлар соҳада ҳақиқий туб ўзгаришларни содир этишга қодир бўлади. Бундай ҳолларда анъанавий рақиблик принципларига таянган рақиблар ҳам иқтисодий ҳам руҳий жиҳатдан ўз сарф-харажатларини камайтиришга оид керакли тадбирларни амалга ошишга тайёр бўлмайдилар.

1979 йилда Harnischfeger фирмаси томонидан кўтарма кранлар ишлаб чиқаришнинг бошлиши ана шундай дадил қўйилган қадамлардан бўлди. Фирма мавжуд кранларни қайта ишлаш, алоҳида моделларни қўллаган ҳолда материаллар чиқимини камайтириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини енгиллаштиришга эришди. Шунингдек, соҳа учун ноодатий технологияларни жорий этган ҳолда фирма фаолиятга йиғиш конвейерлари ва йиғишнинг оралиқ босқичларини татбиқ қилди. Компания иқтисод қилиш мақсадида керакли эҳтиёт қисмларини катта партияларда сотиб олади.

Буларнинг ҳаммаси компания учун сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг нархларини 15%га пасайтириш имконини яратди.

Натижада компаниянинг бозордаги улуши 25%гача ошди ва ушбу кўрасаткич ўсиши давом этмоқда. Компаниянинг гидравлик ускуналар бошқармаси бошлиғи Уиллис Фишер шундай дейди: «Биз сифатли маҳсулот яратиши эмас, ишлаб чиқаришда янада оддийроқ ва янада арzonроқ техникани ишлаб чиқиши мақсад қилган эдик». Рақиблар эса паст даромад ҳисобига Harnischfeger фирмаси бозордаги улушни қўлга киритган деган тўхтамга келишган, бироқ у буни рад этмоқда.

Дифференциация

Иккинчи асосий стратегия – бу фирма томонидан тақдим этилаётган маҳсулот ёки хизматлар дифференциацияси стратегиясидир, яъни соҳа доирасида ушбу маҳсулот ёки хизмат ноёб деб қабул қилиниши мумкин бўлган ҳолат. Дифференциация турли ҳил шаклларда амалга оширилиши мумкин: дизайн ёки бренднинг мавқеига мувофиқ (Fieldcrest – сочиқ ва чойшаблар ишлаб чиқариш соҳаси, Mercedes - машинасозлик), технологияга мувофиқ (Hyster - авто юк ташиш мосламалари ишлаб чиқариш, Macintosh – стерео компонентлар соҳаси), функционал имкониятларига мувофиқ (Jenn-Air – электр плиталар ишлаб чиқариш), истеъмолчиларга хизмат кўрсатишга мувофиқ (Crown Cork and Seal – метал идишлар ишлаб чиқариш), дилерлик тармоғига мувофиқ (Caterpillar Tractor – қурилиш техникаси) ва бошқа параметрлар.

Идеал равишда фирма ўз фаолиятини бир нечта йўналишлар бўйича дифференциациялаши (ажратиши) мумкин. Масалан, Caterpillar Tractor компанияси нафақат ўзининг дилерлик тармоқлари ва эҳтиёт қисмлар таъминоти билан, балки маҳсулотининг сифати ва ишончлилиги билан ҳам ном қозонган. Бу жиҳат оғир қурилиш ускуналари ишлаб чиқарилиши жуда қимматга тушадиган соҳа учун жуда муҳим саналади. Таъкидлаш керакки, дифференциация стратегияси сарф-харажатларни эътибордан қочириш

дегани эмас, бироқ ушбу ҳолатда сарф-харажатларга асосий стратегик мақсад сифатида қаралмайди.

Дифференциация рақобат ўйинларидан ҳимоя қиласи, чунки у брендга нисбатан истеъмолчиларда содиқлик туйғусини уйғотади ва унинг маҳсулот нархига нисбатан таъсирини пасайтиради. У ўз навбатида соф даромаднинг ўсишига олиб келади, шу билан бирга сарф-харажатларга оид муаммолар кескинлашувини пасайтиради.

Натижада дифференциацияни амалга ошириб, истеъмолчилар ишончини қозонган корхона, рақибларига қараганда субститутларга нисбатан мустахкам ўринга эга бўлади.

Дифференциацияни амалга ошириш баъзи бир ҳолларда бозорда юқори ўринни эгаллашда тўсқинликларга учраши мумкин, чунки дифференциация тушунчаси қўпинча маҳсулотнинг экслюзивлигини тақозо этади, бу ҳолат бозорда юқори улушга эга бўлиш имконини сусайтиради. Бироқ, дифференциация кам сарф-харажатлиликнинг муқобил позициясини тақдим этади, зеро бундай вазиятга эришиш ўз навбатида зарурый харажатларни талаб этади. Бундай чора-тадбирларга мисол тариқасида катта ҳажмдаги тадқиқот ёки конструкторлик ишларни, юқори сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки мижозлар билан интенсив равишда ишлаш жараёнларини кўрсатишимиз мумкин.

Ҳатто соҳа маҳсулотлари истеъмолчилари бирон бир фирманинг афзалликларини тан олсаларда, уларнинг ҳаммаси ҳам ушбу маҳсулотларни сотиб олишга қодир бўлмайдилар (баланд нарх-наво бўлиши бозор талаби бўлган тақдирда ҳам, мисол учун Caterpillar фирмаси маҳсулотлари). Бошқа жавҳаларда эса, дифференциация сарф-харажатларнинг паст даражаси билан бирмунча мос келиши мумкин ва маҳсулот нархларини белгилашга тўсқинлик қилмайди.

Дикқатни жамлаш (Фокусирование)

Учинчи стратегия – бу алоҳида харидорлар гуруҳига, маҳсулот турига ёки бозорнинг географик сегменти сифатига дикқатни жамлашдир.

Дифференциация каби дикқатни жамлаш ҳам турли ҳил күринишларга эга. Бирок, кам сарф-харажатлилик стратегияси ёки дифференциация бутун бир соҳага тегишли бўлса, дикқатни жамлаш стратегияси бирор бир тор соҳага қаратилади.

Ушбу стратегиянинг негизида шундай тахмин ётади, яъни кенг миқёсда фаолият олиб бораётган рақибларга қараганда ушбу стратегия ёрдамида фирма катта эффективлик ва маҳсулдорлик билан тор стратегик мақсадга интила олади. Натижада фирма аниқ бир талабни қондириш ҳисобига дифференциацияга ёки ушбу талабларни қондиришда кам харажатлиликка эришади.

Агарда дикқатни жамлаш стратегияси умумий бозорда кам харажатлиликка ёки дифференциацияга эриша олмаса, тор маънодаги бозорда улардан бирига ёки икковига ҳам эришиши мумкин. 2.1. суратда ушбу уч стратегиянинг ўртасидаги тафовут кўрсатилган:

2.1-расм



Дикқатни жамлаш стратегиясини амалга ошираётган фирма шунингдек юқори даромад олиш имкониятига эга бўлиши ҳам мумкин. Корхонанинг ушбу стратегияси стратегик мақсад доирасида ёки кам сарф-харажатлилик

позициясими, ёки юқори даражадаги дифференциациясими, ёки уларнинг барини кўзда тутади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, сарф-харажатларнинг пастлиги ва дифференциацияси соҳасида етакчиликка эга бўлиш, барча рақиб кучлардан ҳимояда бўлиш имконини беради. Бундан ташқари, дикқатни жамлаш мақсадни танлашда, яъни субститутлар томонидан хавф туғдирилган ёки рақобачиларнинг заиф томони йўналишларида муҳим ўрин тутиши мумкин. Масалан, Illinois Tool Works компанияси фаолияти маҳсус маҳкамлаш воситалари ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, конкрет харидорлар талабига биноан маҳсулотларни тадқиқ қилиш имконини беради ва сарф-харажатлар ўзгаришини таъминлайди. Баъзи бир харидорлар ана шундай маҳсулотга ўз қизиқишларини билдирадилар.

Fort Howard Paper корхонаси фаолияти ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган қоғоз маҳсулотларини тайёрлашга қаратилган. Бу орқали корхона тез суръатларда янгиланиши талаб этиладиган истеъмол молларини ишлаб чиқаришдан ҳамда унга боғлиқ рекламага оид жараёнлардан ўзини фориғ этади. Асосан бўёқлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган Porter Paint корхонаси эса, юқори сифатли бўёқ маҳсулотларини тайёрлаш, ҳажмидан қатъий назар иш жойларига етказиб бериш, ҳамда ўзининг маҳсус шохобчаларида мижозлар учун бепул тамаддихоналар очишга эришди. Кам сарф-харажатлар кўрсаткичига эришишнинг дикқатни жамлаш стратегиясига мисол тариқасида АҚШда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда учинчи ўринда турувчи Martin-Brower корхонаси фаолиятини кўрсатишимиз мумкин.

Фирма ўз мижозларига тез овқатланиш тармоғининг фақатгина 8 шохобчасини орқалигина эришди. Мижозларнинг маҳсус талабларини қондириш, фақат уларгагина мўлжалланган маҳсулотлар билан ишлаш, мижозларнинг харид қилишларига доир маҳсулотларга буюртмалар қабул қилиш, фирма яқинида жойлашган омборга эга бўлиш, шунингдек, ҳисоб-китобни олиб боришда қатъий назорат ва компьютерлаштирилган

дастурларга эга бўлиш фирма стратегиясининг асосий вазифаларидан хисобланади.

Товарни ишлаб чикиришдан олдин унинг истеъмол хусусияти тахлил килинади. Товар-мураккаб куп киррали тушунча, бирок бунда энг асосий нарса истеъмол хусусиятлари, яъни товарнинг уз вазифасини бажариш-унга эга булган истеъмолчининг эхтиежларини кондириш хусусиятидир. Товарлар куйидаги мезонлари буйича алоҳида гурухларга булинади:

- максадли курсаткич буйича
- бозор турига кура
- фойдаланишга тайёрлигига кура
- истеъмолчилар сонига караб булинади.

Максадли характеристига кура эса товарлар истеъмол товарлари ва ишлаб чикиришга оид товарларга булинади. Истеъмол товарлари – бу шахсий истеъмол учун мулжалланган товарлардир. Улар кундалик талаб товарлари, дастлабки танлов асосида олинадиган товарлар, алоҳида талабдаги товарлар, пассив талабдаги товарларга булинади. Кундалик талаб товарларига кундалик турмуш учун зарурий озик-овкатлар, кир ювиш, тозалаш воситалари, уй хужалиги учун зарурий майда товарларни киритиш мумкин. Кундалик истеъмол товарларини истеъмол килиш интенсивлигига кура уларни уз навбатида 3 та куйи гурухга ажратиш мумкин:

1. Доимий эхтиёждаги асосий товарлар (нон, хужалик совуни)
2. Импульсив тарзда сотиб олинадиган товарлар (сакич, газета)
3. Фавкулодда холатлар учун харид килинадиган товарлар (зонт).

Дастлабки танлов асосидаги товарлар сафига: мебель, кийим-кечак, уй-рузгор учун электр жихозлари киради ва у харидорларни киёслашни, нарх, мода, дизайн жихатидан танловда бир мунча мулохаза юритишни талаб киласди. Ушбу товарлар:

- ўхшаш товарлар (сифат жихатдан бир-бирига якин, лекин дизайн, нархи буйича фаркланади,)

- алохиди куринишдаги товарлар (ранги, фасони, нави жихатидан)

Пассив талабдаги товарлар – харидорларга нотаниш ёки улар хусусида жуда кам уйлайдиган товарлардан таркиб топади. Ишлатиш вактига кура

- киска муддатли фойдаланишга оид товарлар
- узок муддатли фойдаланишга оид товарлар

Товар сиёсатида асосий максадга эришиш куйидаги соҳалардаги вазифаларни хал этиш оркали амалга оширилади:

- унинг инновацияси
- вариация
- дифференция
- элиминация
- маркани урнатиш ва танлаш
- кадоклаш
- товарни шакли , тури ва бошкалар

Шунга мос холда товар сиёсатининг масалаларига куйидагилар киради:

- янги товарларни кидириш
- янги товарларни ривожлантириш
- бозорга янги товарларни киритиш
- товар шаклларини асослаш
- товар сифатини тартибга солиш
- бозордаги янги товарлар хулк-атворини назорат килиш ва бошкалар.

Биринчи З таси бозорга янги товарларни киритаётганда хал этилади, колган вазифаларни хал этиш товарни бутун хаёти давомида амалга ошади. Бунинг учун, яъни карорни асослаш учун товарни хаётийлик цикли модели ишлатилади.

Товарлар ва хизматлар ассортименти – бу фойдаланиш буйича бир-бирига жуда ухшаш товарлар (хизматлар) гурӯҳидир. Товар сифати – бу товарнинг уз функцияларини бажаришда куринади ва у куйидаги параметр

билин характерланади, яъни узок муддат хизмат курсатиши, пишиклиги, фойдаланишда соддалиги ва бошканлар.

11.2. Фирманинг бозордаги ҳукмронлигини ошиши

Ракобатнинг асосий куроли булиб, талабни шакллантириш ва сотишни рагбатлантириш воситалари хизмат килади. Асосий ахборотни харидорлар товар ишлаб чикарувчилардан олишади. Харидорларни асосан товарнинг истеъмол киймати кизиктиради. Ракобат асосан куйидаги куринишларда булиши мумкин: товарларнинг хизматлари буйича, бир хил эҳтиежни кондиришга каратилган ракобат, бир хил товарни хар хил фирмалар ишлаб чикириш оркали буладиган ракобат; еки бир хил фирма томонидан хар хил модификацияда товар ишлаб чикириш. Нархлар оркали ракобатлашиш энг кенг таркалган. Хозирги даврда ракобат узига хос киёфа касб этмоқда. Нархлар соҳасида ракобат ишлаб чикиришни харажатлар энг кам буладиган мамлакатларда йулга куйишни талаб килади. Нарх билан ракобат утмишда эркин бозор ракобати булган, бозорда бир хил товарлар хар хил нархлар билан сотилган даврларда пайдо булганди.

Ишлаб чикарувчи нархни пасайтириш билан уз товарини ажратиб курсатишга, унга эътиборни каратишга ва пировард натижада узи истаган бозор хиссасини эгаллашга эришган. Хозирги замон бозор шароитларида нарх билан очик ракобат амал килмайди, чунки ишлаб чикарувчилардан бири нархни пасайтириши билан унинг ракиби хам шу ишни килади, бу эса фирманинг бозордаги мавкеини узгартирмайди, балки, умуман тармокдаги фойданинг пасайишига, асосий фондларни янгилаш ва кенгайтириш учун инвестицияларнинг камайишига олиб келади. Натижада кутилган зафар ва ракибларни суриб чикириш урнига кутилмаган хонавайронлик ва синиш юз беради. Шу сабабли саноат монополиялари нархларни иложи борича узокрок ушлаб туришга, таннархни хамда маркетинг харажатларини тобора пасайтириб, фойдани купайтиришга интилади. Фан-техника тараккиёти

ютуклари туфайли ракобатнинг нарх билан бодлик булмаган усулларидан фойдаланишнинг кулай шароитлари юзага келди.

Нархсиз ракобатда товарнинг нархи эмас, балки унинг юкори сифат, паст истеъмол нархи, замонавий дизайн, сервис хизмати, ишлаб чикарган фирма шухрати ракобат курашининг асосий омилига айланади. Нархни пасайтириб бозорни эгаллаш стратегиясини урганишда куйидаги саволларга жавоб топилади:

- бошка товарларни ракобатбардошлигини белгиловчи омиллар кайсилар?
- ракобатчи фирмаларнинг реклама воситалари ва сотишни рагбатлантириш усулларикандай?
- кайси савдо белгилари ишлатилмоқда?
- ракобатчилар товарларининг урамаси-безаклари, дизайнида нималар кузга ташланмоқда?
- товарни кафолатли ва ундан кейинги ишлатиш даврларида кандай сервис таклиф килинмоқда?
- миллий савдо тармоклари оркали товар сотилмоқдами еки фирма уз шахобчасини очганми?
- ракобатчилар куллаетган товар харакати (транспорт, захиралар хажми, омборлари ва уларнинг жойланиши). Натижада ракобатчи шундай харакат килишяпти? Бошкacha йули йукми? Деган саволларга жавоб топилади.

П.С.Завъялов фикрича “Ракобатбардошлиқ деганда, товарнинг бозорда харидоргирлигини таъминлайдиган истеъмол ва киймат тавсифлари мажмуини, яъни ухшаш ракобатчи товарларни айирбошлашга таклиф катта булган шароитларда худди шу товарни пулга айирбошланиш кобилиятини тушунмок лозим”.

Харидорнинг харажатлари икки кисмдан ташкил топади, унинг бир кисмини харид харажатлари (товар нархи), иккинчи кисмини уни истеъмол этиш билан бодлик харажатлар ташкил этади.

Ракобатбардошлиқ кенг тушунча булиб, унга куплаб омиллар таъсир этади.

Фирманинг ракобатбардошлиги даражасини баҳолашда тармок бозорида ракобат кураши жадаллигини белгилайдиган омиллар тахлил учун асос сифатида хизмат килади. Бу омилларга куйидагилар киради:

1. Ракобатчи фирмалар сони, ва уларни киесий куввати;
2. Ракиблар харакатларининг диверсификациялашуви даражаси;
3. Бозордаги талаб хажмини урганиш;
4. Махсулотни табакалашуви даражаси;
5. Истеъмолчининг бир ишлаб чикарувчидан бошқасига кучиш харакатлари;
6. Бозордан чикиб кетиш тусиклари ва уларнинг даражаси.
7. Бозорга кириб келиш ва унинг даражаси.
8. Ендош тармок бозорларидаги вазият.
9. Ракиблар стратегиясидаги фарклар.
10. Ушбу бозорда ракобат учун алохида сабабларнинг булиши, ракобат даражаси бозорнинг алохида бир жалб этувчанлик еки аксинча бездирувчанлик хусусиятлари билан хам белгиланади.

Ж.Ж.Ламбен ракобатли афзалликларни иккита кенг категорияларга гурухлайди – ташки ва ички ракобатли афзалликлар, яъни фирма ва товарни ракобатдошлигини тавсифловчи ракобатли афзалликлардир. Ташки ракобатли афзаллик товарни “бозор кучини ифодалайди, яъни у бозорни имтиёзли ракобатчилигига нисбатан юкорирок сотиш нархларини кабул килишга мажбур кила олади ва мавжуд товарлардан норози булган харидорларнинг истакларини аниклаш ва кондиришдаги афзалликларга таянади. Ички ракобатли афзаллик фирманинг ишлаб чикариш харажатлари, ракобатчидан кура камрок таннархга эришишга имкон берувчи ва ишлаб чикарувчи учун киймат хосил килувчи товарга асосланган хамда сотиш нархларининг бозор ёки ракобат томоиндан пасайтирилишига купрек даражада бардошли килувчи юкорирок унумдорлик окибатидир”

Товарни жалб этувчанлиги ва ракобатбардошлигини ифодаловчи омиллар классификацияси схемасини занжир куринишида курсатиш мумкин: нарх – сифат – сервис – маркетинг мухит. Ракобатбардошлик сифат ва киймат омиллари билан бөглиқдир. Улар сифат, иктисодиёт ва маркетинг курсаткичлари ёрдами билан тулик тавсифланиши мумкин.

11.3. Товарни дифференциаллашда рақобат устунилигига эришиш манбалари

Фирмалар маҳсулотнинг холатини аниклашда унинг яшаш даврини тадқик этишга таянадилар. Маҳсулотнинг яшаш даври товарнинг бозорга кириб келишидан бошлаб, то унинг бозордан чикиб кетишига кадар булган даврда амалга ошириладиган тадбирлардан иборат концепциядир. Биринчи марта товарнинг яшаш даври концепциясини 1965 йили Теодор Левитт томонидан эълон килинган. Товарнинг яшаш даври турт типга ажратилади: маҳсулотнинг катта синфининг яшаш даври, маҳсулот турининг яшаш даври, куллаш усусларининг яшаш даври, маҳсулот маркасининг яшаш даври. Масалан, биринчисига соат мисол килиб келтирсак, маҳсулот турига эса кул ва осма соатларни келтириш мумкин, куллаш усусларига кура эса кунгирокли соатлардан фойдаланишни мисол килиб келтириш мумкин. Маркетинг максадларида яшаш даврининг жами туртта типи урганилади, фирма доирасида иккинча ва учинчи типларига купрок эътибор берилади. Товарнинг яшаш даври боскичларини аниклашнинг асосий мезони маҳсулот сотиш хажми ва фойда нормаси динамикасидир.

Маҳсулот ишлаб чиқариш (ИТТКИ) боскичи товарни барча хаётий даврида мухим боскич булиб хисобланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш канча самарали амалга оширилса, яъни лойихалаштирилаётган товар буйича бозор талаби ва харидор эҳтиёжини фирма вакт буйича тезрок хисобга олса, ушбу боскичда харажатлар шунча кам булади. Фирма янги товар билан бозорга тезрок чикади ва зарур фойдани олади. Кириб келиш боскичидан сотиш

хажмининг гоят кескин усиши билан ажралиб турди. Бозор маҳсулотни хали кабул килмаган нархлар нисбатан юкори булади. Савдо юкори даромадли гурухларга мулжалланади. Ракобатчилар умуман оз. Шундай килиб бу давр капитал сарфлар даври хисобланади, сарфлар кейинчалик фойда келтириши мумкин, еки маҳсулот ишлаб чикаришдан воз кечиладиган булса, улар тулик харажатлар хисобига утказилади, яъни хисобдан учириласди. Усиш даврида товар сотиш хажми усиб боради- истеъмолчилар маҳсулотни кабул килган ва унга булган талаб таъминланган булади. Хар кандай маҳсулот бу боскичга этиб келмайди: куплари бозорга кириб келиш давридаек касодга учрайди. Бозор сифати юкори ракобатчи маҳсулот билан тулиб кетади. Нархлар тобора арzonлашиб боради. Етуклик боскичи товар оборотини максималлаштириш, бозорни кенгайишини давом этиши ва абсолют усиши билан тавсифланади. Ишлаб чикариш ва товар таксимлаш тизимида тайёр маҳсулот захиралари ошиб боради. Бозорда интенсив ракобат хукм суради. Янги модификацияли товарларни киритиш уларни ассортимент гурухини кенгайтириш хамда харидорларга янги хизмат курсатиш услубларини киритиш интенсив инновация чора-тадбирлари воситалари оркали амалга ошириласди.

Дифференциацияланган маркетингда турли маҳсулотлар турли дистрибуция каналлари орқали сотилади, бунда сотувни рағбатлантиришнинг турли усуслари фойдаланилади. Макросегмент мақсадли бозор тавсифномаларини акс эттиради. Корхона ҳажми, жойлашган жойи ва SIC коди каби ташкилий тавсифномаларни ҳисобга олиб, харидорлар хулқ-атворидаги тафовутларни ҳам изоҳлаб бериш мумкин. Шунинг учун кейинги қадам – микросегментлаш – керак бўлмаслиги ҳам мумкин. Маркетолог концентрацияланган ёки дифференциацияланган маркетинг стратегиясини танлаб, ишни макросегментлар билан давом эттириши мумкин. Макросегментлаш учун маълумотлар иккиласми манбалардан – масалан, корхоналар рўйхатидан – минимал вақт ва пул харажатлари билан олиниши мумкин. Кейинги босқич, яъни микросегментлаш учун батафсилроқ маълумотлар талаб қилинади.

Микросегментлар бу – макросегментлар ичидаги харидорларнинг бир хил гурухларидир. Микросегментларни белгилаб берадиган сегментлаш ўзгарувчилари бу – харид марказлари ва уларнинг қатнашчиларини тавсифлайдиган хулқ-атвор ўзгарувчиларидир. Шундай қилиб, SIC кодига кўра ва фирма ҳажмини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган битта макросегмент доирасида микросегментлар қабул қилинадиган риск даражаси, асосий харидорлик мезонлари ва харид маркази структураси билан белгиланиши мумкин. Микросегментлаш стратегияси ишлаб чиқиш макросегментларни ажратишдан кўра мураккаброқ вазифадир. Кўриниб турибдики, бу ишни компаниянинг савдо персонали билан мулоқотдан бошлаш керак, чунки одатда айнан савдо вакиллари мижозлар ва уларнинг харидорлик хулқ-атвори хақида яхши ахборот манбаси вазифасини бажаради. Ташкилотларда харидорлик хулқ-атворининг мураккаб кўрсаткичлари қайд этилганда, масалан, қабул қилинадиган риск даражаси ва харидорнинг ўзига ишончи мураккаблигида профессионал бозор тадқиқотини ўтказиш талаб этилиши мумкин. Бозорни сегментлаш икки босқичли усулининг энг ёрқин устунликларидан бири шундаки, бундай тадқиқот дастурлари 74 қийматини пасайтириш, харажатларни эса самаралироқ қилиш ва уларни батафсилроқ микросегментлаш таҳлили харажатларини оқладиган, етарли салоҳиятга эга макросегментларда мужассам этиш мумкин. Тадқиқотлар давомида олинган натижалар ва қилинган хulosалар асосан сотувни рағбатлантириш стратегиясини ва камроқ даражада – маҳсулот, нарх ва дистрибуцияга нисбатан стратегияларни аниқлаштиришни талаб этади. Микросегментлар ўртасидаги тафовутлар қўйидагиларга таъсир қиласи:

- ишбилармонлик учрашуви белгилаш лозим бўлган харидор ташкилот ходимларини танлаш;
- бу ходимлар фойдаланадиган қарор қабул қилиш мезонларига релевант бўлган маҳсулотнинг маълум бир хусусиятларини таъкидлаб кўрсатадиган тақдимотлар ишлаб чиқиш;

- қарор қабул қилувчи шахсларга таъсир этиш учун реклама тарқатиши виситаларини танлаш;
- қабул қилинадиган риск даражасига қараб, барча зарурий сотув фаолиятини бюджетлаш. Икки босқичли ёндашув шуни ҳисобга оладики, саноат компанияларининг харидорлик хулқ-автори қарор қабул қилиш жараённида индивидуал мотивация ва ташкилот технологиялари, вазифалари, структураси нуктаи-назаридан ташкилий жараёнлар ўзига хос уйғунлашуви ҳисобланади.

Махсулотни етуклик боскичидаги маркетингни асосий стратегиялари бозорни модификациялаш, товарни модификациялаш ва маркетинг-миксни модификациялаш булиб ҳисобланади. Түйиниш даврида бозор ва нархлар баркарорлашади. Сифатсиз ва ракобатга бардош бермайдиган махсулотлар бозордан сикиб чиқарилади. Товар сотиш суръатлари тобора пасаяди. Түйиниш даврида фирманинг умумий максади, махсулотни барча турлари буйича тулик сотишни тобора ошириб боришни таъминлашга каратилади. Инкиroz даврида махсулотнинг утиши кийинлашади, фойда камаяди, ракиблар майдондан кетади. Бу боскич давомида фирманинг максади “махсулот тайерлашни давом эттиришдан иборат” булади, махсулотни бозорга етказиб беришни тухтатиш хакида катъий карорга келгунга кадар ундан олиш мумкин булган жами фойдани сикиб олиш учун шундай килинади. Товарни яшаш даври концепцияси махсулот ассортиментини режалаштиришда катта ахамиятга эгадир.

12- МАВЗУ. РАҶОБАТНИНГ БОЗОРНИ СЕГМЕНТЛАШ СТРАТЕГИЯСИ

12.1. Раҷобатнинг бозор таҳмонлари стратегияси, фаолиятни истеъмолчиларнинг алоҳида гуруҳига ихтисослашуви

Фирмалар махсулотнинг холатини аниклашда унинг яшаш даврини тадқик этишга таянадилар. Махсулотнинг яшаш даври товарнинг бозорга кириб келишидан бошлаб, то унинг бозордан чиқиб кетишига кадар булган даврда амалга ошириладиган тадбирлардан иборат концепциядир. Биринчи

марта товарнинг яшаш даври концепциясини 1965 йили Теодор Левитт томонидан эълон килинган. Товарнинг яшаш даври турт типга ажратилади: махсулотнинг катта синфининг яшаш даври, махсулот турининг яшаш даври, куллаш усулларининг яшаш даври, махсулот маркасининг яшаш даври. Масалан, биринчисига соат мисол килиб келтирсак, махсулот турига эса кул ва осма соатларни келтириш мумкин, куллаш усулларига кура эса кунгирокли соатлардан фойдаланиши мисол килиб келтириш мумкин. Маркетинг мақсадларида яшаш даврининг жами туртта типи урганилади, фирма доирасида иккинча ва учинчи типларига купрок эътибор берилади. Товарнинг яшаш даври боскичларини аниклашнинг асосий мезони махсулот сотиш хажми ва фойда нормаси динамикасидир.

Бозор ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган товарларга истеъмолчилар эҳтиёжларини қондира олиши, бундаги сарф- харажатлар асослилигини аниқлаб берувчи асосий мезон ҳисобланади. Шунинг учун ҳар қандай корхона, тадбиркор ўз фаолиятини белгиланган мезон талабларига мувофиқ ҳолда ташкил этишга мажбур, бу ерда маркетинг тизимидан самарали фойдаланиш ҳисобига бозорнинг асосий субъекти ҳисобланган истеъмолчининг эҳтиёжлари, талаб-истаклари, дидларини кўплаб омиллар асосида шаклланиши ва қарор топишини ўрганиш жуда муҳим. Чунки, уларнинг қизиқиши, муайян нарсани ёқтириши, ўзлаштириши, шунингдек, бозордаги хатти-ҳаракатида кескин фарқ мавжудлиги туфайли ҳам истеъмолчининг турли даражадаги эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида ҳар бир товарнинг хилма-хил турларини ишлаб чиқариш зарур бўлади.

Айниқса, аҳолининг муайян гурухлари томонидан қадрланадиган, юқори даражада нағисликни талаб қиласидиган, уларнинг дид ва истакларига жавоб берадиган тўқимачилик махсулотлари бозорида аниқ сегментлар учун махсулот ишлаб чиқариш ва унинг савдосини йўлга қўйиш маркетинг тадқиқотларида жуда зарур. Маркетинг тадқиқотларидан фойдаланган ҳолда бозорни сегментларга ажратиб ўрганиш тамойилларига таяниш, шу орқали ўзига жалб қилувчи сегментларни аниклаш ва шакллантириш, истеъмолчилар

Эҳтиёжларини қондиришда аниқ белгиланган стратегияларга таянган ҳолда ҳар бир сегмент учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда сотиш заруриятини туғдиради. Бозорни сегментларга бўлиб ўрганиш ва шу орқали маркетинг тизими самарадорлигини ошириш масалаларига бағищланган илмий ишлар салмоғи кейинги йилларда ортиб бормоқда. Маркетинг фаолиятининг турли қирраларига маълум даражада АҚШ, Франция, Германия, Англия, Япония каби ривожланган мамлакатлар олим ва амалиётчилари томонидан катта эътибор берилган.

Махсулот ишлаб чиқариш (ИТТКИ) боскичи товарни барча хаётий даврида мухим боскич булиб хисобланади. Махсулот ишлаб чиқариш канча самарали амалга оширилса, яъни лойихалаштирилаётган товар буйича бозор талаби ва харидор эҳтиёжини фирма вакт буйича тезрок хисобга олса, ушбу боскичда харажатлар шунча кам булади. Фирма янги товар билан бозорга тезрок чикади ва зарур фойдани олади. Кириб келиш боскичидан сотиш хажмининг гоят кескин усиши билан ажралиб туради. Бозор маҳсулотни хали кабул килмаган нархлар нисбатан юкори булади. Савдо юкори даромадли гурухларга мулжалланади, ракобатчилар умуман оз. Шундай килиб бу давр капитал сарфлар даври хисобланади, сарфлар кейинчалик фойда келтириши мумкин, еки маҳсулот ишлаб чиқаришдан воз кечиладиган булса, улар тулик харажатлар хисобига утказилади, яъни хисобдан учирлади. Усиш даврида товар сотиш хажми усиб боради- истеъмолчилар маҳсулотни кабул килган ва унга булган талаб таъминланган булади. Хар кандай маҳсулот бу боскичга этиб келмайди: куплари бозорга кириб келиш давридаек касодга учрайди. Бозор сифати юкори ракобатчи маҳсулот билан тўлиб кетади.

12.2. Мақсадли бозор талабларини қондириш имкониятлари

Нархлар тобора арzonлашиб боради. Етуклик боскичи товар оборотини максималлаштириш, бозорни кенгайишини давом этиши ва абсолют усиши билан тавсифланади. Ишлаб чиқариш ва товар таксимлаш тизимида тайёр маҳсулот захиралари ошиб боради. Бозорда интенсив ракобат хукм суради.

Янги модификацияли товарларни киритиш уларни ассортимент гурухини кенгайтириш хамда харидорларга янги хизмат курсатиш услугарини киритиш интенсив инновация чора-тадбирлари воситалари оркали амалга оширилади

Махсулотни етуклик боскичидаги маркетингни асосий стратегиялари бозорни модификациялаш, товарни модификациялаш ва маркетинг-миксни модификациялаш булиб хисобланади. Тўйиниш даврида бозор ва нархлар баркарорлашади.

Сифатсиз ва ракобатга бардош бермайдиган махсулотлар бозордан сикиб чиқарилади. Товар сотиш суръатлари тобора пасаяди. Туйиниш даврида фирманинг умумий максади, махсулотни барча турлари буйича тулик сотишни тобора ошириб боришни таъминлашга қаратилади. Инкиroz даврида махсулотнинг утиши кийинлашади, фойда камаяди, ракиблар майдондан кетади. Бу боскич давомида фирманинг максади “махсулот тайерлашни давом эттиришдан иборат” булади, махсулотни бозорга етказиб беришни тухтатиш хакида катъий карорга келгунга кадар ундан олиш мумкин булган жами фойдани сикиб олиш учун шундай килинади. Товарни яшаш даври концепцияси махсулот ассортиментини режалаштиришда катта ахамиятга эгадир.

Истеъмолчиларнинг тор доирасига қаратилган ресурс ва имкониятларнинг чекланганлигини ҳисобга олиб, махсулот ишлаб чиқариш ва сотишни ихтисослаштириш орқали ижобий ютуқларга эришиш имкониятларини юзага келтириш мумкин. Бозорни сегментлаш оммавий маркетингдан фарқ қилган ҳолда, махсулот сотишни максимал даражага етказиш ҳаракатидан йироқ. Бу ўринда самарадорликка эришиш ва бошқарилувчан тамойиллардан оқилона фойдаланиш натижасида бозор сегментининг кўпроқ қисмини қамраб олиш учун ҳаракат қилинади. Бунда умумий даромадни эмас, балки махсулот бирлигига тўғри келадиган даромадни ошириш мақсаддага мувофиқ бўлиб, корхона аниқ сегментда

рақибларга нисбатан муваффақиятга эришиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, кичик ва ўрта корхона озрок ресурслар билан ҳам ихтисослашган сегментда йирик корхоналар билан самарали рақобат қилишга қодир бўлади. Кўп ўлчамли сегментлашда корхона, фирма икки ва ундан ортиқ сегментни танлаб, уларнинг ҳар бири учун маҳсус маркетинг дастурини ишлаб чиқади ва амалга оширади. Бундай ёндашув бозор ва истеъмолчиларни батафсил таҳлил қилиш, бир неча товар тури, маркаси, вариантини ишлаб чиқиш ва сотиш жараёнлари маркетинг тадбирлари учун кўпроқ ресурслар мавжудлигидан далолат беради. Шу билан бир вақтда, бир неча сегментда маҳсулот сотишни максималлаштириш, диверсификация ёрдамида таваккални минимумга келтириш мумкин. Корхона, фирма учун ўз рақибларини кучли, устун бўлган сегментга чиқишини таъминлаш шарт эмас, аксинча ўз куч-ғайрати, тажрибаси мос келадиган, рақобатда устунликка эриша оладиган сегментларни танлаб олиш ва ривожлантириш масалаларига кенгроқ эътибор қаратиш лозим. Ф.Котлер фикрича, сегментлаш натижасида тўрт даражали бозор таркиби аниқланади, ҳар даражада ўзига хос мақсадли бозорлар шаклланади. Булар “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали. №1, февраль, 2017 йил www.interfinance.uz 5 бозор сегментлари, бозор тахминлари, миintaқавий (маҳаллий) бозорлар, якка харидорлардан иборат

Ракобатнинг асосий куроли булиб, талабни шакллантириш ва сотишни рагбатлантириш воситалари хизмат килади. Асосий ахборотни харидорлар товар ишлаб чиқарувчилардан олишади. Харидорларни асосан товарнинг истеъмол киймати кизикириади. Ракобат асосан куйидаги куринишларда булиши мумкин: товарларнинг хизматлари буйича, бир хил эхтиежни кондиришга қаратилган ракобат, бир хил товарни ҳар хил фирмалар ишлаб чиқариш оркали буладиган ракобат; еки бир хил фирма томонидан ҳар хил модификацияда товар ишлаб чиқариш. Нархлар оркали ракобатлашиш энг кенг таркалган.

Хозирги даврда ракобат узига хос киёфа касб этмоқда. Нархлар соҳасида ракобат ишлаб чикаришни харажатлар энг кам буладиган мамлакатларда йулга куйишни талаб килади. Нарх билан ракобат утмишда эркин бозор ракобати булган, бозорда бир хил товарлар хар хил нархлар билан сотилган даврларда пайдо булганди.

Ишлаб чикарувчи нархни пасайтириш билан уз товарини ажратиб курсатишга, унга эътиборни каратишга ва пировард натижада узи истаган бозор хиссасини эгаллашга эришган. Хозирги замон бозор шароитларида нарх билан очик ракобат амал килмайди, чунки ишлаб чикарувчилардан бири нархни пасайтириши билан унинг ракиби хам шу ишни килади, бу эса фирманинг бозордаги мавкеини узгартирмайди, балки, умуман тармокдаги фойданинг пасайишига, асосий фондларни янгилаш ва кенгайтириш учун инвестицияларнинг камайишига олиб келади. Натижада кутилган зафар ва ракибларни суриб чикариш урнига кутилмаган хонавайронлик ва синиш юз беради. Шу сабабли саноат монополиялари нархларни иложи борича узокрок ушлаб туришга, таннархни хамда маркетинг харажатларини тобора пасайтириб, фойдани купайтиришга интилади. Фан-техника тараккиёти ютуклари туфайли ракобатнинг нарх билан бодлик булмаган усулларидан фойдаланишнинг кулай шароитлари юзага келди.

12.3. Истеъмолчилар талабининг хилма-хиллиги

Товар-мураккаб куп киррали тушунча, бирок бунда энг асосий нарса истеъмол хусусиятлари, яъни товарнинг уз вазифасини бажариш-унга эга булган истеъмолчининг эҳтиежларини кондириш хусусиятидир. Товарнинг истеъмол киймати унинг истеъмол хусусияти мажмуасидир. Товарнинг куйидаги хусусиятларига караб алохида эътибор берилади: -ранги, упаковкаси (ураш, ботлаш), ташки куринишининг фасохати (дизайни), эргономик хусусиятлари (фойдаланиш, таъмирлаш ва бошкаларнинг кулайлиги ва бошкалар).

Товарни ишлаб чикаришдан олдин унинг истеъмол хусусияти тахлил килинади. Товар-мураккаб куп киррали тушунча, бирок бунда энг асосий нарса истеъмол хусусиятлари, яъни товарнинг уз вазифасини бажариш-унга эга булган истеъмолчининг эҳтиёжларини кондириш хусусиятидир. Товарлар куйидаги мезонлари буйича алоҳида гурухларга булинади:

Максадли характерига кура эса товарлар истеъмол товарлари ва ишлаб чикаришга оид товарларга булинади. Истеъмол товарлари – бу шахсий истеъмол учун мулжалланган товарлардир. Улар кундалик талаб товарлари, дастлабки танлов асосида олинадиган товарлар, алоҳида талабдаги товарлар, пассив талабдаги товарларга булинади. Кундалик талаб товарларига кундалик турмуш учун зарурий озик-овкатлар, кир ювиш, тозалаш воситалари, уй хужалиги учун зарурий майда товарларни киритиш мумкин. Кундалик истеъмол товарларини истеъмол килиш интенсивлигига кура уларни уз навбатида 3 та куйи гурухга ажратиш мумкин:

1. Доимий эҳтиёждаги асосий товарлар (нон, хужалик совуни)
2. Импульсив тарзда сотиб олинадиган товарлар (сакич, газета)
3. Фавкулодда холатлар учун харид килинадиган товарлар (зонт).

Дастлабки танлов асосидаги товарлар сафига: мебель, кийим-кечак, уй-рузгор учун электр жихозлари киради ва у харидорларни киёслашни, нарх, мода, дизайн жихатидан танловда бир мунча мулоҳаза юритишни талаб килади.

Хозирги даврда ракобат узига хос киёфа касб этмоқда. Нархлар соҳасида ракобат ишлаб чикаришни харажатлар энг кам буладиган мамлакатларда йулга куйишни талаб килади. Нарх билан ракобат утмишда эркин бозор ракобати булган, бозорда бир хил товарлар хар хил нархлар билан сотилган даврларда пайдо булганди. Бозорни сегментлашда ҳар бир харидор алоҳида сегмент сифатида қаралиши лозим. Бундай ёндашувнинг ривожланишига янги ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг пайдо бўлиши ҳам сезиларли таъсир этмоқда. Ҳозирги вақтда алоҳида харидорларга қаратилган оммавий ишлаб чиқариш ва етказиб беришга қодир тизимлар яратилиши

ишлаб чиқариш воситалари бозорида корхоналарнинг алоҳида истеъмолчиларга мўлжалланган товарларни оммавий ишлаб чиқаришга ўтишини юзага келтирмоқда. Янги технологиялардан фойдаланиш монолог тарзидаги маркетингдан диалог тарзидаги маркетингга ўтиш зарурятини келтириб чиқармоқда. Бу жараёнда ишлаб чиқариш воситалари истеъмолчиси ўзига керакли товарни ишлаб чиқаришда фаол иштирок этиши кузатилиб, корхона фаолияти самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бунинг натижасида, истеъмолчи муайян товар сифати ҳақида ўзи учун муҳим бўлган алоҳида хоссаларини бошқа ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг айнан шунга ўхшаш товарлари билан таққослаш орқали унинг аҳамияти, қадр- қиммати тўғрисида хулоса чиқаради ва унга баҳо беради. Истеъмолчи тасаввур қилган ҳолатнинг тасдиқланиши, унинг эҳтиёжини қондиребгина қолмай, балки унга қониқиши бағишлийди, истеъмолчи олган маҳсулотидан мамнун бўлади, бу товар ишлаб чиқарган ёки сотган фирма учун ҳам катта ютуқ ҳисобланади. Тўқимачилик маҳсулотларини харид қилаётган аёл фақат халат олаётгани йўқ. Буни маҳсулот ишлаб чиқарувчилар аллақачон тушуниб етган. Бу ҳақда машҳур “Ревион Инк” фирмаси бошлиғининг: “Фабрикада биз косметика ишлаб чиқарамиз, дуконда биз орзу-умидимизни сотамиз”, [5] деган сўзлари бозор иштирокчисининг ҳар қандай товарда яширин жиҳатларини аниқлаш, шу товарнинг хоссасини эмас, ундан келадиган манфаатни сотиш лозимлигини таъкидлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаймизки, бозор ишлаб чиқарилган, таклиф этилаётган ва сотилаётган товарларнинг замонавий талабларга нақадар мос келиши, уларга сарф қилинган харажатларнинг қопланиши ва маълум даражада фойда олиш мумкинлигини аниқлаб берувчи мажмуа бўлиб, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи манфаатлари ўзаро муштараклигини таъминлайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов: “Аслини олганда, биз бутун бозор қонунларига асосланувчи янги иқтисодиёт яратяпмиз. Бунда маҳсулот талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда, рақобатбардош бўлиши ва умумий қабул қилинган

стандартларга жавоб беришини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқарилиши лозим” [6] деб, ҳар бир корхона, фирма, тадбиркор ўз фаолиятини ана шу талаблар нуқтаи назаридан ўрганиши ва амалга ошириши лозимлигини таъкидлайди. Маълумки, ҳар қандай корхона, фирманинг асосий мақсади кўпроқ фойда олишdir. Бунинг учун унинг кўрсаткичлари ўртача бозор кўрсаткичларидан юқори бўлиши керак, бунга эришиш учун эса, у доимо истеъмолчи талабига мос маҳсулот ишлаб чиқариши ва таклиф этиши, натижада, рақобатда устун “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали. №1, февраль, 2017 йил www.interfinance.uz 6 бўлиши лозим. Рақобатда устунликка эришиш корхона, фирма фаолиятининг бозорга йўналтирилишини тақозо этади. Маркетинг тизими бозорда содир бўладиган иқтисодий муносабатлар иштирокчиларининг мустақиллигидан келиб чиқиб, талаб ва таклифни мувофиқлаштириш ва айирбошлиш муаммоларини, асосан, микроиқтисодиёт субъектлари даражасида ҳал қилишни тақозо этади.

Ишлаб чикарувчи нархни пасайтириш билан уз товарини ажратиб курсатишга, унга эътиборни каратишга ва пировард натижада узи истаган бозор хиссасини эгаллашга эришган. Хозирги замон бозор шароитларида нарх билан очик ракобат амал килмайди, чунки ишлаб чикарувчилардан бири нархни пасайтириши билан унинг ракиби хам шу ишни килади, бу эса фирманинг бозордаги мавкеини узгартирмайди, балки, умуман тармокдаги фойданинг пасайшиига, асосий фондларни янгилаш ва кенгайтириш учун инвестицияларнинг камайишига олиб келади.

13 - МАВЗУ ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚОБАТЧИЛИК МУХИТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ҚОНУНЧИЛИК

13.1. Рақобатчилик муҳитининг вужудга келиши ва уни сақлашда давлатнинг роли

Ўзбекистон товар бозорларида рақобатни ривожлантиришга йўналтирилган биринчи меъёрий хужжат бўлиб 1992 йил 2 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонуни ҳисобланади.

Иқтисодиёт ва монополияга қарши амалиёт соҳасидаги аҳамиятли ўзгаришлар тегишли қонунчилик базасини такомиллаштириш заруриятини тақозо этди. Шунга кўра, 1996 йилнинг 27 декабряда янги - «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонуни кучга киритилди. Қонунда кўзда тутилган тақиқлар ҳам ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатлари учун, Ўзбекистон ва бошқа ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатлари учун хос бўлган монополистлар ҳатти-ҳаракатига қарши ўрнатилган.

Қуйидаги ҳатти-ҳаракатлар монополияга қарши қонунчиликка зид ҳисобланади:

- хўжалик юритувчи субъект томонидан бозордаги устунлик ҳолатининг сустеъмол қилиниши;
- хўжалик субъектларининг рақобатни чеклашга қаратилган битимлари (ўзаро келишилган ҳатти-ҳаракатлари);
- бошқарув барча даражаларидаги ҳокимият органларининг рақобатни чеклашга йўналтирилган ҳатти-ҳаракатлари;
- ноҳалол рақобат.

Монополистик фаолият устидан назорат ўрнатиш учун монополист-корхоналар Давлат реестри жорий этилди. 1999 йилнинг 1 октябр ҳолатигареестрда 716 хўжалик юритувчи субъект 1924 турдаги маҳсулот, иш, хизмат бўйича рўйхатга олинди. Мазкур корхоналар факат алоҳида хўжалик юритувчи субъект бозоридаги товарларнинг улуши миқдорий кўрсаткичи бўйича монополист корхоналар таркиби киритилган. Бу ўринда бозорнинг сифат жиҳатидан таркиби, хусусан, рақобат муҳитини яратса олишга лаёкатли бўлган ўрнини босувчи маҳсулотларнинг мавжудлиги ҳисобга олинмайди. Бундай ёндошувни тўғри деб ҳисоблаш мумкин эмас. Шунга кўра, қонунда

товар бозорида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг мезонларини янада аникроқ белгилаб, уларни монополистлар тоифасига киритишида ҳам миқдорий, ҳам сифат кўрсаткичларидан фойдаланиш зарур.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳолда товар бозоридаги монополистларни назорат қилишнинг нисбатан аҳамиятли шаклларидан бири бўлиб нархларнинг давлат томонидан тартибга солиниши ҳисобланади. Жаҳон амалиётида нархларнинг давлат томонидан тартибга солиниши табиий монополиялар учун хосдир. Табиий монополияларнинг мавжудлиги шароитида давлат ишлаб чиқариш харажатларини тартибга солиш ёки нархнинг энг юқори даражасини белгилаш орқали бозор механизми ҳаракати воситасида таъминланувчи самарага сунъий йўл билан эришишга ҳаракат қиласди.

Узбекистонда УзР ВМнинг 1997 йил 31 марта «Узбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ молиявий идораларга эркин нархларнинг юқори чегараси ёки рентабеллик даражаси борасида декларация топшириш орқали барча монополист-корхоналарнинг маҳсулот (товар, хизмат)ларига бўлган нархларни давлат томонидан тартибга солиш қўлланилмоқда.

Амалиётнинг кўрсатишича, чегаравий нархлар ва рентабеллик меъёрларини қўллаган ҳолда нархни ташкил этишини давлат томонидан тартибга солиниши кўпинча ижобий натижа бермайди, чунки у нархларни шакллантиришнинг бозор муносабатларини ҳисобга олмаган ҳолдаг ихаражат механизмига асосланади. Нархларни декларациялашнинг бюрократик таомилининг қўлланиши корхоналарнинг бозордаги нарх бўйича маневр қилиш имкониятини пасайтиради. Бунинг устига, монополист-корхоналар учун нархни ўрнатишида рақобатчиларнинг маҳсулотига таркиб топган нархлар ҳисобга олинмайди.

Кўплаб мутахассисларнинг фикрича, монопол юқори нархлар доимо қам давлатнинг аралашувини тақозо этмайди. Бундай нархлар ҳамда фойда

олиш имконияти бозорда фаолият кўрсатаётган субъектларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, бошқаларининг эса бозорга кириб келишига рағбат яратади. Давлат фақат бозорга кириш учун тўсиқлар пайдо бўлган ҳолдагина аралашуви лозим.

13.2. Республикаизда соғлом рақобат муҳитини яратишга оид Ўзбекистон Республикасининг маҳсус қонунлари.

Халқаро амалиёт ҳамда кенг миқёсда нархларни давлат томонидан тартибга солишининг самарасизлигини ҳисобга олган ҳолда нархни ташкил зтиш соҳасидаги монополияга қарши сиёsatнинг асосий йўналиши бўлиб корхоналарнинг маҳсулот ва хизматлари нархларини бевосита давлат томонидан тартибга солиш соҳасининг қисқартирилиши ҳисобланади. Нархларнинг умумий назоратидан уларнинг мониторингига ўтиш лозим. Тавсия этилаётган ёндошув молиявий идораларга нархларнинг чегаравий даражаси тўғрисида декларация топширишнинг бекор қилинишини кўзда тутади.Faқат нархларнинг кескин ошириб юборилиши ҳолати аниқланганда таркиб топган нархларнинг иқтисодий асосланганлиги таҳлил қилиниши зарур. Faқат монопол юқори нархлар белгиланган ҳолатларда монополист-корхоналар учун нархнинг мумкин бўлган чегарасини ўрнатиш лозим. Бизнинг фикримизча, таклиф этилаётган механизм ҳозирги босқичда энг самарали ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, Узбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги

Қонуни халқаро аналоглар асосида тузилган, бироқ, бу қонун амалг а оширилаёттан муҳит ривожланган мамлакатлар шароитидан тубдан фарқ қилиб, унинг бажарилишига таъсир кўрсатади. Қонунчиликнинг самарали оажарилишига ҳалақит берувчи нисбатан муҳим омил бўлиб идорачилик ҳисобланади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, хуқуқий шахсларнинг бирлашмалари (уюшмалар, ассоциациялар, концернлар ва ҳ.к.) учун ассоциациялашган субъектларнинг хўжалик фаолиятига аралашув тақиқланади. Бироқ, амалда ташкил этилган бирлашмалар, одатда илгари амал қилган тармоқ вазирликларининг давомчилари бўлиб, ҳозирги вақтда уларга хом ашё ресурсларини, марказлаштирилган капитал қўйилмаларни тақсимлаш, маҳсулотларни сотиш ва бошқа вазифаларнинг юклатилиши кўпинча рақобат муҳитининг ривожланишини секинлаштириб қолмай, балки уларнинг яратилишига тўсқинлик ҳам қилмоқда. Уларнинг амал қилиши кичик бизнеснинг хом ашё ресурсларига, валюта маблағларига бўлган имкониятини чеклаш орқали тўсиқлар қўйиши жиддий салбий ҳолат ҳисобланади.

Таркиб топган шароитда амал қилаётган бирлашмаларни таркибий қайта тузиш монополияларни чеклаш ва рақобатни ривожлантиришнинг зарур шароитларидан бири ҳисобланади. Бундай бирлашмаларнинг вазифаси бўлиб маркетинг хизматлари билан таъминлаш, илмий-тадқиқот ишланмаларини амалга ошириш, уларнинг амалиётга татбиқ этилишига кўмаклашиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда амал қилаётган монополияга қарши қонунчиликнинг яна оир муаммоси — давлат монополияга қарши органига қонунчиликни бузганлик учун иқтисодий санкция қўллаш хуқуқининг берилишидир. Чунки халқаро амалиётда бу каби масалалар суд ажримлари орқали ҳал этилади. Республикада монополияга қарши қонунчиликка амал қилиш масалаларини кўриб чиқиша суд амалиётининг ривожлантирилиши хўжалик субъектларининг масъулиятларини оширади.

Ўзбекистонда яратилган рақобат сиёсатини олиб бориш тизими ўз ичига қонунлар ва қонуности хужжатларни, уни амалга ошириш ҳамда истеъмолчилар хуқуқини ҳимоя қилиш учун масъул бўлган маҳсус муассасаларни, шунингдек, мазкур сиёсатни амалга ошириш механизмларин и ўз ичига олади. Бироқ, мазкур соҳадаги маълум муваффақиятла

рга қарамай, рақобат сиёсатини амалга ошириш мақсад ва усуллари уни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Бу, энг аввало, глобаллашув миқёслари ва таъсир кучларининг ўсиши билан шартланган бўлиб, бунинг натижасида миллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ошириш учун шароит яратиш тақозо этилади.

Айниқса, Узбекистонда 2003 йилда жорий операциялар ҳисоби бўйича эркин конвертация киритилган бўлиб, бу ички бозордаги миллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатни кучайтиради.

Бундан ташқари, шуни тан олиш керакки, республикада рақобатни ривожлантириш борасида ўтказилаётган сиёsat етарли даражада таъсирчанэмас.

Бозор иқтисодиёти тарихи - бу кўп жиҳатдан монополизмнинг салбий оқибатларига қарши кураш тарихини намоён этади. Назариёт ва амалиёт шуни кўрсатадики, монополизм қўйидаги оқибатларни келтириб чиқаради:

- истеъмолчилар монополист фирмаларнинг маҳсулотлари учун рақобатли бозордаги шунга ўхшаш маҳсулотлар нархига нисбатан тўлаши юзим бўлган ўта юқори нархлар;

- юқори нархларни ушлаб туриш учун турли тармоқлар ўртасида ресурсларнинг самарасиз тақсимланишига, улардан монополиялаштирилган

тармоқларда етарли даражада фойдаланмасликка олиб келувчи товар ва хизматларнинг алоҳида турларини *ишлаб чиқаришини сунъий равишдачеклаш*,

- *ишлаб чиқаришининг техник жиҳатдан ривожланмай қолиши*, маҳсулотнинг паст сифати.

13.3. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг иқтисодиётни барқарор ривожланишидаги роли.

Монополизм режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишни амалга ошираётган мамлакатларда янада кўпроқ муаммоларни келтириб чиқаради. Бу Узбекистонга ҳам тааллуқли бўлиб, мамлакатимизда тарихий рбабларга кўра давлат тузилмаларига ўхшаш (уюшмалар, концернлар, шрпорациялар, компаниялар) шаклдаги монополиялар сақланиб қолган.

Улар кўпинча тармоқ вазирликлари мавқе ва вазифаларига эга бўладилар.

Маҳсулот ва хом ашёларнинг алоҳида турларини лимит ва фонд кўринишида тақсимлашнинг эскича тизими, шунингдек, бизнесни амалга ошириш учун рухсат, лицензия, сертификатлар бериш, келишиш каби мавжуд маъмурий тўсиқлар монополистик тенденцияларга кўпроқ имкон яратади.

Шунга кўра, Ўзбекистонда самарали рақобат муҳитини яратиш учун ; куйидагилар бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тақозо этилади:

а) иқтисодиётда давлат монополизмининг ҳар қандай намоён бўлишини максимал даражада бартараф этиш. Бунинг учун тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш тизимини такомиллаштириш учун нисбатан қулай шартшароитларни яратишга қаратилган чуқур институционал ислоҳотлар зарур;

б) бозор шароитида вужудга келаётган монополияларнинг бозордаги ўз устунлик мавқеларини сустеъмол қилиш имкониятларининг олдини олиш. Давлат муассасалари рақобатнинг ривожланишини таъминлашлари лозим. Бусиз самарали инновациялар, паст харажатлар ва нархлар, маҳсулотнинг юқори сифатига эришиш, бошқача айтганда, бутун иқтисодиётнинг г рақобатбардошлигини ошириш мумкин эмас.

Рақобатни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш натижалари бўлиб иқтисодий агентлар фаолиятини тартибга солишда бозор механизмлари ролининг кучайиши, бозорга киришдаги маъмурий тўсиқларнинг бартараф этилиши, иқтисодиётнинг барча субъектлари учун рақобат шароитларининг шаклланиши ҳисобланиши лозим. Рақобатнинг ривожланишидаги муҳим стратегик мақсад - истеъмолчи томонидан

иқтисодий жиҳатдан мақбул нархларга барқарор равишда сифатли ижтимоий хизматларни олиш имкониятини яратишдан иборат.

Рақобат муҳитини ривожлантиришнинг кўплаб механизмлари мавжуд. Булар - хусусийлаштириш, тартибга солишдан қайтиш, монополиядан чиқариш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқалар. Улардан фойдаланиш мамлакатнинг тегишли бозорларидаги ҳолатга, иқтисодиётнинг яхлит ривожланиш даражасига, ички ва ташки омилларнинг таъсирига боғлиқ. Узбекистонда қўлланиувчи усулларни кўриб чиқамиз.

Давлат корхоналарини хусусийлаштириши ва монополиядан чиқариши. Бу механизмлар бозорда амал қилувчи рақобатчилар сонини ошириш имконини беради. Амалиёт шуни кўрсатадики, хусусийлаштиришнинг рақобат муҳити шаклланишига таъсири йирик корхоналарнинг рақобатбардош бўлинмаларини мустақил тузилмаларга ажратиш орқали уларни йириклаштиришдан қайтаришни кўзда тутувчи демонополизация жараёни билан уйғунлашган ҳолдагина самарали бўлади.

Мазкур жараёнларни жадаллаштириш мақсадида 2003 йилнинг апрел ойида республика ҳукумати томонидан Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг 2003-2004 йилларга мўлжалланган дастури қабул қилиниб, унга кўра икки йил мобайнида давлат мулкидаги корхоналарнинг 77% хусусийлаштирилиши лозим. Мазкур дастурни амалга ошириш натижасида корхоналарнинг устав капиталида давлатнинг иштироқи кескин қисқаради, уларнинг инвестицион фаоллиги ошади, рақобат шароитлари яхшиланади.

Бу тадбирлар шу билан айниқса аҳамиятли, хусусийлаштириш ҳанузгача кўплаб тармоқларда рақобат муҳитини яратишда аҳамиятли ўзгаришларга олиб келгани йўқ. Таркибий ўзгаришлар давомида олдинги тармоқ вазирликлари ўрнига тармоқ хўжалик бирлашмалари ташкил этилди. Ву хўжалик бирлашмаларига ҳукумат шундай кенг ваколатлар бердики, натижада улар давлат томонидан тартибга солиш функциясига эга бўлган

«конуний» монополияларга айландилар. Бу саноатнинг деярли барча тармоқларига, туризм, табиий монополия соҳалари тегишли бўлиб, бу соҳаларда сақланиб қолган тармоқни тартибга солишининг маъмурий усуллари самарали рақобат муҳитини яратиш учун жиддий тўсиққа айланди. *Самарали рақобатнинг вужудга келиши ҳамда бозорларга янги иштирокчиларнинг кириб келишидаги тўсиқларни бартараф этиши. Буялии тўсиқлар орқали хўжалик субъектларига товар бозорига кириш ҳамда у ерда оошқа корхоналар билан баравар равища рақобатлашувга ҳалақит берувчи хуқуқий, ташкилий, технологик, иқтисодий, молиявий тавсифдаги барча миллар тушунилади.*

Асосий эътиборни барча даражадаги давлат ҳокимияти органлари фаолияти натижасида пайдо бўлувчи тўсиқлар (солик имтиёзи, субсидия ва жация, мутлоқ хуқуқларнинг тақдим этилиши кўринишида алоҳида .фкалик юритувчи субъектларга давлат ёрдами; корхоналар хўжалик фаолиятини тартибга солишининг маъмурий усулларини қўллаш; стандартлаштириш ва сертификатлаш бўйича мураккаб нормативлар ва оошқалар)ни бартараф этишга қаратмоқ лозим. Масалан, бугунги кунда у ёки оу маҳсулотни ишлаб чиқаришга сертификат олиш таомили бир неча ойларни қамраб олиб, тегишли ҳужжатларни олиш юз мингдан бир неча миллион сўмга қадар (ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ассортименти ва гурлари сонидан келиб чиқкан ҳолда) тушиши мумкин.

14 - МАВЗУ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ

14.1. Иқтисодий институтлар миллий иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш сифатида.

Бозор иқтисодиётининг қарор топиши унинг инфратузилмасини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш зарўратини келтириб чиқаради.

Институтлар деганда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда индивидлар ўзаро таъсирини тартибга соладиган расмий (хукуқий мустаҳкамланган), норасмий ва ўз-ўзидан юзага келадиган чегаралар жами тушунилади. Ушбу ўзаро таъсирни рўёбга чиқариш учун рақобат муҳитини ривожлантиришнинг қатор иқтисодий институтлари мавжуд. Булар: хусусийлаштириш, қайта таркибий тузиш, монополиядан чиқариш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳоказолар. Улардан фойдаланиш мамлакатнинг тегишли бозорларидаги рақобат муҳитини, умуман иқтисодиёт қай даражада ривожланганини белгилайди.

Ўзбекистонда рақобат муносабатларини шакллантиришнинг қуйидаги иқтисодий институтлари қарор топган:

1. Давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва монополиядан чиқариш. Мулкчилик муносабатлари ва таркибини ўзгартириш муаммоси - ўтиш иқтисодиёти хос бўлган ҳар бир мамлакат учун муҳим масаладир. Мулкчиликнинг хўжалик тизими сифатидаги ролининг ўзиёқ мазкур соҳадаги ўзгаришларнинг ҳам, умуман ўтиш иқтисодиёти доирасидаги ислоҳотларнинг ҳам тизимли хусусиятини кўрсатади,

Бундай тизимли таъриф бўйича мулкий муносабатлар соҳасидаги тизимли трансформациянинг асосий босқичларини ҳам янада чуқурроқ тушуниш мумкин.

Биринчи босқич иқтисодий бўлмаган ихтиёрий ҳаракат, яъни техник хусусийлаштиришдан ўзга нарса эмас, унинг муваффақияти эса ижтимоий келишув (манфаатлар балансини хисобга олиш)га боғлиқ. Унинг иқтисодий эмаслиги иккита сабаб билан белгиланади. Биринчидан, расмий техник хусусийлаштириш бошланмасиданоқ бу жараёнда хусусийлаштириш ҳам қонуний ёки яrim қонуний шаклда, ҳам жиноий тарзда ўз-ўзидан тартибсиз кечади. Иккинчи босқичда мулкчилик муносабатларининг бирламчи техник хусусийлаштиришдан кейинги жадал қайта тақсимланиши ва давлатнинг микродаражадаги қайта тақсимланиш жараёнига тартибсиз аралашувининг тартибга солиниши юз беради. Хусусийлаштириш тажрибаси шуни

кўрсатадики, корхояларнинг йириклишишини ҳамда алоҳида рақобатбардош бўлинмаларнинг мустақил тузилма бўлиб ажралишини назарда тутувчи монополиядан чиқариш жараёнлари билан олиб борилгандагина у рақобат муҳитига самарали таъсир кўрсатиши мумкин.

Бошқа иқтисодий институт - бу монополлашган соҳалардаги бошқарув тизимларини ва корхоналарни таркибий қайта тузиш (реструктуризация)дир. Ўзбекистоннинг аксарият корхоналари таркибий қайта тузилиши керак, аммо, фикримизча, реструктуризация - тизимли ўзгаришлар мажмуаси бўлиб, уларни амал-га ошириш корхонанинг ташкилий тузилмасини тубдан ўзgartiriш ва унинг бизнеси қийматини оширишни ҳисобга олган ҳолда мавжуд активлар ва жалб қилинган пассивларни бошқаришни ўзgartiriшга йўналтирилган. Ушбу жараёнлар:

- корхонанинг ҳақиқий мулқдорлари томонидан ташабbus кўрсатилиши ва амалга оширилиши;
- аниқ мақсадга эга бўлиши;
- корхонанинг алоҳида бўлимларига эмас, бутунлигicha тааллуқли бўлиши;
- ҳаммага тушунарли ва бажарилиши мумкин бўлиши керак.

Таркибий қайта тузиш қуидаги тузилмаларда ишлаб чиқариш дастурини ўзgartiriшни ва унга боғлиқ янгиликларни кўзда тутади:

- ишлаб чиқаришда (ишлаб чиқариш-техник базанинг таркибий қисмлари);
- функционал (ижтимоий меҳнат тақсимоти вазифаларини амалга оширишда);
- ахборот (фойдаланиладиган ахборот тизимларида);
- ташкилий (иқтисодий-хуқуқий шакллар ва корхонада қабул қилинган хуқуқ ва мажбуриятлар тақсимотида);
- касбий (хизматчиларнинг касб ва малака таркибида);
- молиявий (активлар ва пассивлар).

Ўзбекистон шароитида бошқарув ва хўжалик фаолиятини ажратиш

рақобат мухитини ривожлантиришнинг муҳим иқтисодий институти сифатида намоён бўлади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлар давлат ва минтақавий бошқарув органлари таркибини сезиларли оптималлаштиришга имкон берди ва аппарат сони ҳамда унга хизмат кўрсатиш харажатларининг қисқаришига олиб келди. Кичик бизнесни ривожлантириш рақобат мухитини яратишнинг муҳим институтларидан биридир. Кичик корхоналар истеъмол бозоридаги талаб ва таклифни яхшироқ ҳис қиласи, бекарор иқтисодиёт шароитида ўз фаолияти стратегиясини тезроқ мослаштиради, рақобатни қўллаб туришни кафолатлайди, салмоқли меҳнат ресурсларини сафарбар қиласи, иқтисодий ислоҳотлар даврида йирик корхоналар учун ўзига хос буфер ролини ўйнайди ва уларни инқироздан асрайди.

14.2. Кичик бизнесни ривожлантириш рақобат мухитини шакллантиришнинг асоси сифатида.

Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадига қаратилган бўлиб, рақобатбардош иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо этади, унда эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик алоҳида ўрин эгаллайди. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратар эканмиз, шу орқали учта муҳим масалани ечишни кўзда тутамиз. Биринчи масала - яқин беш-ўн йил ичida ушбу соҳада ялпи ички маҳсулотнинг 50-60 фоизини ишлаб чиқаришга эришиш. Иккинчи масала -бу соҳани ривожлантириш аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадлари ўсишининг энг муҳим манбаларидан бирига айланиши лозим. Доимий диққат марказимизда туриши керак бўлган учинчи масала -мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг пойдевори бўлмиш кичик

ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборат".¹

Тадбиркорлик субъектлари, ўзининг мослашувчанлиги ва нисбатан кам капитал харжлиги туфайли йирик корхоналарга қараганда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳсулот турини янгилашни муваффақиятлироқ таъминламоқда, бозор талабига тезроқ мослашмоқда, ахоли бандлиги масаласини хал қилмоқда. Ўзбекистоннинг демографик хусусияти шундан иборатки, мамлакатда ахоли ўсиш суръатлари анча юқори бўлиб, ахолининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқда яшайди, шунинг учун бандликни таъминлаш масаласи анча долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда бизнес-мухитни ривожлантиришга халал берадиган асосий камчиликларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Тадбиркорлар ва ахолидан ундириладиган солиқ ставкаларининг юқорилиги. Кўп сонли солиқлар ва тўловлар корхона даромадининг 90% игача етмоқда, оқибатда кичик корхоналар қанчалик мухим хўжалик аҳамиятига эга бўлмасин, инқирозга юз тутмоқда.

2. Тадбиркор манфаатларига етарлича эътибор берилмаслиги. Бозор иқтисодиётини барпо этиш мантиқан "пастдан-юқорига" - тадбиркор манфаатларидан уни рўёб қиласидиган ва унга хизмат қиласидиган марказлашган бозор инфратузилмаси (солиқ, кредит сиёсати, банклар, биржалар ва хоказо) томон ҳаракатни тақозо этади.

3. Тадбиркор учун тадбиркорлик фаолиятини бошлашга бошланғич капитални шакллантириш манбаларининг деярли йўклиги. Кредитлаш масаласи тадбиркорларнинг кўпчилиги учун муаммолидир, чунки фоиз ставкалари жуда юқори ва тижорат банклари катта таваккалчилик борлиги ҳамда кафолатнинг йўклиги сабабли бизнесга пул тикишни истамайди.

Махаллий кичик тадбиркорликнинг ўзига хос белгиси шундан иборатки, бугунги кунда айнан шахсий, якка тартибдаги бизнес субъектлари сонининг ўз-ўзидан ортиши юз бермоқда, бошқа кичик тадбиркорлик шакллари эса анча секин ривожланмовда. Юридик шахс ташкил қилмасдан

¹ Манба: Халқ сўзи, №28, 10.02.2004 й.

фаолият юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари юридик шахс ташкил қилган субъектларга нисбатан кўпроқ давлат имтиёзларига эга. Якка тартибдаги тадбиркорлик бошқа кичик тадбиркорлик субъектлари учун жиддий рақобатчига айланмоқда, бу эса уларнинг кейинги ривожига салбий таъсир кўрсатади ва турли хўжалик юритиш шаклларидаги кичик корхоналарнинг ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетишига олиб келади. Демак, кейинчалик тадбиркорлик фаолиятини якка тартибда юритиш фойдали бўлиб қолади.

14.3. Ўзбекистонда рақобатбардош қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш муаммолари.

Ҳар қандай мамлакат бозорининг рақобатбардош-лиги концептуал жиҳатдан умуман олганда иккита асосий ва мажбурий таркибий қисмдан - товарлар рақобатбардошлиги ва кўрсатнладиган хизматлар рақобатбардошлигидан иборат.

Қимматли қоғозлар бозоридаги товар - бу қимматли қоғозлардир. Маълумки, ҳар қаидай қимматли қоғознинг рақобатбардошлиги корхона - эмитентнинг рақобатбардошлиги билан, унинг товар, пул ва бошқа бозорларда, жумладан, чет эл бозорларида рақобат қила олиши қобилияти билан узвий боғлиқликда қаралиши керак. Бошқача айтганда, бу ерда гап муомалага чиқарилаётган қимматли қоғозларнинг сифати ҳақида кетяпти. Бу фонд бозори рақобатбардошлигининг, айтайлик, ички томонидир.

Қимматли қоғозлар бозорида кўрсатилаётган хизматлар рақобатбардошлигига келсак, бунда биз фонд бозорининг миллий профессионал иштирокчиларининг қимматли қоғозлар бозорида нархи, сифати ва муддатлари бўйича жаҳон андозаларига мос хизмат кўрсатишини, бозорнинг хам ички, ҳам ташқи иштирокчиларини қониқтиришини тушунамиз. Бу - фонд бозори рақобатбардошлигииинг ташқи томонидир.

Республикамиз қимматли қотозлар бозоридаги товаркинг сифати ҳақида қўйидагиларни айтиш мумкин. Маълумки, бундай товарлар акциялар,

облигациялар, депозитли сертификатлар ва ғазна мажбуриятлари дир. Агар ўз вақтида (1996-1999 йиллар) давлатнинг қисқа муддатли облигациялари ички инвесторлар учун фонд бозорининг жуда оммабоп ва катта фойда берувчи воситаси бўлган бўлса, ҳозирги вақтда улар ўзининг жозибадорлигини йўқотган, чунки ушбу қимматли қоғозларнинг даромадлиги анча пасайиб кетган. Бунга яна инфляциянинг таъсирини қўшадиган бўлсак, хўжалик субъектлари бундай қимматли қоғозларни сотиб олишдан фойда кўрмайди. Шунинг учун уларни қимматли қоғозлар бозоридаги рақобатбардош товар сифатида қабул қилиш тўғри бўлмайди.

Умуман олганда эса, мамлакатимиздаги давлат қимматли қоғозлар бозорини муваффақиятли ривожлантириш учун юқорида тилга олинган базанинг мавжудлигига қарамай, уни рақобатбардош деб атаб бўлмайди.

Ўзбекистон фонд бозорининг муайян рақобатбардошлика даъво килувчи мухим ва истиқболли бўғинлари, фикримизча, корхоналар акция ва облигациялари бозори (корпоратив қимматли қоғозлар бозори деб ҳам аталади) ва депозитли сертификатларнинг бирламчи бозоридир.

Маҳаллий қимматли қоғозлар бозорининг рақобатбардошлигини ошириш муаммоси нуқтаи назаридан уларнинг ликвидлигини, биринчи галда, акциялар ликвидлигини ошириш мухим аҳамиятга эга. Қимматли қоғозларнинг ликвидлиги бозорнинг барча иштирокчилари фаоллигини белгиласа, унинг ўзи эмитентларнинг молиявий аҳволига бевосита боғлик. Акциядор жамият фаолияти қанчалик яхши, барқарор бўлса, унинг акциялари ликвидлиги ҳам шунчалик юқори бўлади ва улар фонд биржасида ва биржадан ташқари бозорларда шунчалик тез сотилади, акцияларнинг рақобатбардошлиги ҳам шунчалик юқори бўлади.

Шуни назарда тутиш керакки, маҳаллий акциядорлик жамиятларининг аксарияти давлат корхоналарини хусусийлаштириш йўли билан ташкил қилинган. Корхонани хусусийлаштириш жараёни корхона мулки қийматини баҳолаш, таъсис ҳужжатларинй тайёрлаш, акциялар эмиссияси (бланклар учун пул тўлаш ёки депозитарий хизматлари учун ҳисоб-китоб қилиш),

консалтинг хизматларга боғлиқ бўлган муайян қўшимча харажатларни тақозо қиласди. Корхона хусусийлаштирилгандан сўнг нодавлат тузилмага айланиб, илгариги имтиёзлардан фойдаланмайди ва хўжалик юритишнинг бозор тамойиллари бўйича ишлайди. Бошида мулкчиликнинг хусусий шаклига эга бўлган янги хўжалик субъекти банкдан кредит олишда, ўз маҳсулотини сотишда хом ашё, бутловчиларни зарур рентабелликни таъминлайдиган нархларда сотиб олишда қийинчиликларга учрайди.

Мана шу объектив сабаблар туфайли, шунингдек, ижроия ташкилотларнинг саводсиз хатти-ҳаракатлари оқибатида акциядор жамиятларда катта кредиторлик қарзи, солиқлар бўйича қарздорлик, бюджетдан ташқари фондларга бадаллар ва бошқа тўловлар бўйича қарздорлик пайдо бўлади, ривожланиш учун айланма маблағлар бўлмайди. Айрим корхоналарда солиқлар бўйича қарзлар устав фонди қийматидан ҳам ошиб кётади. "Эски" қарзлар рентабелли молиявий жадвал ишлаб чиқишига йўл қўймайди.

Маҳаллий қимматли қоғозлар бозорининг рақобатбардошлигини оширишда фонд бозорининг маҳаллий ва хорижий иштирокчиларига, инвесторлар ва эмитентларга кўрсатилаётган сервис хизматларини тўғри мувофиқлаштириш мухим аҳамиятта эга.

15 - МАВЗУ. РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

15.1. Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишда модернизация жараёнларининг ўрни.

Миллий хўжаликлар барқарор ривожланишининг муваффақиятли стратегияси, энг аввало, рақобатбардош иқтисодий тизимнинг реал шароитларини холисона баҳолаш ва уни тушуниб етиш ҳамда бошқариш механизмининг янги методологик йўналишларини ишлаб чиқишига боғлиқдир. Турли даражада ривожланган иқтисодий тизимлар фаолият юритишнинг ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига таъсир

кўрсатадиган барча омилларни эътиборга олувчи бозор мухитининг қатъий талаби сифатида рақобатбардошликтин тан олишга асосланган тизимли методологик ёндашув миллий иқтисодиётни такомиллаштиришнинг тўлиқ тизимини ташкил этишга имкон яратади. Жаҳон талабларининг ўзгариб турувчи шароитларида бундай йўналишлар иқтисодий тизимларни либераллаштириш ва давлатларнинг миллий рақобатбардош устуворликларидан фойдаланиш ҳамда ўз иқтисодиётини такомиллаштиришни амалга ошириш му-аммоларини биринчи навбатдаги вазифалари қаторига киритадилар.

Республикада иқтисодий модернизация динамикаси ишлаб чиқариш муносабатлари ва иқтисодий алоқаларнинг ўзгаришида, жаҳон бозорининг таркибий қисми сифатида миллий бозорнинг шаклланишида, Ўзбекистон иқтисодиётининг тузилмавий қайта қуришда акс этаётган иқтисодий плюрализм томонига жамиятнинг ҳаракатланишини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда модернизация жараёнининг ўзига хослиги хам бир қатор хусусиятларни олдинга сурмоқда. Жамиятимизда сўз фақат иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш томонига ўзгариш ҳақида эмас, балки миллий иқтисодиётни эркинлаштириш ва унинг вазифаларини марказлашишдан холис қилиш, яъни иқтисодий хавфсизликни таъминлаб бера ола-диган янги давлатчиликни ва самарали иқтисодиётни яратиш тўғрисида ҳам бормоқда.

Глобаллашув жараёнлари билан бирга кузатиладиган иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотлар бир текис бўлмаган тавсифга эга. Бунда молия ва товар бозорлари, меҳнат ва капитал бозорлари тубдан ўзгаради. Буларнинг барчаси эса, ўз навбатида, коммуникация оқимлари тузилмалари ва институтларнинг ўзаро муносабатлари бўйича юзага келган хусусиятларини хам сезиларли тарзда ўзгартириб юборади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнлари ва унинг макроиқтисодий динамикага таъсирини тахлил қилиш натижасида ўтиш даври мобайнида миллий иқтисодиёт ривожланишининг учта асосий босқичи аниқланди.

I босқич. Бозор асосларини яратиш ва иқтисодиётнинг босқичма-босқич ўзгариши (1991 йилдан 1996 йил охиригача). Бунда Ўзбекистоннинг Шарқий Европа ва МДҲнинг бошқа мамлакатларидан фарқ этувчи ўзига хослиги - иқтисодий ислоҳотларнинг тадрижий характери ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликни сақлаб қолинганлигидадир. Ислоҳотларнинг дастлабки йилларида ҳукуматнинг асосий кучи бозор иқтисодиётининг меъёрий-хуқуқий базаси ва институционал асосларини яратишга сафарбар этилди, давлат бошқарув органларининг вазифалари тубдан ўзгартирилди ва кичик ҳамда хусусий бизнесни ривожлантириш учун барча шароитлар яратиб берилди.

II босқич. Ташкилий-хуқуқий базанинг яратилиши, давлатнинг тузилмавий-инвестиция сиёсатини ўтказишдаги иштироки, бозор ислоҳотларининг босқичма-босқичлиги. Ўзбекистонда бир вақтда учта йирик ва мураккаб муаммо ҳал этилди. Бу - иқтисодиётда институционал ва тузилмавий қайта қуришлар макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш (1996-2000 йиллар).

III босқич. Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш (2001 йилдан ҳозиргача). Бу босқич бошқаларидан, энг аввало, валюта бозорини эркинлаштириш ва солиқ жараёнларининг камайтирилиши бўйича ташланган катта қадамлари билан ажralиб туради.

Бунда товарлар экспорти ва импорти билан шуғулланувчи тадбиркорларни қайд қилиш тадбирларининг соддалаштирилиши; Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигига импорт бўйича битимларни аввалдан рўйхатдан ўтказиш тадбирининг бекор қилиниши; рақобатбардош тайёр истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи, хорижий инвестициялар киритилган, қўшимча қиймат солиғидан ташқари бюджетга ажратиладиган барча турдаги солиқ ва тўловлардан озод қилинган корхоналарнинг ишлаб чиқаришини рағбатлантириш бўйича қўшимча тадбирларнинг қабул қилиниши; турли операциялар ва ахборот алмашинуви яго-на электрон тизимининг яратилиши айниқса муҳим.

15.2. Иқтисодиётдаги интеграция жараёнларининг мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигига таъсири.

Иқтисодий интеграция товарлар савдосини эркинлаштиришдан бошланиб, учинчи мамлакатларга нисбатан умумий божхона тарифларини яратишни ҳам ўз ичига олади, шунингдек, ишлаб чиқариш омилларининг давлатларо эркин ҳаракати билан тўлдирилган ҳолда макроиктисодий сиёсатни бир хиллаштириш ва давлатлар устидан бошқарув органларини яратиш билан тугалланади. Интеграция бирлашмалари сонининг тез суръатларда ўсишига қарамай, уларнинг аксари қисми ташкил топишнинг бошланғич босқичлари дадир.

МДҲ мамлакатларида шўъба корхоналарининг очилиши фаол тарзда сотиш талаб этиладиган товарлар савдосини кенгайтириш, шартномалар бўйича ўз вақтида ва тўлиқ равища етказиб берилган товарлар учун хеч бир тўсиқсиз ҳисоб-китоб қилиш муаммоларини ҳал этишга имкон яратади.

Саноат-техник аҳамиятдаги маҳсулотлар бўйича ТМКни машинасозлик маҳсулотлари, шунингдек, мураккаб ассортиментдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда филиалларнинг рентабеллигини белгилаш учун МДҲнинг мос мамлакатларида сотиладиган ресурслар ҳажмини аниқлаб олиш талаб этилади.

ТМК ҳукукий ҳолатини белгилашда БМТ томонидан ТМК ва ҳукуматлар ўртасидаги муносабатлар мажмуасини тартибга солиб турувчи хужжатлар ишлаб чиқилишини ҳам эътиборга олиш тақозо этилади. Уларда барча давлатлар учун очиқ бўлган глобал механизм, яъни ўзига хос тартиблар мажмуасини яратиш кўзда тутилади. Хусусан, у ТМКнинг қуидаги тамойил, мақсад ва вазифаларини назарда тутади:

- миллий суверенитетни тўлиқ ҳурмат қилиш;
- давлатларнинг табиий ресурслари, моддий бой-ликлари ва иқтисодий фаолияти устидан ажralmas суверенитети;
- ички ва ҳукуматлараро муносабатларга аралашмаслик;

- давлатнинг ТМК фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, фойдани тақсимлашда қатнашиш ва худудида жойлашган хорижий мулкни миллийлаштириш ҳуқуқи;

- халқаро ҳуқуқдан фойдаланиш, адолатли тартиб ва қонуний фаолиятни ҳимоя қилиш. Миллий тартиб ривожланиш соҳасидаги миллий иқтисодий режа ва мақсадларга мос келган тақдирда ТМКга ҳавола этилади.

Фан-техника тараққиёти омилларининг қиёсий таҳлили жаҳон тажрибасидан ўтган ривожланиш моделларида асосий фарқ қилувчи омилларни аниқлашга имкон беради. Бу бир томондан, фан, таълим ва кўп илм талаб қилувчи тармоқларни ривожлантиришга асосланган динамик ўсишдир. Урушдан кейинги даврларда бу Япония ва Германияда, 80-йилларда Жанубий-Шарқий Осиёнинг янги индустрисал мамлакатларида кузатилган. Бошқа тарафдан, мазкур даврда мақбул инновация муҳитини яратса олмаган, фан ва таълим тизимлари таназзулига олиб келган инфляция ўсиши Лотин Америкаси мамлакатлари учун хос бўлган. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг глобаллашуви шароитида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Глобаллашув даврида очиқ иқтисодиётга эга мамлакатларнинг ривожланиши халқаро иқтисодий муносабатларнинг турли шаклларидан фойдаланишининг интенсивлигига боғлиқ бўлиб, халқаро иқтисодий муносабатларнинг ҳар бир йўналиши мамлакат рақобатбардошлигини таъминлашда алоҳида ўрин эгаллайди. Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида халқаро даражадаги рақобат муҳитига мослашиш ва рақобатбардошликни таъминлаш жараёни ҳар бир мамлакат иқтисодиёти олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада мамлакатимиз иқтисодиёти олдида турган муаммоларни тизимли асосда бартараф этиш муҳим устувор аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қўйидагича тўхталиб ўтган эди: «Бугун биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшамоқдамиз. Дунё

миқёсида манфаатлар кураши, рақобат тобора авж олиб, халқаро вазият кескинлашиб бормоқда. Биз келгуси йил учун амалий режалар тузар эканмиз, халқаро майдондаги ана шундай мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда, тараққиётимизнинг устувор йўналишларини аниқ-равшан белгилаб олишимиз зарур.

Юқоридаги ҳолатлар миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг товар ва хизматлар, корхоналар, тармоқлар, худудлар ва мамлакат даражасидаги омилларидан самарали фойдаланишга доир муаммоларни тизимли тартибда ўрганиш тадқиқ этиш масаласини долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг рақобатбардошлик муаммоси, мамлакатнинг стратегик жиҳатларини ишлаб чиқиш учун етарли даражада аниқ англаб етилмаган. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ривожланган мамлакатларнинг макродаражадаги иқтисодий сиёсатининг асосий муаммоси хисобланади. Бунда мамлакатларнинг рақобатбардошлик мезони тизим ривожланишининг макро- ва микроиқтисодий даражалари нуқтаи назаридан шаклланади. Агар, биринчи ҳолатда, у мамлакатнинг макроиқтисодий доираси, унинг технологик ва институционал ривожланишига тааллуқли бўлса, микроиқтисодий ёндашув нуқтаи назардан эса миллий компанияларнинг фаолияти ва стратегияси ҳамда миллий бизнес-мухит сифати баҳоланади.

15.3. Глобаллашув ва Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувининг боғлиқлиги.

Замонавий глобаллашув жараёни аввалги интеграция жараёнларидан маълум қадар фарқ қиласди. Энг аввало, бу жуда қўп мамлакатларнинг савдо, молия, инвестиция ва ахборотлар учун ўз чегараларини очишида кўринади. Нафакат ривожланган мамлакатлар, балки ривожланаётган мамлакатлар ҳам ўз иқтисодиётларида умумжаҳон тамойилларига мувофиқ равиш-да ислоҳотлар ўтказмоқдалар.

Замонавий ахборот технологиялари ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида жисмоний муносабатлар заруриятини камайтирди ва аввал халқаро бозорларда сотишнинг иложи бўлмаган баъзи хизматларни савдо объектига айлантиришга имкон берди. Бунда товар ва хизматлар айланмаси бўйича харажатлар анча қисқарди.

Замонавий дунёда мамлакатларнинг тутган ўрни, бугунги кунда, энг аввало инсон капиталининг сифати, таълим ҳолати ва ишлаб чиқаришда фан ва техникадан фойдаланиш даражаси билан белгиланади. Ишчи кучи ва хом ашё ресурсларининг сероблиги хозиги кунда рақобат афзаллиги сифатида кўрилмайди, чунки маҳсулот таннархининг яратилишида бу омилларнинг улуши камайиб бормовда.

Инвестиция жараёнлари ва ҳодисаларининг ўсиб бораётган ўзаро боғлиқлиги сифатида эътироф этиладиган глобаллашув натижасида, нафақат ўзаро, балки давлат билан тенг асосларда биргаликда харакат қилувчи жаҳон капитали, халқаро корпорациялар, халқаро инвестиция институтлари, трансмиллий бошқарув тузилмалари босими остида секинаста миллий давлат суверенитети емирилиб боради. Глобаллашувнинг бу жиҳати мазкур жараённинг ҳозирги замон босқичи учун айниқса хос.

Нафақат ривожланиш даражаси, балки жаҳон хўжалиги ва халқаро меҳнат тақсимотига (ХМТ) жалб этилганлик даражаси бўйича хам турлича бўлган тизимларнинг ўзаро таъсири жаҳон хўжалигининг энг муҳим муаммоси хисобланади. Ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётининг ўзига хос хусусияти - интеграция, бунинг устига умумий, яъни капитал, ишлаб чиқариш, меҳнат интеграцияси.

Сўнгги йилларда интеграция янги мамлакат ва минтақаларни қамраб олди ва қўйидаги йўналишлар бўйича ривожланмоқда:

- ишлаб чиқариш кучларининг байналмилаллашуви;
- халқаро меҳнат тақсимотининг байналмилаллашуви;
- моддийлашган товарлар бўйича анъанавий халқаро савдо хусусиятининг сифат ўзгариши ва кўламининг кенгайиши;

- турли мамлакатларда иқтисодий фаолиятнинг чатишиб кетиши ва ўзаро боғлиқлигини таъминловчи молиявий ва ишлаб чиқариш ресурсларининг халқаро миқёсда кўчиб юриши;
- хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши;
- илмий-техник билимлар билан халқаро алмашинув;
- ишчи кучининг халқаро миграцияси;
- замон талабларидағи глобал муаммолар (табиатни мухофаза қилиш, Дунё океани, космосни ўзлаштириш, ривожланаётган мамлакатларнинг оч ахолисига ёрдам кўрсатиш ва бошқалар)ни ҳал этишга йўналтирилган халқаро ҳамкорлик.

Интеграция иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича яқин бўлган миллий хўжаликларнинг барқарор иқтисодий муносабатлари ва меҳнат тақсимоти ривожланишининг объектив жараёнидир. Ташқи иқтисодий айирбошлиш ва ишлаб чиқариш соҳасини қамраб олган холда, у миллий хўжаликларнинг зич чатишиб кетиши, минтақавий хўжалик мажмуаларининг яратилишига олиб келади.

Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг зарурияти бозор муносабатлари ривожланишининг замонавий босқичида рақобат курашининг кескинлашуви, асосан хом-ашё экспортига қаратилган стратегияиниг жиддий чекланиши орқали юзага келади. Тайёр маҳсулот ва хизматларни халқаро бозорларга олиб чиқиш жараёни иқтисодиётда жиддий таркибий ўзгартиришларга асосланган инновацион ва илмий-техник омилларни З ўзлаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг амалдаги босқичи замонавий бозор муносабатларини шакллантириш орқали глобализацион иқтисодий тизимнинг турли поғоналарида рақбобатбардошликтининг юқори даражасини таъминлаш муаммосини долзарблаштиради. Иқтисодиёт ва унинг тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ушбу тармоқларда ишлаб чиқаришни диверсификациялашга олиб келади, пировардида мамлакат, корхона ва маҳсулотнинг ички ва ташқи бозордаги

рақобатбардошлиги таъсирида аҳолининг иш билан бандлиги ортади, унинг турмуш даражаси юксалади ҳамда мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланади. Мамлакатда амал қиласиган иқтисодий тизим ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш омилларидан саамарали фойдаланиш имкониятларини шакллантириш учун хизмат қиласи. Шу сабабли, ривожланган, ривожланаётган, қолоқ мамлакатлар иқтисодиёти учун рақобатбардошликини таъминлаш омиллари турли аҳамият касб этади. Ушбу жараённи қуидаги гурухлаш орқали кўриш мумкин:

I. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида рақобатбардошликини таъминлаш омиллари:

- техник ва технологик тараққиётнинг юқори даражаси;
- ишлаб чиқариш жараёнининг илмий ва инновацион ривожланиши;
- аҳолининг саводхонлик ва саломатлик даражасининг юқори суръатлари;
- иқтисодий фаолият субъектларининг ахборот-коммуникация тизими орқали юқори интеграциялашуви;
- бозор инфратузиласининг сифати ва самарадорлик даражасининг юқорилиги;
- ички бозор сифимининг юқори даражаси;
- қулай инвестицион ва инновацион муҳитнинг юқори суръатлари ва бошқалар.

II. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида рақобатбардош-ликни таъминлаш омиллари:

- ишчи кучи сурътининг юқори даражаси;
- капитал самарадорлигининг юқори суръати;
- табиий ресурс салоҳиятини юқори даражада ўзлаштирилиши;
- меҳнат сифими ва самарадорлигининг ортиб бориши;
- иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида юқори ўсиш суръатларининг техник ва технологик тараққиёт даражасига боғлиқлиги;

- инвестицион мухитнинг юқори даражаси ва бошқалар.

П. Қолоқ мамлакатларда рақобатбардошликни таъминлаш омиллари:

- меҳнат ресурсларининг юқори даражаси;

- ўзлаштирилмаган табиий ресурс салоҳияти ва бошқалар.

4 Юқоридагилар билан бир қаторда миллий иқтисодиёт рақобатбардош- лигининг ортиши қуидаги шарт-шароитларни тақозо этади:

- миллий иқтисодиётининг очиқлик даражаси;

- экспорт диверсификацияси;

- макроиктисодий ва сиёсий барқарорлик ҳолати;

- ишбилиармонлик мухитини;

- иқтисодий фаолият субъектларининг бозор кучлари таъсири остидаги хатти-ҳаракати ва бошқалар.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш шарт-шароитларини яратиш ва омилларидан самарали фойдаланишга юқори даражада эътибор қаратилингандиги сабабли, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш суръати кескин ортди. 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 107333,0 млрд. сўм, (доллар эквивалентида 13,3 млрд. АҚШ долл.) ёки 2017 йилга нисбатан 118,1 фоиз асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди. Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2017 йилга нисбатан 159,9 фоиз ёки 34448,4 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 32,1 фоизи ёки ўтган йилдаги кўрсаткичига нисбатан 8,6 фоиз пунктга кўп) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, мос равища, марказлаш- маган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 72884,6 млрд. сўм ёки 105,3 фоизни ташкил этди .

Мамлакатимизнинг экспортга йўналтирилган устивор тармоқларини эркинлаштириш ва модернизациялашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида экспорт таркибида сезиларли сифат ўзгаришлари рўй берди. Шунинг билан бир қаторда жаҳон бозори конюнктурасига мос равища

таклиф ҳажмининг билдирилиши, рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар тизимининг муттасил амал қилиши, экспортга йўналтирилган тармоқларда эркин нархлар тизимининг жорий этилиши каби бир қатор ҳолатлар экспортни диверсификация қилишга кенг кўламли имконият яратди

Халқаро иқтисодий интеграция (ХИИ) - алоҳида миллий хўжаликлар ўртасидаги барқарор ўзаро муносабатларнинг чукур ривожланиши ва меҳнат тақси-мотига асосланган равишда мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий бирлашиши, улар иқтисодиётининг турли даражада ва турли соҳаларда биргаликда фаолият кўрсатиш жараёнидир..

Ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётида иккита асосий йўналиш мавжуд:

1. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши, савдони эркинлаштириш, замонавий коммуникация ва ахборот тизимларининг, жаҳон техник стандарт ва меъёрларининг яратилиши натижа-сида жаҳон хўжалигининг яхлитлашуви, глобаллашувининг кучайиши.

2. Минтақавий даражада мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий яқинлашуви ва фаолияти, жаҳон хўжалигининг нисбатан мустақил марказларини яратиш йўналишида ривожланаётган йирик минтақавий интеграция тузилмаларининг шаклланиши.

Жаҳон хўжалик тизими доирасида интеграция, савдони янада эркинлаштириш йўлидаги қадам ёки, аксинча, савдо оқимлари йўлидаги чеклашлардан иборат бўлиб қолмаётганлиги нуқтаи назаридан баҳоланиши керак. Замонавий жаҳон хўжалиги жуда хилма-хил. Унинг таркибига ўзининг ижтимоий тузилмаси, сиёсий таркиби, ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатларининг ривожланганлик даражаси, шунингдек, иқтисодий муносабатларнинг кўламлари ва усуслари, шунингдек, хусусиятлари билан фарқ қилувчи давлатлар киради.

Шунга боғлиқ равишида, глобал жараёнлар билан бирга кузатиладиган барқарор ривожланиш иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг

мамлакат ичида, давлатлараро ва халқаро даражалардаги янги қирраларини шакллантиришни мақсад қилиб қўяди. Шу сабабли, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш шароитларида рақобатбардошлик ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг барқарорлиги масалалари миллий хўжалик юритиш назарияси ва амалиётида энг муҳим ўринни эгаллайди.

15.4. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги замон ёндашувлари

Ҳар қандай иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари ва тарихий ривожланиш босқичлари мавжуд бўлиб, бу жараёнлар иқтисодиётнинг муайян бир ҳолатини белгилаб беради. Ривожланаётган мамлакатларда ҳам иқтисодий соҳалар фаолиятини тубдан қайта қуриб чиқиши мақсадида иқтисодий эркинлик даражаси масалаларига асосий эътибор қаратилади ва иқтисодиётни эркинлаштириш борасида турли тадбирларни амалга оширишга йўл тутилади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш – бу иқтисодиётга давлатнинг тўғридан-тўғри аралашуви даражасини пасайтириш ҳисобланади. Бунинг учун, энг аввало, давлатга қарашли бўлган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш соҳасидаги чекловларни камайтириб бориш, солиқ юкини пасайтириш, савдо-сотиқ эркинлигини кенгайтириш, даромадлар бозорга хос қоидалар асосида тақсимланишига эришиш, эркин нархларга ўтиш, ташқи иқтисодий фаолиятга эркинлик бериш кабиларни талаб этилади.

Эркинлаштириш жараёнининг моҳияти унинг вазифалари орқали янада тўлароқ намоён бўлади. Бу жараёнда асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектлар эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилади. Чунки иқтисодий манфаатдорлик ва соғлом рақобат каби бозор дастаклари таъсири остида ҳаракат қилувчи хўжалик субъективининг фаолияти фақат муайян эркинлик ва мустақилликлар таъминланган шароитдагина самарали бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш янги корхоналарнинг бозорда эркин пайдо бўлишини, янги фирмалар рўйхатга олинишининг соддалиги ва енгиллигини, янги фирмалар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг маҳаллий ва хорижий бозорларда эркин ҳаракат қилишини, хомашё етказиб берувчилар ва мижозлар эркин танланишини тақозо қиласди.

Иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатлари амал қилишининг зарурый шартидир. Чунки бозор иқтисодиётининг муҳим тамойиллари тўлиқ амал қилиши учун иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш талаб этилади. Иқтисодиётнинг эркинлиги бир қатор муҳим сифат белгиларига эга. Улардан энг асосийси товар ишлаб чиқарувчи нима ишлаб чиқаришни, бунинг учун қандай технологиядан фойдаланишни ва кимга сотишни ўзи мустақил равишда белгилашидир. Шунингдек, яратилган маҳсулот ёки хизмат турини танлаш, харид қилиш ёки хизмат қилиш ёки қилмаслигини харидор ҳам ихтиёрий ва мустақил равишда ўзи белгилайди. Шунингдек, товар айирбошлиш, яъни олди-сотди қилиш муқобилликларига эга бўлади. Шу боис, бозорга чиқарилган товарни олди-сотди қилиш сотувчи билан харидорнинг эркин ва ихтиёрий муносабатига асосланади, уни чеклаш ва тақиқлаш моҳиятан бозор муносабатларининг ривожланишига тўсқинлик қиласди.

Бозор иқтисодиёти иқтисодий якка ҳокимликни инкор қилиб, товар ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва харидорларнинг эркин ўзаро рақобатини тақозо этади. Бозорда ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи, яъни харидор ўз шартини қўяди. Товар эгалари, сотувчилар уни сотиш орқали харидорни ўзига қаратишга интилади. Ишлаб чиқарувчилар бозорга кишилар эҳтиёжини қондириш ва фойда олиш учун зарур миқдор ва турда товар ҳамда хизматларни сотишлари лозим бўлади.

Бозор бир-бирининг ўрнини босадиган ва тўлдирадиган товарларга тўла бўлганлиги сабабли харидорлар танлаш эркинлигига эгадирлар. Товарларни айирбошлиш, олди-сотди, албатта, пул воситаси орқали юз бериши керак.

Олди-сотди эса эркин ва рақобат асосида ташкил топган нархлар орқали олиб борилади. Бозорда нимага талаб ошиб борса, шу тармоқ кенгайиб боради. Товарни ишлаб чиқариш ва олди-сотди жараёнлари бозор ҳамда давлатнинг иқтисодиётни тартиблаш воситалари орқали тартибга солинади. Давлат бозор механизмининг, яъни қиймат, талаб ва таклиф, пул муомаласи қонунларининг амал қилиши натижасида вужудга келадиган нохушликларининг салбий таъсирини камайтириш ва уларнинг амал қилишлари учун тегишли шароитлар яратиш, бозор муносабатлари доирасида ишлаб чиқариш мумкин бўлмаган ижтимоий неъматларни ишлаб чиқариш вазифаларини бажаради. Лекин давлатнинг фаолият доираси ва иқтисодиётга аралашуви чекланган бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ҳаётнинг эркинлиги бозор қонунларининг эркин амал қилишида, иқтисодий фаолият ва танлаш эркинлигининг мавжудлигига, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви чекланганлигига ва асосан билвосита, яъни иқтисодий воситалардан фойдаланган ҳолда иқтисодиётни тартиблаш шароитларида ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш бозор иқтисодий қонунларининг, иқтисодий фаолиятнинг ва танлаш эркинликларининг амал қилиши учун шарт-шароитлар яратиш орқали хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш ҳамда уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг аралашувини зарурат даражасида чеклашни англатади. Эркинлаштириш нафақат бозор муносабатлари субъектларининг ҳукуқ ва ваколатларини кенгайтиришни, шу билан бирга, уларнинг ўз фаолиятлари учун иқтисодий, молиявий ва маъмурий масъулиятини оширишни ҳам ифодалайди.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали янада

эркинлаштиришга йўналтирилган. Ўтиш даврида тартибга солинадиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти босқичма-босқич шакллантирилмоқда. Бунинг натижасида давлатнинг иқтисодиётдаги улуши камайиб, нодавлат сектор салмоғи ортиб бормоқда. Аммо ҳали ҳам хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик фаолиятларининг эркин ривожланишига тўсиқлар ва давлатнинг иқтисодиётга маъмурий йўл билан аралашувининг кўламлари кенглигича қолмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг моҳиятини очиб беришда унинг ўзига хос объектив мавжудлигини кўриб чиқиш лозим бўлади. Иқтисодий эркинлик кишилик жамиятига хос белги бўлиб, унинг ҳар бир даврга мос даражаси мавжуд. Иқтисодий эркинликнинг икки жиҳати мавжудлигига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Умумиқтисодий жиҳати, яъни иқтисодий мустақил бўлиш кишилик жамиятининг ҳамма босқичлари ва бўғинларига хос ҳодиса ҳисобланади.
2. Иқтисодий жиҳати, яъни яшаш учун, истеъмолни тўлароқ қондириш учун иқтисодий неъматларга кўпроқ эгалик қилишнинг объектив тарзда мавжудлиги.

Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ўзи иқтисодий тизим эркинлигини изоҳловчи тушунча ҳисобланади. Унинг моҳиятини очиб бериш учун иқтисодий эркинликнинг бош мезонлари нималардан иборат эканлигини аниқлаб олишимиз керак бўлади. Бу мезонларнинг иқтисодиётда амал қилишини ва турли соҳаларга тадбиқан ўзига хос хусусиятларини очиб бериш иқтисодиётни эркинлаштириш жиҳатларига баҳо бериш имконини яратади. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий эркинлик мезонлари, улар мазмуни қуйидагилардан иборат:

1. Хусусий мулкчилик ва иқтисодиётда хусусий секторнинг устуворлиги. Бу бош мезон, чунки мулки йўқ субъект мустақил бўла олмайди, эркин фаолият юргиза олмайди. Мулксизлик иқтисодий ташаббусни заифлаштиради ва иқтисодий хатти-ҳаракатлар чекланишига сабаб бўлади.

Оқибатда иқтисодий фаоллик бўлмай, иқтисодий тушкунлик келиб чиқишига олиб келади. Мулкдор бўлиш эса мулк сохибининг манфаатини юзага чиқаришга интилиш, иқтисодий фаолликни юзага келтиради. Мулкий мустақилликни индивидуал хусусий мулк билан чеклаб бўлмайди, чунки мулкий таркибнинг муҳим бўғини корпоратив хусусий мулк ҳам ҳисобланади. Хусусий сектор ўзгалар мулкини ижарага олиш асосида ҳам ривожланиши мумкин. Шу боис, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги ҳиссаси унинг ресурсларга эгалик қилишдаги ҳиссасидан юқори бўлади.

2. Иқтисодиётнинг монополлашув даражаси. Монополиялар бозор иқтисодиёти ривожининг табиий маҳсули, лекин уларнинг фаолияти эркинликни чеклайди. Монопол рақобат шароитида эркинлик камроқ чекланса, соф монополия шароитида чекланиш миқёси анча кенг бўлади. Монополлашув даражаси, монополияларни, жумладан, табиий монополияларнинг товар ва хизматлар яратиш ва уларни сотищдаги ҳиссаси белгилайди, аммо ҳиссанинг ўзи кифоя этмайди, чунки энг муҳими монополиянинг нарх белгилашга таъсир эта олишидир. Шу жиҳатдан қаралганда, эркинлик даражасини монопол ҳокимиятнинг нақадар тарқалганлиги орқали ҳам аниқлаш мумкин.

3. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви даражаси. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви мезони шундайки, бу иш бозор механизмининг эркин амал қилишига халақит бермаслиги талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, эркинлик жиддий чекланади. Давлатнинг иқтисодиётдаги мавқеини икки омил тавсифлайди: биринчиси, давлат секторининг ЯИМни яратишдаги ҳиссаси, иккинчиси, давлат истеъмолининг ЯИМдаги ҳиссаси. Иккинчи кўрсаткич биринчисидан юқори бўлади. Давлат истеъмоли эркинликнинг якуний кўрсаткичи эмас, чунки у нисбатан юқори бўлгани ҳолда эркинлик кучли бўлиши мумкин ва буни давлатнинг ижтимоий вазифалари изоҳлаб беради.

4. Нарх-наво эркинлиги. Нарх – бозор механизмининг асосий воситаси. Унинг қандай шаклланишига қараб эркинликни тавсифлаш мумкин. Эркинлик талабига мукаммал рақобатли бозордаги нархлар мос тушади, чунки улар эркин равишда ҳеч бир тазиғиз талаб ва таклифга қараб шаклланади. Монопол нархлар, жумладан, давлатнинг монопсония нархлари бозор эркинлигини чеклайди. Аммо давлатнинг ҳар қандай харид нархлари эркинликка зид деб бўлмайди. Агар давлат нархи бозордаги талаб ва таклиф таъсирига берилиб шаклланса, у эркинликни чекламайди. Давлат нархлари монопол, айниқса, монопсония нархи шаклига кирганда, эркинлик доираси тораяди.

5. Ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги. Бу иқтисодиёт субъектларининг эндоген муносабатлар қуришдаги мустақиллигини англатади. Эркин иқтисодий тизимда бу муносабатлар йўлидаги маъмурий тўсиқлар минимумга келтирилади, улар иқтисодий хавфсизликни таъминлаш даражасида сақланиб қолади. Эркинликнинг мазкур жиҳатини лицензия ва квоталарнинг оз ёки кўплиги, божхона тўловларининг экспорт ва импортдаги хиссаси белгилайди.

6. Даромад топиш эркинлиги. Эркин иқтисодий тизимнинг белгиси – бу субъектлар (фирма, хўжалик, ташкилот ва бошқалар) учун қонуний йўл билан даромад топишдаги чекланишларнинг бўлмаслиги. Бу тизимда даромадларнинг юқори чегараси бўлмайди, бой бўлиш тақиқланмайди, аммо камбағалларнинг кўпайишига ҳам йўл берилмайди. Даромад топиш эркинлиги иқтисодиётнинг ижтимоий йўналиши кучли бўлишини ҳам таъминлаши керак.

**Эркин иқтисодиёт асосида ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий
эркинликни тавсифловчи қўрсаткичлар³⁹**

T /p	Кўрсаткичлар	Кўрсаткични нг тавсифи	Иқтисодиётнинг эркинлик даражасини изоҳловчи белгилар
1.	Ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг улуши	Микдор	80-90 фоиз
2.	Хўжалик юритувчи субъектларнинг хукуқлари ва эркинлиги	Сифат	Мустақил эркинликлари кафолатланган
3.	Ички хўжалик муносабатлари ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бозор қоидаларига мослиги	Сифат	Бозор тамойилларига асосланади
4.	Тадбиркорлар томонидан нақд пул маблағларининг эркин тасарруф этилиши	Сифат	Эркин тасарруф этилади
5.	Тадбиркорлик фаолиятининг бозор инфратузилмалари билан таъминланганлиги	Сифат	Хизматлар тўлиқ таъминланади
6.	Ресурсларга эга бўлишда рақобатнинг амал қилиш даражаси	Сифат	Соғлом рақобат мухити мавжуд
7.	Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесда банд бўлганлар улуши	Микдор	65-70 фоиз
8.	Хусусий тадбиркорлар ва	Микдор	40-50 фоиз

³⁹ Портер М. Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран. М.: /пер. с анг. – Международные отношения, 2008,

	кичик бизнес субъектларининг мамлакат экспортидаги улуши		
9.	Нархларнинг шаклланиши	Сифат	Нарх бозорда шаклланади ва бозор томонидан тартибга солинади
10.	Корхона ташкил этиш, фаолият турига рухсат бериш	Сифат	Жараён ўта соддалаштирилган
11.	Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш	Сифат	Молиялаш тизими барқарор ва кредит олиш механизми соддалаштирилган

1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, иқтисодиётни эркинлаштиришда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларининг иқтисодиётдаги улуши салмоқли ҳиссани ташкил этиши керак. Демак, иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва унинг иқтисодиётдаги таъсири ҳал қилувчи поғонага чиқишига олиб келиши шарт.

Иқтисодий эркинлик, энг аввало, мулк шаклларининг турли-туманлиги билан боғлиқdir. Мулкий плюрализм хўжалик юритиш шаклларининг хилма-хиллигини таъминлайди. Даромад топишда мулкнинг иштироки, унинг моддий ёки меҳнат шаклларидан қатъи назар, бозор талаби доирасида амал қилиб боради. Бунда, бир томондан, иқтисодиёт субъектларининг ўзаро ҳамкорлигига муроса юзага чиқса, иккинчи томондан, максимум даромадга эга бўлиш борасида рақобат келиб чиқади. Оқибатда ресурслар сарфига ва унинг натижасига биноан иқтисодий фаолият натижаси юзага чиқади.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Ё.Абдуллаев жамиятни эркинлаштиришни тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиши

бўйича ўз тавсияларини берган. Унинг фикрича, “либерализация” тушунчаси нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки жамиятдаги сиёсий жараёнларни ҳам ўз ичига олади. Олим “либерализация” тушунчасининг миқдорий ифодаси жамият эркинлиги индекси орқали ифодаланишини қўрсатиб ўтади. Бундан эркинлаштириш даражаси ҳам бир қатор омиллар таъсирида бўлишини, хусусан, иқтисодиётни эркинлаштириш кўрсаткичига, ижтимоий фаровонликка ва мамлакатдаги сиёсий тизимга ҳам боғлиқлигини кўриш мумкин.

Хулоса қилиш мумкинки, миллий иқтисодиётдаги эркинлаштириш кўрсаткичлари жамият ижтимоий-иқтисодий омилларга, тизим шароитига ва мамлакатда ҳукм сураётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга ҳам бевосита боғлик бўлади.

Хуллас, иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва иқтисодий эркинлик куйидагиларнинг таъсирида бўлади:

- хусусий мулк мавқеи ва таъсир доирасининг ортиб бориши унинг иқтисодиётда етакчи кучга айланишини таъминлайди;
- кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши ҳисобига иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун объектив иқтисодий вазият ва механизм яратилиб борилади;
- қўчмас мулк олди-сотди муносабатларининг авж олиши ҳисобига жамиятда мукдорлар синфининг таркибий қисми сифат жиҳатдан ўзгариб боради ва мулкий табақаланишнинг янги ҳолати шакланади;
- миллий ва хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига жалб қилиниши реал шаклда амалга оширилиши учун моддий имкониятлар кенгайиши кузатилади;
- мамлакатда экспорт ўрнини қопловчи ишлаб чиқариш таркибининг шаклланиши ва амал қилиши бозор турларининг янада ривожланишига ҳамда улар ихтисослашувининг кучайишига олиб келади;

- ишлаб чиқарувчиларнинг бозор талаби доирасида кучли табақалашуви соғлом рақобат муҳитининг қарор топишини таъминлайди;
- мамлакатнинг экспорт салоҳияти ва қудрати ортиши натижасида унинг жаҳон бозоридаги таъсири кучайиб боради.

Юқорида таъкидланган ижобий ўзгаришларни амалга ошириш иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида босқичма-босқич таъминланади. Иқтисодий эркинлик иқтисоднинг ривож топишига ва иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Давлатнинг бундаги роли, албатта, эркинлик тамойилларига асосланган ҳолда иқтисодиётни тартибга солувчи бевосита, билвосита ва маъмурий усуллар орқали иқтисодий ўсишга замин яратиш ҳисобланади.

ГЛОССАРИЙЛАР

Атамаларнинг ўзбек тилида номланиши	Атамаларнинг инглиз тилида номланиши	Атамаларнинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Аванс	Prepaid expense	Аванс	бирор иш эвазига кейинчалик ҳисоб-китоб қилиш шарти билан олдиндан бериладиган пул, маҳсулот, озиқ-овқат ва х.к.
Агентлик операциялари	agency operations	Агентские операции	бир томоннинг топшириғи билан келишилган худудда иккинчи (агент) томон амалга оширадиган олдисотди билан боғлиқ бўлган амалий ва ҳукуқий ҳаракатлар.
Антимонопол қонунчилик	Antitrust	Антимонопольн ые законы	иктисодиётда якка ҳукмонлик мақеига эга бўлган бирор бир фаолият турига қарши давлатнинг кураш сиёсатидан иборат.
Асосий капитал	Main capital	Основной капитал	ишлаб чиқариш жараёнида бир неча йил давомида иштирок этувчи ва ўз қийматини тайёрланадиган маҳсулотга қисман ўтказиб борувчи меҳнат воситаларидир
Айланма капитал	Working capital	Оборотный капитал	. хом ашё материаллар, энергетика ресурсларида моддийлашган ва бир ишлаб чиқариш циклида сарфланувчи, ўз қийматини тайёрланган маҳсулотга тўлиқ кўчирувчи капитал.
Аукцион	Auction	Аукцион	«ким ошди» савдоси, очик савдо қилиш. бу савдо давомида маҳсулотни энг юқори нарх бўйича кўтарган харидор сотиб олади.
Биржа котировкаси -	Stock quotes	Биржевые котировки	биржалар орқали сотиладиган маҳсулотлар баҳоси. хар бир

			<p>биржа уларни маълум тизимга солади ва чоп этади.</p> <p>одатда, бк эрталабки ва кечки савдо (биржа сессияси) бошланишига ва тугашига мўлжаллаб чоп этилади.</p>
Бозор сегменти.	Market segmentation	Сегментация рынка	бозорда савдо-сотикнинг шартшароитига қараб кўпгина бўғинларга ажратишидир
Бозор конъюктураси	market conditions	Конъюнктура рынка	айрим бозорларда муайян холатларнинг мавжудлиги. бозор конъюктураси муайян даврдаги бозор ҳолати, бозорда мувозанатнинг мавжудлиги ёки бузилганлиги билан характерланади
Девальвация	Devaluation	Девальвация	мамлакат савдо тўлов балансининг кескин ёмонлашуви, валюта резервининг ҳолдан тойиши, халқаро валюта бозорида миллий валюта курсининг пасайиши билан боғлиқ ҳолда миллий пул бирлиги қийматининг расмий равишда пасайтирилиши.
Дивиденд	Dividend	Дивиденд	акционер, акция эгасининг даромади ; акционерлик жамияти фойдасининг бир қисми.
Дотация	subsidy	Дотация	ташкилот, корхоналарга давлат томонидан бериладиган ёрдам пули, моддий ёрдам, қўшимча тўлов. асосан зарарни қоплаш ва бошқа мақсадлар учун ишлатилади.
Интеграция	Integration	Интеграция	мустақил хўжалик фаолиятининг миллий, минтақа ва халқаро миқёсда ўзаро қўшилиб яхлит хўжалик тизимини ташкил этиши.

Инновация	Innovation	Инновация	янгиликни жорий қилиш, фан-техника ютуқларини бошқариш ва ташкил қилиш соҳасидаги янгиликлар мажмуи.
Истеъмол савати	Consumer basket	Потребительская корзина	муайян озиқ-овқат, саноат моллари ва хизматларнинг тирикчиликни таъминлаш учун етарли бўлган миқдори.
Иш кучининг халқаро миграцияси	International labor migration	Международная миграция рабочий силы	мехнат ресурсларининг анча қўлай шароитда иш билан таъминланиши мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтишини билдиради.
Ипотека	Mortgage	Ипотека	қарз, кредит олиш учун бирор-бир муайян кўчмас мулкни (ер, иморат ва ҳоказо) гаровга қўйиш.
Иқтисодий ресурслар	economic resources	Экономические ресурсы	табиий, инсоний, моддий, молиявий ва интеллектуал ресурслардан иборат.
Калькуляция	calculation	Калькуляция	маҳсулотнинг ўлчов бирлигини ёки бажарилган ишнинг таннархини хисоблаш.
Клиринг	Clearing.	Клиринг	тозалаш, равшанлаштириш)-ўзаро талаб ва мажбуриятларни хисобга олиб, амалга ошириладиган нақд пулсизхисоб-китоб тизими. мамлакат ичидағи к. банклар ўртасидаги тўловларни, нақд пулсиз хисоб-китобларни ўз ичига олади. халқаро хисоб-китобларда к. келишувлар (клиринг келишувлари, валюта к.) кўринишида амалга оширилади. давлатларапо ўзаро қарзларини тилла ва валютага ўтказмасдан

			савдо-сотиқ талабларига кўра амалга оширадилар. масалан, пахта толаси ўрнига унинг қийматига тенг миқдорда машина, асбоб-ускуна олиш.
Консорциум	Consortiu m	Консорциум	корхоналарнинг вақтинча ташкил этилган бирлашмалари, улар одатда молиявий ишлар юзасидан ташкил этилади. унда давлат, банклар, молиявий муассасалар, йирик фирмалар эштирок этади
Концерн	Concern	Концерн	ишлаб чиқариш диверсификацияси асосида таркиб топадиган йирик, кўп тармоқли корпорация. улар аста-секин саноат монополиясининг етакчи шаклига айланади.
Монополия	Monopoly	Монополия	яккаҳокимлик; 2) ишлаб чиқаришни марказлаштириш оқибатида юзага келадиган катта бирлашма (картель, синдикат, трест, концерн, консорциум конглометрат ва шу кабилар). ушбу бирлашма ўз ичига ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатишни, маҳсулот сотишнинг кўп қисмини мужассамлаштиради, шу соҳада ўзини ҳукмрон мавқеини ўрнатади.
Монополиядан чиқариш	marketing Management	Управление маркетингом	давлат томонидан тармоқ бозорида рақобат муносабатларини ривожлантиришга кўмаклашувчи тартиб-қоидаларини жорий этилиши.
Бахо	cost of	Стоимость	баҳо - товар қийматининг пулда акс этиши, бозор иқтисодиётига асосланган жамият хўжалик механизмида амал килувчи иқтисодий дастак. н.

			фақат таннархга әмас, балки талаб ва таклиф, шунингдек товарнинг ижтимоий фойдалилиги, сифати ва бошқа товарлар ўрнини боса олиши, муомаладаги пулнинг харид қобилиятига ҳам боғлиқ.
Пул тизими	Structure of money	Структура денег	товар муомиласининг ривожланишининг натижаси бўлиб, давлатлар томонидан қонунчилик асосида мамлакатда пул муомаласини ташкил этиш.
Протекционизм	Protectionism	Протекционизм	миллий иқтисодиётни бошқа давлатлар билан бўладиган рақобатдан божхона тўсиқларини жорий қилиш, мамлакатга чет эл товарлари, хизмат турлари ва капиталларини кириб келишини чеклаш йўли билан ҳимоя қилиш ва сақлашга йўналтирилган.
Рақобат	Competition	Конкуренция	юқори фойда олиш мақсадида маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кураш
Реклама	Advertising	Реклама	товар ёки кўрсатиладиган хизмат тўғрисидаги холис ахборот, уларни кўпроқ сотиш мақсадида харидорларга уларнинг хоссалари, афзаликлари ва сотиб олиш шартларини етказиш. р. маҳсус фирмалар орқали амалга оширилади ва юқори даромад манбаиҳисобланади.
Савдо агенти	Trading agent	Торговый агент	бир ёки бир қанча корхоналар товарларини шартнома асосида сотадиган вакил
Тариф ставкаси	Tariff rate	Тарифная ставка	тегишли иш тоифасига эга бўлган ишчининг меҳнатига тўланадиган ҳак миқдорини

			белгилаб беради.
Товар белгиси	Trademark	Товарный знак	муайян фирма товарларига қўйиладиган белги. тб (савдо маркаси) факат маълум фирмага тегишли бўлади ва уни бошқа фирмалар ўз товарларига қўяолмайдилар
Франчайза	franchisee	Франчайза	фойдаланиш учун тайёр корхона, фирма ёки машхур фирма маҳсулотининг савдо маркасидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилувчи бизнес юритиш усули.
Фьючерс операциялари	Futures transactions	Фьючерсные операции	биржаларда амалга ошириладиган савдо-сотик операциялари. бу операциялар шартнома тузилганидан сўнг ишлаб чиқариладиган ёки етиштириб бериладиган маҳсулотлар бўйича амалга оширилади. одатда, ушбу шартнома тузилгандан сўнг буюртмачи бажарувчига аванс тариқасида маълум суммани ўтказиб беради.
Эмбарго	Embargo	Эмбарго	чет эл товарларини киритиш ёки чиқариш, олиб чиқиб кетишни давлат томонидан таъкилаш ёки чет давлатга қарашли мулкни вактинча тўхтатиб туриш, таъкилаш.
Эмиссия	Emission	Эмиссия	муомалага банк билетлари, пул ва қимматбаҳо қофозларни чиқариш, давлатнинг эмиссия банклари томонидан амалга оширилади. э. асосан давлат бюджетидаги камомадни тўлдириш, издан чиқсан пул муомаласини тиклаш мақсадида ўтказилади.

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2011. - 406.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида. №ЎРҚ-341 2012 йил 20 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Рақобат тўғрисида. №ЎРҚ-319. 2012 йил 6 январь.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари,

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.01.2019 йилдаги ПФ-5630-сонли “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони
- 5 . Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.01.2019 йилдаги ПФ-5635-сонли 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2018 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 март ПФ-4707 —сонли “2015—2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш чора-тадбирларини тъминлаш тўғрисида.”ги Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 май ПФ 4725-сонли "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли

химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги [Фармони](#).

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2019 йилдаги ПҚ-4126-сонли "Монополияга қарши курашиб кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори .

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев Қарори "хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлариъ тугрисида 18.04.2017

12. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. //Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 21 сентябрь.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги ПҚ-2751-сонли

["Республикада банк пластик карточкалари асосида нақд пулсиз ҳисоб- китоб тизимини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"](#)ги Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.02.2017 йилдаги 44-сонли "[Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибиغا ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида](#)" ги Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.01.2017 йилдаги ПҚ-2746-сонли "[Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида](#)"ги Қарори

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрь ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг асрлари.

1. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” .2015-йилдамамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуnlари ҳамда 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzasi. –“халқ сўзи”, 2016 й, 17 январь.
2. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуnlари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzasi. // “Халқ сўзи” газетаси, 2015 йил 17 январь.

IV. Дарсликлар

1. Б.Ю. Ходиев, Шодмонов Ш.Ш., Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2017. – 783 б. Тошкент “Barkamol fayz media”
2. Майкл Портер. Конкурентная стратегия. Методика анализа отраслей и конкурентов. 5-е издание. Издательство-Альпина Паблишер, 2016 г. 456 с.

3. Майкл Портер. Международная конкуренция. Конкурентные преимущества стран. Издательство-Альпина Паблишер, 2017 г. 947 с.
4. Michael E. Porter. Competitive strategy: Techniques Analyzing Industries and Competitors. The free press. New York London Toronto Sydney Singapore. 2017 y. 840 p.
5. Чиркунов Олег Анатольевич Государство и конкуренция; Новое литературное обозрение (НЛО) - М., 2016. - 277 с.
6. Кулешова А. Б. Конкуренция в вопросах и ответах; ТК Велби, Проспект - М., 2016. - 256 с.
7. Овчинников, В. В. Глобальная конкуренция. М.: Институт экономических стратегий, 2016. - 360 с.

V. Ўқув қўлланмалар

8. Алимов Р.О., Расулов А.Ф., Қодиров А.М. “Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт”. Монография.Т.:CONSAUDITINFORM - NASHR, 2006. – 438 б.
9. Арментано, Доминик Антитраст против конкуренции / Доминик Арментано. - М.: ИРИСЭН, 2017. - 432 с.
10. Кирцнер Израэл Конкуренция и предпринимательство; Социум - М., 2016. - 1425 с.
11. “Теория конкуренции” учебное пособие для студентов экономических специальностей Саратов: Изд-во «Саратовского государственного университета им Н.Г.Чернышевского» , 2014. – 80с
12. M.E.Porter. The Competitive Advantage of Nations. – Free Press; 1 edition (Jun 1 1998). – 896 p. 3. П.Р.Кругман , Обстфельд М. Международная экономика: Теория и политика – М.: Экон. Фак. Моск.гос. ун-та: ЮНИТИ, 2007. 769 с.
13. Г.Л.Азоев, А.П. Челенков Конкурентные преимущества фирмы. - М.: ОАО «Типография «Новости», 2003. - 256 с

14. Р.А.Фатхутдинов Конкурентоспособность: экономика, стратегия, управление. – М.: Инфра-М, 2000. – 312 с.
15. Ш.Д. Эргашходжаева Халқаро рақобат. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2013 й.-328 б.
16. А.В.Вахабов, Д.А.Таджибаева, Ш.Х.Хажибакиев. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма.- Т.: Молия, 2011. - 708 б.

Интернет сайтлари

17. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.
18. www.gkk.uz Ўзбекистон Республикасини Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси сайти
19. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
20. www.economist.com
21. www.webofscience.com
22. www.tradingeconomics.com
23. <http://grad-schools.usnews.rankingsandreviews.com/best-graduate-schools/top-humanities-schools/economics-rankings>
24. www.ereport.ru - Обзорная информация по мировой экономике
25. www.stplan.ru - экономика и управление

М.Т.ЯХШИЕВА

**ҲОЗИРГИ ЗАМОН РАҚОБАТ
НАЗАРИЯСИ**

(Ўқув қўлланма)

Тошкент: Иқтисодиёт, 2019